

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Алишер Навоий номидаги
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯ»
кафедраси

5120300- Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) ва
5120400 Археология ихтисосликлари учун

ГЕОГРАФИЯ
фанидан маърузалар матни

Самарқанд – 2013

Усмонов М.Р. «География». Маърузалар матни. Самарқанд, СамДУ, 2013 йил

Ушбу Маърузалар матни Самарқанд давлат университети Табиий фанлар факультети “Иқтисодий ва ижтимоий география” кафедрасида ишлаб чиқилди.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа олий ўқув юртлари 5120300- Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) ва 5120400 Археология ихтисосликлари учун ихтисослигида таҳсил олаётган 2-курс талабаларга мўлжалланган.

Такризчилар: г.ф.д., проф., А.Абдулқосимов.
Гидрометеорология ва ландшафтшунослик кафедраси
г.ф.н. Т.Жумабоев. “Иқтисодий ва ижтимоий география”
кафедраси доценти

Самарқанд давлат университети Ўқув – услубий Кенгашининг
2013 йил _____ № – сон мажлисида кўриб чиқилди
ва нашр этишга тавсия қилинди

КИРИШ

География фани ҳақида

География қадимги замонда турли мамлакат ва элатлар табиати, аҳолиси ҳамда ҳўжалиги ҳақидаги маълумотлар тўплами – қомуснома тўплам бўлган. Ҳозирги вақтда география табиат ва жамиятни ўрганувчи табиий ҳамда ижтимоий фанлар системасидан иборат. Табиий фанлар ер юзаси табиатини, ижтимоий фанлар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жойлашиши, шароити ва хусусиятларини ўрганади.

Географик фанлар қадимги географиянинг бўлиниши натижасида вужудга келган. Бу бўлиниш икки хил йўлдан борди: аналитик йўл, яъни табиий муҳитнинг айрим компонентларини ёки халқ ҳўжалигининг айрим тармоқларини ўрганишга мослашган фанлар, синтетик йўл, яъни табиий ёки ишлаб чиқариш комплексларини ўрганадиган фанлар. География – геосистемалар ҳақидаги фан деган таъриф ҳам мавжуд: Геосистемалар уч босқичга эга: 1. Планетар. 2. Регионал. 3. Типологик.

Географик фанларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Табиий географик фанлар: геоморфология, иқлимшунослик, куруқлик гидрологияси, океанология, гляциология, музлоқшунослик, тупроқлар географияси, биогеография, табиий география, фенология ва б.

2. Географик ижтимоий фанлар: география тарихи, иқтисодий география ва унинг барча тармоқлари, аҳоли ва аҳоли пунктлари географияси, энергетика, саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва ҳ.к. географияси.

3. Махсус географик фанлар: Ўлкашунослик, мамлакатшунослик, географик топонимика, тиббий география, ҳарбий география.

4. Харитаграфия ва унинг барча тармоқлари.

Бу ҳар бир гуруҳга қирувчи фанларнинг ўз ўрганиш объекти, предмети ва ўрганиш методлари бор. Ҳар бирининг назарий, регионал ҳамда амалий бўлимлари ҳам бор.

Табиий географиянинг ўрганиш объекти. Табиий география (физис-табиат, ге-ер, графо-тасвирламоқ) ер ҳақидаги фан деган маънога эга. Бу жуда умумий гап. Чунки ерни жуда кўп табиий фанлар ўрганади. Ҳўш табиий география ернинг қайси қисмини ўрганади? Ернинг ички қисмига моддий борлиқнинг бошқа шакли ҳосдир.

Ер қуррасининг устки қисмида ўзига хос бўлган **қобик** таркиб топган. Бу жойда моддалар уч хил ҳолат – газ, суюқ ва қаттиқ ҳолатда бўлади. Бу жойга ернинг ички қисмидан ҳам, қоинотдан ҳам энергия келиб туради. Ернинг ички қисмидаги моддаларнинг сараланиши натижасида **литосфера, гидросфера ва атмосфера** вужудга келган. Табиат тараққиётининг маълум босқичига келиб, тирик организм пайдо бўлган, у литосфера, гидросфера, атмосфера тараққиётига катта таъсир кўрсатиб келмоқда. Ҳаёт фаолияти рўй берадиган қобикни **биосфера** деб атаймиз.

Шундай қилиб, ернинг тараққиёти давомида юза қисмида ўзига хос жуда мураккаб ва бир бутун табиий система пайдо бўлганки, у **географик қобик** деб аталади. Одам ҳам ана шу қобикда пайдо бўлиб шу жойда яшайди.

Табиий география мана шу қобик – географик қобикни ўрганади. Бу қобикни яна **ландшафт қобиғи** ҳам деб юритилади.

Бу қобикнинг ернинг бошқа қобикларидан сифатий фарқлари қуйидагича:

1. Моддалар хилма хил – бирикмалар ва мураккаб жисмларгача турли тузилишига эга.

2. Органик дунё, тупроқ қоплами, чўкинди жинслар, рельефнинг турли шакллари мавжуд.

3. Қуёшдан келадиган энергия тўпланади.

4. Ер қобиклари ўзаро таъсир этиб туради. Географик системалар – комплекслар таркиб топган.

5. Одамзод жамияти мавжуд ва ҳ.к.

Бу қобик атмосферада тропосферани (11-16 км), сув қобиғи – гидросферани (11 км) ва литосферани (2-3 км қалинликдаги қисмини) ўз ичига олади.

Табиий географиянинг вазифалари ва бўлиниши. Географик қобик ёки ландшафт қобиғи ҳамма жойда бир хил эмас. Бунинг хилма-хиллиги уни ҳосил қилган компонентларга боқлиқ – бу компонентларга рельеф, тоқ жинслари, иқлим, сув, тупроқ қоплами, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси киради.

Булар турли жойда турли миқдорда, турлича тўпламда учрайди ва уларнинг ўзаро таъсири ҳам хилма-хил бўлади, яъни географик тузилиши ҳар хил бўлади. Бу ўз навбатида географик қобикда хилма-хил қисмларни-ҳудудий комплексларни вужудга келтиради. Ер юзасининг бошқа қисмларидан сифат жиҳатидан фарқ қилувчи ва табиий чегараларга эга бўлган қисмларини географик комплекс – географик ландшафт деб аталади. Ландшафтлар бир-бирлари билан тутшиб, бутун Ер юзини қоплаган ландшафт қобиғини ҳосил қилади.

Демак, табиий географик фанлар: 1) бутун ландшафт қобиқини бир бутун система сифатида; 2) ландшафт қобиғининг айрим қисмларини (ландшафт комплексларининг) ва 3) бу комплексларни ҳосил қилувчи айрим-айрим компонентларини ўрганади. Компонентларни эса юқорида айтиб ўтилган табиий география фанлар (геоморфология, иқлимшунослик ва ҳ.к.) ўрганади.

Ана шу ўрганиш объектига қараб туриб табиий география уч – тармоққа бўлинади: Умумий ер билими, регионал табиий география, компонентлар географияси.

Умумий ер билими ландшафт қобиқини бутунлигича, унинг моддий таркибининг энг умумий хусусиятларини, географик тузилиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганади.

Регионал табиий география географик комплексларни (ландшафтларни), уларнинг тузилиши, ривожланиши ва ҳ.к.ларни ўрганади. Табиий география ландшафт қобиғининг ҳозирги ҳолатини ўрганади. Унинг илгариги ҳолатини билмасдан ҳозиргисини, келажакдаги тараққиётини тушуниш қийин. Шунинг учун табиий географиядан ландшафт қобиғининг ўтмишини, унинг тараққиёт йўлини ўрганадиган тармоқ – **палеогеография** ажраб чиққан, у ҳам икки тармоққа – умумий ва регионал тармоқларга эга.

Табиий география комплекслик характерга эга бўлганлигидан бошқа фанлар билан, биринчи галда иқтисодий география ҳамда компонентларни ўрганувчи фанлар билан жуда яқиндан боғлиқ ва уларнинг тадқиқотларига таяниб иш кўради. Масалан, Каспий денгизи масаласи. Бунда иқтисодий география билан боғланмасдан бу масалани ижобий ҳал қилиб бўлмайди. Табиат компонентларининг чамбарчас боғланганлигига яна бир мисол. Хитойда миллионлаб пуд ғаллани чумчуқлар еб кетиши аниқлангандан кейин чумчуқларга қарши кураш бошланди. Лекин ғалла кўпайиш ўрнига камайди. Чумчуқ тутиб, боласига берадиган ҳашоратлар шу даражада кўпайиб кетдики, улар ғалла у ёқда турсин, мева дарахтлари ва тутларга ҳам ўтиб кетди. Шундан кейин чумчуқлар “оқланди”.

Олам ва Қуёш системаси

Олам бепоён, доимий бор, материянинг хилма-хил шаклларида иборат. Оламни ташкил этган материянинг энг кўп қисми юлдузлар, планеталар, уларнинг йўлдошлари ва кометалар (думли юлдузлар) да тўпланган. Олам системали тузилишга эга.

Оламдаги энг оддий система – планета билан унинг йўлдоши системаси. Ҳар бир система янада йирикроқ системанинг таркибий қисми ҳисобланади. Масалан, Ер, Ой системаси Қуёш системасини, ҳамма қуёшлар системаси эса галлактикани ҳосил қилади. Галактикалар галактика системаси – метagalactika таркибига киради.

Қуёш. Қуёш системадаги марказий жисм-Қуёш. Диаметри – 1 391 000 км. Қуёш системасининг салкам 99 фоиз массаси қуёшда тўпланган. Қуёш якка юлдуз бўлганлигидан сайёралар салгина эллипс шаклидаги орбитабўйлаб ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам сайёраларнинг иссиқлик режими анча барқарордир. Қуёш системасининг диаметри салкам 12 млрд. км. Бу эса энг яқин юлдузгача бўлган масофадан 3500 хисса кам демакдир. Бинобарин, сайёралар ҳаракатига бошқа юлдузлар деярли таъсир кўрсатмайди. Қуёш ўз ўқи атрофида 27, 35 суткада бир айланиб чиқади. Қуёшнинг юза қисмидаги ҳарорат 5700° , унинг ҳар бир кв/см. юзаси 50 000 халқаро шам ёруғича

ёруқлик сочади. Қуёш ҳар секундига 4 . 1033 эрг нур сочади. Ерга бунинг 2 миллиарддан бир улушигина келади. Ер атмосферасига ҳар минутда 1 см² майдонга 2 кал энергия тутади. Меркурийга Ердагига нисбатан 7 ҳисса кўп энергия тушади.

Қуёш ўзидан кўп миқдорда материя ва энергия-ёруқлик, иссиқлик ва электрон тўлқинларини тарқатиб туради.

Сайёралар ҳаётида Қуёш бениҳоя катта роль ўйнайди. Ердаги ҳаёт ҳам Қуёшга боғлиқ.

Қуёш системаси. Қуёш системасига қуёшдан ташқари 8 та сайёра*, уларнинг йўлдошлари, астероидлар, кометалар, метеор жисмлар киради. Қуёшга нисбатан қуйидаги тартибда жойлашган. 1-Меркурий (Уторид), 2-Венера (Зухро), 3-ёр, 4-Марс (Миррих), 5-Юпитер (Зухал), 6-Сатурн (Муштарий), 7-Уран, 8-Нептун. 2006 йилда астрономларнинг Женевада бўлиб ўтган конференциясида Плутон сайёраси жуда кичик бўлганидан уни астероид деб тан олинди.

Барча сайёралар Қуёш атрофида ва ўз ўқи атрофида бир томонга, шимолий қутбга қаратиб қўйилган соат стрелкаси ҳаракатига тескари томонга айланади.

Катта сайёраларнинг орбиталари деярли бир текисликда ётади. Уларнинг эксцентритети¹ кичик. Шунинг учун улар бир-бирларига унча кўп яқин келмайдилар ва гравитацион таъсири кам бўлади.

Кўпчилик сайёраларнинг йўлдошлари бор. Сайёраларнинг кўпчили йўлдошлари сайёралар айланадиган томонга, баъзилари тескари томонга томонга айланади.

Сайёралар юлдузларга нисбатан жуда кичик бўлганидан уларда термоядро энергияси ўз-ўзидан ажраб чиқмайди. Лекин улар ўзида суюқ сувни, атмосферани ушлаб туришга қодир. Шунинг учун ҳам планеталарда тирик организмлар пайдо бўлиши учун шароит мавжуддир.

Сайёралар икки гуруҳга бўлинади: ўртача зичлиги катта, ўз ўқи атрофида секин айланадиган, йўлдошлари йўқ ёки кам бўлган ички – Ер гуруҳга ва ўртача зичлиги кичик, ўз ўқи атрофида тез айланадиган, йўлдошлари кўп бўлган ташқи сайёралар гуруҳига бўлинади.

Америкалик Д.Уитмаур ва Д.Ж.Матис яна сайёралар бўлса керак, деган фикрни айтишган.

Астероидлар. Марс билан Юпитер орбиталари орасида астероидлар минтақаси бор. Астероидлар Қуёш атрофида сайёралар айланадиган томонга ҳаракат қилувчи, маълум бир шаклга эга бўлмаган, қиррали, қаттиқ жисмлардир. Астероидлар орбиталарининг эксцентритети 0,15 га тенг, яъни орбиталари чўзиқроқ. Энг катталари Церера (диаметри 788), Паллада (489 км), Веста (385 км), Юнона (193 км). 50 мингдан ортиқ астероид борлиги маълум. Улар массаси Ер массасининг 1/1000 улушига тенг, Қуёш атрофини бир йилдан 14 йилгача вақт давомида айланиб чиқишади. Баъзи астероидларнинг орбиталари анча эллипс бўлиб, Ер орбитаси ичига ҳам киради. Улар апполон типига астероидлар дейилади.

Кометалар (думли юлдузлар)нинг ёрқин кўриниб турадиган боши ва тобора хиралашиб боровчи битта ёки бир неча думи бўлади. Бошининг ўрта қисмида қаттиқ жисмдан, баъзан муз парчасидан иборат ядроси бўлиб, унинг диаметри бир неча км га етади. Қолган қисми сийрак газ ва космик зарралардан иборат бўлади. Думининг узунлиги 100 млн.лаб км га етиши мумкин. Кометаларнинг орбиталари жуда чўзинчоқ эллипс шаклида бўлиб, баъзан параболага айланиб кетиши мумкин. Қуёш атрофида 3 йилдан минглаб йилгача давр мобайнида айланиб чиқади. Энг яхши ўрганилган галлей кометаси ҳар 72 йилда келади.

Метеоритлар. Турли оғирликдаги ва турли катталиқдаги тош ёки темир жисмлар. Катталиги мм. нинг улушидан бир неча метргача, оғирлиги миллиграммдан бир неча

¹ Эксцентритет сайёралар қуёшдан энг узоқ ва энг яқин бўлгандаги масофалар айирмасининг улар йигиндиси ниёсбати. Ерга $\frac{152-147}{152+147} = \frac{5}{299} = 0,017$

тоннагача боради. Улар таркибида Ерда учрайдиган жинслар, минераллар бўлади. Баъзан янги минераллар ҳам учрайди. Улар бирор сайёранинг ёки астероидларнинг парчаланишидан пайдо бўлган. Баъзан метейр жисмлар катта тезлик билан Ер атмосферасига кириб хаво билан ишқаланиб ёниб кетади. Осмонда ёруғсиз қолади. Уни меэтр ходисаси дейилади, юлдуз учди деб ҳам айтишади.

Сайёраларнинг пайдо бўлиши ҳақида биринчи илмий гипотезани 1755 йили немис файласуфи И.Кант ишлаб чиқди. Унинг фикрига кўра, Қуёш билан сайёралар газ ва қаттиқ жисмлардан иборат дастлабки космик туманликдан келиб чиққан. 1796 ва 1824 йилларда француз математиги П. Лаплас ҳам шунга ўхшаш гипотезани олдинга сурди. Унинг фикрига кўра сайёралар Қуёшни ўраб олган қизиган газлардан вужудга келган.

1940-1950 йиллар мобайнида О.Ю.Шмидт бошчилигида бир гуруҳ олимлар янги бир космогоник гипотезани яратишди. Бу гипотеза Қуёш яқинида космик зарра жисмлар қандай ҳосил бўлиб қолганини ва улардан планеталар қандай вужудга келганлигини тушунтириб беради.

Юлдузлар пайдо бўлган вақтда улар оралиғидаги фазода совуқ чанг ва газлардан иборат туманлик қолади. Буларнинг юлдузларга бориб тушмаслигига сабаб тез айланишидир.

Қуёш галлактика маркази атрофида ҳаракат йўлида ана шундай туманликни ўзига эргаштириб олган. Бу туманликдаги зарра ва чанглар Қуёш атрофида айланар экан, улар бир бирлари билан қўшилиб, планеталарни ҳосил қилган. Сайёраларнинг ҳосил бўлиши Қуёшнинг бевосита таъсири остида борган. Қуёшга яқин жойдаги енгил жинслар эриб, буғланиб Қуёш нури босими остида узоққа суриб юборилган. Шунинг натижасида бу жойда кичик, лекин зичлиги катта сайёралар вужудга келган. Узоқда ҳам сайёралар кичик бўлишига сабаб, у жойда туманликнинг ўзи сийрак бўлган. Узоқдаги планеталарнинг ўз ўқи атрофида тез айланишига сабаб шуки, уларда Қуёш тортиши натижасида рўй берадиган қалқиш ходисаси заиф рўй беради. Марс сайёраси массасининг аномалияси Юпитернинг таъсирига боғлиқ-Юпитер Марсга яқин жинсларни ҳам ўзига тортиб олган.

Ернинг Қуёш системасида жойлашган ўрни унинг табиатига қуйидагича таъсир кўрсатади:

1. Сайёралар системасининг деярли ўрта қисмида бир юлдуздан иборат қуёшнинг бўлиши сабабли сайёраларнинг орбитал ва ўз ўқи атрофидаги ҳаракати бир текис. Шу сабабли табиий жараёнлар ритмик ва ҳаёт учун қулай шароит бор.

2. Ер Қуёшга яқин бўлганлигидан у оғир элементлардан ташкил топган, бу унинг зич бўлишини таъмин этади.

3. Етарли миқдорда зич, оғир бўлганлигидан сув ҳосил бўлиши учун зарур водородни ўзида ушлаб қолган.

4. Ер Қуёшдан шундай масофада жойлашганки, қалқиш қаршилиги катта бўлмай, Ер ўз ўқи атрофида анча тез айланади.

5. Қуёшдан узоқлик масофаси атмосферанинг ҳарорат шароити ҳаёт учун қулай бўлишига олиб келган.

6. Ер юзаси табиатига Ой маълум даражада таъсир қилади: қалқиш тўлқинларини ҳосил қилади. Қалқиш тўлқинлари Ернинг ўз ўқи атрофида айланиш тезлигини камайтиради, бу эса ер пўсти ҳаракатида ўз таъсирини кўрсатади.

Ер – сайёра

Қуёшдан ўртача узоқлиги 149,6 млн. км. Орбита бўйлаб ҳаракат тезлиги 29,76 км/сек. Ўз ўқи атрофида 23 соат, 56 минут, 4,09 секундда айланиб чиқади.

Ер ўқи эклиптика текислигига $66^{\circ} 31' 22''$ оған.

Қутблар жойини бир неча метр ўзгартириб туради. 40 000 йил давомида $24^{\circ} 36'$ дан $21^{\circ} 58'$ гача ўзгарган. Ҳозир $23^{\circ} 29'$. Бу ўртача. Ўртача радиуси 6371,110 км. Майдони 510 млн. км². Ўртача зичлиги 5,52 г/см³. Массаси 5.976 x 10²¹ тонна.

Ернинг катталиги ва массасининг географик аҳамияти:

1) Ер атрофида доимий магнит майдонининг бўлиши. У 20-25 ер радиусига тенг калинликда. Ер юзини қалқон каби кўриқлайди, радиация минтақаларининг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

2) Атмосферани ушлаб туради, Ерда ҳаёт бўлишига имкон берган.

3) Организмлар ва одам яшайдиган жойнинг чегараланганлиги. Юпқа қобикда организмлар мавжуд.

Ернинг газдан иборат думи бор. У атмосферанинг устки қисмидан газларнинг чиқиб кетишидан ҳосил бўлган, водород атоми ва чанглардан иборат. Юз минглаб км. га чўзилган. Қуёшдан тескари томонда жойлашган.

Ерда 11 хил кимёвий элемент -кислород, водород, кремний, алюминий, натрий, магний, кальций, темир, қалай, углерод ва титан энг кўп. 99,5%. Қуёш ва юлдузлар деярли бутунлай водород ва гелийдан иборат.

Ер космосда геохимик аномалиядир.

Ернинг тузилишида энг муҳим нарсаси унда бир қанча концентрик қобикларнинг бўлишидир.

Ернинг шакли

1. Қадимда Грецияда Ер аниқ шар шаклда, чунки худо ишни бекамикўст қилади дейишган, шар шаклидалигининг исботланиши олдинга қўйилган кадам эди.

2. 1672 йили Париждан Кайеннага маятниклик соат олиб кетишаётганида экваторга етганда суткасига 2 минут 28 секунд орқада қола бошлаган. Маятникни 2,8 мм га қисқартиришга тўғри келган. Ньютон буни марказдан қочиш кучи билан ва Ер марказидан узоқлашгани билан исбот этган.

Меридианларнинг ёйнинг ўлчаниши ва маятник тебранишини ўлчаш билан Ернинг экватор радиуси (А 6378,245 км, Ф.Н.Краснов ва унинг ходимлари) кутб радиусидан 21,382 км узунлиги аниқланган. Кутбни радиус, В=6356,863.

Бундай шакл эллипсоид дейилади.

3. Бир бирига перпендикуляр бўлган экваториал радиуслар 213 м гача фарқ қилади, яъни Ер уч ўқли эллипсоид шаклида.

4. Жанубий кутб радиуси шимолий кутб радиусидан 70-100 м қисқа экан.

5. Геометрик нотўғри шакл бўлганидан Ер шаклини геоид шаклида деб айтилади.

Ернинг шарсимон эканлигининг географик оқибатлари

1. Қуёш нурунинг нотўғри тақсимланиши, яъни экватордан кутбларга томон камайиб бориши.

2. Зоналикнинг вужудга келиши.

3. Атмосфера, океан оқимлари, сув қалқиши.

4. Ер юзасининг кеча ва кундузга бўлиниши.

5. Ер рельефига таъсири.

Горизонт

1. Кўринма горизонт.

2. Ҳақиқий горизонт.

3. Юқорига кўтарилган сари горизонт узоқлигининг ошиши. Қанча юқорига кўтарилганда горизонт узоқлигининг қанча бўлиши, яъни $H=3,86 \sqrt{x}$ формуласи билан аниқланади бунда x кузатувчининг баландлиги.

Ернинг ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланишининг географик оқибатлари.

Ернинг суткалик айланишининг географик оқибатлари

1. Кеча ва кундузнинг алмашилиши.

2. Бир вақтнинг ўзида турли жойда маҳаллий вақтнинг турли бўлиши.

3. Ҳаракатдаги ҳар бир жисмнинг шимолий яримшарда ўннга, жанубий яримшарда чапга бурилиши. Бэр-Кориолис қонуни.

4. Қуёш ва Ой тортишишидан Ерда қалқиш (сувда, атмосферада, литосферада) бўлиши. Ой суткасида (24 соат, 50 минут) иккида кўтарилиш ва икки қайтиш бўлади. Пенжинада 13, Фандида 18 м гача.

5. Иккита кутбнинг вужудга келиши.

Ернинг суткалик айланиш тезлиги фасллар бўйича ўзгаради.

Мартда секинроқ, августда тезроқ – фарқи 0,0025 секунд. Ернинг ички қисмидаги массалар жойининг ўзгариши ҳам тезликнинг бирдан ўзгаришига (0,0034 сек) сабаб бўлади.

Суткалик ҳаракатнинг асрий ўзгариши кўпроқ таъсир этади. Бунга Ой тортиши таъсирида моддалар (сув, ер, ҳаво) қалқишига сабаб бўлади.

Сутка 40 000 йилда 1 секунд узаяди. Демак, 500 млн. йил илгари Кембрий билан Ордовик чегарасида 20 соат чамаси, 1 млрд. йил илгари 17 соат бўлган. У вақтда субтропик максимум $+22^{\circ}$ бўлган. Ҳозир $+32^{\circ}$ да. Яъни тропик максимум бўлган. 1 млрд. йил кейин сутка 31 соат, бир йил эса 283 кун бўлади. Бора-бора Ер ойга қараб қолади ва Ер суткаси Ой ойига тенг бўлади.

Ерда экваторда марказдан қочиш кучи ер тортишиш кучининг ----- га тенг. Ер айланиши 17 хисса ошса ($17 = 289$), Ернинг айрим қисмлари ажраб чиқиб кетиши мумкин. Баъзилар ой шундай ҳосил бўлган дейишади.

Ер Қуёш атрофида 365,2478 суткада бир марта айланади. тавқимга асос бўлади. Соат минтақалари, сутка, йил. Юлий, Григорий, Хижрий (Қамарий, Шамсий) календарлар. Уларнинг асослари.

Географик координаталар

Ҳар бир нуқта иккита координата билан белгиланади: кенглик-узунлик.

Жойнинг географик кенглиги деб, шу жойдан Ернинг марказига ўтказилган чизик билан экватор текислиги ўртасидаги энг кичик бурчакка айтилади. 0° дан 90° гача ўзгаради. Географик узунлик деб шу жойдан ўтувчи меридиан текислиги билан бошланғич меридиан деб аталувчи меридиан текислиги ўртасидаги бурчакка айтилади. Ғарбий, Шарқий меридиан радиуслари узунлиги бир хил деб қабул қилинади. Кенгликлар – радиусларнинг 1° узунлиги қайси кенгликда жойлашганига боғлиқ.

Радиусларнинг 1° узунлиги 111,2 км деб ҳисобланади. Паралелларнинг 1° узунлиги $1^{\circ} = 111,2$ соза формуласи билан аниқланади. а- жойнинг географик кенглиги. Тошкент 41° шим. Кенгликда, кос $41^{\circ} = 0,7547$. Тошкент кенглигида $1^{\circ} = 111,2$. кос $41=111,2 \cdot 7547=83,92$ км.

Ернинг ички кўриниши. Ернинг ички тузилиши геофизик метод – сейсмик зондлаш ёрдамида ўрганилади. Ерда чуқурга тушган сари сейсмик тўлқинларнинг тезлиги секинлашади ва бирдан ўзгаради.

Шу тўлқинлар ўзгаришига қараб қуйидаги қисмларга бўлинади: Ер пўсти, мантия, ядро. Мантия икки қисмга – сиал, сима га бўлинади.

Ер пўсти. 4-35-65 км. Сиал – Си, Ал – (Сиал). Сима – кремний, магний, темир оксиди. Ер пўсти чўкинди, гранит, базальт, мантиянинг устки қисмидан иборат.

Ернинг ичига чуқур тушилган сари босим ҳарорат ошиб боради. Ҳарорат $4\ 000^{\circ}$ гача кўтарилади. Босим 1,4 млн атмосферагача ошади. Жинсларнинг зичлиги Ер пўстидаги 1,5-3 дан мантияда 3,5-5,5 гача, ядрога 12,6 гача кўтарилади.

Ер ичига тушган сари ҳар 100 метрда ҳароратнинг ўзгаришига геометрик градиент деб аталади. Ўрта ҳисобда 3° га тенг. Чуқурликка тушилган сари ҳарорат 1° ошиши учун зарур бўлган чуқурлик геометрик босқич (33 м) деб аталади.

Ер магнетизми

Ер шари магнит хусусиятига эга. Ўз атрофида магнит майдони ҳосил қилади. Ҳар бир магнитда бўлгани каби иккита қутби бор.

Қутблари: Шимолий қутб 77^0 шимолий кенглик 112^0 ғарбий узунликда.

Жанубий қутб 67^0 жанубий кенглик, 138^0 шарқий узунлик. Булар аста ўзгариб туради.

Магнит оғиши: географик меридиан йўналиши билан магнит меридиани йўналиши ўртасидаги бурчак.

Магнит энкайиши: Горизонтал юза билан магнит стрелкаси йўналиши ўртасидаги бурчак.

Доимий магнит майдони: Ернинг иккита магнит қутби оралиғида ҳосил бўладиган ва олам магнетизми билан боғланган магнит майдони.

Ўзгарувчан магнит майдони: Ер пўстида темир рудаси конлари бор жойларда бўлади. Компас стрелкаси Ер магнит қутбини эмас, балки шу руда конини кўрсатади. Магнит тоғи, Курск магнит аномалияси ва бошқалар. Шундай магнит майдонлари ўзгарувчан магнит майдонлари дейилади.

Ер пўсти

Ер пўсти қалинлиги 4-5 км дан 80 км гача етади. Материк ва океан Ер пўстларига бўлинади. Булар тоғ жинслари турлари, қатламлари, қалинлиги ва ёшига кўра фарқ қилади. Бундай фарқларни тушунтириш учун бир қанча гипотезалар мавжуд:

1. Ернинг катталашаётгани, 1933 йил немис олими Отто Хилгенберг бу гипотезани олға сурган.

2. Вегенернинг материкларнинг горизонтал силжиши гипотезаси, 1912 йил.

3. Ер пўсти билан мантия оралиғида модда ва энергиянинг айланма ҳаракати гипотезаси.

Ернинг ёши

Ернинг ёши ер пўстидаги тоғ жинсларининг ёшини аниқлаш орқали белгиланади. Бунда биологик ва радиохимия методларидан фойдаланилади. Ер ёши қатламларга нисбатан аниқланганда нисбий бўлади. Қатламлардаги уран, радий, карбон каби минералларнинг парчаланишини аниқлаш билан (радиохимия) мутлоқ ёш аниқланади. Ер ёши ҳисоби геохронологик сана дейилади. Геохронологик сана эонларга, эраларга, даврларга, эпоха, асрларга бўлинади. Эон – грекча аср, давр. Лекин энг катта вақтни ўз ичига олади. Ер ёши иккита эонга бўлинади: криптозой, фанерозой.

Тектоника (юнонча) – қурилиш, қуриш санъати, деган маънони билдиради.

Ер ичидаги (юқори мантиядаги) ҳаракатлар натижасида Ер пўстида рўй берадиган букилиш, бурмаланиш, синиш, силжиш, кўтарилиш, чўкиш ходисалари тектоник ҳаракатлар дейилади.

Тектоник ҳаракатлар юқори мантия билан ер пўстининг ўзаро таъсирида рўй беради.

Тебранма (эпейрогеник) ҳаракатлар. Ер пўсти аста кўтарилиб, аста пасаяди. Тезлик ҳар хил. Синеклиза, антиклизалар ҳосил бўлади. Неоген ва антропоген давриларда Тянь-шанда тектоник ҳаракат амплитудаси 12-15 км бўлган, текисликларда секин бўлади. Текислик ва қирлар ҳосил бўлади.

Ҳозирги ҳаракатлар Россия текислигида Донбассда, Днепрбўйи қирларида кўтарилиш йилига 10 мм гача боради. Печора ҳавзасида чўкиш йилига 11,8 мм. га тенг. Нидерландияда мамлакатнинг ярим ҳудуди денгиз сатҳидан паст.

Бурмали букилиш ҳаракатлари. Бурмали тоғлар, тоғ олди букилмалари ҳосил бўлади. Кавказ, Урал, Кордильера, Анд, Ҳимолай ва бошқа тоғлар, Ҳинд-Ганг пасттекислиги, Месопотамия.

Узилма ҳаракатлар – палахсали, бурмали-палахсали тоғлар. Горст, грабенлар: Олтой, Саён, Тянь-шан.

Рифт зоналар. Рифт инглизча – ёриқ. Рифт зоналарида кўтарилма ҳаракат бўлиб, ер пўсти юпқалашади ва ёрилиб, ер пўсти бўлаклари бир-биридан узоклашиб, океан ер пўсти ҳосил бўлади. Байкал, Калифорния, Қизил денгиз, Буюк Африка ёриқи.

Ҳалқасимон қурилмалар. Ҳосил бўлиши ҳар хил. Вулқон чиқши, метеорит тушиши. Сабаб бўлиши мумкин. Ер юзида 130 дан ортиқроқ шундай шакллар бор.

Энг каттаси Хатанга дарёси бўйида. Чуқурлиги 200-400 м, диаметри 100 км. Карелиядаги Янисярви кўли метеорит кратерида. Аризона кратери $D=1,2$ км, чуқурлиги 180 м.

Ер қимирлаши (зилзила)

Ер пўстида синиш, ёрилиш, букилиш, вулқон отилиши ва бошқа сабабларга кўра титраш, силжиш, тебраниш ҳаракатлари. Ер қимирлашнинг иккита маркази бўлади.

Гипоцентр – ўчоқ, чуқурлигига кўра уч хил бўлади: 1) 60 км гача саёз, 2) 300 км гача ўрта, 3) 300 км дан ортиқ - чуқур.

Эпицентр – марказ.

Энергияси – магнитудада ҳисобланади. Энг каттаси 9-10, кучи – баллда белгиланади. Ер юзасига таъсири чуқурликка боғлиқ. Вертикал (кўндаланг), горизонтал (бўйма) тўлқинлар бўлади. Тўлқин тезлиги 60 км гача чуқурликда 5,5 км/сек. 60 км дан чуқурда 5-8 км/секундгача. 2900 км да 13 км/сек га етади, кейин пасайиб 8 км/сек.га тушади.

Балл 1-12 гача Меркалин Медведев шкаласи, чет элларда 1-10 Рихтер шкаласи қабул қилинган. Японияда 1-7 балл шкалада ҳисобланади.

Ер қимирлаш зоналари Ер юзида ер қимирлашга сарф бўлган энергиянинг 80 % Тинч океан ҳалқасига, 15% зонасига Альп Ҳимолай. Буюк Африка ёриғи ва қолганлари ерларга 5% тўғри келади.

Вулқонлар

Ер пўстидаги газ, тош, лава, сув буғи отилиб чиқадиган ёриқ ва тешиклар ҳамда отилиб чиққан жинслар ҳосил қилган рельеф шакли вулқон дейилади.

Ер юзида 530 дан ортиқ вулқон бор. Вулқон жинслари таркибидаги кремний миқдори қараб асосий (50-55%) ва нордон (65 % ва ундан кўп) тоғ жинслари бўлади.

Вулқонлар ёриқдан чиқадиган ва марказий вулқонларга бўлинади.

Вулқонларнинг географик оқибатлари иқлимга, рельефга, ер ости сувларига, тупроққа, ўсимликка таъсири катта бўлади. Атрофдаги ландшафтлардан ажралиб туриб, вулқон ландшафтини ҳосил қилади.

Гидросфера – Ернинг сув қобиғи

Гидросфера – ернинг сув қобиғи. Жойлашиш ўрни ва ҳолатига қараб, туташ сув ва тарқоқ сувга бўлинади. Туташ сувга океан ва денгизлардаги, қуруқликдаги сув ҳавзаларида тўпланган сувлар киради. Тарқоқ сувларга сув буғи ва музликлар киради. Гидросферага яна тупроқ, грунт сувлари, ер ости сувлари, ўсимлик ва ҳайвонлар танасидаги сувлар ҳамда киради. Ер юзининг 70,8% ини сув қоплаган (361 млн. км²).

Бутун табиатда бўлгани каби гидросферада ҳам сув тўхтовсиз айланма ҳаракатда бўлади.

Гидросферага сув мантияда моддаларнинг сараланиши оқибатида кириб келган. Бу жараён ҳозир ҳам давом этапти. Гидросферага ҳар йили тахминан 1 км³ миқдорда сув қўшилиб туради. Гидросферадаги сувнинг асосий қисми шўр. Бутун сувнинг 2,53 % ини чучук сув ($35029,2$ минг км³) ташкил этади. Лекин сув айланма ҳаракатда бўлганлигидан чучук сув кўпга ўхшайди. Айланма ҳаракат куёш энергияси ҳисобига бўлади. Бир йилда 525 100 км³ сув ёғин бўлиб ёғади, бунинг ер юзига тақсимланса, 1030 мм дан тўғри келади.

Дунё океани

Гидроосферадаги сув ҳажмининг 96,5 фоизини ташкил этади. Шимолий ярим шарда 60,7 фоиз, жан яримшарда 81 % майдонни эгаллаган.

Океан тагини рельефига кўра 5 турга ажратиш мумкин: материк саёзлиги, океан ёнбағри, ўртадаги тоғлар, чеккадаги ботиклар, йирик ҳавзалар. Океан тагида учрайдиган тоғ жинслари икки хил – терриген ва океан тоғ жинслари. Отқинди жинслардан базальт лавалари, органик моддалардан оҳактош, маржон полиплари бор. Булардан ташқари лойқалар, космик чанглар, қирғоқ емирилишдан тушган жинслар, дарё оқизиклари, тузлар бор.

Океан сувида 60 га яқин минерал эриган, сувнинг шўрлиги ўрта ҳисобда 35‰. Сувда эриган тузнинг 77,76 фоизини NaCl, 1087 фоизини MgCl, 4,74 фоизини MgCO₄ ва 3,60 фоизини CaCO₄ ташкил этади. Океанда 1000 метрдан чуқурда ҳамма жойда сув шўрлиги бир хил – 35 промилле. Сув юзасида оқимлар, ёғинлар, буғланиш таъсирида шўрлик даражаси ҳар хил: Экватор атрофларида 37 ‰, тропикларда 36-38‰, мўътадил минтақада 35‰ кутбий ўлкаларда 35-35‰.

Сувнинг ҳарорати куёш радиациясига, шамолларга, оқимларга, тўлқинларга боғлиқ. Океанларнинг чуқур қисмларида ҳарорат катта фарқ қилмайди: кутбий ўлкаларда -1° атрофида, экватор атрофларида +1°, +2° бўлади. Бунга океан ости оқимлари сабаб. Сув юзасида эса экватор атрофларида 26-28°, тропикларда ёзда 35° гача, қишда 15° атрофида, мўътадил минтақада ёзда 22-24° гача, қишда 4-6°, шимолда -0° атрофида, кутбий ўлкаларда +1°, -1° бўлади.

Маъруза

Мавзу: ЖАҲОН СИЁСИЙ ХАРИТАСИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Режа:

1. Дунё сиёсий харитасининг ўзига хослиги ва аҳамияти.
2. Дунё сиёсий харитасининг шаклланиш босқичлари.
3. Давлатларнинг бошқарув тизими ва давлат тузилиши.

1. Дунё сиёсий харитасининг аҳамияти ва ўзига хослиги. Сиёсий хаританинг аҳамияти ғоят катта бўлиб, у мамлакатларнинг халқаро ўрнини, дунёда эгаллаган мавқеини, ички сиёсий-маъмурий структураси хусусиятларини ўзида яққол акс эттиради.

Мамлакатлар ва халқларнинг бутун ҳаёти уларнинг давлат (сиёсий) чегаралари белгиланган ўз ҳудудларида ўтади. Уларни айнан шу йўналишда ўрганиш иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий географиянинг асосий вазифаси ҳисобланади. Бир томондан, дунё ва регионал муаммолар айрим мамлакатларнинг муаммоларидан ўсиб чиқади ва шаклланади, бошқа томондан эса, уларнинг ривожланиши бошқа кўплаб мамлакатларга бевосита катта таъсир кўрсатади.

Шу билан бир қаторда халқаро ҳаётда сиёсий, иқтисодий (шу жумладан, саноат, транспорт ва бошқа соҳалардаги хўжалик қурилишлари), эгалик мумоларини бир нечта давлатларнинг биргаликдаги саъйи-ҳаракатлари, умумий маблағлар ҳисобига ҳал этиш йўллари табора кўпайиб бармоқда. Бундай муаммолар ечими давлат чегараларидан ташқарига чиқмоқда, чегаралар эса давлатларни ажратиб турадиган тўсиқлардан ўзаро алоқа, ҳамкорлик қишлоқларига айланмоқда. Лекин чегаралар очиклиги давлат ҳудудлари суверенитетининг тугаганлигини асло кўрсатмайди.

Мустақил давлатларнинг ташкил топиши, шаклланиши, ривожланиши, шунингдек, уларнинг барбод бўлиши ёки суверенитетининг тугатилиши, ўзгариши ёки тубдан ўзгартилиши ва бошқалар ғоят мураккаб тарихий жараёнлар бўлиб, кўплаб ички ва ташқи амаллар-сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, этник, диний ва бошқалар билан белгиланади. Бунда кўпинча мамлакатлар ва халқлар ҳаётининг мураккаб муммолари кўп йиллар, баъзан асрлар давомида ечилмай қолади.

Халқаро муаммолар бўйича мутахассислар Ер шарида 300 га яқин жой (пункт) бўйича ҳудудий, чегара ва бошқа масалалар юзасидан мунозаралар борлигини, шу жумладан,

100дан ортиқ шундай жой бўйича кучли низоли вазият мавжудлигини кўрсатадилар.

Дунёнинг аҳоли яшайдиган қисми (ўзлаштирилган куруклик) одамларнинг тез кўпайишига боғлиқ ҳолда табора тор бўлиб қолмоқда. Кўпчилик давлатларда, биринчи навбатда, Осиё ва Африканинг айрим мамлакатларида мавжуд чегаралар доирасида ер танқислиги ҳаддан ташқари мураккаб муаммога айланди. Уларда ернинг озик-овқат ишлаб чиқариш манбаи, аҳоли яшаш манзиллари жойлашадиган ва хўжалик ривожланиши учун ғоят зарур ҳудуд сифатидаги қиймати ошиб бармоқда. Бу ҳолат мамлакатлар иқтисодий ва сиёсий ривожланиши хусиятлари ҳамда экологик вазиятнинг кескин ёмонлашуви, катта ер майдонларининг ишдан чиқиши (қисман абадий қайтмайдиган бўлиб), аҳоли табиий ўсишининг юқорилиги билан узвий боғлиқдир.

Дунё сиёсий харитаси ғоят ўзгарувчан хусусиятга эга. У қуйидаги асосий сиёсий-географик ўзгаришларни акс эттиради: муайян давлатнинг бошқа давлат билан қўшилиши (бирлашиши, бир давлатнинг бошқа давлат таркибига кириши в.б); давлатчиликнинг (сиёсий суверенитетининг) йўқотилиши; давлатлар (мамлакатлар) майдонининг-ҳудудлар ва акваториялар, улар чегараларнинг ўзгариши; пойтахтнинг алмашиши (ўзгариши); давлат, мамлакат ва пойтахт номларининг ўзгариши; давлат бошқаруви шаклининг ўзгариши ва бошқалар. Бу элементларнинг барчаси сиёсий географик хаританинг асосий мазмунини белгилаб беради.

2. Дунё сиёсий харитаси шаклланишининг хусусиятлари ва асосий босқичлари.

Ҳозирги замон дунё сиёсий харитаси кишилик жамиятининг узоқ давом этган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари ўзгариши, алмашинуви қонуниятларини тўла акс эттиради. Дунё сиёсий харитаси (ДС)-тарихий даврларнинг кўзгуси, материклар, қитъалар, дунё сиёсий-иқтисодий бўлинишининг ўзига хос тасвирдир.

ДС нинг шаклланиши қуйидаги даврларга бўлинади: қадимги, ўрта асрлар, янги давр ва энг янги давр.

Қадимги давр (давлатларнинг дастлаб пайдо бўлишидан милоднинг V асригача) кулдорлик тузуми даврини ўз ичига олади; Ер шарида биринчи давлатларнинг пайдо бўлиши ва ҳалокатини акс эттиради. Қадимги Миср, Карфаген, қадимги Греция, қадимги Рим, Ўрта Осиёда шаклланган қадимги Хоразм, Бактрия, Сугда ва бошқа давлатлар, Турк ҳоконликлари (миллоддан аввалги 207 йилдан миллоднинг 216 йилигача Улуғ Хун империяси, Иккинчи Хун империяси миллоднинг II-IV асри) каби қадимги давлатлар дунё цивилизациясининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Туркий халқларнинг қадимги авлодлари бўлган хунлар (скиф) Марказий Осиё, Каспий бўйлари, Шимолий Кавказгача чўзилган ўз давлатларини барпо этганлар. Улар ўз ёзувигача бўлишган, ҳарбий мақсадларда хариталардан фойдаланишган. Хун авлодлари Шарқий ва Ғарбий Европага бориб, миллоднинг 347 йилидан 469 йилигача Хунлар империясини тузганлар. Шу билан бир қаторда бу даврда ҳарбий юришлар, урушлар давлат чегаралари ва ҳудудлари ўзгаришининг асосий сабаби бўлган.

Ўрта асрлар даври (V-XV асрлар). Бу даврда ДС феодализм даври билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Кулдорлик империялари парчаланиб, уларнинг ўрнида кўп сонли катта ва кичик феодал давлатлар пайдо бўлди. Феодал давлатларнинг сиёсий функциялари кулдорлик давридаги давлатлардагига нисбатан анча мураккаб ва хилма-хил эди. Бу даврда ички бозор шаклланди, регионларнинг бошқалардан ажралган ҳолда биқик яшашига чек қўйилди. Давлатларнинг ўзларидан узоқда жойлашган ҳудудларни босиб олишга ҳаракат қилиш иштиёқи кучаяди. Дунё материклари ва қитъалари турли давлатлар ўртасида тақсимлаб олинди.

Бу даврда муқаддас Рим империяси, Англия, Испания, Франция, Португалия, Киев Руси, Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва Турон-Туркистон ўлкасидаги феодал давлатлар ва бошқалар мавжуд бўлган. Шу жумладан, Ўрта асрлар дунё сиёсий харитасида Мовароуннахрнинг илк феодал давлатлари (Сугд, Тохаристон, Фарғона, Чоч, Хоразм ва бошқалар), IX-XIII асрдаги феодал давлатлар (Карлуклар, Тохирийлар, Самонийлар, Қораъонийлар, Хорзм давлатлари ва бошқалар), Чиғатой усули (XIII-XIV аср), Амир

Темур ва Темурийлар давлатлари (ХИВ асрнинг охири XV аср боши) катта салмоққа эга бўлганлар. Бу давлатлар жойлашган ўрни Буюк ипак йўли билан боғлиқ бўлган қулайлигидан феодаланиб, Ғарб ва Шарқ ўртасидаги алоқаларда ўзига хос Карвон йўли "Кўприги" (алоқачиси) ролини ўйнаганлар. Шу билан бир қаторда Ўрта Осиё саҳролари уларни ажратувчи, карвон савдоси учун тўсиқ функцияни ҳам бажарганлигини таъкидлаш лозим. Дунё сиёсий ва иқтисодий харитаси шаклланишининг янги даври (XV-XVI аср орлигидан биринчи жаҳон уруши тугаганига қадар) капитализм пайдо бўлган, ривожланган ва қарор топган бутун бир тарихий даврга тўғри келади.

- Феодализмнинг емирилиши ва капиталистик муносабатларнинг пайдо бўлиши ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ва дунё сиёсий харитасида муҳим ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Капиталистик иқтисодиётнинг ривожланишида Буюк географик кашфиётлар алоҳида ўрин эгаллайди. У феодал ишлаб чиқариш муносабатларидан капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларига ўтишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Буюк географик кашфиётлар қатор иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнлар ва воқеаларнинг якуний натижаси сифатида тайёрланган эди. Ўрта ер денгизи бўйи савдосининг инқирози ва муомала воситаси ҳисобланган олтин ва қумишнинг етишмасилиги, Туркия Ўрта ер денгизи қирғоқларини забт этиши европаликларни Шарққа, айниқса, Ҳиндистонга борадиган янги йўллари излаб топишга мажбур этди. "Олтинга ташналик" эса янги ерларни қидиришга ундади. Португаллар Африка қирғоқлари, Ҳиндистон, Узоқ Шарқда, испанлар эса Атлантика океанидан кесиб ўтиб, Америкада "олтин" қидирдилар. Буюк географик кашфиётларнинг тайёрланиши Европа қитъасининг капитализм ватанига айланиши учун яратилган қуйидаги шарт-шароитлар билан узвий боғлиқлар. Ўсмонли турклар томонидан Шарқий Ўрта ер денгизининг забт қилиниши ва европаликларнинг шарққа янги йўллари топишга мажбур бўлганлиги; фан ривож, айниқса, "Астрономия" ва "География" фанларининг ютуқларига таяниб, испанлар ва португаллар буюк географик кашфиётнинг кашшофлари (пионерлари) бўлдилар. Португаллар Африкани айланиб, Ҳиндистонга, испанлар эса Янги дунё (Америка)га денгиз йўллари очишга эришдилар. Булар оламшумул аҳамиятига эга кашфиётлар эди.

Буюк географик кашфиётлар қаторига қирадиган қуйидаги саёхатларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. 1492-1502 йиллари-Американинг европаликлар учун кашф этилиши (Х Колумбнинг Марказий Америка ва Жанубий Американинг шимолига саёхати). Испания томонидан Американинг колонизациясининг бошланиши;
2. 1498-Веска да Гомланинг Африкани айланиб ўтган денгиз саёхати;
3. 1499-1504 йиллар Америкчо веспуччининг Жанубий Америкага саёхати;
4. 1519-1522 йиллар-Магеллан ва шерикларининг дунё айланаси бўйлаб саёхати;
5. 1648 йил Семен Дежневнинг саёхати (Россия-Сибирь);
6. 1740 йил В.Беринг ва П. Чириков саёхатлари (Сибирь);
7. 1771-1773 йиллар-Дж. Кук саёхати (Австралия, Океания).

Буюк географик кашфиётлар даври дунё сиёсий ва иқтисодий харитасида кучли ўзгаришлар бўлишига олиб келди. У Европа мустамлакачилар босқичининг бошланиши, дунё хўжалик алоқаларининг кенг тарқалиши, аҳоли кўчиш ҳаракатларининг кучайишига сабаб бўлди. Буюк географик кашфиётлар, биринчидан, дунёнинг биринчи учта йирик мустамлакачи давлатлари-Испания (Америкада), Португалия (асосан Осиёда) империяларининг пайдо бўлишига, иккинчидан, дунё савдосининг вужудга келиши ва дунё бозорининг шаклланишига олиб келди. Шу муносабат билан асосий савдо йўллари, дунё савдосининг асосий ҳажми ва йўналиши қуруқлик (карвон) йўллари (шу жумладан, Буюк Ипак йўли ҳам), ички денгиз йўллари ва уларга туташ мамлакатлардан Атлантика ва Ҳинд океанига кўчди. Испания, Португалия, Англия, Голландия, Франциянинг иқтисодий географик ўрни яхшиланди. Лиссабон ва Севилья, сўнгра Антверпен ва Амстердам Европанинг йирик денгиз портларига айланди. Айни пайтда қитъа ичкарасида жойлашган

шаҳарлар, масалан, шимолий Италия шаҳарлари оғир аҳволга тушди, куруқлик карвон йўлларининг аҳамияти анча пасайди. Темурийлар давлатининг инқироzi ва парчаланиб кетиши ҳам айна шу даврга тўғри келди. Европанинг арзон олтин ва кумуш оқимлари кириб келиши XVI асрда товарлар нархи бир неча маротаба кўтарилишига, оқибатда, савдо саноати буржуазиясининг тез бойишига олиб келди. Саноат молларини четга чиқарувчи мамлакатлар (Недерландия, Англия, Франция) тез фурсатда ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олдилар. Аксинча Испания ва Португалияда осонлик билан олиб келинаётган мустамлака ўлжалари феодал муносабатлар, черковнинг сақланишига, ўз хунармандчилиги ва манфактурасига путур етказишга, оқибатида ўзларининг аввалги аҳамиятини йўқотиши ва рақобатчиларидан ҳарбий мағлубиятга учрашига сабаб бўлди. XVI асрнинг охири ва XV асрнинг бошида ташкил топган Амир Темур ва Темурийлар давлати Ҳиндистон ва Хитойдан қора денгизга қадар ва Орол денгиздан форс қўлтиғига қадар ғоят катта ҳудудни эгаллаган давлат эди. Унинг дунё сиёсий ва иқтисодий харитаси шаклланишига таъсири бу улкан ҳудуд билангина чегараланмаган. Бу давлат яна Жанубий-Шарқий ва кичик Осиё, Сурия, Миср, Қуйи Волга, Дон бўйлари, Шимолий Кавказ, Балхош кўли ва Или дарёси бўйлари, Шимолий Ҳиндистонгача бўлган кўплаб мамлакатларни ўзига бўйсиндирган қудратли давлатга айланган эди.

Мустамлакалар учун Англия билан Франция ўртасидаги кураш XVII аср охиридан XIX асрнинг бошларигача давом этди. Англия ўз мустамлакаларини французлар ҳисобидан Шимолий Америкада ва Ҳиндистонда кенгайтирди. Франция қарамоғида фақат кичик мустамлакаларгина сақланиб қолди. Англия шиддатли кураш орқали Испания, Нидерландия, Франциядан кўплаб мустамлакаларни тортиб олди. Уларнинг умумий майдони 22 млн кв. км.дан ортиқроқ бўлиб, Ҳиндистон, Канада, Австралия, Жанубий Африкани ўз ичига олган эди. Бутун "етук" капитализм даври мобайнида Англия дунёда ўзининг саноат, савдо, молия ва ҳарбий ҳукумронлигини сақлаб қолди. Лондон дунёнинг энг йирик шаҳари, порти, банк марказига айланди. 1870 йилда Англия ҳиссасига дунё саноат ишлаб чиқаришининг 1,3 қисми тўғри келган ва Британия мустамлака империяси дунё сиёсий ва иқтисодий харитасининг шаклланишига энг катта таъсир кўрсатган. XIX асрнинг ўрталарида Ҳиндистон тўлиқ Англия мустамлакасига айланди. Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлидаги барча таянч пунктлар (Маврикий ороли, Африканинг жанубий қирғоғи), мамлакатнинг жанубий қирғоғи, Сингапур босиб олинди, Австралия ва Янги Зеландия устидан тўлиқ ҳукумронлик ўрнатилди.

XVIII асрнинг охирига келиб Лотин Америкасида Испания ва Португалиянинг талончилик сиёсати салбий оқибатлари яққол кўрина бошлади. Озодлик урушлари билан боғлиқ ҳолда XIX асрнинг биринчи чорагида Испания мустамлакаларида (Янги Испания, Янги Гренада, Перу, Ла-Плата) йигирмага яқин давлатлар тизими пайдо бўлди. Бу мамлакатлар иқтисодиётига чет эл капитали кенг миқёсда кириб кела бошлади.

Англиянинг мустамлакалар иқтисодий ривожланишини метрополия манфатларига тўла бўйсундиришга ҳаракати Шимолий Америка мустамлакаларида кучли норозилик уйғотди. Масалан, 1775-1783 йилларда озодлик учун олиб борилган уруш Англиянинг АҚШ мустақиллигини тан олишга мажбур этди. 1776 йилда АҚШ мустақиллиги эълон қилинди. Унинг таркибига 13 инглиз мустамлакалари кирди. Мустақилликка эришгач, АҚШ да бошқа давлатларга нисбатан капитализмнинг кенгайиши ва чуқурлашуви учун ниҳоятда қулай вазият юзага келди. XVIII асрнинг охиридан бошлаб АҚШ Аппалачи тоғларидан ғарбда жойлашган индеец қабилалари яшайдиган ҳудудлар колонизациясини кучайтирди, XIX асрнинг биринчи яримида АҚШ ерларни сотиб олиш ва забт этиш ҳисобига ўз ҳудудларини анча кенгайтирди. 1803 йилда Франциядан Ғарбий луизианани (майдони 2,5 млн. кв. км.), 1819 йилда Испаниядан Флоридани сотиб олди. Мексикадан Техас (1845й), Калифорния ва ғояли тоғларнинг жанубини (1848й) ўз ичига олган катта ҳудудлар тортиб олинди, 1846 йилда кенг Орган вилояти мамлакатининг шимоли-ғарби қўшиб олинди, 1867 йилда Россиядан Аляска сотиб олинди. Шундай қилиб, АҚШнинг тез ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар юзага келди. Унинг дунё саноати ишлаб

чиқаришидаги салмоғи 1870 йилга келиб 14% га етди.

ХИХ асрнинг ўрталарида Германия ва Италияда сиёсий бирлашиш асосида ягона марказлашган давлатлар ташкил топди. Болқон ярим оролида миллий озодлик ҳаракати асосида Туркия империяси таркибига кирган Греция (1829й.), Руминия (1861й.), Болгария, Сербия, Черногория (1878й.) давлатлари пайдо бўлди.

ХИХ асрнинг охириги чорагига келиб Россия дунёнинг йирик мустамлакачи давлатлари қаторида турар эди. У янги асрда Рус давлатидан кўплаб туташ мамлакатларни истило қилиш асосида йирик Россия империясига айланди. 1876 йилда унинг мустамлакалари майдони 17 млн кв. км. бўлиб уларда яшайдиган аҳоли 15,9 млн нафарга етган эди. Ўша даврда Россия дунёнинг Буюк Британиядан кейинги иккинчи мустамлакачи империяси ҳисобланарди.

Айниқса, ХИХ-XX аср туташган даврда бўлинган дунёни қайта бўлиб олиш учун кураш ғоят кескинлашиб, дунё сиёсий харитаси бекор бўлиб қолди. Масалан, 1876 йилда Африканинг атиги 10% худуди ғарбий Европа мамлакатларига қарашли бўлса, 1900 йилга келиб бу кўрсаткич 905 га етди. Африкани бўлиб олишда биринчи ўринни Англия эгаллади. У Шимолий Шарқий ва Жанубий, қисман Ғарбий Африкада ҳукумрон мавқега эга бўлди ва ўзига Миср, Судан, Кения, Уганда, Сомолининг бир қисми, Бейуаналенд, Шимолий ва Жанубий Родезия, Трансваль ва Туксарик (Оранжевая), Бур Республикалари, Нигерия, Олтин қирғоқ (Гана), Сьерра-Леоне, Гамбия мамлакатларини бўйсиндирди.

Франция 70-йилларгача Жазоир, Сенегал, Гвинея қўлтиғи қирғоқларининг бир қисмини босиб олган бўлса, „Африкани бўлиб олиш даврида яна Тунис, Мараккон, Гвинея қўлтиғи қироғлари, Нигер, Конго хавзаси, Чад кўли райони, Мадакаскар, Сомолининг бир қисмини забт этди ва Шимолий ва Ғарбий Африкада йирик мустамлака массивини барпо қилди.

Бу даврда Германия, Италия ҳам Африкада мустамлакалар босиб олишни бошлади. 1884 йилда Германия Жанубий-Ғарбий ва Шарқий Африка (Танганьика), Камерун, Тогони истило этди. Италия Эритереяни, Сомолининг бир қисмини босиб олди. 1911-1912 йиллардаги Туркия, Ливия уруши оқибатида Кичик Осиё қирғоқларидаги ороллар гуруҳига эга бўлди. Бепоев ва хилма-хил ресурсларга бой Конго худудлари Бельгия эгаллигига ўтди. Африкани бўлиб олиш даврида Португалия, Ангола ва Мозамбик худудларини кенгайтди, Испания Ғарбий Сахрои Кабир, Испания Гвинеяси (Рио Муни), Шимолий Маракканинг бир қисмини забт этди.

Шундай қилиб, бутун Африка қитъасида номигагина иккита мустақил давлат сақланиб қолди. Буларнинг бири Абиссиния (Эфиопия) бўлиб, у Италияга қарши зарба беришга муваффақ бўлган эди. Иккинчиси-Либерия эса 1847 йилда Америка мустамлака жамияти томонидан асосланган бўлиб АҚШ нинг норасмий протекторати ҳисобланарди.

ХИХ асрнинг охирида АҚШ ҳам мустамлакалар босиб олишга киришди. 1898 йилдаги Испан-Америка уруши натижасида у Испаниядан Филиппин, Гуам ороллари ва Пуэрто-Рикони тортиб олди.

Куба расман мустақил деб тан олинишига қарамай, амалда у АҚШ нинг ярим мустамлакасига айланган эди. АҚШ ўзига Гавайи оролларини қўшиб олди, Самоа ороллари Германия билан бўлиб олишди, Панама канали зонасини истеҳкомлар ва ҳарбий-денгиз базасини қуриш ҳуқуқи билан ижарага олди. Окенияни бўлиб олиш ҳам тугалланди: Англия Фиджи ороллари, Салмон ороллари, Франция, Таити, Янги Каледания ороллари, Германия Янги Гвинея ороллари, Шимолий-Шарқий қисмини, Бисмарк ороллари, Саломон ороллари, Маршал ороллари босиб олдилар. Германия Испаниядан Марин ва Короллин ороллари, сотиб олди.

Япония узок Шарқда мустамлакалар истило қилишни бошлади. 1895 йилда Хитойдан Тайвань оролини тортиб олди, Кореяни босиб олди ва 1910 йилда уни ўзининг мустамлакаси деб эълон қилди. Рус-Япон урушидан кейин Япония Сахалин оролининг Жанубий қисмида, Куриль оролларида мустаҳкам ўрнашди. Мустамлакачи давлатлар

Хитойни ярим мустамлакага айлантирдилар, унга тенг бўлмаган шартномаларни мажбуран қабул қилдирдилар ва шу асосда унинг ҳудудларида "таъсир соҳалари", концепсиялар тузилди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Франция Вьетном, Лаос, Камбоджани ўз ичига олган Француз Хинди Хитойи мустамлака колониясини барпо этди. Англия Юқори Бирма, Барнео оролининг Шимолини забт этди, Малайхдаги мустамлакаларини кенгайтирди. XX асрнинг бошида Туркия ҳукмронлигига қарши миллий озодлик ҳаракатлари Блокли ярим ороли сиёсий харитасида ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Албания мустақилликка эришди, Болгария Эгей денгизига чиқишга, Греция ва Сербия эса ўз ҳудудларини кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Шундай қилиб, дунё сиёсий харитаси шаклланишининг янги аср давридаги асосий мазмунини мустамлакалар босиб олиш, метрополия (мустамлакачи) давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабат ва нисбатлар белгилаб берди. XX аср бошида дунё тўлиқ бўлиб олинди. 1914 йилда мустамлакачи империялар мустамлакаларининг умумий майдони 74,9 млн. кв. км. (жами ер юзаси қуруқлик ҳудудларининг 56%и), улардаги аҳоли 530 млн. кишига (дунё аҳолисининг 35%и) етди.

Энг янги давр биринчи жаҳон урушининг тугаши ва 1917 йил Россияда Октябр тўнтаришидан бошлаб то ҳозирги кунларгача бўлган даврни қамраб олади. Бу давр қуйидаги *уч босқичга бўлинади*.

Биринчи босқич (1917-1939 йиллар) дунё харитасида СССР (социалистик империя)нинг пайдо бўлиши, Европада ва дунёнинг бошқа қисмларида муҳим ҳудудий ўзгаришларнинг содир бўлиши билан характерланади. Австрия-Венгрия империяси парчаланди, кўп давлатларнинг чегаралари ўзгарди. Янги мустақил мамлакатлар-Польша, Финляндия, Чехословакия, Югославия (Сербия, Хорватия, Словения қиролликлари) ва бошқалар пайдо бўлди. Буюк Британия, Франция, Бельгия, Япония мустамлакалари кўпайди ва кенгайди. Германия мустамлакалари (3 млн. кв. км.) ғолиб давлатларга васийликка (амалда мустамлакага) бўлиб берилди. Масалан, Танганьика Англияга "мандат" га берилди. Того ва Камерун эса Англия ва Франция ўртасида бўлиб олинди. Жануби-Ғарбий Африка-ЖАРга, Шимолий Шарқий Янги Гвинея-Австралия Иттифоқига, Каролин, Мариан, Маршалл ороллари-Японияга, ғарбий Самоа ороллари-Янги Зеландияга, Науру ороллари-Англия, Австралия, Янги Зеландияга берилди.

Россияда большевиклар яккабошчилиги остида совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин Туркистонда ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Тарихан таркиб топган халқларнинг ягона иқтисодий, маданий макони, мавжуд сув ресурслари, сув, мавжуд сув ресурслари, суғориш тизимлари ва бошқаларнинг умумийлиги ҳисобга олинмай, Марказий Осиёни бўлиб ташлаш, Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ўрнида янги тузилмаларни вужудга келтириш асосида мустамлакачиликни янада мустаҳкамлаш Шўролар империяси сиёсатининг асосий йўналишига айланди. Дастлаб Туркистон мухторияти (1917 й. ноябрь-1918й. февраль), Туркистон АССРнинг тузилиши (1918й. апрель), Бухоро амирлигининг тугатилиши (1920 й. август) ва Бухоро Халқ Совет Республикаси (1920й. октябрь) тузилиши (1920 йил бошлари) ва Хоразм Халқ Совет Республикаси (1920 йил апрель) тузилиши, сўнгра миллий-давлат чегараланишининг амалга оширилиши ушбу сиёсатнинг натижаларидир. В.И. Ленин Туркистонни, "Ўзбекия, Киргизия, Туркманияга бўлинган харитасини тузиш тўғрисида кўрсатма берди. 1924 йилда Туркистон, Бухоро ва Хоразм Совет Республикалари ўрнида Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон АССР, (Ўзбекистон ССР таркибида), Қоракиргиз (Киргиз-вилояти (РСФСР таркибида) ва Қорақалпоқ автоном вилояти (Қозоғистон АССР таркибида) ташкил этилди. Тил ва миллий тафовутларни атайлаб бўрттириб кўрсатиб, айни ҳолда тарихий, иқтисодий, маданий, диний бирликни ҳисобга олмасдан тузилган янги республикалар "бўлиб ташла, ҳукумронлик қил"деган мустамлакачилик принципига асосланган эди. Улар Россия империяси давридагидек метрополияга арзон хом ашё етказиб бериладиган мустамлакалар бўлиб қолаверди. Булардан ташқари 1918 йилда Латвия, Литвия, Эстония (Россия империяси), Яман (Туркия империяси мухтор ҳудуди),

1919 йилда Авғонистон (Британия империясининг экспонияси объекти) мустақиллиги эълон қилинди.

1920 йилда Антанта (ғолиблари) мамлакатлари томонидан Сан-Ремо конференциясида Туркия империясининг араб мамлакатларидаги мустамлакалари мандатлари бўлиб олинди. Англияга Фаластин, Трансиордания, Месопатомия (Ироқ), Францияга Сурия ва Ливан берилди. Хиджаз мустақил араб давлати сифатида тан олинди. (у 1925 йилда Неджз давлати томонидан босиб олинган эди). 1926 йилда "қўшилган вилоятлар билан Хиджаз ва Неджз" қироллиги ташкил топди ва унинг номи 1932 йилда Саудия Арабистон деб ўзгартириди.

1923 йилда Непал мустақиллиги эълон қилинди, лекин у мустақил тараққиёт йўлига иккинчи жаҳон урушидан кейингина ўтди.

30-йилларда дунёнинг қайта бўлиб олиш билан боғлиқ бўлган ҳарбий низолар муттасил давом этди. 1931-1932 йилларда Япония Хитойдан Манчжурия ва Ички Монголиянинг бир қисми тортиб олди, 1937 йилда Хитойни босиб олиш учун уруш бошлади. Италия 1935-1936 йилларда Абиссинияни (Эфиопия), 1939 йилда Албанияни истило қилди. Гитлер Германияси 1938-1939 йилда Австралияни босиб олди, Чехословакияни бўлиб ташлади. 1939 йил сентябрда Германия Польшага ҳужум бошлади. Польша эса шартномалар орқали Франция ва Англия билан боғланганлиги сабабли, бу уруш иккинчи жаҳон урушининг бошланишига олиб келди. Уруш давомида Германия қатор Европа мамлакатларини босиб олди. 1941 йилда Япония Жанубий-Шарқий Осиё ва Тинч океанига бошқа империяларнинг мустамлакаларини босиб олиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади, 4млн кв. км. ҳудудни унда яшайдиган 150 млн киши билан ишғол қилди. Иккинчи жаҳон урушида Германия ва Япониянинг мағлубиятига боғлиқ ҳолда дунё сиёсий харитасида муҳим ўзгаришлар юз берди.

Иккинчи босқич (1939-1990й.) Европа сиёсий харитасида юз берган ўзгаришлардан ташқари, социалистик экспериментнинг кенгайиши (Европа ва Осиёдаги айрим давлатларнинг социалистик йўлга ўтиши), империялизм мустамлакачилик тизимининг емирилиши оқибатида Осиё, Африка, Лотин Америкаси (Кариб региони) океанияда 100дан ортиқ мустақил давлатнинг барпо этилиши билан характерланади. Мустамлакачилик тизимининг барбод бўлиши, миллий озодлик ҳаракатларининг кучайиши, халқларнинг мустақиллик учун курашлари дунё сиёсий харитасини тубдан ўзгартириб юборди.

- 1943 йилда Ливон ва Сурия;
- 1944 йилда Испания;
- 1945 йилда Индонезия (Недирланди Ост-индияси ҳудудида);
- 1946 йилда Филиппин ва Нердания мустақилликка эришдилар;
- 1947 йилда Ҳиндистон диний принципга асосан иккита доминион-Ҳиндистон ва Покистонга бўлинди;
- 1950 йилда Ҳиндистон;
- 1956 йилда Покистон Республикалари эълон қилинди;
- 1947 йилда БМТ бош Ассамблеяси Фаластин ҳудудида иккита мустақил

Араб ва яҳудий давлатларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

1948 йилда Исроил давлати ташкил этилди, лекин кўп сабабларга кўра, ҳозиргача Фаластин араб давлати тузилмади. 1949 йилда собиқ Германия ҳудудида дастлаб ГФР (АҚШ, Англия, Франция ишғол зонасида), сўнгра ГДР (СССР зонасида) тузилди. Ғарбий Берлин эса мустақил сиёсий мақомга эга шаҳарга айлантирилди. СССР чегараларида баъзи ўзгаришлар юз берди: Закарпат Украинаси, собиқ Шарқий Пруссиянинг бир қисми (1946 йилдан Калининград вилояти), Печенга вилояти, Жанубий Сахалин, Куриль ороллари СССР таркибига кирди. Польшага унинг ерлари-Селезия, Поморье, Гданьск вилоятлари қайта қўшилди.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги йилларда дунё сиёсий харитасида Ветнам (1945й) КХДР (1948), Хитой Халқ Республикаси (1949й), 1948 йилда Бирма ва Цейлон

(1972 йилдан Шири Ланка), 1953 йилда Лаос ва Камбоджа пайдо бўлди. 1997 йилда Малоя Федерацияси тузилди. 1963 йилда Сингапур, Сабох, Саравак билан биргаликда Малайзия Федерацияси таркибига кирди. 1965 йилда Сингапур мустақил республика деб эълон қилинди. 60-йилларнинг биринчи ярмида инглиз мустамлакалари Кипр, Қувайт, Мальдов ороллари, 1967 йилда Жанубий Ямон, 1971 йилда Бахрейн, Катар, Бирлашган Араб Амирликлари (БАА), шунингдек, Бангладеш (Шарқий Покистон) мустақил бўлди. БАА таркибига Англия протекторатлигидаги 7 амирлик кирди. 1976 йилда Шимолий ва Жанубий Вьетнам ягона давлатга бирлашди. 1975 йилда Лаосда Монархия ағдарилиб Лаос Халқ Демократик Республикаси эълон қилинди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Африканинг 90% га яқин ҳудуди ва 75% аҳолиси мустамлака асоратида эди. Бу ерда фақат учта мустақил давлат (Жанубий Африка Иттифоқини ҳисобламаганда)-Эфиопия, Миср, Либерия мавжуд бўлган. Ҳозир уларнинг сони 50 дан кўпроқдир. Биринчи бўлиб шимолий Араб мамлакатлари мустақил бўлдилар: Ливия (1951), Марокка ва Тунис, Судан (1956), ундан сўнг Тропик Африкада биринчи бўлиб Гана (1957), сўнгра Гвинея (1958). 1960-"Африка йили" дан бошлаб (шу йили 17 Африка мамлакати мустақил бўлди) мустамлакачиликнинг парчаланиши жараёнлари бошқа материкларда ҳам ниҳоят даражада тезлашди (ҳатто, Европада ҳам: 1964 йилда Мальта мустақил бўлди).

Лотин Америкаси сиёсий харитасида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. 1959 йилда Куба ривожланишнинг социалистик йўлига кирди. 1962 йилда инглиз мустамлакалари ўрнида мустақил давлатлар-Тринидад ва Табаго, Ямайка, 1966 йилда-Гайана (Собик Британия Гвианаси) ва Барбадос, 1973 йилда-Багам ороллари, 1974 йилда-Гренада, 1978 йилда Доминика, 1979 йилда-Сент-Висент ва Гренадина, Сент-Люсия пайдо бўлди. 1975 йилда Недерландия мустамлакаси Сўринам мустақиллика эришди.

Океания сиёсий харитасида ҳам чуқур ўзгаришлар содир бўлди. 60-йилларда Ғарбий Самоа ва Науру (БМТ нинг собик восий ҳудудлари), 70-йилларда-Тонга, Фиджи, Саломон ороллари, Тувал, Кирибати, Попуа-Янги Гвинея, 1980 йилларда-Вануату (инглиз-француз кондоминиуми-Янги Гибрид ороллари ўрнида ва бошқалар мустақил давлат бўлдилар).

Учинчи босқич 1990 йиллардан то ҳозирга қадар давом этаётир. Бунда қуйдагилар дунё ҳамжамиятининг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатди ва дунё харитасида муҳим янги сифат ўзгаришлари содир бўлишига олиб келди:

- 1991 йилда СССР нинг парчаланиши, унинг таркибидаги барча иттифокдош республикалар давлат мустақиллигининг эълон қилиниши;
- Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг (МДХ) ташкил топиши;
- Шарқий Европа мамлакатларида тинч йўл билан халқ -демократик инқилобининг ғалаба қилиши (1989-1990 йиллар);
- 1991 йилда Варшава шартномаси ташкилоти (ҳарбий) ва ўзаро ёрдам иқтисодий кенгайиши фаолиятининг тўхтатилиши. Улар Европа ва дунёдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятга доимо жиддий таъсир кўрсатиб турган эди;
- 1990 йил 3 октябрь-икки немис давлатининг (ГФР ва ГДР) ягона давлатга бирлашуви;
- Югославия Социалистик Федератив Республикасининг парчаланиши, Словения, Босния ва Герцеговина, Харватия Югославия Иттифоқи Республикаси (таркибида Сербия ва Черногория) мустақиллигининг эълон қилиниши. Ҳозирги давом этаётган фуқаролар уруши ва миллатлараро низолар билан боғлиқ бўлган собиқ федерациянинг жиддий инқироzi;
- 1990 йил май ойида икки араб давлати-Яман Араб Республикаси (ЯАР) ва Яман Халқ Демократик Республикаси (ЯХДР) миллий-этник асосларда бирлашди (Яман Республикаси, пойтахти-Сана шаҳри);
- 1990-91 йилларда мустамлакачиликнинг барбод бўлиш жараёни давом этиб, қуйидагилар мустақилликга эришдилар: Намибия (Африкадаги энг сўнгги мустамлака); Океанияда янги давлатлар-Микронезия Федератив Штатлари (Каролин

ороллари), Маршал ороллари Республикаси пайдо бўлди;

- 1993 йил 1 январда собиқ Чехословакия парчаланиб, иккита мустақил давлат-Чехия ва Словакия вужудга келди;

- 1993 йил-Эритерия давлатининг (Эфиопиянинг қизил денгиз қирғоғидаги собиқ провинцияси) мустақиллиги эълон қилинди.

Дунё сиёсий харитасининг келажакда ўзгариш микёслари кўп миллатли мамлакатларда этник-миллий жараёнларнинг ривожини йўналишига, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларнинг характериға боғлиқ.

Мавзу ДАВЛАТЛАРНИНГ ТИПЛАРИ

Давлатларнинг бошқарув тизими ва давлат тузилиши. Мустақил мамлакатлар давлатни ташкил этишнинг турли шакллариға эға. Улардан энг муҳими давлат тузимидир. У монархия ва республика бўлиши мумкин.

Ҳокимликнинг республика шаклида давлат ҳокимиятининг олий органлари сайланади ёки умуммиллий вакиллар муассасаси-парламент томонидан тузилади. Республика тузимида қонун чиқарувчи ҳокимият –парламентға, ижория ҳокимият ҳукуматға тегишлидир. Бунда Президент жуда катта ваколатға эға бўлган ва ҳукуматни бошқарадиган Президент республикаси (АҚШ, Лотин Америкаси мамлакатларининг айримлари) ва Президентнинг роли камроқ, ҳукуматни эса бош вазир бошқарадиган парламент республикалари бир-бирларидан фарқ қилади. Дунёда бундай республикала сони 140 дан кўпроқ. Ҳокимликнинг монархия шаклида олий давлат ҳокимияти монархларға-қирол, князь, султон, шоҳ, амирға қарашли бўлиб, ҳокимият мерос орқали авлоддан-авлодға ўтади. Дунё сиёсий харитасида 30 монархия бор, шу жумладан, Осиёда-14, Европада 12 Африкада 3, Океанияда-1.

Монархиялар конституцион ва мутлақ типларға бўлинади. Уларнинг кўпчилиги конституцион монархия бўлиб, унда монарх рамзий "подшолик" қилади, лекин давлатни бошқармайди (Буюк Британия, Норвегия, Швеция), реал қонун чиқарувчи ҳокимият парламентға, ижория ҳокимият ҳукуматға қарашлидир. Мутлақ монархияда монарх ҳокимияти деярли чекланмаган, ҳукумат ва бошқа ҳокимият органлари фақат монарх олдида маъсул ва жавобгардир (Саудия Арабистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Омон, Бруней, Қувайт ва бошқалар).

Ҳокимликнинг яна бир кенг тарқалган шакли Буюк Британия бошчилик қиладиган Британия ҳамдўстлигидир. У ҳуқуқий жиҳатдан 1931 йилдаёқ расмийлаштирилган бўлиб, таркибига Буюк Британия доминионлари-Канада, Австралия, Жанубий Африка Иттифоқи, Ньюфаундленд ва Ирландия кирган эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ва Британия Империяси барбод бўлгач, ҳамдўстлик таркибига Британия собиқ мустамлакаларининг кўпчилиги кирди. Унинг таркибида дунёнинг барча қитъаларида жойлашган 50 давлат бўлиб, уларнинг умумий ҳудуди 30 млн кв. км, аҳолиси 1,2 млрд нафардан кўпроқ. Улар сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузилиши, иқтисодий ривожланиш даражаси, этник, тил, диний ва бошқа хусусиятлари бўйича ғоят хилма-хил ва бир-бирларидан тубдан фарқ қилади. Расман ҳамкорликнинг барча аъзолари тенг, унда Буюк Британиянинг етакчилиги тушунчаси расман кўрсатилмаган. Улар ўзларининг умумий муаммоларини ҳар икки йилда бир марта бўладиган конференцияда бош вазирлар ва молия вазирлари иштирокида муҳокама қилдилар, ҳамдўстлик ягона конституция, на иттифок-шартнома келишимлари, на расмий атрибутларға эға эмас, у халқаро майдонда ҳам иштирок этмайди (масалан, БМТда, халқаро тadbирларда ва бошқалар), ҳамдўстлик аъзолари ундан истаган пайтда сўзсиз чиқиб кетиш ҳуқуқиға эға. Шундай ҳуқуқдан Бирма, Ирландия, Покистон фойдаланган.

Ҳамкорликка кирган барча давлатлар ўзларининг ички ва ташқи ишларида тўла суверенитетға эға. Ҳамкорлик Конференцияси қарорлари унга овоз бермаган мамлакатлар

учун қонуний кучга эга эмас. Ҳамдўстликнинг кўпчилик аъзолари анъанавий давлат бошқаруви шаклларига эга: улар ёки республикалар (Ҳиндистон, Бангладеш, Нигерия, Гана, Замбил, Зимбабве ва бошқалар) ёки монархиялар (Буюк Британия, Малайзия, Брунет, Свазиленд ва бошқалар) ҳисобланади. Унинг баъзи аъзолари-Канада, Австралия, Янги Зеландия, Тувалу, Антигуа ва Барбуда, Маврикий, Багам ороллари ҳамкорлиги, Барбадос, Белиз, Гренада, Сент-Винсент ва Гренадина, Сент-Кристофер ва Невис, Сент-Люсия, Ямайка ўзларини республика, монархия ҳисобламайди. Уларнинг аҳолиси амалиётда ўзларини Буюк Британия кироличасининг фуқароси ҳам санашмайди, фақат ўз мамлакатининг фуқароси деб ҳисоблайдилар.

Бу давлатларнинг (расман "Ҳамкорлик таркибидаги давлат") парламенти ва ҳукумати мамлакат ҳаётининг ҳар қандай масалаларини ва ташқи (халқаро) алоқаларини амалий жиҳатдан расман Буюк Британияга боғлиқ бўлмай мустақил ҳал этиши мумкин. Шу билан бир қаторда улар ихтиёрий равишда ўзлари учун давлат бошлиғи, олий ҳокимият рамзи сифатида Буюк Британия кироличасини танлаганлар ва буни ўз конституцияларида белгилаб қўйганлар. Уларнинг баъзилари Буюк Британия атрибутларидан фойдаланадилар (масалан, Янги Зеландия-инглиз гимни, инглиз орденлари билан Янги Зеландия ҳукумати тавсиясига асосланиб, Буюк Британия кироличаси янги зеландияликларни мукофотлайди ва бошқалар). Уларнинг ҳаммаси амалиётда, лекин ҳар хил даражада, Буюк Британия сиёсати, қонунлари, анъаналарини (шу жумладан, тил, маданий турмуш, маросим-намоиш ва бошқаларни) кўзда тутиб иш қўради. Бундай давлат бошқарувининг ўзига хос шакли ҳозирги замон халқаро сиёсий ҳаётининг парадоксларидан (яъни, умум томонидан қабул қилинган фикрларга мос келмайдиган, соғлом ақлга зид фикр, вазият) бири, лекин у эътироф этилгандир. Шу сабабдан ва кўпчилик талабалар ва ўқувчилар ушбу Ҳамдўстлик тўғрисида етарли маълумот ва тушунчага эга эмаслигини ҳисобга олиб, муаллиф турли манбаларнинг маълумотларини жамлаб, таҳлил қилиб, умумлаштириб юқоридаги қисқа таърифни бериш зарур деб ҳисоблайди.

Дунёдаги фақат битта мамлакат-Ливия Араб Социалистик Халқ Монархияси деб расман аталадиган давлатда ҳокимликнинг ўзига хос шакли мавжуд. Бу шакл дунёда мавжуд бўлган бирорта давлат ҳокимиятига ўхшамайди. Шу сабабдан Ливия раҳбарлари барча вазиятда ўз мамлактини айнан жамаҳария деб тан олинишини қаттиқ талаб қиладилар. (Бу сўз арабча бўлаб, "омма давлати", "халқ ҳокимияти" маъносини англатади). 1977 йилда мамлакатда ўтказилган ислохотлар асосида барча анъанавий республика ҳокимияти ва бошқарув органлари кўпгина юқоригача сайланадиган доимий халқ мажлислари ва халқ қўмиталарига алмаштирилди, йилига икки мартадан кам бўлмаган муддатларда чиқариладиган Умумий халқ конгресси давлат ҳокимиятининг олий органи эканлиги тантанали сурътда эълон қилинди. Бундан мақсад:

- марказнинг жойлар (худудлар) устидан назоратини ўрнатиш;
- шароитга мослашган иқтисодий, ижтимоий, регионал сиёсатни амалга ошириш;
- сайлов компанияларини ўтказиб ва бошқалардир.

Ривожланган Ғарб мамлакатларидан кўпчилигининг маъмурий-худудий бўлиниши (МХБ) мураккаблиги ва кўп босқичлиги билан ажралиб туради. Одатда, МХБ уч поғонага (босқичга) бўлинади, баъзан эса улар ғоят майдаланган кўринишга эга. Масалан, Францияда 26 район, 100 департамент ва 36,5 минг коммуна бор. АҚШда қуйи бирлик округ ёки "графлик" бўлиб (30 мингдан кўпроқ), улар 50 штатга бирлаштирилган. Шу билан бир қаторда баъзи графиклар яна туанишипларга ва муниципалитетларга бўлинади. Булардан ташқари кўп минглаб уй-жой ва йўл қурилиши, сув таъминоти, соғлиқни сақлаш, мактаб таълими ва бошқа ишлар билан шуғулланадиган махсус округлар фаолият кўрсатади.

Ғарб мамлакатларида XX асрнинг 60-80-йилларида МХБлар ислохоти амалга оширилган бўлиб улар энг аввало, йириклаштириш ва тартибга солиш мақсадларини кўзлаган эди. Бу тадбирлар, коюда тариқасида, конкрет шароитни ҳисобга оладиган

келиштирувчи характерда амалга оширилди.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳам 50-йиллардан МХБни ислохотлаштириш тadbирлари амалга оширилди. Бунда МХБни қайта ташкил этиш Ғарб мамлакатларидан фарқ қилиб, асосан бўлинишни йириклаштиришга йўналтирилган эди. Собиқ СССР ёки МДХ мамлакатларининг тарихан шаклланган МХБ кўпчилик олимлар ва мутахассисларнинг фикрича, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермайди. Унинг асосий камчилиги МХБ билан иқтисодий районлаштириш ўртасидаги мутаносиблик ва ўзаро боғлиқнинг йўқлиги ҳисобланади. Бу камчиликларни тузатиш яқин келажакдаги муҳим вазифалардан биридир. Давлатнинг МХБлари икки асосий шаклга-унитар ва федеративга бўлинади. Унитар давлатда, одатда, ягона қонун чиқарувчи ва ижроя ҳокимият ягона давлат органлари тизими, ягона конституция мавжуд бўлади. Бундай давлатлар дунёда кўп.

Федератив давлатда ягона қонунлар ва ҳокимият органлари билан бир қаторда бошқа давлат тузилмалари-республикалар, штатлар, провинциялар, ерлар, қантонлар, ҳудудлар бўлиб, улар “иккинчи” даражали бўлсада, ўзларининг қонунлари ва ҳокимият органларига эгадирлар. Кўпчилик федератив давлатларда парламент икки палатадан иборат. Уларнинг биттаси республикалар, штатлар ва бошқалар ваколатини таъминлайди.

Конфедерация давлатлар бирлашишининг кам учрайдиган шаклларида бири бўлиб, жуда чекланган мақсадларни (ҳарбий, ташқи сиёсий ва бошқалар) амалга ошириш учун ташкил этилади.

Шундай қилиб, дунё сиёсий харитаси ўтган тарихий даврлар ичида ғоят ўзгариб борди ва улар дунёнинг ғоят мураккаб ва турли-туман жараёнларини ва умуман, тарихий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Дунёнинг то Буюк географик кашфиётлар давригача сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий хусусиятларининг ҳозирги даврдан асосий фарқи дунё турли қисмларининг бир-биридан ажралиб қолганлиги, бир-бирлари билан боғланмаганлиги, доимий алоқаларнинг шаклланмаганлиги, аҳолисининг сони ва ўзлаштирилиши даражаси, маданиятининг бойлиги ва хилма-хиллиги фарқлари, иқтисодий алоқаларининг тараққиёт даражаси бўйича бир-биридан тубдан фарқ қиладиган ва тенг бўлмаган ҳудудларга бўлинганлиги ва бошқа хусусиятларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Кўрсатилган барча белгилар бўйича дунёнинг бир-бирларига туташиб кетган Европа, Осиё ва Африка қитъаларининг кенг материк қисмларида, мамлакатлар ва регионлари, марказлари гуруҳлари кескин ажралиб турадиган цивилизация қочоқлари мавжуд бўлган. Бундан ташқари Америка, Австралия ва Океанияда ҳам кишилиқ жамиятининг ўз маданиятига эга бўлган цивилизация ўчоқлари бўлган. Уларнинг баъзи жойларида ҳаёт маданияти нисбатан ривожланган (Америкадаги Ўрта Анд ва Мексика ясситоғлиги), баъзи жойларда эса жуда ибтидоий кўринишда бўлган. Масалан, Австралия аҳолиси ҳатто ибтидоий деҳқончиликни ҳам билмаганлар, овчилик ва ёввойи ўсимликларнинг меваларини териб еб билан яшаганлар. Америка, Австралия, Океаниянинг бу маданиятлари бир-биридан ва эски дунё маданиятларидан ажралган ҳолда мавжуд бўлган.

Шу билан бир қаторда дунёнинг турли регионларида ва уларнинг ичида қатор маданий ўчоқлар шаклланган. Улар ўртасида алоқалар мутлақо бўлмаган ёки бундай алоқалар заиф бўлган.

Узоқ ўтмишда дунё ҳудудлариаро хўжалиқ ва маданий алоқалар ривожланишига тўсиқ бўлган географик омиллардан бири-океанлар ва уларнинг ўтиб бўлмас саҳролари, кенгликлари ҳисобланган. Христофор Колумб, Васка да Гама Магаллен кема сафаригача очиқ океан кенгликлари фақат “ажратувчи макон” бўлган. Эндиликда фан-техника тараққиёти туфайли океанлар ва денгизлапр ўзаро узоқ жойлашган, бир-бирларидан “ажралган” мамлакатларни “бирлаштирадиган”, яқинлаштирадиган омилга айланди. Дунё океани инсоният ҳаётида тобора муҳим аҳамиятга эга бўлаётир ва у кенг ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш маконига айланди.

Дунёнинг бир-бирига қўшилиб кетган қитъалари-Европа, Осиё ва Африкада

инсониятнинг кўпчилик қисми тўпланган, бу ерда дастлабки цивилизация шаклланган ва ривожланган. Уларда яшаган халқлар ўртасида қадимдан бошлаб муносабат ва алоқалар мавжуд бўлган. Лекин Европа билан Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида бевосита алоқалар доимий эмас, тасодифий бўлган ва айрим шахсларнинг камдан-кам саёҳатлари билан чекланган. Европаликлар Шимолий-Шарқий Осиё, Африканинг ички қисмлари, жануби тўғрисида ишончли маълумотларни билганлар.

Дунё маданияти ва цивилизацияси шаклланишида Шарқ муҳим роль ўйнаган, Хитойликларнинг европаликларга кам маъкул бўлган Шарқий, Жанубий, Марказий Осиё ва Шарқий Африка билан алоқалар йўлга қўйилган. Қадимда Турон, сўнгра Туркистон ва Мовароуннаҳр номлари билан машҳур бўлган ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида яшаган халқлар Эски дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан алоқада бўлганлар ва уларнинг география тасаввурлари кенг ва дунёни билиш даражаси анча юқори бўлган. Қадим замонларда Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган “Буюк Ипак Йўли” Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтганлиги ва бу йўл дунё алоқаларида океанлар тўсиқ бўлган даврда (ХВ асргача). Эски дунёнинг кўп давлатлари савдо ва маданий алоқаларида муҳим роль ўйнаган.

Буюк география кашфиётлари арафасида Европа, Осиё, Африка биргаликда дунёнинг бошқа қисмларига нисбатан ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши даражаси ва халқаро алоқаларининг ривожланиши бўйича анча устунликка эга бўлган.

Дунёнинг юқорида қисқача таърифланган тарихий-географик хусусиятлари дунё сиёсий харитасининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган.

2.2. БМТ тамойиллари бўйича мамлакатларни гуруҳлаштириш.

Бугунги дунё сиёсий картасида 209 та давлат мавжуд. 1900 йилда дунё сиёсий картасида - 55 та мустақил давлат бўлса, 1947 йилда - 57 та, 1980 йилда - 160 та ва 1999 йилда - 187 тага етди. Дунё сиёсий картасида мамлакатларни турли кўрсаткичлар бўйича гуруҳлаштирилади. Жумладан:

- Ҳудудлар бўйича-чунки мамлакат ҳудуди ва аҳолисининг катталиги-сиёсий иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш омилидир. Шунга кўра, дунё сиёсий картасидаги мамлакатлар йирик, ўрта, кичик (митти) давлатларга бўлинади. Ҳудуди ва аҳоли сони жиҳатидан мамлакатлар, ўртасида фарқ жуда катта, яъни Россиядан (17,8 млн.кв.км.) то энг митти давлат Ватиканга (0,44 км.кв) қадар бўлинади. 3 млн.кв.кмдан ортиқ ҳудудга эга бўлган (Россия, Канада, ХХР, АҚШ, Бразилия, Австралия ва Хиндистон) яъни 7 давлат қуруқликнинг 50,0 фоиздан ортигини эгаллайди. 100,0 млн.дан ортиқ аҳолига эга мамлакатлар 10 та бўлиб жаксон аҳолисининг 3/5 қисмини ташкил қилади.
- Мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий-географик ҳолати бўйича, (Н.Н.Баранский) гуруҳлаштириш: дунё сиёсий картасида давлатларнинг жойлашиши ҳолатига кўра орол, ярим орол, архипелаг мамлакат, денгиз бўйи мамлакатларига бўлинади. 40 га яқин мамлакат эса денгизга ва дунё океанига чиқа олмайди.
- Дунё мамлакатларининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига кўра гуруҳлаштириш. Бугунги кунда дунёдаги 187 та мустақил мамлакатларнинг ва маъмурий-ҳудудий бўлиниш турличадир. Дунё мамлакатлари маъмурий-ҳудудий бўлинишига кўра унитар ва федератив давлатларга бўлинади. Дунё сиёсий картасидаги федератив давлатлар 20 га яқин бўлиб ё миллий - этник хусусиятларига кўра, (Россия, Бельгия, Хиндистон, Нигерия) ёки тарихий-географик хусусиятлари (ГФР, Австрия, АҚШ) билан боғлиқ ҳолда федерация сифатида таркиб топган.
- Унитар давлат (французча “унитар”, лотинча “унитас” - бирлик яхлит, бирлашган, бир бутунни ташкил қилувчи) ташкил қилувчи қисмлари давлат мақомига эга бўлмаган давлат. Бундай давлатда ягона олий конституция, ягона фуқаролик, ягона олий қонун чиқарувчи, ягона бошқарув ва суд органлари мавжуд бўлади. Унитар давлатнинг у ёки бу қисмида фаолият кўрсатаётган давлат органлари маҳаллий давлат органлари ҳисобланади. Унитар давлат маъмурий-ҳудудий бирликларининг чегаралари марказий

органлар томонидан қабул қилинган қонунлар асосида ўзгартирилади ва бунинг учун маҳаллий давлат органлари ёки аҳолининг розилиги талаб қилинмайди. Давлат органлари ўз фаолиятларини марказдан тайинланадиган махсус вакил (губернатор, комиссар, ҳоким ва хоказо) назорати остида амалга оширадilar.

- Федератив - лотинча “федерал” - иттифок бўлиб мустақкамлаш) - давлат тузилиши шаклларида бири. Федератив давлатлар мураккаб тузилишга эга давлатлар деб ҳам юритилади. Бунинг боиси шундаки, федератив давлат, одатда, давлатларнинг ўз сиёсий мустақиллигини ихтиёрий равишда ва муайян доирада чеклаши йўли билан иттифокқа бирлашуви натижасида юзага келади.

Федерацияга хос белгилар:

- Федерация ҳудуди, унинг субъектлари, яъни таркибий қисмлари баъзи давлатларда - штатлардан (АҚШ, Мексика, Бразилия, Венесуэла, Хиндистон, Австралия, Малайзияда), баъзиларида - провинциялардан (Аргентина, Канада), ёки ерлардан (Олмония ва Австрияда ва хоказо) иборат бўлади.
- Федерация субъектлари, одатда федератив давлат конституциясига зид бўлмаган ўз конституциясини қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади, лекин баъзи бир федератив давлатларда (масалан, Канаданинг провинциялари, Венесуэланинг штатлари, Шунингдек, Хиндистоннинг кўпгина штатлари) бундай субъектлар ўзларининг мустақил конституцияларига эга эмас.
- Федерация ва унинг субъектлари ваколатлари ўртасидаги чегара иттифок конституциясида белгиланади. Барча федератив давлатларда икки поғонали давлат ҳокимияти, бошқаруви ва суд органлари мавжуд. Биринчи поғона - федерациянинг олий қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳокимиятлари. Иккинчи поғона эса ҳар бир федерация субъектининг олий қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимиятидан иборат. Уларнинг ваколатлари конституция билан белгиланади. Ваколатларнинг чегаралари турли хилдир. Масалан, бир қатор давлатларда, жумладан, АҚШ, Швейцария, Бразилия, Канада, Аргентина, Венесуэла ва Мексиканинг федерал конституциясида икки турдаги ваколат доираси белгиланган: а) федерал ҳокимиятнинг мутлақ ваколат доирасига кирган масалалар (мудофаа, пул чиқариш, ташқи алоқа); б) федерация субъектларининг мутлақ ваколатига кирган масалалар (штат, олий қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд органларини тузиш, штатларнинг ўз қонунларини қабул қилиши, бюджет масалалари).
- Баъзи бир давлатларда (масалан ГФР, Хиндистон, Малайзияда) юқоридаги икки ваколат доираси учинчи ваколат доираси билан тўлдирилади. Унга кўра, баъзи масалалар, бир вақтнинг ўзида ҳам федерация субъекти ваколатига киритилган. Бу ваколат доираси турига биноан, агарда бир масалани федерал қонунчилик билан федерация субъекти қонунчилиги турлича тартибга соладиган бўлса, федерал қонунчилик амал қилади, яъни умум федератив қонунчиликка имтиёз берилади.
- Ҳар бир федерация субъекти ўзининг ҳуқуқ ва суд тизимига эга бўлади. Масалан, 50 штатдан ташкил топган АҚШ да ҳар бир штат бир-биридан фарқ қилувчи ҳуқуқ тизими ва ўз суд тизимига эга.
- Кўпгина федератив давлатларда умумдавлат фуқаролиги ва айни вақтда федерация субъектларининг ўз фуқаролиги ҳам мавжуд бўлади. Лекин бу хусусият ҳамма федератив давлатларга хос эмас. Масалан, Канада, Венесуэла, Хиндистон ва Малайзияда фақатгина федерал фуқаролик белгилаб қўйилган.
- Федерация субъектлари одатда ўз манфаатларини химоя қилиш мақсадида федерал парламентга махсус палатага эгадирлар (масалан, АҚШ Конгрессининг юқори палатаси - Сенат, Олмония парламентида - Бундестаг, Хиндистон парламентида - Штат кенгаши, Мексика Конгрессида - Сенат ва хоказолар шу вазифасини бажарадилар). Лекин, улар унитар давлатлардаги парламентларнинг юқори палатасидан жуда кам фарқ қиладилар. Чунки, одатда, федерация субъектлари миллий давлат тузилмалари, сифатида

қаралмайди ва улар махсус манфаатларга эга эмас (Мустақиллик: изохли илмий-оммабоп лугат.: 1998. 219-220-б).

Республика - (лотинча “рес” - иш ва “публикас” - ижтимоий: умумхалқ иши) - давлатни бошқаришнинг асосий шаклларида биридир. Бошқаришнинг республика шакли ўрнатилган мамлакатларда давлат ҳокимиятининг олий органлари муайян муддатга сайланиб қўйилади.

Тарихда республиканинг ҳар хил турлари бўлган. Қадимги Юнонистон ва ўрта асрлар давридаёқ, айрим давлатлар, бошқариш шаклига кўра, аристократик ёки демократик республика шаклида бўлган. Қадимги даврда - Спарта ва Рим, ўрта асрларда Генуя, Венеция, Флоренция, Буюк Новгород ва Псков шаҳар - давлатлари аристократик республика шаклида бўлганлар. Демократик республика Қадимги Греция - Афинада ўрнатилган бўлиб, фуқаролар учун умумий сайлов ҳуқуқи жорий қилинганлиги, ҳар йили қонунларнинг қайтадан тасдиқланганлиги ва мансабдор шахсларнинг қайтадан сайланганлиги, олий ҳокимият органи - Халқ мажлиси эканлиги билан ҳарактерланади.

Республиканинг турли шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фикрлар қадимги давр мутафаккирлари асарларида кўплаб учрайди. XIX-XX асрларга келиб, республика давлатни бошқаришнинг энг кенг тарқалган шаклига айланди. Ҳозирги даврда республиканинг учта асосий тури мавжуд: Президентлик республикаси, парламентар республика ва аралаш республика.

Президентлик республикасининг Америка Қўшма Штатлари, Аргентина, Бразилия, Венесуэла, Гватемала, Замбия, Кения, Колумбия, Мексика, Парагвай, Перу, Сальвадор каби мамлакатлар учун хос хусусиятлари: махсус ташкил этилган коллегиял орган томонидан сайланиши; президентнинг парламентдан мустақиллиги: бош вазир лавозимининг йўқлиги: ҳукуматнинг президент томонидан тузилишидир.

Парламент республикасида кўппартиявийлик тизими ривожланган бўлиб, мамлакат аҳолиси давлат ҳокимиятининг олий қонун чиқарувчи орган-парламент депутатларини маълум бир муддатга сайлайди: парламент сайловларида ғалаба қозонган партия раҳбарлари ҳукуматни тузадилар, агар ҳеч бир партия вакиллари парламентда кўпчилик ўринларни ололмаса, коалицион (аралаш) ҳукумат ташкил қилинади: давлат бошлиғи - Президент парламент томонидан сайланади; ҳукумат бошлиғи бош вазир бўлиб, реал ҳокимият унинг қўлида тўпланади, ҳукумат, парламент олдида жавоб беради; ҳукумат таркибини парламент белгилайди, унинг қабул қиладиган қарорларига ўз таъсирини кўрсатади, бутун ҳукуматни ёки унинг айрим аъзоларини истеъфога жўнатади. Парламентар республикада бошқариш, қонун чиқариш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда президент эмас, балки бош вазир ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Давлатни бошқаришнинг парламентар республика шакли ҳозирги даврда Олмония Федератив Республикаси, Италия, Хиндистон, Австрия, Албания, Бангладеш, Исроил, Польша, Руминия, Туркия каби мамлакатларда ўрнатилган.

Аралаш республикада президентлик ва парламентар республиканинг асосий хусусиятлари биргалашиб ўз аксини топади. Унинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, президент билан ҳукумат ўртасида тўғридан-тўғри юридик алоқа заифдир. Президент бевосита халқ томонидан маълум муддатга сайланади. У бевосита ҳукуматга раҳбарлик қилмайди. Ҳукуматни бош вазир бошқаради. Парламент билан ҳукумат ўртасида келиштириб бўлмайдиган низо келиб чиққанда, президент конституцияга биноан, парламентни ёки унинг қуйи палатасини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Қонун билан белгиланган муддат ўтгандан сўнг, халқ томонидан сайланган ҳокимият органларининг ваколати тугатилади ва уларга қайтадан сайлов ўтказилади. Аралаш республика шакли ҳозирги даврда Франция ва Россия Федерацияси учун ҳосдир.

80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошида собиқ СССР ҳудудида нихоятда мураккаб сиёсий ва мафкуравий вазият мавжуд пайтда, Ўзбекистондаги муайян вазиятни инобатга олиб, ижодий равишда республикавий бошқаришнинг Шундай шакли танлаб олиндики, у Президент республикаси, парламентар республика ва аралаш республикага

хос томонлар ва жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради. Бу нарса давлатимизни ҳозирги замоннинг мураккаб вазиятида талаб даражасида бошқариш имконини беради. (Мустақиллик: изохли илмий-оммабоп луғат. Т.: 1998, 185-187 бетлар.).

Давлат бошқарувининг монархия шакли 30 та мамлакатда мавжуд. Монархия - давлат бошқарувининг Шундай шаклики - давлат бошлиғи император, қирол (киролича), герцог, князь, султон, шайх ва бошқалар. Бунда олий ҳокимиятни бошқариш авлоддан-авлодга мерос тарзида ўтади. Монархия бошқаруви хилма-хил бўлиб, конституцион монархия, абсолют (теократик) монархия шаклига эга, Европада митти давлатлар Монако, Лихтенштейн кабиларда-герцоглик ва Ватиканда эса теократик монархия бошқарув шакллари қарор топган.

Буюк Британия дунёдаги энг қадимги конституцион монархия бошқарувига эга. Қирол (киролича) Елизавета ИИ-давлат бошлиғи, олий суд, қироллик қўшинлари олий бош қўмондони, англисакс церкви ва Британия ҳамжамияти² бошлиғидир. Амалда эса қонун чиқарувчи олий орган парламент ва ижро этувчи орган министрлар кабинетидир. Қирол парламент қабул қилган қарорларини тасдиқлайди.

Япония ҳам конституцион монархия типига бўлиб, император давлат ва миллат рамзи ҳисобланади, қонун чиқарувчи орган парламент, ижро этувчи орган - министрлар кабинетидир.

Саудия Арабистони эса абсолют монархия бўлиб, давлат бошлиғи қирол ҳам қонун чиқарувчи ҳам ижро этувчи ҳокимият, бир вақтнинг ўзида бош министр, қуролли кучлар олий бош қўмондони, олий суд ва дин пешвосидир. Ҳукумат асосан қирол оиласи аъзоларидан иборатдир.

Халқаро амалиётда дунё мамлакатлари 3 та асосий гуруҳга:

а) иқтисодий ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари;

б) бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар;

в) ривожланаётган мамлакатларга бўлинади. Дунё мамлакатларини бундай гуруҳлаштириш БМТ нинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЕКОСОС) томонидан таҳлил қилишни қулайлаштириш мақсадида қилинган.

а) Иқтисодий ривожланган бозор иқтисоди мамлакатлари - таркибига 24 та давлат киради. Бу гуруҳ таркибида саноати ривожланган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми катта бўлган иқтисодий ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари - Германия, Италия, Канада, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Япония; Европа Иттифоқи (ЕИ) - Бельгия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Буюк Британия, Франция, Швеция, Финляндия ва Австрия; Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕАСТ) Австрия, Исландия, Лихтенштейн, Норвегия, Швейцария, Швеция; Бенилюкс, (Бельгия), Нидерландия ва Люксембург ва Шимолий Америка эркин савдо келишуви (НАФТА) - АҚШ, Канада, Мексика ва Австралия мавжуд.

б) Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар қуйидаги кичик гуруҳларга: Шарқий Европа мамлакатлари - Албания, Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехия, Словакия; МДХ ва Болтиқ бўйи мамлакатлари - Россия, Украина, Беларус, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Арманистон, Молдова, Озарбайжон, Грузия, Латвия, Литва ва Эстония, Шунингдек собиқ Югославия ўрнида юзага келган мустақил давлатлар; Хорватия, Словения, Македония, Югославия (Сербия ва Черногория федерацияси)дан иборат.

Бу гуруҳ мамлакатларида XX аср 80-йилларининг ўрталаридан бошлаб дастлаб Польшада, сўнгра Шарқий Европанинг бошқа мамлакатлари ва 90-йилларининг бошларидан СССР ва Югославияда йирик сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳаётда катта тарихий ўзгаришлар бошланди, 90-йиллар бошидан бошлаб деярли юқоридаги барча мамлакатларда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар амалга оширилиши

² Британия ҳамжамияти Буюк Британияга қарашли собиқ мустамлакалар озодликка эришгандан сўнг юзага келган бўлиб ҳозир унинг таркибига 50 та мамлакатлар киради.

натijasида - бозор муносабатларига ўтиш ва бозор иқтисодиётини ривожлантириш босқичи бошланди.

90-йилларнинг охирига келганда Польша, Чехия, Венгрия, Руминия, Болгария ва Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар ўзининг натижасини берди ва иқтисодий-ижтимоий ҳаётда сезиларли ўзгаришлар - барқарор иқтисодий ўсиш бошланди.

в) Ривожланаётган мамлакатлар - одатда иқтисодий-географик ҳолатларига кўра минтақалар бўйича гурухланади. Таҳлил қилиш мақсадларида, улар фаол тўлов балансига эга мамлакатларга ва капитал импорт қилувчи мамлакатларга бўлинади. Капитал импорт қилувчи мамлакатлар ўз навбатида энерго ресурсларни экспорт қилувчи ва энерго ресурсларни импорт қилувчи мамлакатларга бўлинади. Энерго ресурсларини экспорт қилувчи мамлакатда дастлабки энерго ресурсларини ишлаб чиқариш (тошкўмир, лигнит, нефть, табиий газ, гидро ва атом энергетикаси) ўзининг эҳтиёжларидан камида 20,0 фоиз ортиқроқ бўлиши лозим. Ривожланаётган мамлакатлар сафида фаол тўлов балансига эга, энерго ресурсларини импорт қилувчи, кейинги йилларда тайёр буюмларни катта муваффақият билан экспорт қилувчи Осиё мамлакатлари ва ҳудудлар (Сянган, Корея Республикаси, Сингапур ва Тайван) мавжуд.

Ривожланаётган мамлакатлар ўртасида кейинги 20 йилда чуқур иқтисодий табақаланиш юзага келмоқда. Бугунги кунда уларни 3 га ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳни саноати ривожланган мамлакатлар - “янги индустриал мамлакатлар” (ЯИМ) гуруҳи ташкил қилади. Бунга - Аргентина, Бразилия, Сянган, Корея Республикаси, Мексика, Сингапур, Тайван ва Туркия киради. Оралик гуруҳга ялпи ижтимоий маҳсулот, саноат ишлаб чиқариш ҳажми, аҳоли жон бошига товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича сезиларли даражада орқада бўлган Яқин Шарқ мамлакатлари киради. Бу мамлакатларда иқтисодиётнинг тармоқ таркиби, аҳолининг ижтимоий қатламлари ва жамиятдаги ҳолати ғоят турличадир.

Шунингдек, нисбатан “ривожланган мамлакатлар” гуруҳига 50 га яқин мамлакатлар киради. Бу мамлакатлар тор монокультура хўжалик тизими ва хориж капиталига боғлиқлиги билан ажралиб туради. БМТ бу мамлакатларга нисбатан 3 та ўлчов билан ёндошади. Улар учун аҳоли жон бошига ЯИМ 350 АҚШ долларида ошмаслиги, катта аҳоли ўртасида ўқишни билувчилар - 20 фоиз атрофида ва ишлов берувчи саноатнинг ЯИМдаги ҳиссаси - 10 фоиздан ошмаслиги ҳосдир. Бу гуруҳга Осиёдан-8, Африкадан - 28, Лотин Америкаси ва Океаниядан 5 та мамлакат киради.

Лотин Америкаси, Африка ва Осиёда кўплаб эркин савдо минтақалари, божхона, иқтисодий иттифоклар юзага келди. Булар - Анд пакти (Боливия, Венесуэла, Колумбия, Перу), Марказий Америка умумий бозори - Гватемала, Гондурас, Коста-Рика, Никарагуа ва Сальвадор, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги - 14 та ривожланаётган мамлакатлар Шунингдек, иқтисодий ривожланган мамлакатлардан АҚШ, Канада ва Япония киради. Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси - (АСЕАН-Бруней, Вьетнам, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин), МЕРКОСУР (Аргентина, Бразилия, Парагвай ва Уругвай), Жанубий Африка ривожланиш қўмитаси - САДК (Ангола, Боцвана, Лесото, Малави, Мозамбик, Намибия, ЮАР, Свазиленд, Танзания, Зимбабве), Араб умумий бозори - Миср, Иордания, Ироқ, Яман, Ливия, Мавритания ва Сурия киради.

2.3. Дунё сиёсий картаси ва ҳозирги халқаро муносабатлар.

Кейинги 50 йил дунё сиёсий картасида ғоят мураккаб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга бойлиги билан ажралиб туради. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг дунё икки йирик системага бўлинди. (капиталистик ва социалистик), кўплаб ҳарбий-сиёсий иттифок ва блоклар юзага келди. Бундай энг йирик ҳарбий-сиёсий блоклар Шимолий Атлантика ҳарбий блоки (НАТО) ва СССР бошчилигидаги Варшава шартномасидир. (ОВД). Шунингдек, 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб миллий-озодлик ҳаракати Африка, Осиё

ва Лотин Америкасида кучайди ва мустамлакачилик тизими емирилди ҳамда дунё сиёсий картасида 100 дан ортиқ суверен ёш, ривожланиш йўлига кирган давлатлар юзага келди.

Шунингдек, дунё сиёсий картасида иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўзига хос бош “қайноқ нуқталар” вужудга келди - Яқин Шарқда (Исроил давлатининг 1949 йил ташкил топиши ва Фаластин муаммоси, Хинди-Хитой ярим оролида (Вьетнам, Кампучия), Корея ярим оролида (КХДР ва Корея Республикаси ўртасида), Африка ва Лотин Америкаси ҳудудларидадир. Бу нуқталарда шу ҳудуддаги мамлакатларгина эмас балки кўплаб бошқа мамлакатлар манфаатларининг ҳам тўқнашуви юз берди.

Дунё сиёсий картасида 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб халқаро муносабатларда йирик давлатлар (собиқ СССР, АҚШ, ГФР, Буюк Британия, Франция, Япония, Италия) ўртасида куч ишлатишдан ўзаро бир-бирини тушуниш ва ўзаро ҳамкорлик томон юз тўтиш, яъни “совуқ уруш” сиёсати ўз ўрнини халқаро хавфсизлик ва тинчликни сақлаш сиёсатига бўшатиб берганлиги хос.

Дунё сиёсий картасида Германиянинг ягона давлат бўлиб бирлашуви, социалистик тизимнинг ва СССР нинг тарқалиб кетиши, янги мустақил давлатларнинг юзага келиши, Варшава шартномасининг тарқаби кетиши билан НАТО нинг сиёсий иттифокка айланиши каби ижтимоий-сиёсий жараёнлар катта воқеликка айланди.

Кейинги йилларда халқаро муносабатлар тизимида юзага келган 100 дан ортиқ минтакавий можаролар, келишмовчиликларни сиёсий йўллар билан ҳал қилишда халқаро ҳамжамият- БМТ жуда катта рол ўйнамоқда. Чунончи, БМТ нинг бевосита ташаббуси билан Марказий Америкада (Никарагуа, Сальвадор), Африканинг жанубида (Намибия ва Ангола), Жануби-Шарқий Осиёдаги (Кампучия) қарама-қаршиликлар сиёсий йўллар билан ҳал қилинди. Чунки, минтакалардаги миллий-етник, уруғ-аймоқчилик, диний экстремистик гуруҳлар ўртасидаги ўзаро курашларга халқаро ҳамжамиятнинг (БМТ доирасида) аралашуви заруриятига айланди. Биргина 1988-1999 йилларда БМТ тинчликни сақлаш мақсадида 30 га яқин операциялар ўтказди.

Айни вақтда, ХХИ-аср бошларида ҳам ҳали ер шарининг турли нуқталарида “қайноқ ҳудуд”лар-Афғонистон, Тожикистон, Чеченистон, Болқон ярим ороли, Яқин Шарқ, Хинди-Хитой ярим ороли, Африкада мавжудлиги дунёда халқларнинг хушёрликка ундайди ва ўз куч ва ғайратларини тинчлик мақсадаларида бирлаштиришни тақозо қилади.

Шундай қилиб, дунё сиёсий картаси даврнинг ўзига хос ойнаси бўлиб халқаро ҳаётнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва бошқа томонларини ифода этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Дунё сиёсий харитаси тушунчасига изох беринг; унинг аҳамияти ва ўзига хослиги нимада?
2. Дунё сиёсий харитаси қандай шаклланган?
3. Дунё сиёсий харитасининг асосий босқичлари тарифи.
4. Мамлакатлар типологияси (гуруҳлари) қандай белгиларга қараб аниқланади.
5. Турли гуруҳ мамлакатлар таснифи.
6. Янги мустақил давлатлар таснифи.

5- Мавзу: ЖАҲОН АҲОЛИСИ.”ДЕМОГРАФИК ПОРТЛАШ”. ДЕМОГРАФИК СИЁСАТ.

Режа:

1. Аҳолисининг жамият тараққиётидаги аҳамияти, унинг айрим тарихий даврлардаги сони ва динамикаси.

2. Аҳоли табиий ҳаракатига хос умумий ва регионал хусусиятлар.
3. Аҳолининг ёш-жинс таркиби ва меҳнат ресурсларининг шаклланиши.
4. Жаҳон аҳолисининг ирқий, этник ва диний таркиби.
5. Аҳолининг ҳудудий жойлашиши.
6. Демографик сиёсат.

1. Аҳолининг жамият тараққиётидаги аҳамияти, унинг айрим тарихий даврлардаги сони ва динамикаси.

Аҳоли - жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи. Аҳолисиз ишлаб чиқаришнинг ўзи ҳам, фан ва техниканинг ривожланиши ва мавжудлиги ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу билан бирга аҳоли саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг, транспортнинг ва хизмат курсатиш соҳаси хилма-хил тарларининг асосий истеъмолсидир. Шу сабабли аҳолининг сони ҳар бир мамлакат учун муҳим омил ҳисобланади.

Хозирги ривожланган жамиятда кишиларда хилма-хил моддий ва маънавий неъматларга, маиший хизматларга эҳтиёж пайдо бўлади. Индивидуал истеъмолчининг эҳтиёжларини бевосита қондирадиган ҳар қандай меҳнат - маиший хизматга киради. Хизмат соҳаси-меҳнат сарфаланадиган мустақил объект истеъмол қилинадиган маънавий неъматларнинг манбаларидан биридир. Турли тармоқлар орқали моддий неъматлар (чакана савдо, умумий овқатланиш, маиший хизматлар тизими орқали) ва маънавий неъматлар (томоша муассасалари, клублар, китоб савдоси, радио ва телевидение, музейлар ва бошқалар) олади. Бундан ташқари маиший хизмат, турли хизматларнинг хилма-хил кўринишларини келтириб чиқаради-ки, буларни моддий неъматларга ҳам, маънавий неъматларга ҳам киритиб бўлмайди: тиббий хизмат, шахсий гигиена, корхоналар ва бошқалар.

Шахсий эҳтиёж учун сарф бўлган ялпи харажалари ичида ва бинобарин ялпи даромаднинг сарфланишида хизматлар улиши дунда ривожланган мамлакатларда тобора ортиб бормоқда ва бу жарайон келажакда яна давом этади. Ҳамдустлик давлатларида бу улиш 30-34%ни ташкил этади (бу пуллик хизмат курсатиш, шунингдек пулсиз, яъний ижтимоий истеъмол фондалари ҳисобидаги хизматлар ҳам киради).

Аҳоли ижтимоий ишлаб чиқариш марказий бугун эканлиги, ибтидоий жамоа, шунингдек, кулдорлик ва феодал тизимида ҳам шакллана бошлаган, лекин бу даврда саёрамиз аҳолиси жуда секинлик билан қупайган, бунга асосий сабаб инсоннинг табиатга жуда қарам бўлганлиги, ишлаб чиқариш даражасининг пастлиги, тез-тез бўлиб турган урушлар, юкумли касалликлар ва очарчилик сабаб бўлган. Шунга қарамай аҳоли ижтимоий ишлаб чиқаришда жадал иштирок этган қурашган ва ҳозирги кунда ҳам бу қараён давом этмоқда.

Ер қуррасида аҳоли ниҳоятда нотекис жойлашган. Аҳоли ҳудудий жиҳатдан тупланган 3 та асосий ареални ажратиш курсатиш мумкин. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий-Осиё ареаллари. Бу ареаллардаги мамлакатларда аҳолининг уртача зичлиги 1км²да одатда 100 кишидан ортади. Баъзи жойларда эса 1000-1500 кишига этади ва ундан ҳам ортади. Аҳолининг бундай зичлигига бу эрда кишиларнинг энг қадимдан яшаши, кўп меҳнат талаб қилувчи интенсив обуқор деҳқончиликнинг тарихий таркиб топганлиги ва шунингдек, аҳолининг табиий қупайиш хусусиятлари сабаб бўлган ва аҳолининг миллий таркибини вужудга келтирган. Кишиларда маълум табиий шароитда узоқ тарихий тараққиёт тил, ўзаро психологик қайфият, хўжалик юритиш шакли ва маънавий-маданий белгилари ҳосил бўлади. Бу белгилар мажмуасини кишиларнинг этник белгилари дейилади. Кишиларнинг этник белгилари, аҳоли сонини ўсиши, ҳудудий жойланиши, жинсий ва эш таркиби ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашиш даражасига таъсир қилади. Кишилардаги этник белгилар, «**Консолидация**» ва «**Ассимиляция**» таъсирида ўзгариб боради.

Консолидация - моддий ва маънавий турмуш тарзларини ўзаро яқин бўлган кишилар гуруҳларини аралашиб кетиши натижасида учинчи бир ҳаклни пайдо бўлиш қараенидир. Консолидация қараенига Шарқий славян ҳакларини ўзаро аралашини

натижасида русларни, Марказий Осиёда эса маҳаллий турк қабилалари билан **Мугул** халқларини аралаштириш натижасида киргиз халқларини пайдо бўлиши. Шимолий Америкада маҳаллий қабилалар билан келгинди кишиларнинг аралашув натижасида Америка халқи пайдо бўлган. Шунинг таъкидлаш керак-ки, аралашув натижасида вужудга келган халқлар аввалга халқларни тилини, урф-одатини ва бошқа этник белгиларини ривожлантириб боради.

Ассимиляция - бу оз сонли халқ томонидан, кўп сонли халқларни тили, урф-одати, маданияти ва бошқа этник белгиларини қабул қилиб, уларнинг этник белгиларини унутиб юбориш жараёнидир. Кишилардаги этник белгиларни шаклланишига ижтимоий ва иқтисодий омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Эр шароитлари аҳолиси қуйидаги тил оилаларига мансуб:

1. **Урал тил оиласи** - Россияни Европа қисмлари ва Сибир халқлари қиради.
2. **Ўлтой тил оиласи** - Турклар, мугиллар, яъни Урта Осиё, Қирғизистон, Қозғоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон қабил давлат халқларини ўз ичига олади.
3. **Хитой-Тибет тил оиласи** - Шарқий ва Жанубий Осиё халқлари қиради.
4. **Малазия тил оиласи** - Хинд ва тинч океанидаги халқлари қиради.
5. **Дравид тил оиласи** - Хиндистон халқлари.
6. **Монкхмер тил оиласи** - Хинди-Хитой мамлакатлари халқлари гаплашади.
7. **Семит. ҳамит тил оиласи** - Жанубий-Гарбий Осиё ва Африка, шимолий араб халқлари сузлашади.
8. **Банту тил оиласи** - Африканинг жанубий халқлари гаплашади.

Бундан ташқари аҳолини эш таркиби, жинсий таркиби, ижтимоий таркиби мавжуд. Аҳолининг эш таркиби аниқлаш мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларини ташкил этишда меҳнат ресурслари ва нафақахурларни сонини аниқлашда истёмоли ва бошқа халқ-хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муҳимдир.

Аҳоли XX асрда айниқса тез ўса бошлади. Агар асримиз бошида эр кўрраси аҳолией ҳар йили 10 млн.кишига қупайган бўлса, аср урталарида 35-40 млн.кишига қупайди, ҳозирги вақтда эса йилига тахминан 80-85 млн.кишига ортиб бормокда. эр шароитлари аҳолиси 1975 йилда 4 млрд.киши бўлди. 1987 йилда 5 млрд. кишига этди. 1999 йилда эса 6 млрд.кишидан ошиб кетади. Аҳоли сонининг бундай тез ўсиши демографик «портлаш» деб аталади. Аҳоли сонининг тез ўсиб бораётганлиги кейинги 10 йилликда жаҳон ижтимоий-иқтисодий таракқиетининг энг муҳим муаммоларидан бирига айланди. эр шароитлари қупайиб бораётган аҳолисини озик-овқат, иш билан таъминлаш, табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш ана шу муаммо билан билвосита эки билвосита боғлиқдир.

Аҳоли сонининг ўсиш суръатлари аввало унинг табиий қупайиши хусусиятларига боғлиқдир. Аҳолининг табиий ўсишининг кўрсаткичлари турли мамлакатларда бир-биридан жуда катта фарқ қилади. Шунга қарамай аҳоли табиий қупайишини иққи асосий типга ажратиш мумкин.

Аҳоли қупайишининг биринчи тип. европа ва Шимолий Американинг ривожланган мамлакатлари учун хосдир. Бу тип ижтимоий-иқтисодий шароитлари тамомла бошқача бўлишига қарамай, Россияда ҳам асосий урин тутди. Аҳоли табиий қупайишининг биринчи тип учун туғилишнинг урта ва паст кўрсаткичлари хос бўлиб, бу кўрсаткичлар қупчилик ҳолларда бундан буен янада пасайиб бормокда. Туғилишнинг қамайишига шаҳар аҳолисининг тез ортиши (шаҳарларда туғилиш паст, одатда қишлоқ жойлардагидан анча қам бўлади) ҳатто энг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ҳам бу жараёни қузатиш мумкин.

Бу гурппадаги мамлакатларда туғилиш жуда паст даражада стабиллашиб бормокда. Натижада ўшбу давлатларда аҳолининг табиий қупайиши ҳар 1000 кишига, одатда 2-5% атрофида, буни қуйидаги жадалдан қураимиз.

Аҳоли қупайишининг биринчи тип учун ҳозирги вақтда қупайишнинг қамайиб бораётганлиги эки ҳеч бўлмаганда стабиллашаётганлиги (турғунлашаётганлиги) хосдир.

Бу мамлакатларнинг ҳозирги вақтда тугилишнинг ва табиий купайишни рағбатлантиришга қаратилган демографик сиёсат олиб борилмоқда.

Аҳоли купайишининг иккинчи типи - Осиё, Африка ва Латин Америкаси Марказий Осиё мамлакатларида намоён бўлмоқда. Бу тип учун даставвал тугилишнинг жуда юқорилиги ҳосилдир. Ушбу давлатларда аҳоли уртасидаги табиий купайиш коэффициентлари ҳар 1000 киши ҳисобига 22-25%га тенг.

Шунингдек табиий купайишга қуйидаги омиллар кўпроқ таъсир этади:

- хотин-кизлар билан эркеклар сони уртасидаги нисбат, яъни аҳолининг жинсий таркиби;
- турмуш қуриш ёшини эрта ва кечлиги, айниқса кизларнинг эрта турмушга чиқиши;
- тиббий хизматни ривожланиши ва ундан фойдаланиш даражаси;
- хотин-кизларни ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашиш даражаси;
- хотин-кизларнинг жамиятда тутган ўрни ва уларнинг ҳуқуқлари;
- турли урушлар;
- шаҳарча яшаш тарзи;
- мамлакатда табиий купайишни рағбатлантириш бўйича чора ва тадбирлар;
- аҳолининг билим ва малака даражаси.

Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги аксарият мамлакатларда кейинги йилларда медицина хизмати яхшилаш натижасида улимни, айниқса юқумли касалликларнинг улишини камайтиришга эришилди. Демографик «портлаш»га сабаб бўлган аҳоли сонининг купайиш суръатининг тез ўсиши аҳоли купайишининг айнан иккинчи типидagi мамлакатлар учун ҳосилдир. Бутун жаҳон аҳолисининг 4/5 қисмидан ортиқроғи ҳозирги вақтда Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларига тўғри келади. Масалан, Хиндистонда аҳоли сони ҳар йили 13-14 млн. кишига қўймоқда. Бу миқдор бутун Австралия аҳолисига деярли тенгдир. Ривожланаётган мамлакатларнинг қўчилигида тугилишни ва табиий купайишни камайтиришга қаратилган фаол демографик сиёсат юргизилмоқда.

Бозор иқтисодиети ривожланаётган қатор мамлакатларда аҳолини тез суратлар билан ўсишини олдини олиш чоралари қўлланилмоқда. Бунга Хитой, Хиндистон каби давлатлар мисол бўла олади.

Ўзбекистондаги демографик сиёсатнинг моҳияти она ва болани ижтимоий ҳимоя қилиш ва аҳолини сифат қўрсаткичларини яхшилашга қаратилган. Бинобарин, 2000 йилнинг «Соглом авлод» ва 2001 йилни эса «Оналар ва болалар» йили деб эълон қилиниши бу фикримизнинг далили ҳисобланади.

Аҳолининг сони ва таркиби унинг бажарадиган вазифалари билан боғлиқ ҳолда баҳоланади. Аҳоли авваламбор ўзидан қўпаядиган ўзини такрор қиладиган биосоциал организмдир. Аҳоли шу билан бирга жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи қучи ва истеъмолчисидир.

Бир неча минг йиллар давомида ўлимнинг жуда катта ва аҳоли ўсишининг паст бўлишлиги ўзининг объектив сабабларга эгадир. Даставвал-бу моддий ва санитар гигиеник шарт шароитларининг қониқарсиз аҳволда эканлиги, қолаверса, вақти-вақти билан такрорланиб турадиган очарчилик, ўлат, вабо ва чечак эпидемиялар натижасида юз минглаб одамлар қирилиб кетган. Ер шарида бундай офатлар 200-400, 1600-1650 йиллар ичида қайд этилган бўлиб, ўша даврларда аҳоли сони умуман ўсмади. 1300-1400 йиллар давомида қора ўлат эпидемиясининг таъсирида сайёра ўз аҳолисининг 1/4 қисмидан ажради, унинг сони кескин камайди.

Демограф олимлар демографик ўтиш жараёнини 4 фазага ажратган.

Биринчи фаза учун тугилишнинг юқори даражасида сақланиши ва ўлимнинг кескин қисқариши оқибатида вужудга келувчи жуда юқори даражадаги табиий ўсиш ҳосилдир. Иккинчи фаза кўп болали оиладан кам болали оиллага ўтиш, ўлимнинг қисқариш, тугилишнинг эса ундан ҳам кўп миқёсда камайиши натижасида табиий ўсишнинг пасайиши билан ифодаланади. Учинчи фаза аҳоли таркибида қариялар сони ва улушининг ўсиши

ҳамда туғилишнинг аста-секин пасайиши натижасида ўлим бир мунча кўпайди. Мазкур босқичда аҳоли сони жуда кам миқдорда ўсади ёки қисқаради. Тўртинчи фазада туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари тенглашади, аҳолининг умумий ўсиши барҳам топади.

Демографик ўтиш даври дастлаб Европада ХВІІІ асрда бошланди. Ўша вақтда табиий кўпайиш 20-30 премиллига тенг бўлди буни демографик инқилоб деб аташ мумкин. Ушбу жараён Европада 100-150 йил давом этди. Ундан кейинги даврда Европа мамлакатлари демографик ўтишнинг иккинчи фазасига ўтди. Ҳозир ушбу мамлакатларнинг кўпчилиги демографик ўтишнинг учинчи фазасидадирлар. Бинобарин, Германия, Австралия, Бельгия, Италия, Дания, Венгрия, Нидерландияда ўлганларнинг сони туғилган болалар сонидан кўп бўлмоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги демографик ўтиш жараёнининг биринчи фазасига ўтмоқдалар. АҚШ, Япония, Канада, Австралия мамлакатлари иккинчи фазани бошдан кечирмоқдалар. Хитой ва бир қатор бошқа мамлакатлар ушбу иккинчи фазага ўтиш арафасида турибди. Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё мамлакатларида биринчи фазадан иккинчи фазага ўтиш учун замин тайёрланди, бу жараён яқин 10-15 йил мобайнида бошланса, ажаб эмас.

Аҳолини ўсиши ҳақида турли назариялар мавжуд жумладан аҳоли сони ҳақида «**оптимум**» назарияси, бунда аҳоли сонининг ўсиши, ишлаб чиқариш кучларини ривожланиш даражаси билан тенглаштириш гоёлари олдинга сурилади, айниқса, аҳолини ўсиш ҳақида, инглиз иқтисодчиси **Томас Роберт Мальтус** назарияси муҳим роль уйнайди. ХВІІІ аср охирида ХІХ аср бошларида Англия саноатига машинасозлик юз бера бошлади қатор завод ва фабрикалар калок манафактурадан машина технологиясига ўтди, натижада завод ва фабрикаларда ишчи уринларнинг қисқартириш ҳолати юз беради бу эса ишсизлар армиясини пайдо бўлишига олиб келади. Ишсизлар турли ишташлашлар, фабрика завод эгаларига ва давлатга қарши намоишлар ташкил этади. Ана шу вақтда машҳур инглиз иқтисодчиси Мальтус «Аҳолишунослик қонуни ҳақида тажриба» деган асарини чоп этирди.

Т.Мальтус бу асарида Англия саноат ишлаб чиқаришда пайдо бўлган ишсизлар армиясини аҳоли сонининг тез ўсиши билан боғлайди. Аҳоли сонининг тез ўсишини олдини олиш учун турмуш қуриш ёшини кечиктириш ва турли урушларни бўлиб туриши муқарарлигини таъкидлайди. Аҳоли сонинг ўсиши геометрик прогрессия асосида ва аҳолига истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса математик прогрессия асосида ривожланишни таъкидлайди. Агар аҳоли сонининг ўсишни олди олинмаса, ишсизлар армияси пайдо бўлиши билан бирга, атроф муҳитни ифлосланишни таъкидлайди.

Т.Мальтусни бу гоёсини икки томонлама таҳлил этмок лозим, яъни ҳар бир мамлакатда жамият тараққиятини оқилона ривожланиши учун аҳоли сонининг ўсиши билан ишлаб чиқаришни ривожлантиришни мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда, аҳоли ортиқчалиги ҳолати юзага келади, шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда бозор иқтисодиёти ривожланаётган қатор мамлакатларда аҳолини тез суратлар билан ўсишини олдини олиш чоралари кулланилмоқда. Бунга Хитой, Хиндистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари мисол бўла олади.

2. Аҳолининг табиий ҳаракатига хос умумий ва регионал жиҳатлар. Ер шарида сўнгги вақтда йилига 135-137 млн бола туғилмоқда, 53-55 млн киши ўлмоқда. Табиий ўсиш миқдори 82-84 млн кишини ташкил қилмоқда. Дунёда туғилишнинг жуда юқори коэффицентлари Африкага, регионлар ичида Африканинг барча регионлари ҳамда Марказий Америка ва Ғарбий Осиёга жуда паст коэффицентлари Шимолий Америка, Европа, Россия, Шарқий Осиёга ҳамда Австралия ва Океанияга хосдир. Ўлим коэффицентининг юқори кўрсаткичлари Африка ва Европада, Марказий ва Жанубий Осиёда, Россияда кузатилмоқда. Табиий ўсиш коэффицентлари Африка, Марказий Америка, Ғарбий Осиё ҳамда Марказий ва Жанубий Осиёда юқори кўрсаткичлар билан ифодаланмоқда. Ушбу кўрсаткич Европада нолга, Россияда эса 7 га тенг бўлди.

3. Аҳолининг ёш-жинс таркиби ва меҳнат ресурсларининг шаклланиши.

Бутун дунёда эркакларнинг сони аёлларникига нисбатан қарийб 30 млн.га

кўпроқдир. Лекин айрим материклар, регионларда эркалар билан аёллар сони ўртасидаги фарқ сезиларли тусга эга. Болалар ёшларида барча материклар ва регионларда ўғил болаларнинг устунлиги кўзга ташланади.

Дунёда 0-14 ёшда ҳар минг қизга 1040 ўғил бола тўғри келади. Ушбу кўрсаткич Европада (1060), Осиёда (1050) ҳамда Австралия ва Океанияда (1059) ундан ҳам юқори. Фақат Африка (1008) ва Америкада (1029) нисбатан паст даража билан ифодаланади. Болалар сонидаги фарқнинг келиб чиқишида туғилган ҳар минг гўдакнинг 520 нафари ўғил болалардан иборат бўлишлиги омили ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Аҳолининг асосан меҳнатга лаёқатли ёшдаги қисмидан ташкил топган 15-65 ёшида Дунё бўйича ҳар минг аёлга 1020 нафар эркак тўғри келади. Европада эркалар сони аёллар сонига тенг. Осиёда ҳар минг аёлга 1049 нафар эркак, Австралияда ва Океанияда эса 1039 нафар эркак тўғри келади. Мазкур кўрсаткич Африка (979 эркак) ва Америкада (990 эркак) аксинча, аёллар устунлиги билан ифодаланади.

Дунё аҳолисининг ёш таркиби ҳам катта ҳудудий фарқларга эга. Бунда туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари динамикаси ҳал қилувчи рол ўйнайди. Сўнгги йилларда дунё аҳолисининг таркибида болалар улуши камайиб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва кекса аҳоли салмоғи кўпаймоқда. Масалан: 1970-1999 йилларда 0-14 ёшдаги болалар улуши 36,6 дан 31 фоизга камайди, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли салмоғи ўсиб, 7,0 фоизни ташкил этди.

Аҳоли бандлиги ҳам турли мамлакатларда турлича. Масалан: моддий бойликлар ишлаб чиқариш соҳасида Россия аҳолисининг (меҳнатда банд аҳолининг) 70 % и, АҚШ аҳолисининг 54 %и, ноишлаб чиқариш соҳасида эса Россиянинг 30 %и, АҚШнинг 46 % меҳнат ресурслари банд. Бу кўрсаткичлар қишлоқ хўжалиги бўйича Россияда 15 % ни, АҚШ да 3% ни, саноатда Россияда 37 % ни, АҚШда 24 % ни, хизмат кўрсатиш соҳасида Россияда 48 %ни ташкил этади.

4. Жаҳон аҳолисининг ирқий, этник ва диний таркиби.

Инсон ирқи-бу ўхшаш, авлоддан-авлодга ўтувчи ташқи (тери-гавда) белгиларга эга бўлган, тарихан шаклланган одамлар гуруҳидир. Ҳозирги вақтда 3 та асосий европоид (ок), негроид (қора) ва монголоид (сарик) ирқларга ажратиш қабул қилинган. Айрим ҳолларда тўртинчи австролоид ирқи ҳам ажратилади.

Дунёда уч-тўрт минг халқ бўлиб, уларнинг ичида аҳолисининг умумий сони 100 дан, ҳатто ўнтадан ошмайдиган майда элатлардан (Ҳиндистонда тода, Бразилияда ботоку ва.б) сони 10 млн ва 100 млндан зиёд бўлган йирик миллатлар мавжуддир. Шулар қаторига хитойлар, японлар, бразилияликлар, АҚШ америкаликлари, руслар, ҳиндистонликлар, бенгаллар, панжобликлар, бихарлар, ливанликлар, немислар ва бошқалар киради.

Миллий таркиби хилма-хил бўлган Осиёда дунёда сони энг кўп бўлган халқлар яшайди. Осиёда мутлоқ сони 1 млндан ортиқ 110 га яқин халқ бўлиб, уларнинг умумий миқдори қитъа аҳолисининг 98 фоизини ташкил этади. Осиё мамлакатларининг аксарияти кўп миллатлидир. 150 дан ортиқ халқ Ҳиндистон ва Индонезияда, деярли 100 та Филиппинда, 50 дан ортиқ Вьетнам ва Хитойда 30 дан ортиқ халқ, Эрон, Афғонистон, Мьянма, Таиландда истиқомат қилади. Аҳолининг этник ранг-баранглиги баъзи-бир халқлар тарқалган ҳудудларнинг давлат чегаралари билан бўлиниши туфайли яна ҳам кучайди. Масалан: курдлар Туркия, Эрон, Ироқ ва қисман Сурия, белужлар Эрон, Афғонистон ва Покистон, панжобликлар Покистон ва Ҳиндистон давлатлари чегараларидаги ҳудудларда компакт ҳолда яшайди.

Дунё мамлакатлари аҳолисининг миллий таркиби ва этник муносабатларининг хусусиятига кўра қатор гуруҳларга тақсимлаш мумкин:

Биринчи гуруҳга бир миллатли, яъни асосий миллати жами аҳолисининг 95 % дан ортиқ қисмини ташкил этувчи мамлакатлар буларга Европада Исландия, Ирландия, Норвегия, Дания, Польша, Германия ва бошқалар, Осиёда Япония, КХДР, Корея Республикаси, Бангладеш, Монголия, Арманистон, Яман, Омон, Қатар ва бошқ. Африкада Миср, Ливия, Сомали, Мадагаскар Жанубий Африкадаги деярли барча мамлакатлар киради. Иккинчи гуруҳга ушбу кўрсаткич 70-95 % га тенг бўлган мамлакатлар Буюк Британия,

Франция, Испания, Финландия, Руминия, Жазоир, Марокаш, Зимбабве, Мавритания, Ботсвана, Хитой, Вьетнам, Камбоджа, Мьянма, Туркия, Сурия, Ироқ, Шри-Ланка, Сингапур, АҚШ, Австрия, Янги Зеландия, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон давлатлари киради.

Учинчи гуруҳ мамлакатларида (Эрон, Афғонистон, Грузия, Қирғизистон, Қозоғистон, Покистон, Малайзия, Лаос, Марказий, Шарқий ва Жанубий Африка мамлакатлари ва бошқалар) асосий миллат улуши жами аҳолининг ярмидан кам ёки ортиқ бироқ 70 % дан паст кўрсаткич билан ифодаланади. Тўртинчи гуруҳга аҳолиси бир нечта йирик миллатларга эга лекин улардан бирортасининг улуши сезиларли бўлмаган мамлакатларда тўпланган (Ҳиндистон, Индонезия, Филиппин, Россия, Швейцария, Ғарбий Африка мамлакатлари ва бошқалар).

Маълумки сўнгги йилларда этник таркиби мураккаб бўлган мамлакатларда миллатлараро муносабатлар мураккаблашди, можаролар вужудга келди. Европаликлар томонидан босиб олинган ҳудудларда туб ва маҳаллий миллат вакиллари камситиш ҳоллари учраб туради. (Шимол халқлари, Австралия, Америка ва Австралия ва Океания аборигенлари). Зиддиятларнинг иккинчи манбаи бу кам сонли миллатларнинг ўзига хос тили ва маданиятини менсимаслик, камситиш (Буюк Британияда шотландлар ва уэльсликлар, Испанияда басклар, Францияда корсикаликлар, Канадада франкоканадаликлар ва бошқ.). Миллий ва диний асосга эга бўлган можаролар узоқ йиллардан бери Ҳиндистон, Шри-Ланка, Индонезия, Эфиопия, Нигерия, КХДР, Судан, Сомали, Малайзия, Хитой ва бошқа мамлакатларда давом этмоқда. Диний ва миллий ихтилофлар Яқин Шарқда тус олган. (Исроил, Фаластин, Сурия, Ливан ва бошқ.).

Маълумки, дин жамият ҳаётида, турмушида катта рол ўйнайди. Европада христианлик динининг барча шакллари кенг тарқалган. Католиклар асосан қитъа жанубида, қисман ғарби ва марказида. Протестантлик шимолида, қисман ғарби ва жануби-шарқида кенг тарқалган.

Осиёда барча Дунёвий динлар ва йирик миллий динлар кенг тарқалган. Айниқса ислом дини катта рол ўйнайди. Исломнинг суннийлик йўналиши Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон, Афғонистон, Жанубий Осиёдаги барча араб мамлакатларида асосий ўрин эгаллайди. Исломнинг шиалик йўналиши Эрон, Озарбайжон, қисман Ироқ ва Яманда асосий дин сифатида тан олинган. Ислом динига эътиқод қилувчиларнинг катта-катта гуруҳлари Филиппин, Камбоджа, Таиланд, Мьянма, Кипр, Шри-Ланка мамлакатларида мавжуд.

Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида буддизм ва ламаизм кенг тарқалган. Индуизмга Ҳиндистон ва Непал аҳолисининг кўпчилиги эътиқод қилади. Конфуцийчилик ва даосизм динлари Хитойнинг асосий динлари ҳисобланади. Синтоизм Японияда мавжуд.

Шимолий Америкада христианликнинг икки шакли католик ва протестантлик, Канадада католиклар кўпроқ. Марказий Америка ва Жанубий Америкада католик дини ҳукмронлик қилади.

Африканинг шимоли, ғарби ва шарқида жойлашган мамлакатларда исломнинг суннийлик мазҳаби ҳукмрон. Эфиопия, ЖАР каби мамлакатларда христианлик, Марказий ва жанубий Африкада аҳоли маҳаллий динларга эътиқод қилади.

5. Аҳолининг ҳудудий жойлашиши. Ер юзид аҳоли жуда нотекис жойлашган. Аҳолининг ўртача зичлиги доимий аҳолиси мавжуд ҳудудлар доирасида 46 кишини ташкил этади. Шу вақтнинг ўзид ашбу кўрсаткич Осиёда 116,3 ва Европада 102,5 кишини ташкил этса, Африкада 27,5, Шимолий Америкада 19,6 ҳамда Австралия ва Океанияда атиги 7 % да унда мавжуд аҳолининг 70 % и истиқомат қилади.

Аҳоли ниҳоят зич жойлашган минтақалар қаторига Жанубий, Жанубий-Шарқий ва Шарқий Осиё, Европа ҳамда АҚШнинг шимоли-шарқий қисми «Босваш» мегополиси киради. Ҳозирги вақтда денгиз ва океанлардан куруқликка томон 200 км га чўзилган ер юзаси қисмида инсониятнинг ярмидан зиёд қисми 50 км кенгликка эга бўлган куруқлик қисмида эса Дунё аҳолисининг деярли 30 %и тўплангандир. Дунё бўйича аҳоли жуда зич

жойлашган ҳудудлар қаторига қуйидагилар киради; Рур, Эльзас ва Лотарингия ҳамда Париж ва Лондон районлари, Шимолий Италия, Москва райони Донбасс, Фарғона водийси, Шарқий Хитой, Ҳинд-Ганг паст текислиги, Ява ороли, Япония ороллари, Нил дельтаси, АҚШнинг Шимоли-Шарқий, Буюк кўллар районлари ва Сансан мегополиси.

Ер қуруқлик юзасининг 15 %и умуман ўзлаштирилмаган ва доимий аҳолиси йўқ ҳудудлар ҳисобланади. Айрим мамлакатлар ичида аҳоли зичлигининг жуда юқори кўрсаткичлар Сингапур (5 минг кишига яқин), Нидерландия (460), Корея Республикаси (454), Ливан, Бельгия, Япония ва бошқаларга (200 кишидан ортиқ жами 40 мамлакат), жуда паст кўрсаткичлар Россия, Канада, Австралия, Мавритания, Ливия, Намибия ва бошқаларга хос.

Дунё аҳолиси вертикал минтақалар бўйича ҳам нотекис тақсимланган. Аҳолининг ярмидан ортиқ қисми (56 %и) мутлоқ баландлиги ва паст текисликларда истиқомат қилади. Салкам чорак қисми (24 %и) 200-500 метр баландликка эга текислик ва қирларга тўғри келади. Демак, Ер шари аҳолисининг 80 %и мутлоқ баландлиги 500 метргача бўлган ҳудудларда жойлашган. Шу вақтнинг ўзида 2000 метрдан баланд ҳудудларга Ер шари жами аҳолисининг атиги 1 %и тўғри келади. Умуман олганда аҳоли сони ва улуши баландлик ошган сари камайиб боради. Лекин бу қонуният Жанубий Америкада ўз ифодасини топмайди. Бундан ташқари Осиёда қитъаси билан жами қуруқлик юзасига хос бўлган кўрсаткичлар бир хил миқдорлар ҳослиги билан ажралиб туришлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Демографик портлаш. Демографик сиёсат. Ҳозирда дунё аҳолисининг табиий ўсишини 2 турга бўлиб ўрганилади.

Аҳоли кўпайишининг 1-типи: "Демографик танглик". Бу тур учун туғилиш, ўлим ва табиий кўпайиш кўрсаткичларинининг нисбатан паст эканлиги ҳосдир. Бунга Шимолий Америка ва Европа давлатлари мисол бўлади. Масалан: ГФР, Дания, Италия, Австрия, Венгрия, Болгария, Латвия. Бу мамлакатларда туғилишнинг камайишига шаҳар аҳолисининг тез ортиши (Шаҳарларда туғилиш қишлоқлардан кам бўлади), аёлларнинг ишлаб чиқаришига кўп жалб этилиши, эркаклар салмоғининг нисбатан камлиги (15 млн. кишига хорижий Европада), катта ёшдагилар салмоғининг камайиши сабаб бўлади. Аҳолининг табиий кўпайиши ҳар 1000 кишига 4 та ва ундан кам. Масалан: Германияда оиланинг ўртача мъёри 2.7 киши. Ҳар 4 оиланинг 1 таси фарзандсиз. Россияда ҳам табиий кўпайиш анча паст бўлиб, кўп болали оилаларнинг камайиши кам болали оилаларнинг кўпайиши кузатилмоқда. Оиланинг ўртача вьмъҳб 3.2 кишини ташкил этади. Бу мамлакатларда туғилишнинг ва табиий кўпайишнинг ўсишига қаратилган демографик сиёсат олиб борилмоқда.

Аҳоли кўпайишининг 2-типи: "Демографик портлаш". Бу тури учун туғилиш ва табиий кўпайишнинг юқори, жуда юқори ва ўлимнинг камлиги ҳосдир. Аҳоли кўпайишининг бу тури ривожланаётган давлатлар учун хос бўлиб, асосий сабаблари: мустақилликдан кейинги ҳозирги замон тиббиёти, санитария-гигиена ютуқларидан кенг фойдаланиш, юқумли касалликларга қарши курашиш, эконимика тараққиёт даражасининг пастлиги, қишлоқ хўжалигининг устунлиги (болалар иши ҳисобланади), саводсизлик, санитария маданиятининг етарли кириши, кўп болаликни рағбатлантирувчи диний, иқтисодий, миллий, маҳаллий одатлар.

Туғилиш ва табиий кўпайиш юқори бўлган мамлакатлар асосан Осиё, Африка давлатларидир. Буларда оиланинг ўртача миқдори 6 киши. Аҳолининг табиий кўпайиши 1000:30 киши. 90-йиллари туғилиш (1000:54) ва табиий кўпайиш (1000:64) энг юқори бўлган давлат Кения бўлган. Аҳоли кўпайишининг суръати шундай сақланса 17 йил мамлакат аҳолиси 2 баробар кўпайади. Буюк Британия аҳолисининг 2 хисса кўпайиши учун 630 йил керак бўлади.

Демографик портлаш- XX асрнинг 60 йиллари пайдо бўлган. Демографик портлаш асосан хорижий осие мамлакатларида кузатилинмоқда. Маълумки, аҳолиси сони 100 млн дан ортиқ бўлган мамлакатларнинг 7 таси Осиёда жойлашган. Бу мамлакатларда

демографик сиёсат аҳоли табиий кўпайишини камайтиришга қаратилган(хатто конституцияга киритилган).

Демографик сиёсат-маъмурий(ер бермаслик,ишга олмаслик, уй-жой билан яхши таъминламаслик ёки акси), иқтисодий(ўйликни тўла бермасалик, социал таъминотнм яхшиламаслик) тарғибот ва боўқа тадбирлар аҳолининг табиий кўпайишига ўзи хоҳлаган юналишда таъсир кўрсатишдир.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Аҳоли деганда нимани тушинилади?
2. Аҳоли динамикаси нима?
3. Аҳоли табиий кўпайишининг 1-нчи типига қандай мамлакатлар хос?
4. Аҳолининг миллий таркиби деганда нимани тушунаси?
5. Аҳоли этник белгиларига кура қандай гуруҳларга ажратилади?
6. Аҳоли тил хусусиятларига кура қандай тил оилаларига ажратилади?
7. Демографик портлаш тушунчасини моҳиятини тушунтиринг?
8. Аҳолининг табиий кўпайишига қандай омиллар ўз таъсирини кўрсатади?

6- Маъруза: Урбанизация. Жаҳон шаҳарлари. «Урбанистик портлаш»

1. Урбанизация тушунчаси.
2. Шаҳарларнинг тарихий шаклланиши ва «шаҳар» ҳақида тушунча.
3. Шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрни
4. Шаҳарларнинг генетик типлари
5. Шаҳарларнинг функционал типлари
6. Шаҳарлар агломерацияси

«Урбан» (урбан) -шаҳар, «зация» — жараён демакдир. Шу маънода урбанизация мамлакат ёки бошқа ҳудудларнинг шаҳарлашувини англатади. У ўта мйпаққаб, ижтимоий-иқтисодий ва бутун дунёга хос глобал жараёндир. Бироқ унинг географик жиҳатлари ҳам кам эмас, чунки урбанизация турли мамлакат ва районларда ўзгача содир бўлмоқда.

Урбанизация мураккаб ҳодиса эканлиги туфайли уни фақат битта мезон, кўрсаткич билан ифодалаш, ўлчаш мумкин эмас, Аммо, шундай бўлсада, барча учун қулай бир ўлчов керак. У ҳам бўлса мамлакат ва бошқа ҳудудлар аҳолисининг қанчаси, қанча қисми шаҳар жойларда яшаши, улуши, нисбий ҳиссасидир. Масалан, Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 51,5 %, Тожикистонда 32 %, Афғонистонда 19 %, Туркменистонда 48 % ва ҳ.к. Ривожланган мамлакатларда урбанизация коэффиценти 90 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этади.

Урбанизациянинг умумий кўрсаткичи билан мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси ва унинг таркибий тузилиши орасида маълум алоқадорлик бор. Чунончи, агар урбанизация, коэффиценти тахминан 70 — 75 фоиз ва ундан ортиқ бўлса, у ҳолда мамлакат саноат жиҳатидан юксак даражада ривожланган индустриал мамлакат ҳисобланади; 50 — 70 % бу ҳам ривожланган, миллий иқтисодиёти индустриал - аграр; 30 – 50 % - ривожланаётган аграр - индустриал ва 30 фоиздан паст бўлса, сустр ривожланган аграр мамлакат ҳолатида бўлади,

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, урбанизациянинг юқоридаги кўрсаткичи ҳамма вақт ва ҳамма жойларда ҳам реал ҳудудий - иқтисодий вазиятни акс эттирмайди. Масалан, Россия Федерациясининг Чукотка ўлкасида ёки Камчатка, Магадан вилоятларида, ўзимизнинг Қорақалпоғистонда урбанизация кўрсаткичи нисбатан юқори. Бироқ, бу ҳудудлар иқтисодий жиҳатидан унча ривожланмаган.

Ўзбекистон билан Туркменистонни олайлик: урбанизациянинг демографик кўрсаткичи Туркменистонда бизникдан кўра анча юқори. Ваҳоланки, иқтисодиётда бундай хулоса чиқариш нотўғри бўларди.

Демак, у ёки бу мамлакат урбанизация даражасини бошқа мамлакат билан қиёслаганда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- * шаҳар ташкил қилиш мезонлари (масалан, Туркменистонда бунинг учун 5 минг керак, Ўзбекистонда — 7 минг);
- * шаҳарларнинг умумий сони ва зичлиги;
- * йирик шаҳарларнинг мавжудлиги;
- * шаҳар агломерацияларининг ривожланганлиги;
- * кишлоқ - шаҳар ва маятниксимон миграция;
- * аҳолининг бандлик даражаси ва таркиби;
- * кишлоқ жойлар урбанизацияси, кишлоқликларда шаҳарчасига яшақ тарзининг мавжудлиги ва х.к.

Юқоридагилар урбанизациянинг нақадар мураккаб ижтимоий - иқтисодий ҳодиса эканлигидан яна бир бор далолат беради. Албатта, урбанизация — бу объектив ва умуман олганда ижобий жараён. Аммо унинг салбий томонлари ҳам йўқ эмас. Чунончи, экологик ва социал муаммоларнинг кескинлашуви ҳозирги замон урбанизациясининг энг кўзга кўринарли салбий томонларидир.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистондаги урбанизация шарқона хусусиятга эга. Бинобарин, бу ерда урбанизация кўрсаткиччини яқин келажакда 70 - 80 фоиз бўлишини тасаввур қилиш қийин. Сабаби бизда шаҳарлар ривожланиши кишлоқ хўжалиги билан қадимдан боғлиқ. Қолаверса, бундай мамлакатларда кишлоқ урбанизацияси ҳам катта аҳамиятга эга. Боз устига, республикамиз раҳбарияти кишлоқ жойларда ижтимоий - иқтисодий туб ўзгаришларни амалга ошириш, кишлоқ индустрияси ва инфраструктурасига жиддий эътибор қаратмоқдаки, бу ҳам урбанизацияни ичкаридан, «яширинча» ривожланишидан дарак беради. Демак, урбанизациянинг умумий демографик кўрсаткичи гарчи маълум қулайликларга эга бўлсада, унинг айрим нозик жиҳатлари ҳам мавжуд.

Шаҳарларнинг тарихий шаклланиши ва «шаҳар» ҳақида тушунча.

Шаҳарларнинг ҳам тарихи узок. Бирок бу тарих инсоният тарихидан қисқа бўлиб, бу давр жамият тарихига мос келади. Шаҳарлар жамиятнинг ҳудудий бирикмаси (социуми) шаклида синфий тузум, яъни қулдорлик даврида кўпроқ ривожлана бошлади. Умуман олганда, шаҳарларнинг вужудга келишини ижтимоий меҳнат тақсимоти билан боғлайдилар.

Маълумки, дастлабки ижтимоий меҳнат тақсимоти дехқончиликнинг чорвачиликдан ажралиб чиқишидир. Дехқончилик, хусусан суғорма дехқончиликнинг пайдо бўлиши муқим, доимий (стационар) аҳоли манзилгоҳларининг барпо бўлишига сабаб бўлди. Дастлабки суғориш иншоотлари ёки воситаларини кўпчилик қураб эди, ундан кўпчилик фойдаланар ва уларни кўпчилик қўриқларди. Шу асосда кишиларнинг қадимий жамоаси вужудга келади. Аммо бу жамоа (жамият эмас!), кишиларнинг ҳудудий бирлиги у даврда шаҳар ҳам кишлоқ ҳам деб айтилмасди.

Шаҳарлар эса ижтимоий меҳнат тақсимотининг навбатдаги босқичи, яъни дехқончиликдан хунармандчилик ва савдонинг ажралиб чиқиши натижасида пайдо бўлди. Ушбу касбдаги кишилар, бевосита кишлоқ хўжалиги билан шуғуланмайдилар ва бинобарин, улар ҳар хил меҳнат қуруллари ишлаб чиқариш, ҳамда товар айрибошлаш (алмаштириш)да воситачилик вазифасини бажарган, қулай жойда ўрнашган аҳоли пунктларида яшаганлар. Кейинчалик бундай жойлар «шаҳар» деб аталган. Қулдорлик даврида шаҳарлар қул савдоси маркази бўлган. Айни шу вақтда, улар давлат марказлари вазифасини ҳам ўтаганлар. Натижада, шаҳар — давлат (города — полис) вужудга келган. Масалан, Рим, Афина, Византия, Вавилон, Бухоро, Самарканд (Мароканд) шулар жумласидандир.

Феодализмда шаҳарлар ривожланишининг ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги, ердан фойдаланиш билан (феод —ер) боғлиқ бўлган. Бу даврда шаҳарлар катта ҳудудларнинг сиёсий, диний, иқтисодий ва маданий ҳамда савдо марказлари функциясини бажарган.

Шаҳарларнинг жадал тараққий этиши, ҳозирги замон урбанизация жараёнининг ривожланиши кўп мамлакатларда капиталистик ишлаб чиқариш, иқтисод, молия, транспорт ва бошқа соҳаларнинг мужассамлашуви асосида содир бўлган. Бизнинг ўлкамизда эса шаҳарлар анъанавий равишда (шарқ маданиятига хос ҳолда) суғорма деҳқончилик, савдо ва ҳунармандчилик негизида ривожланиб келган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, «шаҳар» тушунчаси, барча эл ва юртларда, мамлакатларда айнан бир маънода талқин қилинмайди, улар бундай мақомда турли давлатларда, турлича белгиланади. Чунинчи, ислом дини мамлакатларида шаҳарлар (Қуббалар) авваломбар бозор ва масжидларнинг сони билан белгиланган. Ғарб мамлакатларида шаҳарлар аҳоли сони ва зичлиги, жойларнинг архитектураси ва қурилиш шакли, манзилгоҳнинг бажарадиган вазифасига ўхшаш мезонлар орқали ажратилган. Ўзбекистонда 1972 йилдан бери аҳоли манзилгоҳининг шаҳар макomini олиши учун энг камида 7 минг аҳолига эга бўлиши ҳамда уларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда банд бўлмоғи шарт.

Шаҳарлар мураккаб тушунча. Шу боис улардан турли фан вакиллари ҳар хил талқин қиладилар. Масалан, иқтисод учун шаҳар асосан ишлаб чиқариш, энг аввало саноат маркази, социология учун ўзига хос яшаш муҳити, тарихчи учун ўтмишдан гувоҳлик берувчи жойдир ва ҳ.к. Иқтисодий географияда эса шаҳар — бу қишлоқ хўжалиги бўлмаган соҳалар ва улар билан шуғулланувчи аҳолининг ҳудудий ташкил этиш шакллдир; у динамик ижтимоий - иқтисодий тизим (система) ҳисобланади.

Шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрни

Иқтисодий ва социал географиянинг муҳим тушунчаларидан бири - иқтисодий географик ўрин (ИГЎ) айниқса шаҳарларга хос. Сабаби — шаҳарлар ҳудудий бирлик сифатида яққол ва яхлитдир. Бинобарин, уларнинг географик ўрни ҳам дарҳол кўзга ташланади.

Шаҳарларнинг иқтисодий (уларнинг табиий географик, сиёсий географик, математик ўринлари ҳам мавжуд) географик ўрин деганда биз маълум бир шаҳарнинг ўзидан ташқарида ётган географик объектларга нисбатан жойлашганлиги ва бу объектларнинг шаҳар иқтисодий ривожланишига таъсирини тушунамиз. Шаҳардан ташқарида, унинг ён атрофида ўрнашган географик объектлар тоғ, кўл, дарё, йўл, кон, бошқа аҳоли манзилгоҳи, қишлоқ хўжалиги далалари, давлат чегаралари, электр станциялари, суғориш иншоотлари, рекреация объектлари ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Уларнинг шаҳарга таъсири, тарихий ва айни пайтда иқтисодий мазмунга эга бўлиши керак.

ИГЎ - нинг тарихийлиги шундаки, бу ўриннинг қулай ёки ноқулайлиги давр ўтиши билан ўзгарувчан, бир вақт қулай бўлган ўрин кейинчалик ноқулай ва аксинча бўлиши мумкин. Бироқ, умумий қонуният шундан иборатки, шаҳарлар ўз иқтисодий географик ўринларини яхшилашга интиладилар.

Шаҳарнинг иқтисодий географик ўрни ҳам мураккаб, унинг ичида транспорт, географик, гидрогеографик, демогеографик, агрогеографик каби йўналишлар мавжуд. Шубҳасиз, буларнинг орасида энг муҳими транспорт географик ўриндир.

ИГЎ уч босқичга эга: макро, мезо ва микрогеографик ўрин. Бу босқичларнинг ҳудудий қўлами ва қамрови бир хил эмас. Масалан, микро-географик ўрин шаҳарнинг бевосита ўрнашган жойи, унинг энг яқин атрофи бўлса, мезо - географик ўрни эса шаҳарнинг нисбатан кенгроқ ва каттароқ ҳудуддаги мавқеидир; макро - географик ўрин ўрганилаётган шаҳарнинг янада улканроқ ҳудуддаги ҳолатини англатади. Бу ерда шунини унутмаслик лозимки, муайян бир шаҳарнинг мезо ёки макрогеографик ўрни бошқа шаҳар учун (ҳатто улар қўшии жойлашган бўлса ҳам) ҳудуд қўлами жихатидан тўғри келмайди.

Бу шаҳарнинг катта - кичиклиги, бажарадиган функциясига боғлиқ. Масалан, Тошкентнинг мезогеографик ўрни (у Марказий Осиё минтақаси билан белгиланиши мумкин) Чирчиқ ёки Бекободнинг, Наманган ёки Қаршининг мезогеографик ўрнига мувофиқ келмайди; аксинча, бу шаҳарлар учун Марказий Осиё макрогеографик мазмунга эга бўлиши мумкин. Тошкент вилоятидаги Бўка шаҳрининг макрогеографик ўрни эса жуда нари борса, Тошкент вилояти ва унга туташ бўлган кичик ҳудудлар доирасида белгиланади. Ахир, Бўканинг район маркази, кичик шаҳар эканлигини Қирғизистон ёки Тожикистон, Оролбўйи ёки Фарғонада ҳамма билмайдида!

Шаҳарнинг вужудга келиши, айнан шу жойда ўрнашганлигига энг аввало унинг микрогеографик ҳолати сабабчи бўлади. Бу тоғ ёнбағри, дарёнинг қуйилиш жойи ёки унинг қирғоғи, тепалик ва бошқа жойида бўлиши мумкин. Вужудга келган шаҳарнинг кейинчалик гуркираб ривожланишида эса унинг мезо ва макрогеографик ўринлари катта рол ўйнайди. Демак, агар микрогеографик ўрин ноқулай бўлса, шаҳар худди шу жойда вужудга келмаган бўларди (бундай қадимий шаҳарлар харобаларини Панжакент, Аҳси, Насаф, Поп, Косонсой, Қиёт ва бошқа жойларда кўриш мумкин). Баъзи шаҳарлар, масалан, Чуст, Денов, Гиждувон, Нурота, Пискент, Хива қабилар жуда катта тарихга эга бўлишига қарамай, улар ҳамон кичик шаҳар даражасида қолмоқдалар. Эҳтимол, бунинг сабаби, уларнинг мезогеографик ўрнини ноқулайлиги бўлса ажаб эмас. Айни вақтда, унча катта тарихга эга бўлмаган Навоий ёки Чирчиқ эса аллақачон «юз минглик» чегарани босиб ўтишган йирик шаҳарлардир. Албатта, бунга уларнинг мезогеографик ўрнини қулайлиги катта таъсир қилган.

Шаҳарлар иқтисодий географик ўрнини ўрганишда айниқса, Тошкент, Хўжанд (Алексадр Эс —Хате), Бекобод, Станбул (Константинополь, Византия), Киев, Волгоград, Самара, Москва, Санкт-Петербург, Бухоро ва Самарқанд, Тбилиси, Новосибирск мисолларига мурожаат қилиш самарали натижалар беради. Шу билан бирга талабаларнинг ўзлари ҳам истаган шаҳарларининг иқтисодий географик ўрнини очиб беришлари керак. Бирок, энг муҳими иқтисодий географик ўрин — бу шаҳарларнинг иқтисодий географик таъсири ва тавсифи эмас, аксинча у ўрганишнинг, таҳлил қилишнинг махсус усули, иқтисодий географик билимнинг «калити» эканлигини унутмаслик лозим. Ана шундагина, биз нима учун мазкур шаҳар, худди шу жойда вужудга келган ва ривожланган, нима учун у шундай вазифаларни бажаради ва бу ерда саноатнинг шу тармоқлари ривожланган каби жумбоқ саволларга жавоб топа оламиз. Худди шу маънода, Бухоройи шариф ва Сайқали рўйи замин Самарқанднинг тарихий «мусобақасини», Мовороуннаҳрнинг дорулсалтанати бўлишига талашганлигини, Соҳиб қирон Амир Темурнинг Самарқандни ўзининг буюк империясининг пойтахти, Сомонийларнинг эса Бухорони «Қуббаи ислом» қилинишини ўрганиш қизиқарли бўлса керак.

Шаҳарларнинг генетик типлари

Шаҳарлар маълум сабаб, омил асосида вужудга келади. Уларнинг пайдо бўлиши қулай географик ўрин билан бир қаторда турли хил қазилма бойликларни қазиб олиш, илму— фан, рекреация, савдо —сотик, саноат тармоқлари, транспорт қабиларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Шаҳар ҳосил қилувчи тармоқларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, уларнинг аҳамияти, таъсир доираси мазкур аҳоли манзилгоҳидан четга чиқади.

Қадимда шаҳарлар савдо — сотик ва хунармандчилик негизида пайдо бўлишган. Кейинчалик бунга энг кўп саноат ва транспорт сабабчи бўлган. Қазилма бойликлар асосида шаклланган шаҳарларни илмий адабиётларда «ресурс шаҳарлар» деб ҳам юритишади. Бундай шаҳарлар, одатда, ўз атрофи, қишлоқ жойлар билан кам боғланган бўлади. Шаҳарларнинг аксарияти бизнинг шароитимизда, яъни дехқончилик ривожланган мамлакатларда, қишлоқлар асосида ташкил этилади; улар муайян талаб даражасига етганларидан сўнг қонуний равишда бу расмий мақомни олишади. Шаҳарларнинг бундай генетик хусусиятлари урбанизация жараёнининг, айниқса, қишлоқ урбанизациясининг «уяписона» ривожланишидан дарак беради.

Шаҳарлар келиб чиқишига қараб, «янги» ва «эски» шаҳар бўлини мумкин. Бирок бу тушунчалар нисбийдир. Сабаби яқингача биз собиқ шўролар даврида вужудга келган шаҳарларнинг барчасини «янги шаҳарлар» гуруҳига киритар эдик. Ҳозир эса янги шаҳарларни мустақиллик даври билан белгилаш туғрироқдир. Бирок, аҳоли манзилгоҳининг юридик равишда шаҳар мақомига эга бўлиши унинг ҳақиқий янгилигини ифодаламайди. Чунки бундай аҳоли яшайдиган жойлар қадим — қадимдан мавжуд. Масалан, Чуст шаҳри сўнгги марта шаҳар унвонини расмий равишда 70 — йилларда олди, ваҳоланки унинг реал тарихи бир неча юз йилликларни ўз ичига олади. Худди шундай, Ғиждувон, Пискент, Нурота, Риштон ва ҳоказолар кўп йиллик тарихга эга.

Аслида олганда, янги шаҳар деярли «бўш» жойда, яқинда барпо бўлган, архитектура қурилиши, ободончилиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга эски қишлоқнинг янги йирик қурилиш туфайли ўз кифасини тубдан ўзгартириши, аҳоли сонини бир неча марта кўпайтириши ҳам унинг янги шаҳар деб аталишига асос бўла олади.

Шаҳарларнинг келиб чиқиши, уларнинг генетик хусусиятларини ўрганиш тарихий ёндашувни талаб қилади. Ана шундай тарихий таҳлил ёрдамида уларнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳолати баҳоланади. Бу эса, ўз навбатида, шаҳарларни башорат қилишга (прогноزلашга) илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Шаҳарларнинг функционал типлари

Кўпчилик ҳолларда шаҳарларнинг генетик типлари уларнинг нима билан шуғулланишини ҳам белгилаб беради. Бу эса уларнинг ҳудудий меҳнат тақсимоотида тутган ўрни, башарасини кўрсатиб туради.

Шаҳарлар ҳам турли соҳаларга ихтисослашади, яъни уларнинг ўзига хос ва мос «касби», вазифаси ва йўналиши мавжуд. Бу жиҳатдан шаҳарлар саноат, транспорт, илму —фан, дам олиш марказлари бўлиши мумкин.

Шаҳарларнинг қайси соҳага ихтисослашуви, уларнинг бажарадиган вазифасини аниқлаш функционал типология доирасида амалга оширилади. Бунда бош мезон қилиб шаҳар аҳолисининг бандлик таркиби олинади, яъни қайси соҳада меҳнат ресурслари кўпроқ (мамлакат шаҳар жойлари бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори) бўлса, ўша йўналиш мазкур шаҳарнинг функционал типини ифодалаб беради.

Одатда шаҳарлар қуйидаги функционал типларга бўлинади.

1. Кўп функцияли сиёсий — маъмурий марказлар, пойтахт шаҳарлар.
2. Кўй функцияли шаҳарлар — вилоят марказлари.
3. Кўп тармоқли йирик саноат марказлари.
4. Асосан бир ёки икки саноат тармоғига ихтисослашган шаҳарлар.
5. Транспорт марказлари.
6. Агроиндустриал шаҳарлар.
7. Туман марказлари.
8. Рекреация шаҳарлари.
9. Илму—фан марказлари, университет шаҳарлари ва х.к.

Юқоридаги функционал типлар шаҳарларнинг катта — кичиклигига қараб ҳам турланади. Бу ҳолда шаҳарларнинг функционал классификацияси вужудга келади.

Ўзбекистонда биринчи ва иккинчи гуруҳ шаҳарларга Тошкент ҳамда барча вилоят марказлари қиради. Улар айна пайтда кўп тармоқли саноат марказлари ҳам ҳисобланади. Учинчи типга асосан Чирчиқ, Олмалик, Қўкон каби шаҳарлар мансуб, тўртинчи гуруҳга Марғилон, Ангрен, Охангарон, Муборак, Газли, Зарафшон, Тахиатош, Асака, Учқўрғон, Қувасойга ўхшашларни киритиш мумкин. Когон, Ховос, Қўнғирот —транспорт шаҳарлари, Чортоқ — рекреация, Улуғбек — фан марказларидир.

Республикамизда жуда кўп шаҳарлар агроиндустриал йўналишга эга, яъни уларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари мавжуд. Улардан ҳам кўпроқ шаҳарлар қишлоқ туманлар маркази вазифасини бажаради. Бирок, бундай шаҳарлар — «кичик пойтахтлар» айна пайтда. агроиндустриал характериға ҳам эга бўлишлари мумкин. Пойтахт шаҳарлар мамлакат шаҳарлар тўри ва тизимида

карвонбошчилик қилишади. Аммо улар аҳолиси буйича энг катта, саноат ўта ривожланган бўлиши асло шарт эмас. Чунки, бундай шаҳарларнинг асосий вазифаси — сиёсий марказ, дорулсалтанат, яъни пойтахт функциясини бажаришдан, бинобарин, мамлакатни бошқариш, уни сиёсий, илмий—техникавий, ижтимоий — иқтисодий жиҳатдан ташкил қилишдан иборат бўлиши лозим.

Жуда кўп мамлакатларда пойтахт шаҳарлар муаммоси кескин туради. Бундай шаҳарлар мумкин қадар мамлакат ҳудудининг ўртасида (марказида), тарихан асосий туб миллат тарқалган ҳудудда жойлашган бўлмоғи лозим. Сабаби — улар энг аввало миллий пойтахтлардир. Шу билан бирга, бу шаҳарларда бошқарув функцияси кенг ривожланган бўлиши шарт.

Дунё мамлакатларининг айримларида пойтахт шаҳарлари ўзгариб турган. Масалан, Бразилияда пойтахт Рио — де — Жанейродан Бразилияга, Покистонда Карачидан Исломободга, Қозоғистонда Олма — Отадан Остонага кўчирилган ва ҳоказо. Бир вақтлар Украинанинг гўйтахти Харьков, Россияники Петербург, Туркияники Стамбул, Қорақалпағистонники Тўрткўл бўлган, Ўзбекистон Республикасининг дастлабки пойтахти Самарқанд бўлиб, 1930 — йилда бу вазифани бажариш Тошкентга кўчирилган.

Пойтахт шаҳарларнинг нуфузи ҳам, маъсуляти ҳам юқори. Бинобарин, ҳар қандай мамлакат ўзининг бош шаҳри, «йўл бошчисига» катта эътибор бермоғи табиийдир, чунки улар ўша жойда яшовчиларнинг миллий ифтихори ҳисобланади.

Шаҳарлар классификацияси

Шаҳарлар ҳар хил омиллар асосида вужудга келиб, ўзига хос вазифаларни бажаришга ихтисослашадилар. Агар дастлабки шаҳарларнинг узок ўтмишда пайдо бўлиши ижтимоий меҳнат тақсмоти таъсирида бўлса, уларнинг функционал типлари ҳудудий меҳнат тақсмотининг натижасидир,

Шаҳарлар бажарадиган вазифаларига кўра турлилиги уларнинг айна пайтда катта — кичиклигини ҳам белгилаб берадики, бу шаҳарлар географиясидаги муҳим қонуниятлардан биридир. Демак, шаҳарларнинг катта — кичиклигига қараб уларнинг функцияси ташкил топмайди; аксинча, шаҳарларнинг функцияси, иқтисодий йўналиши аксарият ҳолларда уларнинг йириклигини ифодалайди.

Шаҳарлар ўз кўламига қараб энг аввало 3 категорияга бўлинади (умуман, бушдай «уч ўлчовлик» барча мавжудотларга ҳам хос): катта, ўрта ва кичик. Бироқ бу тушунчалар тарихий — географик нуқтаи назардан нисбийдир. Масалан, бир вақтлар йирик ҳисобланган шаҳар ҳозирги даврда бундай бўлмаслиги аниқ. Айна пайтда шаҳарларнинг катта, — кичиклигини белгиловчи миқдорий кўрсаткичлар ҳам ҳамма вақт ва барча мамлакатларда бир хил эмас. Табиийки, узок қишлоқ аҳолиси учун туман маркази ҳам анча йирик шаҳар ҳисобланади. Аммо, мамлакат ва унинг пойтахти даражасидан қараганда ҳатто баъзи вилоят марказлари ҳам анча кичик кўринади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, географик таққослаш ва илмий тадқиқотларни бажаришда барчага хос бўлган умумий мезон керак, яъни шаҳарларнинг йириклик категорияси, субъектив ва маҳаллий қарашларидан катъий назар, ҳаммага бир бўлиши шарт.

Шу нуқтаи назардан ёндошганда йирик ёки катта шаҳарлар аҳолиси 100 миң кишидан ортиқ, ўрта шаҳарларда 50 - 100 миң ва кичик шаҳарларининг ҳар бирида камида 50 миң кишигача аҳоли бўлиши керак. Бундай классификация оддий ва барчага тегишлидир. Махсус илмий тадқиқотларда эса шаҳарлар классификацияси анча кенг турланган бўлади:

- 1) 10 миң кишигача - майда шаҳар,
- 2) 10-20 миң кичик шаҳар
- 3) 20-50 миң «ярим ўрта» шаҳар
- 4) 50-100 миң ўрта шаҳар
- 5) 100-250 миң катта шаҳар
- 6) 250-500 миң йирик шаҳар

7) 500-1000 минг энг йирик шаҳар

8) 1000 минг ва ундан ортиқ миллионер шаҳар.

Албатта, шаҳарларнинг бундай миқдорий кўрсаткичлари тасодифан бўлмай, у маълум қонуниятларга ҳам асосланади. Чунончи, I—класс шаҳарлари кўпинча темир йўл станциялари ёки кичик ресурс шаҳарчаларидан ташкил топса, II — классдагилар асосан ресурс шаҳарлар, III — класс эса деярли батамом туманларнинг маъмурий марказларидан иборат. Бу тоифадаги шаҳарлар қисман IV—классда ҳам бор. Аммо V—классдан тўла текис вилоят марказлари жой олади.

Шундай қилиб, шаҳарлар тўри худди армия тизимидагидек, турли босқичдаги «қўмондонларга» ўхшайди. Уларнинг бундай поғонасимон жойланиши шаҳарлар иерархиясини вужудга келтиради. Иерархия шакли қанча тўғри ва тўла бўлса, мамлакат ёки бошқа бир ҳудуд ҳам ижтимоий — иқтисодий жиҳатдан шунга мувофиқ мукаммал шаклланган бўлади, Махсус илмий адабиётларда Зипфа —Стюарт қондаси мавжуд бўлиб, у ҳудуд шаҳарларининг бир тартибда тўғри жойланишини назарда тутди. Масалан, иккинчи шаҳар биринчи шаҳар аҳолисининг ярми, учинчи шаҳар унинг 1/3, тўртинчиси — 1/4 аҳолисига эга бўлиши керак. Бироқ, бу ҳо ҳаётда тўлалигича ўз исботини жуда кам ҳолда топгани учун, у гипотеза даражасида талқин қилиниши мумкин.

Шунга қарамай, юқоридаги қоида маълум аҳамият касб этади. Ҳар қалай мамлакат ўз шаҳарлар тўри таркиби ва тизимини ана шундай занжирсимон, поғонасимон тартибда шакллантиришга ҳаракат қилиши ва ўзининг минтақавий сиёсатида амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Сабаби— мамлакат аҳолисининг кўпчилик қисмини унинг бир ёки икки йирик шаҳрида тўпланиши ҳам (бу шаҳарлар гипертрофияси дейилади), ёки, аксинча, аҳолининг жуда кўп майда шаҳарларда тарқалиши ҳам яхши эмас. Табиийки, иккинчи ҳолда мамлакат ҳудудий иқтисодий жиҳатдан ривожланмаган бўлади.

Шаҳарлар иерархиясини пирамидасимон ҳам тасаввур қилиш мумкин. У ёки бу ҳудуд учун тузилган пирамида айни пайтда турли йирикликдаги шаҳарлар ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни акс эттиради.

Шаҳарлар классификациясида «биринчи» ва «иккинчи» шаҳар тушунчалари мавжуд, Масалан, Ўзбекистоннинг биринчи шаҳри унинг пойтахти Тошкент бўлса, унинг иккинчи даражасидаги шаҳри Намангандир

т/р	Шаҳарлар номи	Аҳолиси сони, минг киши
1	Тошкент	2253,7
2	Наманган	449,2
3	Андижон	379,4
4	Самарканд	378,7
5	Нукус	275,4
6	Бухоро	245,6
7	Фарғона	237,6
8	Қарши	235,9
9	Қўқон	217,2
10	Марғилон	181,2
11	Жиззах	148,2
12	Чирчиқ	144,0
13	Ангрен	139,0
14	Урганч	135,5
15	Термиз	131,7
16	Навоий	129,4
17	Олмалиқ	126,8

Ўрта шаҳарларга Бекобод, Янгийўл, Асака, Хўжайли, Когон, Зарафшан, Гулистон, Денов, Тўрткўл, Шахрихон, Шахрисабз, Косон, Чуст, Каттакўрғон (жами 14 та) киради.

Буларнинг орасида фақат Гулистон вилоят маркази. Қолган 203 та шаҳар ва шаҳарчалар кичик, яъни II - III классларга мансубдир.

Шаҳарлар агломерацияси

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойланиши, хусусан мужассамлашув натижасида турли функционал тип ва йирикликдаги шаҳарларнинг бир жойда ғуж ҳолда ўрнашган шакли вужудга келадики, уларни илмий адабиётларда шаҳар агломерацияси деб таърифлашади, «Агломерация» сўзи геологиядаги «агломерат»ни эслатади, яъни бир ҳудудда тўп бўлиб жойлашганликни англатади, иқтисодиёт ва айниқса Ғарбда шаклланиган минтақавий иқтисодда эса саноат агломерацияси -саноат корхоналарини бир нуқтада тўпланганлигини билдирувчи тушунча мавжуд. Шунга мос равишда агломерацион омил. ва агломерацион эффект (самарадорлик) ибараси ҳам бор.

Агломерациянинг вужудга келиши тахминан қуйидаги схемада (тартибда) амалга ошади. Қулай иқтисодий географик ўринга эга бўлган шаҳар аста-секин йириклашиб бораверади. Сабаби-у ўзига барча янги —янги саноат корхоналари, хизмат кўрсатиш муассасалари, олий ўқув юртлири, молия —банк ташкилотлари ва бошқаларни тортаверади. Бу пайтда шаҳарнинг тортиш кучи, марказга интилувчи ҳаракат авжда бўлади.

Шаҳарларнинг ёйилиб кетиши, қимматни кишлоқ хўжалик ерлари ҳисобидан кенгайиши маълум даражагача давом этиб бораверади, Кейинчалик шаҳар ҳудудининг чексиз кенгайиши тўхтаб «қолади», у тоғ ёки дарё, давлат чегараси ёки денгиз каби тўсиқларга дуч келади, шаҳар ичида эса уй —жой, транспорт, экология муаммолари кескинлашади. Натижада ўзига хос . «революцион вазият» вужудга келади: йирик шаҳар мухити, унинг фан-техника, инфраструктура салоҳияти ўзига янги —янги корхоналарни жалб қилади, бироқ юқоридаги қийинчиликлар буни чеклаб қўяди. Ана шундай тартибда, йирик шаҳарга яқин жойда уни тўлдирувчи, ихтисослашган шаҳар ва шаҳарчалар вужудга келади. Бундай «йўлдош» шаҳарларда марказий шаҳар эҳтиёжини қондирувчи ёки унга хизмат қилувчи объектлар ўрнашади. Шундай қилиб, йирик шаҳар ўз расмий чегарасидаи чиқади, миқдор ўзгариши сифат ўзгаришига ўтади, ҳудудий мужассамлашув ўз шаклини ўзгартиради ва шаҳарларнинг ҳудудий тўплами пайдо бўлади.

Шаҳар агломерациясининг шаклланиши учун қуйидаги шарт ва шароитлар зарур:

- албатта бир ёки икки йирик шаҳар бўлиши керак;
- унинг атрофида камида иккита шаҳар ва шаҳарчалар бўлиши шарт;
- марказий шаҳар (агломерация ядроси) ва йўлдош манзилгоҳлар орасидаги масофа энг қулай икки соатлик вақт доирасида бўлиши керак;
- агломерация шаҳар ва шаҳарчалари ўртасида «аҳоли» алоқаси бўлади, маятниксимон (тебранма) миграция ривожланган бўлиши шарт;
- йўлдош шаҳарларда энг ками агломерация аҳолисининг 10 фоизи жойлашган бўлиши зарур ва х.к,

Кўриниб турибдики, агломерациялар ҳар қандай шароитда ҳам вужудга келавермайди; жуда кўп шаҳарлар бўлса —ю, улар орасида агломерация ташкил қилувчи марказ бўлмаса, ёки аксинча, йирик шаҳар бир ўзи бўлса бундай ҳолда агломерация шаклланмайди. Масалан, Жиззах —у катта шаҳар, лекин унинг атрофида шаҳарлар кам; Навоий ҳам деярли шунақа вазиятда, ёки Шахрисабз —бу ерда Китоб, Яккабоғ ва бошқа шаҳарлар ҳам мавжуд, аммо Шахрисабзнинг ўзини агломерация ҳосил қилиш қудрати паст. Агломерациялар бир марказли (моноцентрик) ва кўп марказли (полицентрик) бўлади. Фарғона — Марғилон, Ангрен — Олмалик агломерациялар икки марказли ҳисобланади, Тошкент, Самарканд, Андижон, Наманган, Қарши, Нукус, Урганч. ва бошқа агломерациялар битта йирик шаҳар атрофида вужудга келган.

Агломерацияларнинг ташқи қиёфаси (конфигурацияси) ҳам турлича: доирасимон, лентасимон, чўзинчоқ, амфибияга ўхшаш бўлади. Бу ўша. жойнинг ер усти тузилиши, транспорт тизими, гидрографиясига боғлиқ. Одатда, йирик дарёлар бўйида шаклланган агломерациялар 50-70 ва ҳатто 100 км-га чўзилиб кетади (Волгоград, Кривой Рог, Братск

агломерациялари). Ҳар қайси агломерациянинг тарихий географик ўрни, асоси бўлади. Масалан, республикамызда энг йирик Тошкент агломерацияси (у 30 га якин шаҳар ва қишлоқларни бирлаштиради) Чирчиқ дарёси асосида вужудга келган. Шу сабабдан бўлса керак, у бироз шимоли-шарқдан жануби — ғарбга чўзилган.

Ўзбекистон (ва Ўрта Осиё) агломерациялари ўзига хос минтақавий хусусиятларга эга. Улар асосан тоғ олди ҳудудларда суғорма деҳқончилик жойларида, электр транспорти суи ривожланган, атрофи қишлоқ хўжалик экинлари билан ўралган шароитда вужудга келган. Моҳиятан, бизнинг агломерациялар шаҳар эмас, балки шаҳар — қишлоқ агломерацияларидир.

Агар шаҳар ва шаҳарчалар, ўзаро ҳудудий туташиб, қўшилиб кетса, у ҳолда яхлит — улкан шаҳар вужудга келадики, уларни конурбация дейишади (Лондон, Рур ҳавзаси конурбацияси ва х.к.). Бирок, конурбация ҳам агломерацияларнинг бир шакли, кўриниши бўлсада, ҳар қандай агломерация ҳам конурбация эмас.

■Шаҳарлар ҳудудий бирлашмасининг яна бир мураккаб шакли мегалополислардир (ушбу тушунчани фанга америкалик олим Жан Готтман 50 - йилларда киритган). Мегалополислар агломерацияларнинг ўзаро қўшилиб кетиши натижасида вужудга келади. Масалан, Босваш (Бостон —Вашингтон), Чигпитс (Чикаго - Питсбург), Тоёто - Иокогама ва бошқа мегалополислар мавжуд.

Ўзимизнинг Фарғона водийсида ҳам аҳоли жойлашувининг ўзига хос шакли вужудга келган, уни йирик шаҳарларнинг бош харфи билан ФАНЎХ мегаполиси деб аташ мумкин (Фарғона-Андшкон - Наманган - Ўш - Хўжанд). Умуман эса мегалополис, ёки мегаполис улкан шаҳар (мега — катта, йирик) маъносини билдиради. Грек архитектори Доксиадис ҳатто ойкуменаполис ҳақида ҳам фикр билдирган (бу бутун дунё шаҳарларининг ягона тизимидир). Дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган шаҳарлар бирикмасини биз дельтаполис дейишимиз мумкин.

МАНЗУ: ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ. ЖАҲОН БОЗОРИ. ГЛОБАЛЛАШИШ

1. Дунё хўжалигининг моҳияти ва ривожланиш босқичлари .
2. Дунё босқичлари ва ҳалқаро меҳнат тақсимоида янги жараёнлар
3. Ҳалқаро меҳнат тақсимои Дунё хўжалигининг моддий асоси .
4. Ҳалқаро ишлаб чиқариш ва ихтисослашуви ва кооперация.
5. Ҳудудий меҳнат тақсимои миллий ихтисодиётни ривожлантириш бош тушунчаси.
6. Ҳудудий меҳнат тақсимоининг шакллари.
7. Ҳозирги шароитда ҳалқаро рақобат ишини хусусияти.

Жаҳон хўжалигининг шаклланиши жараёни амалда кишилиқ жамиятининг жами шаклини ўз ичига олади. Чунки у ишлаб чиқариш кучларининг неча минг йиллар давомида эволюциясининг натижасидир. Жаҳон хўжалигининг шаклланиши ва ривожланиши жойлашиши ўзига хос хусусияти билан ифодаланувчи айрим босқичларига тақсимлаш мумкин. Биринчи ва энг узок даврини уз ичига олган жаҳон хўжалигини белгилари ва регионал хусусиятлари шакллана бошлаган босқич буюк географик кашфиёти давригача давом этган Буюк географик кашфиётлари натижасида ҳалқаро савдо Европа ва Осиёдан кейин Ер шарининг бошқа регионларини ҳам қамраб олади.

Регионлар ўртасида маҳсулотларнинг айирбошлаш жаҳон бозор ҳудудида келтиради. Ушбу бозор транспорт ривожланиши муносабати билан яна ҳам кенгайди чунки денгиз бирлаштиришга имкон берди. Жаҳон хўжалиги 20 ас арафасида тўла тўқис шаклланиб бўлди ҳамда мазкур асрнинг биринчи ярмида унинг ривожланиши айрим ҳудудларни қамраб олиш ҳисобида амалга оширган.

Жаҳон хўжалиги ихтисодиёти категориядир. Чунки унинг тўғрисидаги тушунча ижтимоий меҳнат тақсимои тушунчаси хўжалиқнинг алоқаларининг байналминаллашиши ҳамда ҳалқаро ихтисодий интеграцияланиши алоқадордир. Жаҳон хўжалиги географик категория бўлиб уч йўналишда тадқиқ этилади.

1. Жахон хўжаликларнинг умумий географияси
2. Унинг тармоқлари географияси
3. Йирик регионал ва субрегионал географияси

Жахон хўжалигининг шаклланиши ва ривожланишида халқаро географик меҳнат тақсимотининг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Географик меҳнат тақсимоти бу ижтимоий меҳнат меҳнат тақсимотининг ҳудудий шаклидир. Географик меҳнат тақсимоти микёсига кўра районлараро ва халқаро меҳнат тақсимотига бўлинади. Халқаро географик меҳнат тақсимоти жахон хўжалигининг ҳаракатлантирувчи ва негизидир.

Жахон хўжалиги – бу бир бири билан умумжаҳон иқтисодий муносабатлари орқали боғланган. Дунёдаги барча мамлакатлар миллий хўжаликларининг мажмуидир.

Жахон хўжалигининг географик «Моделли» кундан кунга мураккаблашиб бормокда XIX асрнинг охиригача барча кўрсаткичлар бўйича бир марказ – Европа яққол кўзга ташланар эди. Ундан кейин иккинчи жахон маркази – АКШ вужудга келди ва етакчи ролни ўйнай бошлади. Иккинчи жахон урушигача бўлган даврда жахон хўжалигининг Янги марказлари собик иттифоқ ва Япония бюджетига келди. Ундан кейинги ишлар Хитой ва Хиндистон, Канада, Австралия ва Грузия жануби – ғарбий осиёнинг нефт қазиб олувчи мамлакатлари сингари янги иқтисодий марказлар шакллана бошлади. Сўнги чорак асрда жахон хўжалигида тўрт «Осиё йулбарслари» Корея Республикаси, Тайван, Гонконг ва Сингапур саҳнага чиқди. Мазкур ҳудудий ўзгаришлар натижасида осиё Тинч океани минтақасининг жахон хўжалигидан салмоғи яна ҳам ошди. Жахон хўжалигининг ҳозирги вақтда кўп марказли хусусиятга эгадир.

3 Дунё мамлакатлари миллий хўжаликларининг жахон хўжаликларини бирлаштириш асосида халқаро меҳнат тақсимоти ётади. БМТ ХМТ – айрим мамлакатларнинг бўлган табиий шароит ва ресурслар аҳолининг меҳнат малакаларининг кўникмалари асосида айрим маҳсулотлари ёки уларнинг турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашуви ва бошқа мамлакатлар билан айрбошлашувидир.

ХМТ мамлакатларнинг иқтисодий ижтимоий ривожланиши даражаси ижтимоий – сиёсий тизимининг характеридан катъий назар товарлар хизмат ва билимларнинг халқаро айрим бошланиши ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, илмий савдо солиқ соҳаларида бошқа ҳамкорларининг объектив асосидир. ХМТ мамлакатлари ичидаги ва улар ўртасидаги муносабатлар ривожланишининг қонуний натижаси ижтимоий меҳнат тақсимотининг мантикий давомидир. ХМТ ҳаракатлантирувчи қуч ва уни рағбатлантирувчи омил. Мамлакатларнинг унда иштирок этишидан кўзланган мақсади манфаатлари вазифалари иқтисодий фойда олишга қаратилгандир. Бу фаолияти халқаро миқёси қиймат қонуни амал қилиш кўринади. Қиймат қонуни товар ишлаб чиқариш шартоти ХМТ авзалликларидан фойдаланишга ундайди. Хар қандай ижтимоий иқтисодий шароитга қиймат ишлаб чиқариш ҳаракатлари меҳнатга ҳақ тўлаш қўйилган қийматдан иборат бўлади. Бозорга тушаётган товарлар байналминал қийматнинг ёки халқаро нархларнинг товарлар халқаро бозорлар қонуниятларига мос муносиблик жумладан қиймат қонуни асосида алмаштиради. Унда еришиладиган иқтисодий самара вақтнинг тежалишида ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши намоён бўлади. ХМТ да хар бир мамлакат миллий иқтисодиётнинг тутган ўрни қуйидагиларга боғлиқ.

- А) Иқтисодий географик ҳолати.
- Б) Агроиқлимий шароитлари
- В) Табиий ресурслари фойдали қазилмалар билан таъминланган даражаси
- Г) Халқнинг, миллатнинг меҳнат анъаналари маълум ишлаб чиқариш турлари хизматлари кўникмаларига эгаллиги.
- Д) Мамлакатни иқтисодий тарихий ривожлаши хусусиятлари
- Е) Ижтимоий – иқтисодий тараққиёт даражаси

Ж) Меҳнат ресурслари сифат таркиби касбий ва интеллектуал даражаси янги касб хунарларнинг ўзлаштириш имкониятлари каби бир қатор иқтисодий ижтимоий кўрсаткичлар.

ХТМнинг мамлакатлар учун манфаатли томонлари.

1. Ҳалқаро айирбошлашнинг қулай шароитларида экспорт қилинаётган товарлар ва хизматлар байналминал ва миллий қийматлари ўртасидаги ижтимоий фарқига эришиши.

2. Арзон импорт товарлар ва хизматлар эвазига миллий товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлардан воз кечиш Дунё хўжалиги миллий хўжаликларининг умумуюшмаси бўлиб, барқарор суръатда ривожланиб бораётган бозор иқтисодиётининг объектив қонунларига бўйсинган ҳолда халқаро алоқаларининг ўсиб бориши билан биргаликда ўзига хос қарама қаршиликларига ҳам эга бўлган яхлит хўжалик тузилишидир.

Иқтисодий интеграция турли миллий ҳажаликларнинг байналминаллашуви бўлиб, икки ва ундан ортиқ миллий хўжаликларининг ягона механизмини яратиш мақсадидаги яқинлашуви ва уйғунлашувидир.

Иқтисодий интеграциянинг муҳим шароти мамлакатлашган иқтисодий ижтимоий ривожланиш даражаларнинг нисбатан тенглиги ва бир-бири билан чегарадошлигидир. Интеграция жараёни ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда бешта поғанага ажратилади.

- 1.Эркин савдо минтақаси
- 2.Божхона иттифоқи
- 3.Умумий бозор
- 4.Валютавий иқтисодий иттифок
- 5.Сиёсий

Бу борада Европа иқтисодий ҳамкорлиги, Европа иттифоқи намуна бўлиб хизмат қилади. Унинг интеграция соҳасидаги тажрибасини бошқа минтақаларда ҳам қўллаш мумкин. Ҳозирги вақтда дунёдаги кўплаб интеграция уюшмалари ЁИХ тажрибасига амал қилган ҳолда интеграциянинг беш поғанасига асосланиб иш олиб бормокдалар.

1989 йилда Шимолий Африка 1994 йилда Канада ва АҚШ ўртасида эркин савдо минтақаси ташкил этилди. Унга Мексика қўшилиши натижасида эркин савдо асоцияси шаклида Осиё Тинч океани минтақасида 1989 йилида Осиё Тинч океани иқтисодий коорпорацияси (ОТИК) тузилди. Ҳозирда бу асоцияга Тинч океани ҳавзасининг 20 дан ортиқ мамлакатлари аъзо бўлиб 2020 йилга бориб, унинг доирасида эркин савдо минтақасининг ташкил этиш тўғрисида келишиб олинган. Ундан аввалроқ 1992 йилда Жанубий Осиё мамлакатлари асоциясига аъзо бўлган 6 мамлакат 2008 йилгача эркин савдо асоциясини ташкил қилиш тўғрисида шартнома тузган эди. Интеграция борасида Ўзбекистон ҳам мураккаб йулни босиб ўтди. Чоризм даврида Ўзбекистон иқтисодий умумроссия ягона иқтисодиётининг таркибий қисми бўлган бўлса, шўролар даврида Ўзбекистон иқтисодий муштамлака иқтисодиёти сифатида Россия давлатига хизмат қилар эди.

Ўзбекистон муштакиликка эришгандан сўнг ўтмишдаги мажбурий интеграция минтақалари узилди ва барбод бўлди. Энди муштакил давлатлар ўзаро ҳамкорлик, тенглик асосида ихтиёрий интергациянинг янги шакллари ва йўллари қидира бошладилар. Ўтмишдагидан фарқ шундан иборатки, янги муштакил давлатлар билан ҳамкорлик доирасидагина эмас, балки бошқа узоқ хориждаги давлатлар билан ҳам иқтисодий алоқалар ўрнатиб, аста секин бу алоқаларни кенгайтириб муштақамлай бошладилар, аммо иқтисодий интеграция биринчи навбатда МДҲ доирасидаги кун тартибига қуйилмоқда. Чунки, бу ер гап ўтмишда ўрнатилган иқтисодий алоқаларни янги асосда тузиш тўғрисида МДҲ ичида Ўзбекистон биринчи галда Марказий Осиё давлатлари Қозоғистон, Қирғизистон ва Турманистон билан иқтисодий интеграция тўғрисида сўз олиб борди. Чунки худуддаги давлатлар ўзаро иқтисодий рухий тарихий, географик ва бошқа жиҳатлар билан боғланган. Катта истикболга эга интеграцион жараён – 1994 йили Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида тузилган шартнома асосида марказий Осий умумий бозорининг ривожлантиришидир.

Ушбу шартномада минтакавий интеграцион алоқаларни кучайтириш бўйича қатор тадбирлар кўрсатиб ўтилган. Улар қаторига ёқилги, энергетика мажмуини транспорт ва ахборот тузилмаларини минтақа сув хўжалик тизимини ривожлантиришнинг ягона дастурларини ишлаб чиқиш, умумминтақа эркин савдо худуди ва божхона иттифоқини ташкил этиш:

Банклараро ҳисоб-китобларнинг самарали минтакавий тузилишини яратишга бюджет сиёсати, пул кредит, валюта муносабатларида мутаносибликка эришиш минтақа доирасида давлатлар иқтисодий қонунчиликни яқинлаштириш ва ҳуқуқий меъёрий актлар мувофиқлигига эришиш:

Қўша корхоналар молия саноат гуруҳлари тузиш учун зарур шарт-шароит яратиш:

Ишлаб чиқариш кооперациясининг давлатлараро шаклларини амалга ошириш киритиш мумкин ва бу тадбирлар босқичма босқич амалга оширилади.

Иқтисодий ҳаётда интеграция бир неча йуналишларга эга

1. Ишлаб чиқариш қучларини байналминаллашуви ишлаб чиқариш воситалари ва технологик билимларни айирбошлаш ва кооперацион алоқалар негизида яхлит ишлаб чиқариш ва истеъмол тизими бўлиб, бу ишлаб чиқариш ресурслари халқаро моддий материал ахборотнинг халқаро умумлашуви, ташкилий иқтисодий инфратузилмалардан иборат ҳамкорлик жараёнини ифодалайди.

2. ХМТ орқали байналминаллашув жараёни

3. Ананавий халқаро савдонинг ҳажми ва сифат жиҳатининг ўзгариши негизида иқтисодий ҳаётнинг байналминаллашувидир. Халқаро савдонинг вазифаси «Товар пул» оддий формуласидан миллий ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат қилувчи чегаралардан чиқиб кетди ва натижада халқаро савдо таркиби ҳам ўзгарди.

4. Молия ва ишлаб чиқариш ресурсларининг халқаро алмалашуви тури мамлакатлар иқтисодий ҳаётининг яқинлашуви ва уйғунлашувига олиб келмоқдалар. Бу жараён кредит ва хориж инвестициялари шаклида амалга оширилмоқда.

5. Халқаро ҳамкорликда хизматлар кўрсатиш соҳалари моддий ишлаб чиқариш соҳаларига нисбатан тез ривожланиб бормоқда.

6. Илмий техник билимларининг халқаро алмалашуви тез ривожланишидир. Бу жараён халқаро интеллектуал меҳнат тақсмотининг шаклланишига илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик марказининг халқаро ихтисослашуви ва корпорациясига олиб келмоқда.

7. Халқаро қўламда ишчи кучи интеграцияси ўсмоқда ва бу жараёнда ҳамдўстлик мамлакатлари ҳам иштирок этмоқда ҳамда у иқтисодий ҳаётни байналминаллашувини таркибий қисми бўлиб келмоқда.

8. Халқаро миқёсда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг байналминаллашуви табиий муҳитга жиддий таъсир этмоқда.

мавзу. ДУНЁ САНОАТИ ВА УНИНГ ТАРМОҚЛАРИ ГЕОГРАФИЯСИ

1. Саноат ривожланишининг умумий хусусиятлари

Саноат дунё моддий ишлаб чиқаришининг етакчи тармоғи бўлиб, унда 350 млн. дан кўпроқ аҳоли банд. Бу кўрсаткич дунё қишлоқ хўжалигида ишлаётганларга нисбатан 3 марта кам. Саноатда банд бўлганларнинг умумий сони Хитойда 64, АҚШ да 23, Россияда 16,5 млн. кишини ташкил этади. Дунё саноат маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 7,7 трл. долларга тенг. Етакчи саноат мамлакатлари: АҚШнинг дунё кўрсаткичларидаги ҳиссаси 18,9%. Бу борадаги кўрсаткич етакчи мамлакатлар сирасига қиравчи Японияда 10,7, Хитойда 8,5, ГФРда 5,9, Россияда 4, Ҳиндистонда 3,5, Буюк Британияда 3, Францияда 2,8, Италияда 2,8, Бразилия 2,6, Мексикада 2,5, Корея Республикасида 2, Канадада 1,7%. Саноат асосан ишлаб берувчи ва ундирувчи (тоғ-кон) тармоқлардан иборат. Тармоқлар пайдо бўлиш даврига кўра, 3 гуруҳга бўлинади: 1) эски

тармоқлар (кўмир, металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат, кemasозлик, кимё саноатининг айрим тармоқлари); 2) янги тармоқлар (автомобил, авиасия, нефт, ўрмон, кимё, алюминий ишлаб чиқариш, пластмасса, синтетик каучук, сўнъий талолалар ишлаб чиқариш ва бошқалар); 3) энг янги тармоқлар (роботсозлик, аэрокосмика, органик синтез, микробиология саноати ва бошқалар).

Кейинги ўн йилликларда ривжланиш суръатлари ФТИнинг етакчи тармоқлари – машинасозлик ва кимё саноатларда ривожланиш суръатлари бошқа тармоқларга нисбатан анча юқори, тоғ-кон ва базавий тармоқларда эса секин бўлди. Тўқимачилик, поябзал, озиқ-овқат саноатлари яна ҳам секинроқ ривожланди. Ривожланган мамлакатлар саноати структурасида ишлаб берувчи саноат 83,4%, ундирувчи саноат – 8,1%, электроэнергия ва газ ишлаб чиқариши 8,5% салмоққа эга. Саноат структурасининг энг характерли хусусияти унда илмий-техника тараққиётини белгилаб берувчи энг янги фанталаб тармоқларидан кўпчилигини қамраб оладиган машинасозликнинг пешқадамлигидир. Машинасозликнинг устиворлиги иқтисодий ривожланган кўпчилик мамлакатларга хос хусусиятдир. Масалан, машинасозликнинг бутун саноат ишлаб чиқаришидаги салмоғи ГФР ва Швэсарияда 38, Венгрияда 33, Буюк Британия ва Италияда 32, Нидерландияда 28, Норвегияда 26, Канадада 25, Австрия ва Данияда 24, Финляндияда 24, Австралияда 23, Испанияда 22% га тенг. Буларга структурасида катта ўзгаришлар содир бўлаётган машинасозликни ҳам кўшиш керак. Транспорт машинасозлиги, айникса, кemasозлик ва темир йўл ҳаракати васиталари ишлаб чиқариш салмоғининг пасайиб бориши, умумий машинасозлик учун мўътадил ўсиш, электротехника ва электроника, робот ва идора жиҳозлари ишлаб чиқаришнинг эса тез ўсаётганлиги характерлидир. Иккинчи ўринни кимё саноати эгаллайд. Унинг саноатдаги салмоғи ривожланган мамлакатларда 20-25%га тенг. Кимё саноати структурасида полимер материаллар ишлаб чиқаришнинг салмоғи ошиб бораётир, тоғ-кимё ва асосий кимё саноатининг салмоғи эса пасаймоқда.

2. Дунё ёқилғи-энергетика саноати

Ёқилғи-энергетика саноати дунё хўжалигининг асоси бўлиб, у учта бўғиндан – ёқилғи-энергетика ресурсларини қазиб олиш, ресурсларни энергия ишлаб чиқариш жойларига ташиш, электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришдан ташкил топган. XIX асрда ва XX асрнинг бошида энергия ресурсларининг асоси кўмир, XX аср ўрталаридан бошлаб кўмир, нефт, газ, 60-90-йилларда (кўмир, нефт, газдан ташқари) – ядро ва сув ресурслари бўлиб қолди.

Дунёда бирламчи энергия ресурсларини истеъмол қилиш муттасил ошиб бораётир. XX асрнинг бошида (1900 йилда) уларнинг ҳажми 1 млрд.. тонна шартли ёқилғига, 2000 йилда (башорат) 14 млрд.. тоннага етган. Энергия истеъмолининг ўртача ўсиши XX асрнинг биринчи ярмида йлига 2-3%, 1950 – 1975 йилларда 5% бўлган. Дунёда бирламчи энергия ресурсларини истеъмол қилишнинг умумий ҳажми турли вариантдаги башоратларга кўра, 2000 йилда 14,5 ва 16,8, млрд.. т.ш.ё. га, 2020 йилда эса 19,7 ва 26,7 млрд.. т.ш.ё. га тенг бўлади.

Иккинчи жаҳон уришидан кейин ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ўсиши уларнинг арзон нефт ресурсларидан оммавий фойдаланиши билан боғлиқ бўлди. Яқин Шарқдаги дунёнинг энг бой нефт конларини ҳалқаро нефт монополиялари тўла назарат қиларди. Бу даврда дунё бозорида нефтнинг боҳоси кўмирнинг баҳосидан ҳам паст эди.

1960 йиллардан бошлаб ёқилғи ва энергия истеъмоли асосан нефт ва газ қазиб олиш суръатининг жадал ошиши ва уларни дунёнинг турли қисмларига ташиш ҳисобига ўсди. Бу даврни, одатда, арзон нефт даври, деб аташади (1970 йилларда 1т нефтнинг нархи 20 доллар бўлган). Лекин 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб дунё энергетикасида катта ўзгаришлар юз берди: 1) ёқилғи қазиб олишнинг кон-геологик шароитлари ёмонлашуви ва уларнинг экстремал раёнларда (Шимол, Саҳрои Кабир), жойлашгани, контентал шелфга кўчиши, табиат муҳофазасига талабнинг ошиши; 2) дунё хўжалигида зиддиятларнинг

кучайиши, ривожланаётган мамлакатларнинг ўз нефт ресурсларини юқори нархда сотиш учун курашиши оқибатида 1 тонна нефт баҳосининг 250-300 долларга кўтарилиши (илгариги баҳоларга нисбатан 12-15 марта ошиши). Оқибатда арзон ёқилғи (нефт) даври туғаб, энергетика бўҳрони бошланди.

Дастлаб АҚШ, Япония, Ғарбий Европа мамлакатлари фавқулодда чораларни кўришга мажбур бўлдилар (Кино театрларда сеанслар, телевизион кўрсатувлар вақти қисқартирилди, автомобил ва самалётларнинг тезлиги пасайтирилди, кўплаб авиарейслар бекор қилинди, автобензин қуйиш шахобчаларининг сони камайтирилди, автопойгалар бекор қилинди, квартираларни иситиш, иссиқ сув бериш қисқартирилди, реклама ёриткичлари ўчирилди в.х.лар.

Янги энергетика сиёсати дунё энергия истеъмоли структурасида ҳам ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Бу структурада нефтнинг салмоғи пасайди. Унинг бозордаги нархи тахминан 100 долларга камайди.

Дунё ёқилғи ва энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш бўйича ўз географик хусусиятига эга. Ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган энергетика ресурсларининг катта қисми АҚШ, Ғарбий Европа, Японияга олиб кетилади.

Дунё энергетикасининг асосини учта тармоқ - нефт, газ, кўмир саноатлари ташкил этади.

Дунё нефт саноати. Нефт саноати дунё ёқилғи-энергетикасининг етакчи тармоғи бўлиб у дунё хўжалигига катта таъсир кўрсатади. Асосий маҳсулотидан энергетика мақсадларида фойдаланганлиги учун у энергетика тармоқлари гуруҳига киради. Нефт ва нефт маҳсулотларининг бир қисми нефт кимё саноатида қайта ишланади.

Нефт каттиқ ёқилғидан маълум табиий хусусиятларига кўра устун туради: ҳажм ва оғирлик бирлиги бўйича катта самара беради; суюқлиги, оқувчанлиги ва тез ёниш хоссалари қазиб олишни механизасиялаш ва автоматлаштириш, ташишни, ортиб туширишни, қайта ишлашни осонлаштиради; тўлиқ ёнади; юк ташувчи катта кемаларда ташиш нисбатан арзон. Аммо бу афзаликлар уни қазиб олишнинг кўпайишига сабаб бўлмаган. Асосий сабаб – нефт маҳсулотларига саноатнинг, хўжаликнинг кўплаб тармоқлари ва қуролли кучлар талаб ва эҳтиёжи тез ўсиб бориши, кўмирга нисбатан нефт қазиб олиш ва ташиш **харажатларининг** нисбатан камлиги, энг йирик захиралари энг арзон ишчи кучларига эга бўлган, иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган мамлакатларда тўланганлигидир. Буларнинг ҳаммаси нефт саноатини энг сердорамад тармоқлардан бирига айлантирди.

Нефт саноати энг юқори даражада монополиялашган тармоқдир. Энг йирик нефт корпорасиялари қудратли халқаро монополистик гуруҳларга киради. Дунё нефт саноатининг асосий кўрсаткичлари 2-жадвалда берилган.

2-жадвал

**Дунёнинг аниқланган нефт захиралари ва уни қазиб олиш
(2000 бошларида)**

Регион (мамлакат- лар)	Нефт захиралар и (млн.) т	Дунё захираси да-ги ҳиссаси (%)	Нефт қазиб олиш (1994й) (млн.)	Дунёда қазиб олиш бўйича салмоғи (%)	Дунёда қазиб олиш бўйича эгаллаган ўрни
Дунё	13609 4	100,0	3000,0	100,0	

Яқин ва Урта Шарқ шу жумладан:	84440	65,7	921,7	30,7	
Саудия Арабистони	32255	25,9	388,9	12,9	1
Эрон	12110	8,9	176,9	5,9	4
Қувайт	12946	9,5	92,7	3,1	11
Осиёнинг қолган қисми, Австралия ва Океания	6021	4,4	329,5	11,0	
Шу жумладан:					
Хитой	3288	2,4	147,5	4,9	5
Индонезия	786	0,6	66,0	2,2	14
Америка	22026	16,2	804,0	26,8	
Шу жумладан:					
АҚШ	3095	2,3	326,7	10,9	3
Мексика	7151	5,3	137,9	4,6	6
Венесуела	9204	6,8	128,4	4,3	7
Канада	678	0,5	857	2,9	12
Африка	8301	6,1	306,1	10,6	
Шу жумладан:					
Нигерия	2415	1,8	95,0	3,2	10
Ливия	2594	2,2	65,5	2,2	13
Гарбий Европа	2254	1,7	277,6	9,2	
Шу жумладан:					
Буюк Британия	621	0,5	125,7	4,2	8
Норвегия	1265	0,9	122,6	4,1	9
МДХ ва Шарқий Европа	8052	5,9	361,1	12,0	
Шу жумладан: МДХ	7755	5,7	347,1	11,6	7

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дунёда 10 млрд. тоннадан ортиқ нефт захираларига фақат Форс қўлтиғининг 5 мамлакати (Саудия Арабистони, Эрон, БАА, Ироқ, Қувайт) эга. МДХ мамлакатларидан Россияда собиқ СССР нефт захираларининг (8-10 млрд. т) 85, Қозоғистонда 9, Озарбайжанда 2,3, Туркманистонда 2 фоиз жойлашган.

Дунёда нефт қазиб олувчи мамлакатлар сони 1900 йилда 20, 1940 йилда 40, 1970 йилида 60 та бўлган. Ҳар йили дунёда 3-3,5 млрд. т. нефт қазиб олинади. Энг йирик нефт қазиб олувчи мамлакатлар – Саудия Арабистони, АҚШ, Россия, Эрон, Мексика, Хитой, Венесуела. Форс қўлтигининг 5 мамлакати дунё нефтининг 25, ОПЕК мамлакатлари 40, саноати ривожланган мамлакатлар (АҚШ ни ҳам қўшиб) 25%ини қазиб олади. Шуни айтиш керакки, сўнгги йилларда ривожланган мамлакатлардан АҚШ да (заҳираларнинг кўплигига қарамай АҚШ истеъмол қилинадиган нефтнинг 52%ини импорт қилади) ва Буюк Британияда (нефт асосан Шимолий денгиз акваториясидан қазиб олинади, у 130 млн. тоннадан 90 млн. тоннага камайди) нефт импорти қазиб олиш камайишига боғлиқ ҳолда қисқарди. Нефт экспертларининг фикрича Шимолий денгизда нефт қазиб олиш максимум даражага етган (250 млн. тоннага яқин) ва истиқболда аста-секин камайиб боради. Нефтнинг аниқланган заҳираларидан 22,5%и денгиз конларига тўғри келади. Денгизларда кидирув ишлари қирғоқдан 200-500 км узоқликдаги 800 метргача чуқурликда олиб борилмоқда. Ҳозир континентал шелфда 50 мамлакат нефт қазиб олаётир, денгиз нефтининг умумий ҳажми 1995 йилда 950 млн. тонга етган (дунё умумий ҳажмидаги салмоғи 28%). Европа ва Австралияда нефтнинг 90%, Лотин Америкасида 50%дан кўпроғи денгиздан қазиб олинади. Денгиз нефтини қазиб олишда (1992 й.) қуйидаги мамлакатлар алоҳида ажралиб туради (млн. т.): Буюк Британия (89), Норвегия (84), Мексика (79), Саудия Арабистони (74), Венесуела (46), АҚШ (42), БАА (35), Ҳиндистон (33), Бразилия (31), Малайзия (30), Миср (27), Нигерия (26), Австралия (23), Индонезия (23), Ангола (20), Эрон (17) ва бошқалар. Айрим мамлакатларда нефтнинг 95-100 (Буюк Британия, Норвегия, Дания, Испания, БАА, Заир, Конго, Австралия) ва 80 фоизи (Венесуела, Габон) денгиз конларидан олинади. Континентал шелфдаги асосий денгиз нефт конлари шимолий денгиз, Форс қўлтиғи, Мексика қўлтиғи, Кариб денгизиде жойлашган. Сўнгги йилларда Беренс ва Қора денгиз, Сахалин, Каспий денгизи шелфларида нефтнинг катта заҳиралари борлиги аниқланган.

Денгизда нефтни қазиб олиш чуқурлик ошган сари ва юқори (шимолий) географик кенгликларда тобора қимматга тушади. Масалан, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги нефтни қайта ишловчи (НКИ) 700 заводнинг умумий қуввати 3,6 млрд. тоннадан кўпроқ бўлиб, ундан АҚШ га 780, Ғарбий Европага 720, Японияга 200, Лотин Америкасига 300, Яқин ва Ўрта Шарққа 250, Африкага 150 млн. тонна тўғри келади. НКИ саноатини жойлаштиришда бир-бирига қарама-қарши икки тенденция таъсир кўрсатади: бири – бозор тенденцияси (НКИ нинг қазиб олинган жойлардан узоқдалиги ва НКИ заводларини истеъмолчи мамлакатларда қуриш), бошқаси – хом ашё тенденцияси – НКИ ни нефт қазиб олинган жойларга яқинлаштириш. Сўнгги йилларгача биринчи тенденция устун эди ва у арзон хом нефтни сотиб олиб, ундан олинган маҳсулотларни бир неча баравар қиммат сотиш билан боғлиқ эди. Кейинги йилларда НКИ заводларини айрим ривожланаётган мамлакатларда, айниқса, транспорт коммуникациялари тугунида, муҳим денгиз йўлларида қуриш тенденцияси кучайди. Дунёдаги қуввати 15 млн. тоннадан ортиқ бўлган қудратли 15та НКИ заводларининг ярми Сингапур, Саудия Арабистони, Венесуела, Багам оролларида жойлашган. Қуввати 30 млн. тонна бўлган энг йирик НКИ заводи АҚШ га қарашли. У Кариб денгизидеги Виргин оролларида жойлашган.

Ривожланаётган мамлакатларда НКИ заводларини қуриш, шунингдек, иқтисодий ривожланган мамлакатларда табиатни муҳофаза қилиш талаблари кучайтирилганлиги билан ҳам боғлиқ (экологик ифлос ишлаб чиқаришни ташқарига чиқариши). Нефт қазиб олувчи ва экспорт қилувчи мамлакатларнинг ўз НКИ ва нефт-кимё саноатини барпо этишга интилишлари ҳам ривожланаётган мамлакатларда ушбу тенденциянинг кучайишига олиб келди. Қазиб олинаётган нефтнинг ярми экспорт қилинади. Асосий экспортёрлар: ОПЕК мамлакатлари, Россия, Хитой, Саудия Арабистони, Венесуела, Қувайт ва бошқалар. Нефтни сотиб олувчи асосий давлатлар Япония, Ғарбий Европа мамлакатлари, Корея Республикаси.

Нефтни қазиб олиш ва истеъмол қилиш раёнлари ўртасидаги ҳудудий узилиш уни ташишнинг катта миқёсда бўлишига сабаб бўлган. У денгиз транспортида (танкер) ташиладиган энг асосий юкдир. Шунингдек, нефт темир йўлда ва нефт қувурлари орқали ҳам кўп миқдорда ташилади.

Асосий нефт юклари оқими Форс қўлтиғининг энг йирик нефт портларидан Ғарбий Европа ва Японияга жўнатилади. Энг йирик танкерлар Африкани айланиб ўтадиган узок йўлдан, унча катта бўлмаганлари – Сувайш каналидан ўтади. Кичик юк оқимлари Лотин Америкаси мамлакатларидан (Мексика, Венесуела) АҚШ ва Ғарбий Европага боради. АҚШ, Канада орқали ўтадиган Аляска нефт қувири орқали нефт билан таъминланади. Шарқий Европа мамлакатларини нефт билан таъминлашда Россия асосий рол ўйнайди.

Дунё газ саноати. Газ саноати XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ривожлана бошлади. Дунё ёкилғи истеъмоли структурасида нефт ва кўмирдан кейин учинчи ўринни эгаллайди (20%). Газ экологик энг тоза энергия ресурсидир. Дунё газ саноатининг асосий маълумотлари 3-жадвалда берилган.

3-жадвал

Дунёда табиий газнинг аниқланган захиралари, қазиб олинishi ва истеъмоли

Регион (мамлакатлар)	Дунё захираларидаги солмоги (%)	Қазиб олиш (млрд. м ³)	Истеъмол (млрд м ³)
Дунё	100,0	2215	2215
Шимолий Америка	4,9	658	654
Лотин Америкаси	5,1	97	101
Ғарбий Европа	3,8	244	335
Шарқий Европа	40,2	795	720
Шу жумладан:			
Россия	39,2	606	497
Африка	6,9	87	46
Якин ва Урта Шарк	32,0	136	130
Австралия ва Океания	7,0	198	229

Газнинг аниқланган захиралари бўйича айниқса, МДХ ва Жанубий - Ғарбий Осиё (трлн. м³), Россия (40), Эрон (16), Саудия Арабистони (6), БАА (5,7), АҚШ (5,4), Жазоир (4), Канада (2,6), Венесуела (3,1), Мексика (2), Индонезия (2,5), Норвегия (2,3), Малайзия (2), Хитой (2), Нидерландия (1,7), Туркменистон, Ўзбекистон ва бошқалар ажралиб туради.

Дунёда газ қазиб м³ олишнинг умумий ҳажми 1990 йилда 2,1 трлн. м³, 1995 йилда 2,2 трлн. м³, 2000 йилда 2,5 – 2,6 трлн. м³ бўлган. Газ 60дан ортик мамлакатда қазиб олинади. Газ қазиб олувчи биринчи ўнлик мамлакатларга Россия, АҚШ, Канада, Нидерландия, Туркменистон, Ўзбекистон, Буюк Британия, Индонезия, Жазоир, Саудия Арабистони киради. Кўп мамлакатлар денгиз тубидан кўп миқдорда газ қазиб олмоқдалар. (млрд. м³) : АҚШ (120), Буюк Британия (48), Норвегия (31), Малайзия (18), Нидерландия (17), Австралия (12), Бруней (8). Қазиб олинаётган газнинг 15 %и экспортга чиқарилади. Асосий нефт экспорт қилувчи давлатлар Россия, Турманистон, Ўзбекистон, Канада, Нидерландия, Норвегия, Жазоир, Индонезия. Асосий импортерлар – ГФР,

Япония, АҚШ, Франция, Италия. Газнинг 75%и газ қувурлари орқали, 25%и суюлтирилган ҳолда метан ташувчи танкерларда ташилади. Газни континентлараро ташишнинг мураккаблиги унинг 85%и газ қазиб олувчи мамлакатларда тўпланишига сабаб бўлган.

Газ қувурларини қуриш жадал ривожланмокда. Уларнинг ҳозирги пайтдаги узунлиги дунёда 900 минг км га етади. Энг йирик газ қувурлари Шимолий Америкада. (Канаданинг Алберта провинсияси ва АҚШ ўртасида), Ғарбий Европада (Голландиядаги энг йирик Гронинген конидан, Германия ва Швейцария ҳудуди орқали Италияга, Норвегиянинг Шимолий денгиз секторидан Германия, Белгия ва Францияга) ишлаб турибди. 1982 йилдан буён Жазоирдан Тунисга ва ундан кейин Ўрта ер денгизи тубидан Италиягача ўтказилган газ қувурлари ишламокда. Россиядан Шарқий Европанинг деярли барча мамлакатларига (Албаниядан ташқари), шунингдек, қатор Ғарбий Европа мамлакатларига (Германия, Австрия, Италия, Франция, Финландия) газ қувурлари орқали газ келтирилади.

Давлатлараро денгизда суюлтирилган газни газ ташувчи махсус кемаларда ташиш ривожланиб бормокда. У экспорт қилинадиган портларда қимматга тушадиган газ суюлтиручи, импорт портларида уни яна нормал ҳолатга келтирадиган қурилмалар қуришни тақазо этади. Шу сабабдан газни шундай усулда денгизда ташишнинг барқарор занжирлари Яқин Шарқ – Япония, Австралия – Япония ўртасида шаклланган.

Дунё кўмир саноати. Дунёда энергетик вазиятнинг кескинлашишига боғлиқ ҳолда сўнгги йилларда кўмир саноати тез ривожланди. У дунё энергетикасининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб қолмокда. Бу ҳолат электроэнергетика ва қора металлургия каби йирик кўмир истеъмолчи тармоқларининг мавжудлиги ҳамда нефт саноатига нисбатан ресурслар билан жуда яхши таъминланганлиги билан изоҳланади.

Дунёнинг умумий кўмир захиралари 1,2 трлн. т. га тенг (52% тошкўмир, 48% қўнғир кўмир) Унинг 66%и иқтисодий ривожланган мамлакатларга тўғри келади. Дунёда кўмир захиралари бўйича қуйидаги мамлакатлар етакчи ўрин эгаллайди (млрд. т.): АҚШ (400), МДХ мамлакатлари (280), Хитой (105), ГФР (90), Буюк Британия (90), Канада (15). Булардан ташқари Индонезия, Ботсвана, Зимбабве, Мазамбик, Колумбия, Венесуела ва бошқалар кўмир захиралари билан ажралиб туради.

1950-1995 йилларда кўмир қазиб олиш муттасил кўпайиб борди: 1950й-1,3, 1960й-2,6, 1970й-2,9, 1980й-3,7, 1985й-4,3, 1990-4,9, 1995й-5,2 млрд. тонна. Шу билан бир қаторда сўнгги йилларда ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида асосий анъанавий кўмир (ески саноат) раёнларида (ГФРда РУР ҳавзаси, Шимолий Франция, АҚШда Аппалачи) кўмир қазиб олиш камайди. Австралия, ЖАР, Канадада экспортга асосланиб кўмир қазиб олиш кўпайди. Австралия ёки ЖАР дан Ғарбий Европага олиб борилаётган кўмир маҳаллий кўмирдан уч марта арзонга тушади. Бу Ғарбий Европа кўмир ҳавзалари инкирозининг сабабидир. Дунёнинг 70 дан кўпроқ мамлакатада кўмир саноати ривожланган. Қўнғир кўмир қазиб олишда Германия дунёда биринчи ўринни эгалайди ва бу ерда ундан электростанцияларда кимё саноатида, уй рўзғорда (брикет) кенг фойдаланилади. Нефт ва газдан фарқ қилиб, кўмирнинг атиги 8%и экспортга чиқарилади, асосий қисми эса қазиб олинган мамлакатда истеъмол қилинади. Кўмир экспорт қилувчи асосий давлатлар (млн. т): Австралия (110), АҚШ (95), ЖАР (50), МДХ (40), Полша (30), Канада (25), Хитой (75), Намибия (15), асосий кўмирни импорт қилувчи давлатлар – Япония (400), Корея Республикаси (30), Италия (20), Канада (20), Франция (15), Нидерландия (15) ш.ё. Халқаро савдода кўмирнинг 90% денгиз транспортида ташилади.

3. Дунё электроэнергетика саноати

Электроэнергетика саноатининг ривожланиши ишлаб чиқариш ва турмуш – уй-рўзғор соҳаларини электрлаштириш билан узвий боғлиқ. Дунёда истеъмол қилинадиган

энергиянинг $\frac{1}{3}$ дан кўпроғи (15 млрд. тонна ш.ё.) электр энергиясига айлантирилади. 2000

йилда барча бирламчи энергия ресурсларининг 40%и электроэнергия ишлаб чиқаришга сарфланди. Шу сабабдан электроэнергия ишлаб чиқариш барламчи энергия ресурслари ишлаб чиқарилиши ва истеъмолига нисбатан тезроқ ўсаяпти. Ўтган асрнинг 50-70-йилларда у ҳар ўн йилда икки марта кўпайиб борди. Масалан, дунёда 1950 йилда – 950, 1960 йилда – 2300, 1970 йилда – 5000, 1980 йилда – 8250, 1990 йилда – 11550, 2000 йилда – 13,2 млрд. квт:соат электроэнергияси ишлаб чиқарилди. Дунёдаги барча электро-стансияларнинг умумий қуввати ҳам тез суръатларда ўсмоқда: у 1970 йилда 1,1 млрд. квт га тенг бўлса, 1995 йилда 2,6 млрд. квт га етди. Дунёда электр энергия ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича ўринлар қуйидагича тақсимланган: 1) Шимолий Америка (32,3%), 2) Ғарбий Европа (26%), 3)Хорижий Осиё (18,2%), 4)МДХ (14,4%), 5)Лотин Америкаси (5,2%) 6)Африка (2,2%), 7)Австралия (1,7%). Дунё электр энергиясининг 80% дан кўпроғи ривожланган мамлакатлар, 20%дан камроғи эса риважланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Дунёда энг кўп электр энергия ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қуйидалар: 1)АҚШ – 3,2 трлн. квт:с, (дунёнинг 27,8% элетр энергияси); 2)Россия – 1,1 трлн. квт:с (9,5%); 3)Япония – 835 млн. квт:с (7,2%); 4)Хитой - 620 млн. квт:с, (5,4%); 5)ГФР - 560 млн. квт:с (4,8%); 6)Канада - 520 млн. квт:с (4,5%); 7)Франсия - 420 млн. квт:с (3,6%); 8)Буюк Британия - 320 млн. квт:с (2,8%); 9)Украина - 300 млн. квт:с (2,6%); 10)Ҳиндистон - 280 млн. квт:с (2,4%). Аҳоли жон бошига электр энергия ишлаб чиқаришда (дунёда ўртага 2140 квт) мамлакатлар бир-бирларилан катта фарқ қиладилар. Масалан, бу кўрсаткич бўйича биринчи ўринларда Норвегия (28660 квт), Канада (19600квт), Швесия (17100квт), АҚШ (12860квт), Финляндия (10950квт) туради, энг охириги ўринларни эса Африка мамлакатлари (ўртача 81 квт), Ҳиндистон (340квт), Хитой (550 квт), Туркия (970квт) эгаллайди. Дунёда электр энергия ишлаб чиқариш структурасининг айрим регионлар бўйича фарқи 4-жадвалда берилган.

4-жадвал.

Дунёда электр энергия ишлаб чиқариш структураси.

Дунё бўйича, регионлар	ИЕС ларда ишлаб чиқариш (%)	ГЕС ларда ишлаб чиқариш (%)	АЭС ларда ишлаб чиқариш (%)	Жами
Дунё	63	20	17	100
МДХ	75	13	12	100
Хорижий Европа	55	15	27	100
Хорижий Осиё	69	18	13	100
Африка	81	17	2	100
Шимолий Америка	66	18	18	-
Лотин Америкаси	23	75	2	-
Австралия ва Океания	79	21	-	-

Дунёда электр энергия ишлаб чиқариш структурасида асосий ўринни иссиқлик электр стансиялари (ИЕС – 63%), иккинчи ўринни гидроэлектр стансиялари (ГЕС – 20%), учинчи ўринни эса, атом электр стансиялари (АЭС- 17%) эгаллайди. Бундай нисбат кўп

регионлар учун ҳам характерлидир, лекин айрим фарқлар ҳам мавжуд. Масалан, Лотин Америкасида электр энергиянинг кўпи ГЕС ларда ишлаб чиқарилади.

Бу мазкур регионнинг гидраструктураларга бойлиги, кўмир, кўпчилик мамлакатларда эса нефт конларининг камлиги билан изоҳланади. АЭС салмоғи Ғарбий Европада ўртача кўрсаткичдан анча юқоридир.

Кўмирнинг салмоғи баъзи мамлакатлар ИЕСда жуда катта (масалан, ЖАРда деярли 100%, Австралияда 75%, Германия ва АҚШда- 50% дан ортиқ). Бунда кўмир ёқилғи-энергетика циклининг экологик хавф-хатарли эканлигини ҳисобга олиш ва уларни экологик тоза энергия турларига алмаштириш (куёш, шамол ва бошқалар) зарурати кўндаланг туради.

Учинчи гуруҳга ГЕС ларнинг электр энергия ишлаб чиқаришдаги салмоғи юқори бўлган мамлакатлар киради. Буларга Норвегия (99,5%), Бразилия (92%), Гондурас, Непал, Шри Ланка, Парагвай (90% дан кўпроқ), Эфиопия, Габон (80%дан ортиқ), Австралия, Колумбия, Перу, Кения, Мадагаскар, Янги Зеландия (70% дан ортиқ), Канада (62%), Швесия (50%) ҳамда Тожикистон, Қирғизистон мисол бўлади. Уларнинг ҳаммасида минерал ёқилғи ресурслари чекланган. Улар гидроресурсларга бой тоғ ва дарёлар кўп мамлакатларидир. ГЕС ларда электроэнергия ишлаб чиқаришнинг кўпи АҚШ, Канада, Европа мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади.

Ер шарининг гидроэнергетика қуввати назарий жиҳатдан 33-49 трлн. **квт/соат**, ҳозирги техника ривожланиши шароитига кўра эса, 15 трлн. **Квт/соатга** тенг. Уни ўзлаштириш даражаси дунё бўйича 14% га барабар. Баъзи мамлакатлар Швесия, ГФРда гидроэнергетика қуввати деярли тўла ўзлаштирилган бошқаларида ўзлаштириш эндиликда бошланмоқда. Японияда гидроресурсларнинг $\frac{2}{3}$, АҚШ ва Канада $\frac{3}{2}$, Лотин

Америкасида $\frac{1}{10}$, Африкада $\frac{1}{20}$ дан фойдаланилмоқда.

Дунёда қуввати 1 млн. квт.дан кўп бўлган, ишлаб турган 110 та ГЕС бор. Уларнинг 50% дан кўпроғи ривожланган мамлакатларда (Канадада 17, АҚШда 16таси) жойлашган. Дунёнинг энг йирик ГЕС лари қуйидагилар (қуввати млн. **квт/с**): Италия (Бразилия – Парагвай, Парана дарёсида) – 12,6; Гранд – Кули (АҚШ) – 10,8; Гури (Венесуела, Карони дарёси) – 10,3; Тукурим (Бразилия) – 8,0; Саян – Шушенск (Россия) – 6,4; Корпус – Посадос (Аргентина – Парагвай) – 6,0; Красноярск (Россия) – 6,0; Ла – Гранд – 2 (Канада) – 5,3; Чергилл – Фалз (Канада) – 5,2; Ксиндо (Бразилия) – 5,0; ҳозирги пайтда кўпчилик мамлакатларда кичик ГЕСларни кўплаб қуриш тез ривожланмоқда. Дунёда ҳозир 100 мингдан ортиқ кичик ГЕСлар ишлаб турибти.

ГЕСларни қуришда уларнинг афзаллик (эксплуатация даврининг давомийлиги, эксплуатация **харажатларининг** камлиги, энергияни тўплаш имкониятлари, экологик тозаллиги ва сарфланган маблағларни қоплашнинг узок муддатга чўзилиши, кўп қишлоқ хўжалик ерларини йўқотиш, ер ости сувларининг ер юзасига кўтарилиши, дарё қирғоқларининг емирилиши ва бошқаларни ҳисобга олиш зарур.

Тўртинчи гуруҳга атом энергиясининг салмоғи юқори бўлган мамлакатлар киради. Булар Франция (72,9%), Белгия (59,9%), Корея Республикаси (43,2%), Швесия (43,2%).

Дунё атом энергияси муаммолари. Атом энергияси тизими ривожланишининг нисбатан қисқа даври учун кўтарилиш ва пасайиш бўйича ҳисоблар ва башоратларни қайта боҳолаш ҳаракатларидир. Уни жадал ривожлантиришнинг дастлабки дастурлари ўтган асрнинг 50-60-йилларда АҚШ, Буюк Британия, собиқ СССРда, сўнгра ГФР ва Японияда ишлаб чиқилган эди. Уларнинг кўпчилиги ўша даврда АЭСларнинг ИЕСлар билан етарли рақобатбардош бўла олмаганлиги сабабли амалга ошмай қолди. Сўнгра дунё энергетика бўҳрони бошланиши, нефт нархининг кескин кўтарилиши энергия билан таъминлашни мустаҳкамлаш масаласини янгича йўлга қўйишга олиб келди ва атом энергиясининг аксиялари нархи тез кўтарилди. Бу биринчи навбатда, ГФР, Белгия,

Швесия, Финляндия, Япония, Корея Республикасига тааллуқли эди. Шу билан бир қаторда минерал ёқилғига бой бўлган АҚШ ва собиқ СССР каби мамлакатлар ҳам атом энергиясини ривожлантиришнинг йирик дастурларини қабул қилиб, амалга ошира бошладилар. Натижада 70-йилларнинг охирига келиб, кўпчилик Ғарб экспертлари ХХ асрнинг охиридаги АЭС қувватлари 1300-1600 млн. квт.га ёки барча типдаги электр станциялар қуввати йиғиндисининг тахминан ярмига тенг бўлади, АЭСлар дунёнинг 50 мамлакатада пайдо бўлади, деб ҳисобладилар. 2020 йилда дунё ёқилғи ва энергия истеъмолида атом энергетикаси салмоғи 30%га етиши башорат қилинган эди. Лекин ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб, атом энергиясининг ўсиши яна секинлашди, кўпчилик мамлакатларда АЭС қуриш режалари ва башоратлари қайта кўриб чиқилди. Буга энергияни тежаш мақсадидаги ютуқлар, нефтнинг аста-секин арзонлашиб бориши, айниқса, АЭСлар қуришнинг экологик оқибатларини қайта баҳолаш ва бошқалар сабаб бўлди. Бундай қайта баҳолаш АҚШ нинг Три Майкл Айленд АЭСи ва айниқса, 1986 йилда Украинадаги Чернобил АЭСида содир бўлган даҳшатли авариялардан кейин янада кўчайди. Чернобил ҳалокати Украина, Белоруссия, Россиянинг 17 млн. аҳоли яшайдиган 11 вилоятини қамраб олди ва Чернобилдан 2 минг км. радиусдаги 20 мамлакатда радиасия даражасининг ошишига сабаб бўлди. Радиасия ёгинлари шимолий-ғарбда Норвегиянинг шимолига, Ғарбда Рейн дарёсига, жанубда ФОРС қўлтиғига етиб борди.

Айнан шу даврда кўп мамлакатлар атом энергиясидан тўлиқ ёки аста-секин воз кечиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Масалан, Австрияда Вена яқинида ишлашга тайёр АЭС тўхтатиб қўйилди. Италияда 1987 йилдаги референдумдан кейин учта АЭС ёпилди, қуриб тугалланган тўртинчи АЭС қайта жиҳозланиб, ИЕСга айлантирилди. Полша Жарновиседа АЭС кўрилишини тўхтатди. Швесия, Нидерландиянинг ядро дастурлари амалий жиҳатдан тўхтатилди. Швесияда референдумдан кейин ишлаб турган 12та атом реакторларининг барчасини 2010 йилгача ёпиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Маълумки, бу мамлакатда АЭСлар ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг деярли ярмини беради. Мамлакат аҳоли жон бошига атом электр энергияси ишлаб чиқаришда биринчи ўринни эгаллайди.

Баъзи мамлакатлар ўз АЭСларини демонтаж қилмадилар, уларнинг янгисини кўришдан ҳам воз кечмадилар, лекин атом энергетика дастурларини сезиларли даражада қисқартирдилар. Бу ҳолат АҚШга тааллуқли бўлиб, у ерда сўнгги йилларда янги АЭС қуришга деярли рухсат берилмади. Шунингдек, собиқ СССРда ҳам Чернобил авариясидан кейин бу соҳадаги катта тадбирлар дастури амалда деярли тўхтатилди.

Аммо сўнгги йилларда содир бўлган энергетика бўҳрони атом энергетикаси имкониятларини яна янгидан қайта баҳолашни кун тартибига қўйди. 1993 йилда Россияда 2010 йилгача мўжалланган янги АЭСларни қуриш дастури қабул қилинди (8та янги қўшимча энергия блоклари Узоқ Шарқда, учта янги АЭС қуриш). Литвада мамлакатнинг 80% электр энергиясини ишлаб чиқарадиган Игналин АЭСи фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги талабларга чек қўйилди. Арманистонда Ереван АЭС қайта ишга тушди.

Ҳозирги пайтда дунёнинг 33 мамлакатада умумий қуввати 350 млн. квт га тенг атом реакторлари ишламоқда, яна 70 млн. квт.га тенг реакторлари қурилмоқда (Японияда 16 млн., АҚШ да 9 млн., Францияда 9 млн. квт.). Дунё мамлакатларидан айримларининг ядро қувватлари 5-жадвалда берилган.

5-жадвал

Дунёдаги айрим мамлакатларнинг ядро қуввати

Мамлакат лар	Ишлаётган реакторлар		Қурилаётган реакторлар		Атом энергиясининг умумий электр энергия ишлаб чиқаришдаги салмоғи
	блоклар сони	қуввати (МВ)	блоклар сони	қуввати (МВ)	

Дунё бўйича	434	330651	72	59720	17
1. АҚШ	111	99757	3	3480	21,7
2.Франтсия	56	57688	5	7125	72,9
3. Япония	44	34238	9	8129	27,7
4.Буюк Британия	37	12066	1	1188	23,2
5. Россия	28	18893	18	14175	11,8
6. Канада	21	14874	1	881	15,2
7.Германия	21	22559		-	30,1
8. Украина	15	13020	6	5700	25,0
9. Шветсия	12	10002		-	43,2
10.Корея Рес.	9	7220	3	2550	43,2
11.Испания	9	7101		-	36,4
12.Белгия	7	5484		-	59,9

***Изоҳ:** 1995 йил бошида дунёнинг 29 мамлакатида 425 реактор ишлаб турган ва 18 мамлакатда яна 60 реактор қурилиш босқичида бўлган.*

Дунё атом энергиясининг умумий электр энергия ишлаб чиқаришдаги салмоғи (%), қувватларининг ошиб бориши (млн. квт.) 1970-2000 йилларда қуйидагича ўзгарган: 1970 йилда 2% (25 млн. квт.), 1975 йилда 6% (80 млн. квт.), 1980 йилда 8% (150 млн. квт.), 1985 йилда 13% (250 млн. квт.), 1999 йилда 17% (330 млн. квт.), 1995 йилда 18% (380 млн. квт.), 2000 йилда 19 % (450 млн. квт.). АЭСларда йилига 2 трлн. **Квт/с** электр энергия ишлаб чиқарилмоқда. Дунё АЭС лари қувватининг учдан икки қисми АҚШ, Франция, Япония, Германия, Буюк Британия, Россияда тўпланган. Бунда АҚШнинг солмоғи 40% га тенг. Энг йирик Фукусима атом энергетика комплекси Япониянинг Хонсю оролида жойлашган. Унинг қуввати 9 млн. квт бўлиб, 10 энергия блокидан иборат.

Хорижий мамлакатларда уран концентратлари (ВЗО8) ишлаб чиқариш 1980 йилда 45 минг тоннадан 1990 йилда 39 минг тоннагача камайди. Унинг асосий ишлаб чиқарувчи мамлакатлари: Канада (10 минг т.), АҚШ (4,6 минг т.), Австралия (4,1 минг т.), ЖАР (3,6 минг т.), Намибия (3,5 минг т.), Франция (3,4 минг т.), Нигерия (3,1 минг т.), Габон (1 минг т.). Қазиб олинган ураннынг 80 фоизи халқаро савдога чиқарилади. Асосий экспортёрлар Канада (9,5), Австралия (4,3), Намибия (3,5), АҚШ (3,2), Нигерия (3,1), Жар (1,7), Габон (1,0). Уларнинг асосий истеъмолчилари фақат АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатларидир. Уран очиқ ва шахта усулида қазиб олинади. Бойитилган уранни йирик ишлаб чиқарувчи ва экспортёрлари қатарога Россия, МДХнинг айрим мамлакатлари (Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон), шунингдек, Хитой ҳам киради.

1. Дунё металлургия саноати

Қора металлургия. Қора металлургия – саноатнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, машинасозлик ва қурилишни ривожлантириш асоси, халқ хўжалиги барча тармоқларини техник жиҳозлашнинг зарурий шарт-шароити ҳисобланади. Унинг таркибига рудали ва рудасиз хом ашёни қазиб олиш ва бойитиш, чўян, пўлат, прокат, ферро қотишмалар ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлашдан олинadиган буюмлар ишлаб чиқариш тармоқлари киради. Алюминий ва пластмасса рақобатчанлигига қарамай пўлат асосий конструкцион материал бўлиб қолмоқда. Қора металлургиянинг аҳамияти аввало шу билан белгиланади.

Қора металлургиянинг жойлашиш хусусиятлари тармоқнинг ривожланиши давомида ўзгариб бори. Масалан, тарихан металлургия географияси икки хилдаги йўналиш таъсирида шаклланади:

- тошкўмир ҳавзаларига (АҚШ, Европа, Россия, Украина, Хитой металлургия базалари ана шундай асосда пайдо бўлган) интилиш;
- темир руда ҳавзаларига (Россия, Украина, Хитой, АҚШ, Европа) интилиш.

Лекии ФТИ даврида аввалги ёқилғи хом ашёга ориентасиянинг умумий сусайиши, коксланадиган тошкўмир ва темир пўда юк оқимларига интилиш (оқибатда Япония, Ғарбий Европа мамлакатлари қора металлургия саноатининг жойлашишида денгиз портларига томон интилиш бошланди) ҳамда истеъмолчиларга интилишнинг кучайиши юз бермоқда. Шу сабабдан курилаётган комбинатларнинг ўлчами қисқариши, кичик заводлар (минизаводлар) пайдо бўлиши ва уларнинг эркинроқ жойлашиши кўзатилмоқда. Шундай истеъмолчига мўлжалланган митти заводлар, айниқса, АҚШ, Япония, Италия, Испанияда кўп, шунингдек, Бразилия. Мексика, Корея Ресубликаси, Тайванда, айрим араб мамлакатларида бор.

Темир руданинг дунёдаги умумий геологик захиралари 394 млрд. т. бўлиб, унинг ҳажми бўйича (млрд. т.) биринчи ўринда МДХ (Россия, Украина, Қозоғистон, 111), иккинчи ўринда Хорижий Осиё (айниқса, Хитой, Ҳиндистон, 67,5), учинчи Лотин Америкаси (Бразилия, 61,7), ундан кейин Африка (ЖАР, Жазоир, Ливия, Мавритания, Либерия, 59,4), Шимолий Америка (АҚШ, Канада, 50,7), Австралия (23,4), Хорижий Европа (Франсия, Швесия, Буюк Британия, ГФР, 20,3) туради.

6-жадвал

Дунёнинг энг йирик темир руда ҳавзалари ва раёнлари

Ҳавзалар ва раёнлар	Мамлакат	Аниқланган захиралари, млрд. т	Рудадаги темир миқдори, %	Руда қазиб олиш 1988 й, млн. т
Хеммерсли ҳавзаси	Австралия	11,7	62	75
«Темир руда учбурчаги» раёни	Бразилия	6,0	62	105
Каражас раёни	Бразилия	5,0	67	29
Месаби-Рейндж раёни	АҚШ	5,0	37-62	29
Керол-Лейк ҳавзаси	Канада	2,7	38	15
Сингбум раёни	Ҳиндистон	2,0	60	19
Симен ҳавзаси	ЖАР	1,3	64	15
Лотарингия ҳавзаси	Франсия	2,1	31-32	10
Истерн-Дндейл раёни	Австралия	1,4	57	20
Кирунавара раёни	Швесия	1,8	49	13
Урукум раёни	Бразилия	4,0	55-56	-

Дунёда темир руда қазиб олишнинг 1950-1990 йиллардаги динамикаси қуйидаги рақамлар билан характерланади (млн. т.): 1950й. - 250, 1960й. - 500, 1970й. - 750. 1980й. - 900, 1985й. - 850, 1990й. - 1000. Иккинчи жаҳон урушигача чет элларда деярли барча темир рудани қазиб олиш АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари ҳиссасига тўғри келган. Урушдан кейинги йилларда бу мамлакатларда конлардаги ресурсларнинг камайиши, руда сифатининг пасайиши, юқори фосфоритли рудаларга талабнинг камайиши билан боғлиқ

ҳолда темир руда қазиб олиш тез қисқара бошлади. Айни пайтда темир руда қазиб олиш собиқ СССР, Канада, Австралия, ЖАР, кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда кўпайди. Ҳозирги пайтда дунёда энг кўп темир руда қазиб оладиган мамлакатлар қуйидагилар: МДХ (236, шу жумладан, Россия 107, Украина 104, Қозоғистон 24), Хитой (170), Бразилия (162), Австралия (112), АҚШ (58), Ҳиндистон (50), Канада (42), ЖАР (33), Швесия (23) ва б.

Дунёда қазиб олинаётган темир руданинг $\frac{2}{3}$ қисми фақат МДХ, Хитой, Бразилия, Австралия ҳиссасига тўғри келади. Халқаро савдога ҳар йили 430-440 млн. т. темир руда чиқарилади. Унинг 80 % денгиз орқали юк ташилади. Темир рудасини экспорт қилувчи давлатларга Бразилия (125 млн. т.), Австралия (100 млн. т.), Канада (30 млн. т.), Ҳиндистон (33 млн. т) киради. Улар ҳиссасига дунё экспортининг $\frac{2}{3}$ қисми тўғри келади, шу жумладан, Бразилия - 28,4%, Австралия - 22,7%, Ҳиндистон - 7,5%. Асосий импортёрлар - Европа Иттифоқи (34%), Япония (28%), Корея Республикаси (5%), АҚШ (4%). Япония йилига 150 млн. т гача темир руда сотиб олади.

Темир руда халқаро савдосида бойитилган руда ва темир-тирсак сотиш ҳажмининг кўпайиб бориши муҳим йўналишга айланади.

Кўпчилик металлларни ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш жараёни қуйидаги босқичлардан ташкил топади: руда хом ашёсини қазиб олиш, рудани бойитиш, қуйиш, прокат ва қотишмаларни тайёрлаш. Руданинг барча қимматли қўшимчалари ва қора металлургия чиқитларидан фойдаланиш мақсадида корхоналар таркибига қора металл, таёрлайдиган сеҳ ва заводлар ҳам киради. Бундай корхоналар кўпчилик бўлиб, улар металлургия комбинатлари деб аталади.

Дунёда ўтган асрнинг 90-йилларнинг бошида йилига 550 млн. т чўян қуйилган, 760 млн. т пўлат эритилган. Чўян қуйиш бўйича дунёда биринчи «ўнлик» ўринни Япония (80млн. т.), Хитой (62), Россия (59), АҚШ (50), Украина (40), ГФР (30). Бразилия (25), Жанубий Корея (15), Франция (14), Ҳиндистон (13) эгаллайди.

Дунёда пўлат эритиш 1950 йилдан 70-йилларнинг охиригача тез ўсди, сўнгги ўн йилликларда секин ривожланди. Масалан, 1950 йилда – 200, 1960 йилда – 350, 1970 йилда – 800 млн. т. пўлат ишлаб чиқарилган. Бу аҳвол бир томондан ФТИ даврида тайёр маҳсулот бирлигига сарфланадиган металлнинг камайиши, металл сифатига талабнинг ошиши, бошқа томондан эса иқтисодий қийинчилик сабабли қора металлга талабнинг камайиши билан боғлиқдир.

Пўлат ишлаб чиқариш бўйича (млн. т) Япония (111), Россия (90), АҚШ (89), Хитой (66), Украина (53), ГФР (43), Италия (26), Корея Республикаси (23), Бразилия (21), Франция (19) биринчи «ўнликка» киради ва улар биргаликда дунёнинг $\frac{2}{3}$ пўлатини беради.

Пўлат ишлаб чиқаришда ривожланаётган мамлакатларнинг салмоғи ошиб бормоқда (1950 йилда – 2%, 1995 йилда – 15%). Бу юқори сифатли руда қазиб оладиган мамлакатларда табиат муҳофазасига талаб ошиши билан экологик «ифлос» ишлаб чиқаришдан (металлургия) ҳолос бўлиш ва уни ривожланаётган мамлакатларда жойлаштириш билан боғлиқ.

Шу билан бир қаторда қора металлларнинг катта қисми биринчи навбатда юқори сифатли пўлат ишлаб чиқаришнинг деярли ҳаммаси илгаригидек ривожланаётган мамлакатларда тўпланган. Ривожланаётган мамлакатлар эса асосан оддий металл ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Кўнги йилларда қора металлургия Хитой, Бразилия, Жанубий Кореяда тез суръатларда ривожланмоқда. Хитойда пўлат қуйиш 1949-1992 йилларда 1,6 млн. т дан 78 млн. т гача, яъни 40 марта кўпайди. Пўлат қуйишнинг ҳажми бўйича Бразилия, Буюк Британия ва Франциядан, Жанубий Корея эса Италиядан ўзиб кетмоқда. Қора металлургия

махсулотлари структурасига мамлакатлар ҳўжалигининг ўзига хос хусусиятлари катта таъсир кўрсатади. Масалан, АҚШда юпқа листли (қатламли) прокат ишлаб чиқариш салмоғи катта бўлиб, у автомобил саноати ва уй-пўзғор аппаратуралари ишлаб чиқаришининг (мўзлатгич, кондиционер ва б.) юқори даражада ривожланиши билан бевоста боғлиқ. Японияда кўп миқдорда кемасозликда ишлатиладиган ўрта ва қалин прокат листлари, ГФР ва Италияда эса сув қувурлар ва қувур тайёрланмалари ва махсулотлари катта салмоққа эга.

Рангли металлургия саноати

Рангли металлургия. Рангли металлургия ҳам саноатнинг эски тармоқларидан бири бўлиб, ФТИ таъсирида унинг структурасида катта ўзгаришлар ва янгиланишлар содир бўлди. Масалан, иккинчи жаҳон урушигача оғир металллар – мис, кўрғошин, рух, қалай эритиш йктун бўлган бўлса, 60-70-йилларда биринчи ўринга алюминий чиқди, шунингдек, «XX аср металлари» - кобалт, титан берилий ва бошқаларни ишлаб чиқариш доираси кенгайди. Ҳозир рангли металлургия тахминан 70та турли металга эҳтиёжни таъминламоқда. Лекин ишлаб чиқаришнинг ҳажми бўйича(40 млн.т.) у қора металлургия ишлаб чиқариш ҳажмидан 30 марта камроқдир.

Рангли металлургия технологик жараёнининг босқичлари бўйича хом ашёни қазиб олиш ва бойитиш, шунингдек, металл ва қотишмаларни эритишни бирлаштиради. Рудада металлнинг жуда кам миқдори уни, албатта, бойитишни тақозо этади. Рангли металл рудаларида турли қимматли компонентлар кўп бўлиб, ҳар бири бирин-кетин алоҳида-алоҳида ажратиб олинади. Бойитилган руда махсус печларда эритилади ва тўла тозаланмаган металлга айлантирилади, ўз навбатида, у зарарли аралашмалардан тозаланadi.

Рангли металлургия корхоналарини жойлаштиришга кўплаб табиий ва иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади.

Илгари рангли металлургия корхоналари ишлаб чиқаришида оғир металллар устун турганлиги сабабли улар хом ашё қазиб олинadиган раёнлар яқинида жойлаштирилган. Оғир металл рудаларида соф металл миқдори жуда кам (0,5-3,5%) бўлади (1т. мис олиш учун 100т. га яқин, қалай учун - 300т. дан кўпроқ руда сарфланади). Бундан ташқари, қайта ишлашда тобора кўпроқ таркиби камбағал рудалар ишлатилмоқда.

XX аср ўрталарида енгил рангли металллар (айниқса, алюминий) металлургияси тез ривожланди. У авиасия, ракета техникаси, автомобилсозлик, енгил конструктив материаллар ишлаб чиқариш ва ҳўжаликнинг бошқа тармоқларида кенг миқёсда қўлланила бошлади. Енгил рангли металллар (алюминий, титан, магний) ишлаб чиқариши эса кўп миқдорда электр энергия талаб қилади. Шу сабабдан тармоқни жойлаштиришда энергетика манбаларига интилиш кучайди ва улар арзон энергия манбалари яқинида жойлаштирилади. Бундан ташқари енгил рангли металл рудалари (айниқса, алюминий) оғир металл рудаларидан фарқ қилиб, фойдали компонентлари миқдори бўйича темир рудасига ўхшайди, уларни бемалол узоққа ташиш мумкин. Масалан, бокситнинг қисми эккноптга чиқарилади, уларни денгизда ташшининг ўртача масофаси 7 минг км.дан ошиб кетади. Бунинг сабаби шуки, дунёдаги боксит захираларининг 85%га яқини ўз келиб чиқиши бўйича тропик ва субтропиклардаги ер пўсти емирилиши билан боғлиқ. Шунинг учун Ғарбий Европа мамлакатларининг кўпчилиги, Япония, Канада, АҚШда боксит захиралари унча катта эмас ёки умуман йўқ. Уларнинг ҳаммаси энг аввало, импорт хом ашёга таянадилар. Боксит қазиб олишда Австралия, Гвинея, Ямайка, Бразилия, Хитой, Суринам ажралиб туради.

1970 йиллардан бошлаб иккиламчи хом ашёнинг аҳамияти ошиб борди (қалайнинг 1/5, алюминий ва рухнинг 1/4, миснинг 2/5, кўрғошиннинг 1/2 қисми ломни қайта эритиш ҳисобига ишлаб чиқарилади), шунингдек, истеъмолчига ориентасия кучаймоқда.

XX аср ўрталаридан бошлаб Ғарб мамлакатлари кўпроқ ривожланаётган мамлакатлар ҳам ашёсига асосланиши корхоналарнинг денгиз қирғоқларига кўчишига олиб келди. 70-йиллардаги бухрондан кейин Ғарб мамлакатларида рангли металлларни эритиш ҳажми қисқариб, иккиламчи ҳам ашё катта рол ўйнай бошлади. Тармоқнинг истеъмолчига интилиши кучайди. Бу экологик «ифлос ишлаб чиқариш» нинг янги ишлаб чиқариш қувватлари асосан ривожланаётган мамлакатларда пайдо бўлмоқда. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг истеъмоли ўртасида ҳудудий узилиш кақланиб қолмоқда. Чунки Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган оғир металлларнинг катта қисми Ғарб мамлакатларида истеъмол қилинади.

Ҳам бирламчи, ҳам иккиламчи рангли металлургия атроф-муҳитни кучли даражада ифлослантиради, шу сабабдан ва Ғарбнинг иқтисодий ривожланган мамлакатларида табиат муҳофазаси сиёсати кучайишига боғлиқ ҳолда сўнгги ўн йилликларда корхоналарни ривожланаётган мамлакатларга кўчириш тенденцияси кучайиб борди.

Ривожланган мамлакатлар рангли металлургиясининг қуйидаги характерли хусусиятларини кўрсатиш мумкин: ҳам ашё билан таминлаш даражасининг пастлиги; металл ишлаб чиқаришда иккиламчи ҳам ашёнинг катта аҳамияти ва унинг тез ўсиб бориши; тармоқ структурасининг тўлаллиги (шу жумладан, нодир ва стратегик муҳим металллар ишлаб чиқариш - титан, кобальт, тантал, германий), ишлаб чиқариш цикли структурасида ўпта ва юқори босқичнинг устунлиги (тозаланмаган мис эритишни камлиги); корхоналарни жойлаштиришда ҳам ашё омили аҳамиятининг камлиги, транспорт - энергетика ва истеъмол омилининг юқорилиги. Бу мамлакатлар ўртасида ресурслар ва ҳам ашё консентрасияси бўйича Канада, Австралия, ЖАР асосий ўринни эгаллайди. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар рангли металлургияси импорт ҳам ашёга асосланиб ривожланади.

Ривожланаётган мамлакатларда эса, аксинча, дунё рангли металл рудалари захираларининг катта қисми тўпланган. Лекин уларнинг рангли металл ишлаб чиқариш ва истеъмолдаги салмоғи жуда кам. Масалан, ривожланган мамлакатларда капиталистик дунё боксид захираларининг $\frac{3}{4}$ қисми жойлашган, лекин уларнинг қазиб олишдаги салмоғи $\frac{1}{2}$, эритишда - $\frac{1}{5}$, истеъмолда $\frac{1}{10}$ га тенг. Шунга ўхшаш ҳолат бошқа металлларга ҳам хос. Улар фақат қалай ишлаб чиқаришда катта салмоққа эга ($\frac{4}{5}$ дан кўпроғи). Қалайининг асосий захиралари Малайзия, Бразилия, Индонезия, Таиланд, Боливияда жойлашган.

Миснинг катта захиралари Чили, Зимбабве, Замбия, Заир, Перуда (ривожланган мамлакатлардан АҚШ, МДХ, Канада) тўпланган. Тозаланмаган мис ишлаб чиқариш бўйича АҚШ, Чили, Япония, Замбия, Заир, Канада дунёда етакчи ўрин эгаллайди.

Боксит қазиб олишда дунёнинг етакчи мамлакатлари Австралия, Гвинея, Ямайка, Россия, Бразилия, глинозем ишлаб чиқаришда АҚШ, МДХ, Япония, Чили, Канада, Белгия ҳисобланади.

Алюминий ишлаб чиқариш хусусиятларига кўра, дунё мамлакатларини қуйидаги 4 гуруҳга ажратиш мумкин: 1) алюминий ишлаб чиқариш тўла ўз ҳам ашёсига асосланган мамлакатлар (Бразилия, Гана, Австралия); 2) алюминий ишлаб чиқариш асосан ўз ҳам ашёси, қисман, импортга асосланган мамлакатлар (Россия, Франция, Италия, Греция, Венгрия, Руминия, собиқ Югославия, Хитой, Ҳиндистон); 3) алюминийни кўп ишлаб чиқарадиган ва кўп истеъмол қиладиган, ҳам ашёни тўлиқ ёки деярли тўлиқ импорт қиладиган мамлакатлар (АҚШ, Канада, Япония, Буюк Британия, ГФР, Испания, Нидерландия, Норвегия, Швеция, Исландия, Швейцария, Австрия, ЖАР, Янги Зеландия, Туркия, Миср, Баҳрайн, БАА); 4) боксит қазиб оладиган, уни экспорт қиладиган, лекин алюминий ишлаб чиқармайдиган қолоқ мамлакатлар (Гвинея. Серра - Леоне, Ямайка, Гаити, Доминика Республикаси, Гаяна, Суринам).

Алюминий ишлаб чиқаришдаги мавжуд ҳудудий тафовутларни тўғри тучуниш учун унинг қуйидаги хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак: Маълумки, алюминий металлини электролиз жараёни ёрдамида эритиш энергияни энг кўп талаб қиладиган

ишлаб чиқариш қаторига кирази. 1т алюминий ишлаб чиқариш учун 17 минг кВт/соат электр энергия сарфланади. Бу кўрсаткич ҳатто энг замонавий мукамал заводларда ҳам 14-15 минг кВт га тенг. Шунинг учун айрим мамлакатлар миқёсида алюминий заводлари, одатда, энг йирик электр энергия манбаларига яқин жойлаштирилади. Лекин бундай интилиш тури айрим корхоналаргагина эмас, балки кўплаб мамлакатларга ҳам хос. Бунга мутлақо ўз бокситига эга бўлмаган, алюминийни эса фақат импорт хом ашёси асосида ишлаб чиқарадиган, сўнгра уни деярли тўлиқ экспорт қиладиган Канада, Норвегия, Исландия, Австрия, Швейсария, Бахрейн, БАА мисол бўлади. Бирламчи алюминий экспорт қилувчи мамлакатлар орасида Канада биринчи, Норвегия учинчи ўринни эгаллайди. Канада алюминийси дунёда энг қиммат туради (1 тоннаси 750 доллар).

Ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталаридаги энергетика ва хом ашё бухрони алюминий канотига ҳам таъсир кўрсатди. Кўпчилик иқтисодий ривожланган мамлакатларда унинг ривожланиш суръатлари пасайди. Масалан, Япония алюминийни Австралия, Бразилия, Бахрайндан олиб келишни афзал кўриб, сўнгги йилларда уни ўзида ишлаб чиқаришни тўхтатди. Венгрия электр энергия ишлаб чиқаришнинг кескин танқислиги сабабли алюминий эритишни тубдан камайтирди. Шу билан бир қаторда ривожланган мамлакатларда бу тармоқ ривожланиши секинлашуви унинг ривожланган мамлакатларда тез ривожланиши билан «қопланмоқда». Ривожланаётган мамлакатлар 1950 йилда жаҳон алюминий ишлаб чиқаришида фақат 0.5% салмоққа эга бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1970 йилда 7%, 1980 йилда 14% 1990 йилда 30%га кўтарилди. Ҳозирги пайтда улар ўз эҳтиёжларини таъминлабгина қолмай, балки кўп миқдорда алюминий металини экспорт қилмоқдалар. Бу, биринчи навбатда, Бразилия, Венесуелага, маълум даражада Ҳиндистон ва Хитойга тааллуқлидир. Жануби - Ғарбий Осиё эса энг йирик алюминий эритадиган раёнга айлаимоқда. Бу ерда Туркия, БАА, Бахрейн, Саудия Арабистони, Катарда алюминий заводлари ишлаб турибди. Улар 2 млн. т. га яқин бирламчи алюминий ишлаб чиқармоқдалар.

5. Дунё машинасозлик саноати

Машинасозлик дунё ишлаб берувчи саноатининг асосий тармоғи бўлиб, кўп жиҳатдан унинг тармоқ структураси ва жойлашиши хусусиятларини белгилаб боради. Машинасозлик комплекси хўжаликнинг барча тармоқлар учун жиҳозлар, шунингдек, кўплаб истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган каноат тармоқлари мажмуасидир. У дастлаб тармоқ сифатида бундан 200 йил аввал Англияда пайдо бўлган. Ҳозир у ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг қиймати (1/3) ва унда ишлаётганлар сони (80 млн. кишидан кўпроқ) бўйича дунё саноатида биринчи ўринни эгаллайди. Хўжаликнинг барча тармоқларида меҳнат унумдорлиги ва илмий техника тараққиётини машинасозликнинг ривожланиш даражаси кўп даражада белгилаб беради. Машинасозлик саноат тармоқлари структурасинигина эмас, балки унинг жойлашиш хусусиятларини ҳам белгилайди.

У мамлакатларнинг илмий техника тараққиёти ва муҳофаа қобилияти даражасини ифодалайди ҳамда хўжаликнинг бошқа тармоқлари ривожланишини белгилайди. Замонавий машинасозлик кўп тармоқ ва ишлаб чиқаришдан ташкил топган. Унинг корхоналари ўзаро ва хўжаликнинг бошқа тармоқлари корхоналари билан ўзвий боғланган, машинасозлик учун ихтисослашувнинг чуқурлашуви ва унинг миқёслари кенгайиб бориши характерлидир. ФТИ даврида дунё хўжалигининг бирорта тармоғи кенг тарқалиш жиҳатдан машинасозликка тенглаша олмайди.

Машинасозлик саноатнинг бошқа тармоқларидан ўзининг катор хусусиятлари билан фарқ қилиб, улар ўз навбатида, унинг жойлашишига таъсир кўрсатади. Бириичидан, ФТИ даврида машинасозлик илмий ишланмалари кенг жорий этилмасдан ривожлантирилишини тасаввур этиш мумкин эмас. Шу сабабдан машинасозликни фанталаб тармоқларининг маҳсулотларини ишлаб чиқариш юқори даражада ривожланган илмий базаларга тобора кўпроқ яқинлаштирилмоқда. Иккинчидан, машинасозлик

махсулотларини ишлаб чиқариш бошқа тармоқларга нисбатан ғоят кўп иш вақти сарфини тақозо этади ва у меҳнатни кўп сарфлайдиган тармоқ ҳисобланади (ускунасозлик, радиоэлектроника, аниқ машиналар ишлаб чиқариш). Учинчидан, тармоқ етарли даражада кўп металл сарфлайди. Шунинг учун машинасозлик корхоналари қора ва рангли металлургия марказларига яқинроқ жойлашади (оғир машинасозлик). Лекин ФТИ даврида машинасозликнинг меҳнат ва фанталаблиги даражаси ошиши ҳисобига унинг металлга интилиши анча пасайди. Машинасозлик нисбатан эркин ва ҳамма жойда жойлашадиган тармоққа айланмоқда. Тўртинчидан, машинасозликда ихтисослашиш ва кооперациянинг роли ғоят катта бўлиб, машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш айрим ихтисослашган корхоналарда амалга оширилади. Шунинг учун транспорт омили алоҳида аҳамиятга эга. Бешинчидан, машинасозликнинг кўпчилик корхоналари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, истемолчиларга яқин жойлаштиришни талаб қилади (масалан, қишлоқ хўжалик машиналари, тоғ-кон саноати учун жиҳозларни ташиш қийин). Уй-рўзгор буюмларини ишлаб чиқариш бундай буюмлар истеъмоли ва харид қуввати мавжуд жойларда жойлаштирилади.

Машинасозликнинг ривожланиш даражаси бўйича давлатлар бир-бирларидан тубдан фарқ қилади. Буни қуйидаги 7-жадвал малумотлари яққол кўрсатади.

Муваффақиятларга эришаётган ривожланаётган мамлакатлардан Ҳиндистон, Мексика, Корея Республикаси, Шарқий Европа Мамлакатларидан Полша, Чехия киради.

Ривожланган мамлакатларда машинасозликнинг ишлаб боровчи салмоғи 30-35%, ривожланаётган мамлакатларда эса кўпинча 20% дан камроқни ташкил этади.

7-жадвал

**Хорижий мамлакатларда ўтган асрнинг 80-йилларининг охирида машинасозлик
маҳсулотлари ишлаб чиқариш
(МДХ ва Шарқий Европа мамлакатларидан бошқалари)**

Мамлакатлар	Маҳсулот қиймати, млрд.. доллар	Машинасозликнинг ишлаб берувчи саноат маҳсулотари қийматидаги салмоғи, %	Машинасозликнинг мамлакат экспортидаги салмоғи, %
АҚШ	289,1	36	48
Япония	146,2	37	64
ГФР	76,6	38	48
Франция	40,9	33	35
Буюк Британия	32,5	32	36
Италия	30,1	32	34
Хитой	24,7	26	16
Канада	14,7	25	42
Бразилия	13,9	24	15
Испания	9,9	22	31
Ҳиндистон	9,3	26	10
Шветсария	8,7	38	38
Шветсия	7,3	35	44
Австралия	7,1	23	6
Нидерландия	6,5	28	19

Машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунё регионлари орасида Шимолий Америка (АҚШ, Канада, Мексика) дунёда биринчи ўринда туради.

Унинг ҳиссақисига, дунё машинасозлик маҳсулотининг 30%и тўғри келади. У асосан ЭҲМ, самолётлар, ракета-космик техникаси ишлаб чиқариш билан алоҳида ажралиб туради. АҚШ машинасозлик маҳсулотининг ярмига яқинини экспорт қилади. Дунё машинасозлигининг иккинчи маркази Ғарбий Европа бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажми бўйича у деярли Шиймолий Америкага тенглашади. Бу регионнинг етакчи мамлакатлари - ГФР, Франция, Буюк Британия, Италия, Испания бўлиб, улар асосан машинасозликка ихтисослашган (станоксозлик, автомобилсозлик ва б.). Учинчи машинасозлик региони –

Шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатлари бўлиб, унинг дунёдаги ҳиссасига $\frac{1}{5}$ ра тенг.

Регионнинг асосий мамлакати Япония машинасозликнинг ривожланиш суръатлари бўйича АҚШ ва Ғарбий Европадан ўзиб кетди. Япония экспортида машинасозликнинг салмоғи дунё мамлакатлари ўртасида энг юқоридир. Шунингдек, регион таркибига Корея Республикаси, Сингапур, Хитой киради. Регион асосан энг юқори технологияга асослаган оммавий машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Тўртинчи пегийон - МДҲ мамлакатлари машинасозлик маҳсулотининг катта ҳажми билан ажралиб турсада, лекин уларда фанталаб тармоқларнинг ривожланиши орқада қолган.

Ривожланган мамлакатлар машинасозлиги ривожланаётган мамлакатлардан ишлаб чиқариш структурасининг тўлиқлиги, электротехника салмоғи ва маҳсулот сифатининг юқорилиги ҳамда рақобатбардошлиги, юқори экспортлик даражаси билан ажралиб туради.

Машинасозлик структурасига кўра, дунё саноатининг энг мураккаб ва тармоқлари кўп соҳасидир. У машиналар ва жиҳозлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган асбоблар ва инструментлардан ташқари турли-туман уй-рўзгор ва маданий буюмларни ҳам ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга кўра, у энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, станоксозлик саноатининг кўп тармоқлари учун технологик жиҳозлар ишлаб чиқариш машинасозлиги ва бошқаларга бўлинади.

«Катта еттилик» мамлакатлари, Россия, Хитой «игнадан самолётгача» - амалий жиҳатдан барча турдаги металл буюмлар, машина ва жиҳозлар ишлаб чиқаради. Ғарбий Европа ва Шарқий Европа мамлакатлари, баъзи ривожланаётган мамлакатлар (Бразилия, Ҳиндистон, Сингапур ва б.) одатда, малум машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда машинасозлик эмас, тўғрироғи, транспорт, тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатадиган таъмирлаш устахоналари ва оддий инвентарларни тайёрлайдиган металлни қайта ишлаш корхоналари мавжуд.

Транспорт машиносозлиги дунё машиносозлиги ва саноатининг етакчи тармоғидир. Унинг структурасида муҳим ўзгаришлар юз берди. Кемасозлик ва автомобилсозлик тез ривожланди. Бунда кемасозлик ва темир йўл ҳаракат воситаларини ишлаб чиқариш сезиларли даражада ривожланаётган мамлакатларга «кўчди». Ҳиндистон, Бразилия, Аргентина, Туркия локомотивлар ишлаб чиқариётир. Вагон ишлаб чиқарувчи мамлакатлар орасида Мексика, Миср, Эрон, Таиланд, Чили, Колумбия ажралиб туради.

Дунё кемасозлигининг 20 етакчи мамлакатларидан деярли $\frac{1}{3}$ қисми ривожланётган

мамлакатлардир. Жанубий Корея ўтган асрнинг 60-йиллари охиригача денгиз кемалари ишлаб чиқармаган ва 80-йиллар охирига келиб Германиядан ўзиб кетиб, дунёда иккинчи ўринга чиқди (Япониядан кейин). Ундан кейинги ўринларни Бразилия, Тайван. Ҳиндистон, Аргентина, Мексика эгаллайди. Меҳнатнинг арзонлиги ҳозирги пайтда кемасозликнинг жойлашишини белгиламоқда. Айни пайтда «кечаги» етакчилар (АҚШ, Буюк Британия, ГФР ва б.), моҳиятига кўра, ўз кемасозлигини деярли ёпиб қўйиб, асосан кема таъмирлашга ўтдилар. Япония ва Корея денгиз кемалари ишлаб чиқарувчи энг йирик мамлакатлар бўлибгина қолмай, унинг йирик экспортёри ҳамдир: Япония ҳиссасига дунё денгиз кемалари экспортининг 40% и, Кореяга эса 33%и тўғри келади.

Автомобилсозлик машинасозлик комплексининг энг йирик тармоқларидан бири. У энг йирик мамлакатлар иқтисодиётининг аҳволини белгилаб беради. Чунки автомобилсозлик, биринчидан, энг муҳим экспорт тармоғи ҳисобланади, иккинчидан, унга пластмасса, ойна, резина ва бошқа кўп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар «боғлангандир». Автомобиллар ишлаб чиқариш тез суръатда кўпаймоқда. Иккинчи жаҳон урушидан олдин дунёнинг барча мамлакатлари тахминан 4 млн. автомобил ишлаб чиқарилган бўлса, 1950 йилда - 10 млн., 70-йилларда - 30 млн., 80-йилларда – 40 млн., 90-йиллар бошида 50 млн. автомобил ишлаб чиқарилди (АҚШ ва Япония ҳар йили 10 млн.дан кўпроқ автомобил ишлаб чиқаради). Бу миқдорнинг 70%дан кўпроғи енгил автомобиллар, қолган қисми - юк автомобили ва автобуслардир. Енгил автомобиллар ишлаб чиқаришда «биринчи» ўнлик мамлакатлари қаторига қуйидагилар кирази (1998й.): Япония (90,7 млн.), АҚШ (5,7), ГФР (4,4), Франция (2,6), Испания (1,8), Италия (1,5), Буюк Британия (1,2), Корея Республикаси (1,2), Россия (0,9), Канада (0,9).

Иккинчи «ўнлик мамлакатлар» қуйидагилардир:

Бразилия, Мексика, Белгия, Австралия, Туркия, Аргентина, Полша, Чехия, ЖАР, Украина. Ҳисобларга кўра, 2000 йилда дунёда енгил автомобиллар ишлаб чиқариш 40 млн.тага етди. Хитойда автомобил каноати «еркин иқтисодий зона» сиёсати асосида рағбатлантирилиб, тез ривожланмоқда.

Дунёнинг энг йирик автомобил фирмалари қаторига «Форд», «Дженерал Мотор», «Крейслер» (АҚШ), «Ниссан», «Хонда», «Тоёта» (Япония), «Фолксваген», «Дайтлер-Бенс» (ГФР), «Фиат» (Италия), «Рено», «Пижо-Сетроён» (Франсия) киразд.

Йирик автомобил заводлари жойлашиши, одатда, «шаҳобчали бўлиб, унинг марказида бош завод, атрофида эса ихтисослашган, шу жумладан, резина, ойна, пластмасса, бўёқлар етказиб берадиган корхоналар бўлади. Шундай «шаҳобчали» корхоналар Детройт (АҚШ), Волфсбург (ГФР), Нижний Новгород (Россия) ва бошқа шаҳарларда бор.

Автомобил экспортидаги етакчи мамлакатлар асосан қуйидагилар) (млн. дона): Япония (6,3), ГФР (2,6), Франция (1,9), Канада (1,3). АҚШ (0,9), Испания (0,3), Буюк Британия (0,3), Россия (0,3).

Умумий машинасозлик ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ҳар хил характерга эга. Биринчи гуруҳ мамлакатларда станоксозлик, оғир машинасозлик, жиҳозлар ишлаб чиқариш, иккинчи гуруҳда эса, қишлоқ хўжалик машинасозлиги устун туради. Станоксозликнинг етакчи мамлакатлари ГФР, Япония, АҚШ, Италия, Швейсария ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларнинг барчаси ҳиссасига Жанубий Корея, Ҳиндистон, Бразилияни қўшганда ҳам станоксозлик маҳсулотининг атига 6%и тўғри келади (қиймати бўйича). Оғир машинасозлик маҳсулотлари асосан АҚШ, МДХ, Япония, Буюк Британияда ишлаб чиқарилади.

Электротехника саноатида электрон индустрия етакчи ўринга кўтарилди. Унинг таркибида ҳарбий саноат ва уй-рўзғор электроникаси ажралиб туради. Биринчиси асосан ривожланган мамлакатлар, иккинчиси эса (кўп, арзон меҳнат кучларини талаб қиладиган) ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Гонконг, Жанубий Корея, Тайван, Маврикий уй-рўзғор техникасини ҳатто ривожланган мамлакатларга ҳам экспорт қилади.

Шунга ўхшаш вазият дунё соат ишлаб чиқаришида ҳам содир бўлди. Бу соҳада 70-йиллариинг бошигача Швэсария ҳамма тан олган лидер мамлакат эди. Кварс соатлари ихтиро қилинган, бу мамлакатнинг соат саноати инқирозга юз тутди, биринчи ўринни Япония эгаллади. Сўнгра Гонконг энг содда ва арзон электрон соатларни ишлаб чиқариб, Япониядан ўтиб кетди ва ҳозир «биринчи ўнликнинг» бештаси Осиё мамлакатларидир.

Лекии бунда шуни ҳисобга олиш керакки, бу мамлакатлардаги корхоналарнинг кўпчилиги япон ва швейсар фирмалари филиали бўлиб, уларнинг ўзлари эса мураккаб ва қимматбаҳо соатларни ишлаб чиқаришни ўз қўлларида сақлаб қолганлар. Шунингдек,

фотоаппарат ишлаб чиқарувчи «биринчи ўнлик» мамлакатларининг бештаси ҳам Осиё мамлакатлари.

Сўнги йилларда машинасозликнинг ўзида ишлаб чиқаришни байналминлаштириш жараёни ривожланмоқда (трансмиллий корпорасиялар доирасида, давлатлараро ва фирмалар ўртасидаги шартномалар асосида). Бу жараён асосан машинасозлик қувватлари ва илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларининг 90%и га эга бўлган ривожланган мамлакатлар ўртасида амалга оширилаётир. Машинасозликка рақамли дастур бошқарувчи, ЭХМ ва махсус тизими компонентларига асосланган ўзгарувчан автоматлашган ишлаб чиқариш ва автоматлашган лойиҳалаш тизимлари жорий қилинаётир. Бу тизимларга жиҳозлар ишлаб чиқаришда Япония ва АҚШ асосий рол ўйнайди, яқин ўтмишда машинасозлик заводлари учун ишлаб чиқариш жиҳозлари бўйича асосий ўринни эгаллаб келган Ғарбий Европа мамлакатлари позисияси анча пастроқдир. Ўтган асрнинг 90-йилларнинг бошида саноат роботларининг 50-60%и Японияда ишлаб чиқарилди. Айти пайтда АҚШ автоматлаштирилган лойиҳа ва ишлаб чиқаришни бошқариш тизимларининг дунёдаги энг йирик ишлаб чиқарувчиси ва таъминотчисига айланди. Унинг ҳиссасига бундай тизимларнинг 80% тўғри келади. Ғарбий Европада микроэлектроника бозори учун курашда машҳур «Филипс» (Голландия) ва «Симинс» (ГФР) фирмалари биргаликда ҳаракат қилмоқдалар.

Умуман, дунё машинасозлигида маҳсулотнинг асосий қисмини илгаригидек ривожлаган мамлакатлар ишлаб чиқармоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг салмоғи эса пастлигича қолаётир ва бу соҳада дунё машинасозлигида туб ўзгаришлар юз бераётир, деб бўлмайди. Машинасозликнинг мураккаблашиш даражаси тобора тез ошиб бораётир, ва бу мамлакатлар янги ишлаб чиқаришнинг ривожланиши орқасидан етиб олишга улгурмаётирлар. Дунёдаги икки етакчи регион – Шимолий Америка ва Ғарбий Европанинг жаҳон машинасозлигидаги роли пасайиши давом этмоқда, Япония ва «янги индустриал» мамлакатларнинг аҳамияти ошади. Лекин сўнги гуруҳ мамлакатлари «ўзларининг бозорига эга бўлмаган ишлаб чиқарувчилар бўлиб, улар экспортсиз яшай олмайдилар. Шунинг учун Япония ва Жанубий Шарқий Осиёда маълум силжиш бўлишини, лекин Япониянинг дунёдаги биринчи машинасозлик мамлакатига айланиш эҳтимоли камлигини башорат қилиш мумкии.

6. Дунё кимё саноати

Кимё саноати машинасозлик билан бир қаторда замонавий индустриянинг етакчи ва энг тез ўзгарувчан тармоғидир.

Кимё саноатининг таркибида қуйидаги тармоқлар алоҳида ажралиб туради: 1) тоғ-кимё (минерал хом ашё қазиб олиш); 2) асосий кимё (туз, кислота, минерал ўғитлар тайёрлаш); 3) органик синтез кимёси (углеводород хом ашёси, яримфабрикатлар ишлаб чиқариш); 4) полимерлар ашёси (пластмасса, каучук, турли толалар олиш); 5) полимер материалларни қайта ишлаш.

Бу тармоқ ғоят катта ва хилма-хил хом ашё базаларига - тоғ-кимё хом ашёси, нефт ва табиий газ, металлургия ишлаб чиқариши чиқитлари, ёғоч, қишлоқ хўжалик хом ашёлари ва бошқаларга эга. Кимё саноати ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар (кислота, ўғит, лак, бўёвчи моддалар, заҳарли химикатлар, тола, каучук, пластмасса в.б.) хўжаликнинг кўп тармоқлари технологик жараёнларида ишлатилади. Макалан, машинасозликка пластмасса, резина, кислота (деталлар ишлаш учун), тоғ-кон саноатига - портлатувчи моддалар, тўқимачиликка - тола ва бўёқлар, қишлоқ хўжалигига - ўғитлар, заҳарли химикатлар етказиб беради.

Кимё саноатининг жойлашиши мураккаб жараён бўлиб, у табиий, иқтисодий, тарихий ва бошқа кўп омилларга боғлиқдир. Унинг айрим тармоқлари у ёки бу даражада эркин жойлашади (лак, бўёқ, химикатлар, дори-дармонлар, ўғитларнинг айрим турларини ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар). Бундай корхоналар қўшимча технологик мустақил

"нуқталар" бўлиб, ривожланган мамлакатларда уларни амалиётда ҳамма жойда ташкил этиш мумкин. Шу билан бир қаторда кимё саноати таркибида корхоналарнинг ўзаро узвий боғлиқлиги орқали бирлашган ишлаб чиқариш тармоқлари кенг ички ва тармоқлараро алоқаларга асосланади (масалан, йирик нефт-кимё комплекслари). Улар асосан хом ашё ва энергетика базаларига яқин жойлаштирилади. Ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг бундай шакллари дунёнинг кўпчилиги кимё раёнлари ва марказларига хосдир. Бунга АҚШда Техас, Питтсбург, Россияда Волгабўйи, Украинада Донбасс, Германияда Рур ва Лейпсиг-Галле, Руминияда Карпат олди ва бошқалар мисол бўлади.

Кимё саноати географияси умумий хусусиятлари машинасозликка географияси умумий хусусиятларига ўхшаб кетади: дунё кимё саноатининг 4 асосий региони шаклланган. Улардан энг йириги - Ғарбий Европа дунё кимё саноати умумий маҳсулотининг - қисмини ишлаб чиқаради. Биринчи жаҳон урушигача дунёнинг асосий кимё давлати Германия эди. Иккинчи жаҳон урушигача регионнинг бошқа мамлакатларида ҳам кимё саноати тез ривожланди. Айниқса, урушдан кейинги даврда четдан келтириладиган хом ашёга асосланиб, нефт-кимё саноати тез ривожланди ва биринчи ўринга чиқди. Оқибатда нефт-кимё ва нефтни қайта ишлаш саноатлари денгиз портларига (Роттердам, Марсел в.б) ёки магистрал нефт қувурлари трассаси яқинига кўчди.

Иккинчи регион - АҚШ, унинг кимё саноати ҳажми бўйича хорижий Европадан кам фарқ қилиб, хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Айнан шу ерда ўтган асрнинг 40-йилларида биринчи нефт-кимё корхоналари вужудга келди ва улар дунё нефт-кимё саноати ривожланишининг янги босқичига асос бўлди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда АҚШ ушбу саноат маҳсулотининг ярмига яқинини ишлаб чиқарар эди. Корхоналар жойлашишининг асосий омили хом ашё бўлиб, у кимё саноатининг ҳудудий тўпланишига олиб келди. Масалан, Мексика қўлтиғи қирғоқларидаги нефт-газ ҳавзаси базасида дунёнинг энг йирик нефт-кимё комплекси шаклланди.

Учинчи регион - Шарқий ва Жамуби-Шарқий Осиё бўлиб, унинг асосини Япония ташкил этади. Японияда четдан ташиб келинадиган нефт асосида денгиз портларида қудратли нефт-кимё саноати вужудга келган. Регион таркибига асосий кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш устун бўлган Хитой ҳамда синтетик маҳсулот ва яримфабрикатлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги индустриал мамлакатлар ҳам киради. Сўнгги мамлакатларда ушбу тармоқлар тараққиётига уларнинг энг муҳим океан йўлларидаги қулай иқтисодий-географик ўрни имконият туғдирган.

Тўртинчи регион - МДҲ хилма-хил кимё саноатига эга. Бу ерда тармоқнинг жойлашишига ҳам хом ашё, ҳам энергетика ва истеъмол омиллари таъсир кўрсатган. Ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталаридаги хом ашё ва энергетика бухрони кимё саноатига кучли таъсир кўрсатди. У ишлаб чиқаришнинг тўпланиш жараёни янада кучайишига, кўплаб кичик корхоналарнинг ёпилиши ва йирик корхоналар қувватининг ошишига олиб келди. Янги кимё комплекслари, энг аввало, нефт ва газга бой бўлган ривожланаётган мамлакатларда шаклланди. Бу, биринчи навбатда, Форс қўлтиғи мамлакатларига тааллуқли бўлиб, бу ерда сўнгги ўн йилликда дунё аҳамиятига эга бўлган янги нефт кимё раёни пайдо бўлди. Саудия Арабистони, Катар, Қувайтда органик синтез ва азот ўғитлари, Ироқ ва Эронда пластмасса ишлаб чиқарадиган комбинатлар қурилди. Шу типдаги комплекслар Ливия, Жазоир, Бразилия, Венесуела, Мексикада ҳам пайдо бўлди.

Бу ўзгаришлар 80-йилларда АҚШ, хорижий Европа, Япониянинг дунё кимё саноатидаги салмоғи аста-секин пасайишига, ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасининг ошишига сабаб бўлди. Лекин юксак фанталаб кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш (енг янги фармасевтика препаратлари, электрон ва бошқа энг янги саноат тармоқлари учун махсус химикатлар, юқори сифатли конструкцион пластмассалар) ривожланган мамлакатлар ихтиёридаги имтиёзли соҳа бўлиб қолмоқда. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ривожланаётган нефт қазиб олувчи мамлакатларда пайдо бўлган «ифлос» нефт-

кимё ишлаб чиқариши маҳсулотлари (органик синтез, полимер материаллари) асосан Ғарб мамлакатларига экспорт қилишга мўлжалланган.

Ушбу тенденциялар айрим кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳам ўз аксини топган. Буни сульфат кислота ва минерал ўғит ишлаб чиқаришда яққол куриш мумкин. (8-жадвал).

8-жадвал

**Дунёда олтингугурт кислотаси ва минерал ўғитлар
ишлаб чиқариш (2000-йил бошида)**

Дунё ва «биринчи ўнлик»мамлакатл ари	Сульфат кислотаси, млн.,т	Дунё ва «биринчи ўнлик»мамлакатл ари	Минерал ўғитлар, млн. т (100% озик модда ҳисобида)
Дунё бўйича	150	Дунё бўйича	160
АҚШ	40	АҚШ	23
Хитой	12	Хитой	20
Россия	8,5	Канада	11
Япония	7	Россия	8,5
Украина	5	Ҳиндистон	8,5
Франсия	4	Беларус	5
ГФР	4	Украина	4,3
Канада	3,5	Франсия	3,5
Испания	3,5	ГФР	3,2
Бразилия	3	Индонезия	3,1

Сульфат кислота ишлаб чиқарувчи «биринчи ўнлик» мамлакатларга 8 ривожланган мамлакат ва Хитой, Бразилия киради. Уни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган олтингугурт икки хил йўл билан олинади. Тахминан унинг ярмиси табиий олтингугуртдан олинади ва бунда айниқса, АҚШ, Мексика, Полша, Ирок, Туркменистон ажралиб туради. Лекин табиий олтингугуртнинг салмоғи пасайиб, нефтдан (АҚШ, Япония), айниқса, табиий газдан (Канада, Франция) олинadиган олтингугуртнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Нефт ва табиий газни қайта ишлаш жараёнида олтингугуртни утилизасия қилиш иқтисодий самарали, технологик жиҳатдан оддий бўлибгина қолмай, у табиат муҳофазасида ҳам катта аҳамиятга эга.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи «биринчи ўнлик» мамлакатлар таркибига ҳам асосан иқтисодий ривожланган мамлакатлар киради, лекин у Хитой ва Ҳиндистонда ҳам катта микёсларга кўтарилган. Дунёда ишлаб чиқарилаётган ўғитнинг $\frac{1}{2}$ қисмидан

кўпроғини азот, $\frac{1}{4}$ қисмини фосфорли, $\frac{1}{5}$ қисмини калий ўғитлари ташкил этади. Азот ўғити ишлаб чиқаришда дунёда Хитой, АҚШ, МДХ мамлакатлари етакчи ўринни эгаллайди, лекин кейинчалик, улар қаторига шунингдек, Ҳиндистон, Мексика, Форс кўлтиғи мамлакатлари ҳам қўшилди. Фосфат хом ашёси захиралари ва уларни қазиб олиш 30 дан кўпроқ мамлакатда мавжуд. Улар ўртасида Россия, АҚШ, Марокаш, Иордания, Исроил, Тунис, Қозоғистон алоҳида ажралиб туради. Фосфор ўғитларини ишлаб чиқарувчи дунёнинг асосий мамлакатлари Россия, АҚШ, Хитой ҳисобланади. Калий тузлари дунёнинг 14 мамлакатаида қазиб олинади. Сўнгги йилларгача асосий калий тузи қазиб олувчилар Россия, ГФР, Франция, АҚШ, Беларус бўлган. Сўнгра уларга Канада қўшилди, бу мамлакатда дунёдаги энг йирик Саскечеван калий ҳавзаси очилди.

Шунингдек, Канада калий хом ашёсининг энг йирик экспортёрига ҳам айланди. Ўзбекистоннинг жанубида ҳам дунёнинг энг йирик конлари қаторига қирадиган калий хом ашёси захираларини ўзлаштириш бошланди.

Дунёда пластмасса, кимёвий тола, синтетик каучук ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотлар 9-жадвалда берилган.

9-жадвал

**Дунёда пластмасса, кимёвий тола, синтетик каучук ишлаб чиқариш
(2000-йилнинг бошида)**

Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлар	Пластмасса, млн.т.	Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлар	Кимёвий тола, млн. т	Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлар	Синтетик каучук, млн.т
Дунё бўйича	100	Дунё бўйича	20	Дунё бўйича	10
АҚШ	30	АҚШ	3,8	АҚШ	2,3
Япония	13	Япония	1,9	Япония	1,3
ГФР	9	Тайван	1,8	Франция	0,6
Франция	4,4	Хитой	1,8	ГФР	0,5
Нидерландия	3,8	Корея Респ.	1,4	Буюк Британия	0,3
Италия	3,4	ГФР	1	Бразилия	0,3
Россия	3	Италия	0,7	Италия	0,3
Белгия	3	Ҳиндистон	0,6	Хитой	0,3
Канада	2,6	Россия	0,5	Нидерландия	0,2
Хитой	2,6	Буюк Британия	0,4	Канада	0,2

Дунёда пластмасса ишлаб чиқариш 1950 йилдаги 1,5 млн. тоннадан 90-йиллар бошида 100 млн. тоннагача кўпайди. У регионлар бўйича қуйидагича тақсимланади: Хорижий Европа - 40 млн. т., Шимолий Америка - 30, Хорижий Осиё -18, МДХ - 4,5, Лотин Америкаси - 4, Африка ва Яқин Шарқ - 2, Австралия – 1млн. т. «биринчи ўнлик» мамлакатлар асосан иқтисодий ривожланган мамлакатлар, Хитой ва Корея Республикаси ҳисобланади. Дунё бўйича аҳоли жон бошига ўртача 19-20кг. пластмасса ишлаб чиқарилади. Унинг энг юқори даражасига Белгия (300 кг.), Нидерландия (255 кг.), ГФР (135 кг.), АҚШ (120 кг.) эришган. МДХ мамлакатларида у дунёнинг ўртача кўрсаткичидан паст (16 кг), ривожланаётган мамлакатларда эса яна ҳам камроқдир (2,5 кг).

Дунёда кимёвий тола ишлаб чиқариш 1950 йилдаги 2 млн. тоннадан 90-йиллар бошида 20 млн. тоннага кўпайди. «биринчи ўнлик»га ҳам иқтисодий ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатлар, биринчи навбатда Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакат қиради. Сўнгги мамлакатларда кимёвий тола ишлаб чиқариш энг муҳим халқаро ихтисослашган тармоқ бўлиб қолди. Дунё бўйича аҳоли жон бошига 4 кг., Ғарб мамлакатларида 10-15 кг, МДХ да 4 кг Хитойда 1,6 кг кимёвий тола ишлаб чиқарилади.

Кимёвий тола табиий полимерлардан олинадиган суний (селлюлозали) ва углеводород хом ашёси асосида ишлаб чиқариладиган синтетик толага бўлинади. Ўтган асрнинг 60-йилларгача тола ишлаб чиқариш синтетик толадан кўп бўлган, ҳозир эса улар ўртасидаги нисбат 18:82 га тенг. Барча иқтисодий ривожланган мамлакатлар, Хитой, Хорижий Осиёнинг ЯИМ да синтетик толага барча ишлаб чиқаришнинг $\frac{4}{5}$ қисми тўғри

келади. Лекин МДХ мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган сунъий толанинг салмоғи жуда кам.

Синтетик каучук ишлаб чиқариш дунёда биринчи марта ўтган асрнинг 30-йилларида собиқ СССР да ўсимликлардан олинган спиртни қайта ишлашга асосланиб амалга оширилган эди. Ҳозир у углеводород хом ашёсига асосланади. Синтетик каучук ишлаб чиқариш табиий каучукка нисбатан икки марта кўпроқдир. «Биринчи ўнликка» иқтисодий ривожланган мамлакатлар, Бразилия, Хитой киради.

7. Дунёнинг ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати

Ўрмон саноати конструкцион материаллар ишлаб чиқарадиган тармоқлар орасида энг эски тармоқдир. У ёғоч тайёрловчи, ёғочни қайта ишлайдиган, целлюлоза-қоғоз ва ўрмон-кимё корхоналарини бирлаштиради ва ёғоч, тахта, ёғоч буюмлари, қоғоз ва ўрмон-кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

Дунёнинг ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати географияси кўп жиҳатдан ўрмон ресурсларининг жойлашиши билан белгиланади. Ер шарида иккита ўрмон минтақаси шаклланган: 1) Шимолий ўрмон минтақаси асосан Евросиё ва Шимолий Американинг игнабаргли ўрмон (тайга) раёнларини эгаллайди. Бу ерда игнабаргли дарахтлардан ёғоч тайёрланади, уни қайта ишлаб, ёғоч, ёғоч плиталар, целлюлоза, қоғоз, картон олинади. Айрим мамлакатлар учун (Россия, Канада, Швесия, Финляндия) ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати халқаро ихтисослашувининг муҳим тармоғи ҳисобланади; 2) Жанубий ўрмон минтақаси, унда кенг баргли ўрмон дарахтларидан ёғоч тайёрланади. Бу ерда ўрмон саноатининг учта асосий раёни таркиб топган: Бразилия, Тропик Африка, Жануби-Шарқий Осиё. Ёғочнинг энг хилма-хил ва бой захиралари Жанубий Америкада жойлашган. Кўрсатилган раёнларда тайёрланадиган ёғоч асосан денгиз йўллари орқали Япония, Ғарбий Европага жўнатилади, шунингдек, ўтинга сарфланади. Булардан ташқари Жанубий минтақа мамлакатлари ёғоч бўлмаган хом ашёдан кўп фойдаланадилар, масалан, қоғоз тайёрлашда бамбук (Ҳиндистон), богасса (Перу), сизел (Бразилия, Танзания), жут (Бангладеш) ишлатилади. Сўнгги ўн йилликларда шимолий ва жанубий ўрмон минтақалари ўртасидаги нисбатнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўрмон саноати географиясида катта ўзгаришлар содир бўлди. Дунёда ёғоч тайёрлаш ҳажми 1965 йилда 2 млрд. куб м, 90-йилларнинг бошида 3,5 млрд., куб м га етди. Лекин XX асрнинг ўрталарида биринчи минтақа мамлакатлари иккинчи минтақа мамлакатларидан анча олдинда бўлган бўлса, ҳозирги пайтда бу фарқ сезиларли даражада қисқарди. Тармоқнинг асосий кўрсаткичлари 10-жадвалда берилган.

10-жадвал

Дунёда ёғоч тайёрлаш ва ўрмон, ёғочни қайта ишлаш саноатининг айрим маҳсулотларини ишлаб чиқариш (2000-йилнинг бошида)

Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлар	Ёғоч тайёрлаш, млн. м ³	Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлар	Тахта материаллари, млн. м ³	Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлар	Селлюлоза ишлаб чиқариш, млн. м ³	Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлар	Қоғоз ишлаб чиқариш, млн. т
Дунё бўйича	3350	Дунё бўйича	500	Дунё бўйича	160	Дунё бўйича	180
АҚШ	510	АҚШ	100	АҚШ	57	АҚШ	35
Россия	300	Россия	75	Канада	23	Япония	17
Ҳиндистон	280	Канада	60	Япония	11	Канада	14

Бразилия	260	Япония	30	Шветсия	10	Хитой	13
Канада	190	Бразилия	18	Финляндия	9	ГФР	11
Индонезия	180	Индонезия	18	Хитой	9	Финляндия	7
Нигерия	115	ГФР	12	Россия	8	Франция	7
Украина	100	Франция	11	Бразилия	5	Шветсия	6
Хитой	55	Шветсия	11	Франция	2	Россия	5
Шветсия	55	Финляндия	7	ГФР	2	Италия	5

Ёғоч тайёлашда «биринчи ўнлик»ка кирадиган мамлакатларнинг кўпи шимолий минтақада жойлашган. «Иккинчи ўнликда» шимолий минтақадан Франция, Финляндия, ГФР, Польша, Руминия, Испания, Япония, жанубий минтақадан Таиланд, Филиппин, Корея бор. Тайёрланадиган ёғочдан олинадиган ёғоч-тахтанинг салмоғи шимолий минтақада 80-100% га (Россия ва АҚШда 80%, Канада - 90%, Швеция - 90%), жанубий минтақада эса 10-20% га (Ҳиндистон - 10%, Бразилия - 25%) га тенг.

Ёғочни механик қайта ишлаш, энг аввало, ёғоч-тахта материаллари тайёрлашдан иборат бўлиб, бунда АҚШ, Россия, Канада, Япония, Бразилия, Ҳиндистон, ГФР, Франция, Швеция, Финляндия дунёнинг энг йирик ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади.

Ёғочни кимёвий қайта ишлашда (асосий маҳсулот селлюлоза) дунёда АҚШ (ҳиссаси $\frac{1}{3}$), Канада ($\frac{1}{4}$), Япония, Швеция, Финляндия ($\frac{3}{4}$) етакчи ўринни эгаллайди.

Жанубий минтақадан Бразилия дунё селлюлоза ишлаб чиқаришида сезиларли ўринга эга (4%).

«Маданият нони» деб аталадиган қоғоз ишлаб чиқариш дунёда 1970 йилдаги 80 млн. т дан 90-йиллар бошига келиб 180 млн. т. га етди. Уни ишлаб чиқарувчи етакчи мамлакатлар АҚШ, Япония, Канада, сўнгра Хитой, ГФР, Финляндия, Россиядир. Барча ишлаб чиқарилаётган қоғоз маҳсулотлари газета (умумий ишлаб чиқаришнинг $\frac{1}{4}$), ёзув ва

босма, ўраш ва ўраб жойланадиган (упаковка) ва бошқа турларга бўлинади. Газета қоғози ишлаб чиқаришда рақобатсиз биринчи ўринни Канада, ундан кейинги ўринларни АҚШ, Япония, Швеция, Финляндия, Россия, ГФР, Норвегия, Буюк Британия, Хитой эгаллайди. Дунё бўйича аҳоли жон бошига ўртача 45 кг қоғоз ишлаб чиқарилади. Лекин мамлакатлар бу борада бир-биридан тубдан фарқ қилади. Дунёда қоғоз ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринни Финляндия (1400 кг) эгаллайди, ундан кейин Швеция (670 кг), Канада (530 кг), Норвегия (400 кг), АҚШ, Япония ва кўпчилик Ғарбий Европа мамлакатлари (100-150 кг), Шарқий Европа мамлакатлари (30-60 кг), Россия (35" кг) туради.

Ривожланаётган давлатларда (Ҳиндистонда 1,7кг) қоғоз миқдори жуда кам. Дунёда ўрмон ва ёғоч-қоғоз маҳсулотларининг асосий экспорт ва импорт қиладиган давлатлар илгаригидек ҳозир ҳам иқтисодий ривожланган мамлакатлар ҳисобланади. Ёғоч маҳсулотини экспорт қилувчи давлатлар - Канада, АҚШ, Россия, Скандинавия мамлакатлари, ёғоч маҳсулотини импорт қилувчи давлатлар - Хорижий Европа, Япония, қисман АҚШ. Сўнгги йилларда жаҳон баозорига кўп миқдорда тропик ёғоч (ёғоч-тахта, фанера) материалларини ривожланаётган мамлакатлар (Малайзия, Бразилия, Индонезия, Филиппин, Папуа-Янги Гвинея, Кот-д'Ивуар, Габон, Камерун) сотишга чиқармоқда.

8. Дунё енгил саноати

Енгил саноат дунё саноатининг энг қадимги тармоқларидан бири. У 30 га яқин йирик тармоқларни қамраб олади. Уни ривожлантиришнинг географик муаммолари енгил саноатнинг қуйидаги хусусиятларига боғлиқ. Биринчидан, унинг маҳсулотлари кишилар яшаш даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Иккинчидан, у меҳнатни кўп талаб

қиладиган тармоқ бўлиб, унда асосан аёллар ишлайди. Учинчидан, корхоналар кўпинча кичик ўлчамра эга. Енгил саноатда бошқа тармоқларга нисбатан ҳудудий ихтисослашиш намоён бўлади.

Енгил санотининг жойлашишига кўп омиллар таъсир кўрсатади. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилар: 1) хом ашё омили, асосан хом ашёни бирламчи қайта ишлайдиган корхоналарни жойлашишига катта таъсир кўрсатади. Масалан, пахта тозалаш заводлари пахта етиштириладиган раёнларда, зиғирни қайта ишловчи фабрикалар - зиғир ишлаб чиқарувчи раёнларда, жун тозалаш корхоналари - қўйчилик раёнларида, терига дастлабки ишлов берувчи кохоналар - йирик гўшт комбинатлари яқинида жойлашади; 2) аҳоли, яъни истеъмол омили; 3) меҳнат ресурслари омили. Енгил саноат кўп миқдорда ва малакали меҳнат ресурсларини талаб қилади, унинг барча тармоқлари аёллар меҳнатидан кўп фойдаланади.

Тўқимачилик саноати. Енгил саноатда юз бераётган географик силжишлар унинг етакчи тармоғи ҳисобланган тўқимачилик саноатида яққол ўз аксини топди. У саноатнинг типик эски тармоғи бўлишига қарамай, ФТИ даврида тўқимачилик толаларини ишлаб чиқариш доимий ўсиб бориш тенденциясига эга. Лекин бир вақтнинг ўзида толалар ишлаб чиқариш структурасида туб ўзгаришлар содир бўлиб, табиий (натурал) толанинг салмоғи пасайиб, кимёвий толанинг салмоғи ошиб бормоқда. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошига келиб, уларни ишлаб чиқариш ҳажми деярли тенглашди. Лекин табиий толалардан тайёрланадиган газлама ва тайёр буюмларга «қайтиш» тенденцияси ҳам юз бермоқда.

90-йилларнинг бошида дунёда табиий ва кимёвий толалардан тайёрланган 115 млрд. м² газламалар ишлаб чиқарилган. 1950 йилда «биринчи ўнлик» мамлакатларига АҚШ, Ҳиндистон, Хитой, СССР, Япония, Буюк Британия, Франция, ГФР, Италия, Полша кирган. 90-йилларнинг бошида унинг таркибида қуйидаги мамлакатлар бўлган: Россия (85 млрд. м²), АҚШ (24), Хитой (21), Ҳиндистон (13), Япония (8), ГФР (4), Корея Республикаси (3), Италия (3), Франция (2), Бразилия (2). Бундан кўриниб турибдики, «биринчи ўнликдан» 2 та давлат - Бразилия, Корея Республикаси ўрин олган (Буюк Британия ва Полша ундан чиқиб кетган). Булар ривожланаётган мамлакатлар салмоғининг ошиб бориши тенденциясини акс эттиради. Уларда арзон ишчи кучларининг мавжудлиги тўқимачилик саноати тез ривожланишида муҳим омилларидан биридир. Бу тармоқ Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Сурия, Туркия, Эрон, Миср, Марокаш, Мексика, Колумбия, Бразилия, Аргентинада иккинчи Жаҳон урушидан олдин шаклланган бўлиб, анъанавий тармоқ ҳисобланади. «Янги индустриал мамлакатларда» у яқиндагина пайдо бўлди, лекин янги замонавий техника асосида ривожланди.

Ҳозирги пайтда дунё тўқимачилик саноатининг бешта асосий региони шаклланган: Шарқий Осиё, Жанубий Осиё, МДХ, Хорижий Европа, АҚШ. Уларнинг ҳар бирида ип-газлама ва кимёвий толадан тайёрланган газлама ишлаб чиқариш устун туради, бошқа тармоқлар эса (жун, зиғир тола, шойи газламалар) камроқ аҳамиятга эга. Лекин улар ўртасидаги нисбат, юқорида қайд қилинганидек, сўнгги ўн йилликларда ўзгармоқда. Масалан, ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб ғарб мамлакатларининг дунёда газлама ва кийимлар ишлаб чиқаришдаги салмоғи доимий равишда пасайиб бормоқда. Уларда ўтмишда саноат инқилобининг кашшофлари (пионери) бўлган кўпчилик эски саноат раёнлари инқирозга учради. Ривожланаётган мамлакатларда эса, аксинча, арзон ишчи кучи мавжудлигига боғлиқ ҳолда тўқимачилик саноатининг тез ривожланиши кузатилаётир.

Газламалар ишлаб чиқариш структурасида ип-газлама ишлаб чиқариш биринчи ўринни эгаллайди, илгари ҳам шундай бўлган ва уни ишлаб чиқаришнинг ҳажми 1950 йилдаги 35 млрд. м² дан 90-йилларнинг бошида 65 млрд. м² га ошган. «Биринчи ўнликда» ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатлар ўрин олган, лекин ишлаб чиқариш миқёслари бўйича ривожланаётган мамлакатлар анча олдинда туради. Иккинчи ўринни кимёвий тола газламалари эгаллайди ва бунда ривожланган мамлакатлар устун туради.

Учинчи ўринни - шойи газлама, тўртинчи ўринни - жун газлама ишлаб чиқариш эгаллайди ва ҳар иккала ҳолатда ривожланган мамлакатлар биринчиликни эгаллайди.

Дунё тўқимачилик маҳсулоти (газлама, кийим) бозорида ривожланаётган мамлакатларнинг салмоғи катта (бутун экспортнинг $\frac{2}{3}$, ҳатто $\frac{3}{4}$ қисми). Шуннинг учун

ип-газлама экспортида Гонконг, Покистон, Ҳиндистон, Хитой, Миср, Тайван, Корея Республикаси, Бразилия мамлакатлари, ҳозирги пайтда ГФР, Франция, Белгия, Японияни, кимёвий тола газламалари экспортида эса Корея Республикаси, Тайван, Гонконг мамлакатлари Япония, Италия, ГФР, Франция, Нидерландия, АҚШни кучли даражада сиқиб чиқардилар.

Дунё тикувчилик саноатида ўз «модаларини расм қилувчи» марказлари - Нью Ёрк, Париж, Рим ва айрим бошқа марказлар шаклланди. Бу тармоқда ҳам оғир ва енгил саноатнинг кўпчилик тармоқларидаги каби ривожланган мамлакатларда энг йирик компанияларнинг филиаллари барпо этилаётир. Бунга сабаб – иш кучларининг кўплиги ва арзонлигидир. Тайёр кийимларнинг асосий қисми ривожланаётган мамлакатлардан ғарб мамлакатларига экспорт қилинади.

6- мавзу. ЖАҲОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ГЕОГРАФИЯСИ

1. Жаҳон қишлоқ хўжалигининг умумий таърифи

Қишлоқ хўжалиги жаҳон аҳолисига асосий озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш билан биргаликда енгил саноат учун маълум миқдорда хом ашё ҳам етказиб беради. Бироқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўсаётган бўлсада, аҳолининг маълум қисми ҳатто ўнлаб, айрим ҳолларда юз миллионлаб аҳоли тўйиб овқат емайди.

Буларга ривожланаётган мамлакатлар ва иқтисодий жиҳатдан кам таъминланган мамлакатларнинг аҳолиси киради. Шунга боғлиқ ҳолда озиқ-овқат билан таъминланишнинг ўсиш даражасини аҳоли ўсиш даражасига нисбатан (2 %) эмас, балки 3,5-4 %га етказиш зарур.

Ер шари иқтисодий фаол аҳолисининг 60%дан ортиғи қишлоқ хўжалигида банд, агар қишлоқ хўжалигига ёрдам берувчи ёш ва кексаларни ҳисобга олсак, унда жаҳон аҳолисининг 2/3 қисми қишлоқ хўжалигида машғул.

Ҳозирги вақтда ҳам Африка ва Осиёнинг кўпгина давлатларида аҳолининг 70%дан ортиғи қишлоқ хўжалигида банд. Айрим давлатларда, масалан, Буркина-Фасода (Ғарбий Африка) бу кўрсаткич 95%ни ташкил этади.

Саноатлашган ва иқтисодий ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида банд аҳоли камайиб бормоқда.

АҚШда ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида 5% аҳоли банд, Буюк Британияда эса 2%дан камроқ аҳоли қишлоқ хўжалигида ишлайди.

Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, озиқ-овқат, тўқимачилик ва бошқа саноат тармоқларига хом ашё етказиб беради. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги турли хил қишлоқ хўжалик машиналарини ва минерал ўғитларни истеъмол қилиш бозори ҳамдир.

Ҳозирги замон қишлоқ хўжалик геграфияси кўпгина омиллар таъсирига боғлиқ: иқтисодий, табиий ва сиёсий.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг географик жойлашишига асосий таъсир кўрсатувчи у ёки бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари ҳисобланади. АҚШ, Канада, Англия, Ғарбий Европа мамлакатлари қишлоқ хўжалиги охириги ўн йилликда капиталистик ривожланиш умумий оқимининг ва ҳозирги замон саноат иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Қишлоқ хўжалигининг жойлашишига табиий шароит катта таъсир кўрсатади. Унинг ривожланиши учун ёруғлик, иссиқлик, намлик ва тупроқда озук модалари бўлиши зарур. Қулай агроиқлим, сув, тупроқ ресурслари қуруқликнинг ҳамма жойида ҳам

учрамайди. Тупроқ, масалан, бир турдаги қишлоқ хўжалик экини учун қулай бўлса, бошқаси учун эса ноқулай бўлиши мумкин.

Қутбий минтақалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун унчалик қулай эмас. Субтропик ва тропикларда эса иссиқлик ва ёруғлик кўп бўлсада намлик, денгиз иқлимига хос мамлакатлар, яъни мўътадил минтақалар жойлашган мамлакатларда намлик етарли, аммо иссиқлик етишмайди.

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига ҳали ҳам иқлим шароити етарли таъсир кўрсатиб келмоқда. Табиат инжиқликлари деҳқончиликка катта зарар етказмоқда. Ер шарининг айрим қисмларида ноқулай қиш, совуқ уришлар, об-ҳавонинг кескин ўзгариши, қурғоқчилик, дўл, сел, кучли шамоллар ва бошқалар дунё халқ хўжалиги ишлаб чиқариши маҳсулот ҳажмига таъсир кўрсатади.

Микроиқлим хусусиятлари ҳам фарқланади. Ҳатто раёнларнинг об-ҳаво хусусиятлари фарқланганлиги учун ҳам, бунинг экинларни танлашда инобатга олиш ва агротехника қоидаларига риоя қилиш керак. Қишлоқ хўжалиги жойлашишига унинг тармоқлари ихтисослашиши ҳам таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, булар ўз навбатида, мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишини ҳам аниқлаб беради.

Баъзи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини турли раёнларда етиштириш уларнинг транспорт-географик ҳолатига, истеъмолчига яқинлигига ҳам боғлиқ.

Жумладан, кофе, какао плантасиялари, одатда, денгиз соҳилларига, дарё ва темир йўл яқинларида жойлаштирилади. Ваҳоланки бу маҳсулотлар экспортга мўлжалланган. Техника тараққиётига қарамасдан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш даражаси ривожланган мамлакатларда ҳозир ҳам бир хилда эмас. Ривожланаётган мамлакатларда эса қониқарсиз ҳолатда. Бу ҳосилкам булган йилларда ёмон оқибатларга олиб келади (нархларни ўсиши, заҳираларни камайиши ва бошқалар). Буларни бартараф қилиш эса кўп вақтни талаб қилади.

Ривожланаётган мамлакатларда маҳсулот ишлаб чиқариш суръати аҳолининг ўсиш суръати билан баробар, жумладан, бу мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ўз ишлаб чиқаришлари ҳисобига кўпайтирилмаяпти. Шунинг учун ҳам уларда очлик ва тўйиб овқат емаслик даражаси пастлигича қолмоқда. Аҳоли зич жойлашган раёнларда бўш ерлар танқислиги туфайли кам капитал маблағлар сарф қилиш ҳисобига экстенсив дунё қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш чекланган, айрим ҳолларда эса йирик ер эгалари томонидан ерларни ўзлаштириш сунъий равишда ер ресурслари танқислигини юзага келтириш мақсадида тўхтатилади, ижара ҳақини оширади.

Лотин Америкаси, тропик Африка мамлакатларида ва бошқа раёнларда мавжуд бўлган йирик бўш ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун кўплаб маблағлар талаб қилинади, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ва унга яқин ҳисобланган - транспорт, аҳолини жойлаштириш, сув таъминоти, мелиорасия ва ҳ.к.ларни ҳам инобатга олиш зарур. Бундай кенг миқёсдаги ишларни амалга оширишга фақат ривожланаётган мамлакатларнинг биргаликдаги саъй ҳаракати туфайлигина эришиш, шунингдек, анъанавий йўл-ўзлаштирилган раёнларда қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ҳисобига муваффақ бўлиш мумкин. Афсуси, кўпгина давлатларда, жумладан иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган давлатларда бу йўналишдаги ишлар ўта суст, аграр муносабатлар эскичасига давом эттирилмоқда, ишлаб чиқариш воситаларини жалб қилиш қийин кечмоқда, ҳақ тўлаш оғирлигича қолмоқда.

Ривожланаётган давлатлар ҳукуматлари йирик хўжаликларга иқтисодий кўмак бериш (имтиёзли банк кредитлари бериш, техникани такомиллаштириш, давлат ҳисобига ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ҳ.к) мақсадида қишлоқ хўжалик ерларини йириклаштириш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини марказлаштириш билан бирга майда хўжаликларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини чекламоқдалар. Бундай хўжалик юритиш тадбирлари (кичик ва ўрта деҳқонларни синдириш). йирик хўжаликларни барпо қилиш, техникавий жиҳозланган хўжаликлар ва товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга йўналтирилган.

Европа мамлакатларида аграр саноат комплексларининг барпо бўлиши қишлоқ хўжалиги соҳасида халқаро миллий сиёсат кучайишига олиб келди. Масалан, ЕИХ (“умумий бозори”) нархлари шаклланиши ва бошқа иқтисодий механизмларга таянган ҳолда ЕИХлиги чегарасида ғалла етиштириш бўйича Франциянинг салмоғини кўтарди.

Ривожланаётган кўпгина мамлакатларда иқтисодий ривожланиш ва мавжуд аграр муносабатларни қайта ўзгартириш бўйича турлича ҳолатларни, хусусан, бошқариш қийин кечаётган ҳолатларни кўриш мумкин. Бу, шунингдек, аграр муносабатларнинг мураккаблиги, маблағларнинг етишмаслиги, мавжуд маблағларни соҳага киритмаслик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ривожланишини сустлаштирмоқда.

Бу ўринда шуни эслатиб ўтиш керакки, шу гуруҳга кирувчи айрим мамлакатларда иқтисодий ривожланиш даражаси нисбатан юқори бўлган (масалан, Аргентина) йирик ер эгалиги ҳисобига (маҳаллий маҳсулотлар ва чет эл капитали ҳисобига) товар маҳсулоти ишлаб чиқариш шаклланди.

Саноати ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги фан-техника ютуқларига таянмоқда. Шу боис улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини оширишга, импортни қисқартириш ёки батамом тўхтатишга эришибгина қолмай, ўзлари экспорт қила бошладилар. Масалан, АҚШ—соя; Франция—буғдой ва шоли; ГФР, Франция - курук сут; Япония – шоли ва ҳ.к.ларни четга сотмоқда. Натижада охириги 15-20 йил ичида ривожланган мамлакатларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари экспортидаги улуши ўсди, ривожланаётган мамлакатларники эса, аксинча, қисқарди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятига хос бўлган хусусиятлардан бири бу – тўйиб овқат емаслик ва очарчиликни кенг тарқалганлигидир. Бунга сабаб фақат табиий шароитнинг ноқулайлиги ёки янги маълумотчилик тучунчаси, аҳолини “юқори” табиий ўсишигина эмас, балки уларнинг умумий иқтисоди қолоқлик даражаси, маҳаллий ноқулай табиий шароитларни яхшилаш имкониятларининг чегараланганлиги ва ҳ.к.лардир.

Қолоқликнинг асосий илдизи ўтмишда бу мамлакатларнинг ривожланган мамлакатларга қарам бўлганлигига тақалади.

11-жадвал

Дунёнинг ер фонди тузилмаси (таркиби)

Минтақалар	Умумий майдон		Қишлоқ хўжалиги ерлари		Ер фондининг таркиби		% ларда
	млн км ²	жон боши -га (га)	ишло в берил -гани	Табиий ўтлоқ ва яйловлар	ўрмонли ерлар	аҳоли пунктлари ва саноати ва транспорт ерлари	кам ҳосилдор ва ҳосил бермайдиган ерлар
МДҲ	22,5	8,1	10	17	36	1	36
Европа	5,1	1,0	29	18	32	5	16
Хорижий Осиё	27,7	1,1	17	20	20	2	39
Африка	30,3	6,4	11	26	23	1	39
Шим. Америка	22,5	6,1	12	16	31	3	38

Жан. Америка	17,8	7,3	7	20	52	1	20
Австралия ва Океания	8,5	7,0	5	54	18	1	22
Бутун дунё	134	3,0	11	23	30	2	34

Дунё ер фондининг умумий майдони-134 млн.км² (13,4 млрд.га) бўлиб унинг асосий қисми Африка, МДХ, Хорижий Осиё, Шимолий ва Жанубий Америкада жойлашган. Жон бошига оладиган бўлсак, аҳолиси нисбатан кам бўлган Австралия биринчи, аҳолиси энг кўп бўлган Хорижий Осиё эса охириги ўринни эгаллаган.

Ишлов берилган ерлар майдони бўйича АҚШ (190 млн.га), Ҳиндистон (160 млн.га), Россия (134 млн.га), Хитой (95 млн.га), Канада (46 млн.га), Қозоғистон (36 млн.га), Украина (34 млн.га) ажралиб туради. Европадан ташқари жаҳоннинг барча минтақаларида табиий ўтлоқ ва яйловлар ишлов берилган ерларга нисбатан кўпроқ. Бу борада Австралия ўн маротабадан юқорироқ. Ўз навбатида, МДХ, Хорижий Европа, Шимолий Америкада ўрмонлар майдонининг салмоғи ўтлоқ ва яйловлар майдонига нисбатан анча салмоқли, Жанубий Америкада эса уларнинг умумий майдоннинг ярмидан кўпини эгаллайди. Дунё бўйича ҳам ва аксарият минтақалар бўйича аҳоли пунктлари, саноати ва транспорт тизимлари жойлашган ерлар улуши 1-2% ни ташкил қилади, фақат Хорижий Европа ва Шимолий Америкада бундан биров юқорироқ. Кам ҳосилдор ерлар бўйича ўртача кўрсаткич асосан МДХ, Хорижий Осиё, Африка, Шимолий Америкага тўғри келади.

Дунё ер фондининг асосий муаммоларидан бири тупроқ ҳосилдорлигининг камайиши, тупроқ эрозияси, унинг ифлосланиши, табиий ўтлоқлар биологик ҳосилдорлигининг йўқолиши, суғориладиган майдонларнинг шўрланиши ва ботқоқланиши, ерларнинг, турар жой, саноат корхоналари ва транспорт тизимлари қуришга берилиши ва ҳ.к.лар ҳисобланади. Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда инсоният ҳозиргача 2 млрд. гектар ҳосилдор ерларни йўқотиб бўлди. Биргина эрозия натижасида дунё бўйича ҳар йили қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлардан 6-7 млн. гектари оборотдан чиқиб кетади. Шўрланиш ва ботқоқланиш натижасида 1,5 млн гектар ер ишдан чиқади. Бу нохуш кўринишларнинг яққол натижаси аҳоли жон бошига тўғри келадиган, ишлов бериладиган ерлар кескин камайиб кетаётганлигидир.

12-жадвал

Дунё минтақалари бўйича ҳайдалган ер билан таъминланганлик даражаси
(аҳоли жон бошига)

Минтақалар	Таъминланганлиги (га)
МДХ	0,81
Европа	0,28
Хорижий Осиё	0,15
Африка	0,30
Шимолий Америка	0,65
Жанубий Америка	0,49
Австралия ва Океания	1,87

Кўпгина мамлакатларда ер фондини сақлаб қолишга ва унинг тизимини яхшилашга ҳаракат қилиняпти. Бу масала минтақавий ва дунё миқёсида БМТнинг махсус ташкилотлари. ЮНЕСКО (БМТнинг маориф, фан ва маданият ишлари бўйича ташкилоти), ФАО (БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича

ташкilotи) томонидан назоратга олинган. Дунё тупроқ ҳаритасининг яратилиши, яъни тупроқ агротабий қувватини аниқлаш бу жараёндаги тадбиркорлар натижасидир.

2.Ўсимликшунослик

Ўсимликшунослик–қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлиб, у ўз ичига дехқончилик - дон, техника экинлари, полиз маҳсулотлари етиштириш ва бошқа қатор тармоқларни олади.

Донли экинлар кишилиқ маданияти тарихининг барча даврларида бўлган. Археологик изланишлар гувоҳлиқ берадики, буғдой Олд Осиёда эрамиздан 5-6 минг йил, Мисрда 4 минг йил, Хитойда 3 минг йил, Балқонда 2-3 минг йил аввал экилган. Қадимги дунёда Скифия ўз буғдойи билан машҳур бўлган. Буюк географик кашфиётлардан сўнг буғдой янги очилган ҳудудларда ҳам экила бошлади, хусусан, Жанубий Америкага 1528 йил, АҚШга 1602 йил, Австралияга 1788 йилда кириб борди.

Шоли-қадимги экинлардан бири бўлиб, Хитойда эрамиздан 5 минг йил аввал экилган. Ҳиндистон ва Шимолий Африкада эрамиздан 2 минг йил аввал, Европада эса эрамизнинг ВИИИ-асрида экила бошлаган. Америкага географик кашфиётлар даврида кириб келган. Маккажўхори эса аксинча бу даврда Америкадан Европага олиб келинган. Бутун Россия ўсимликшунослик институтида буғдойнинг 60 минг нави коллексияси (тўплами) аниқланган. Филиппиндаги халқаро шоличилик институтида шолининг тахминан шунча тўпланган.

Ҳозирги вақтда донли экинлар уч кўрсаткичи бўйича таҳлил қилиши лозим: 1) экин майдони; 2) ялпи ҳосили; 3) халқаро савдоси бўйича.

Дунё бўйича 720 млн гектар ерга донли экинлар экилмоқда. Улар жами экин майдонининг Буюк Британия, Франция, Италияда 50-60%ини, Россия, Полша, Венгрия, Руминия, Японияда 60-65, ГФРда - 70, Ветнам ва Монголияда - 80 фоизини эгаллаган.

Жаҳонда жами экин майдонининг асосий қисмини 3 та экин-буғдой (230 млн.га), шоли (140 млн.га), маккажўхори (180 млн.га) эгаллайди (1-расм).

Дунёда кенг тарқалиши бўйича буғдойга етадигани йўқ. У Шимолий Америка, Хорижий Европа, Россия, Украина, Жанубий-ғарбий, Жанубий ва Шарқий Осиёда энг кўп экилади. Жанубий минтақа - Аргентина, Жанубий Африка ва Австралия. Жаҳондаги буғдой экин майдонларидан йил 12 ой давомида ҳосил йиғилади. Дунё бўйича шолининг тарқалишини муҳим ҳусусияти шундан иборатки, у асосан муссон иқлим шароити мавжуд минтақаларга ҳосидир. Шоличилик Шарқий, Жануби-шарқий ва Жанубий Осиёда ўта кенг тарқалган. Шолизорлар жуда кўп бўлган Ҳиндистон, Хитой, Индонезияда иккинчи ҳосил қуруқ мавсумда сунъий суғориш усули қўлланиб олинади.

Маккажўхори ҳам деярли буғдой экиладиган ҳудудларда етиштирилади. Донли экинларнинг ялпи ҳосили дунё бўйича узоқ вақт давомида жуда секин суръатлар билан ўсди. Масалан, 1900 йилда 500 млн.т., 1920 йил -600млн.т., 1940 йил-700млн.т. дон етиштирилди. XX-асрнинг иккинчи ярмида ФТИ таъсирида донли экинлар ҳосил ўсиш суръати сезиларли даражада ошди (2-расмга қаранг). Бу турдаги экинлардан олинаётган ялпи ҳосил бўйича дунё мамлакатларини қуйидаги гуруҳга бўлиш мумкин (13-жадвал).

13-жадвал

2000 йиллар бошида донли экинларнинг ялпи ҳосили

Мамлакатлар	Млн. Тонна	Аҳоли жон бошига дон етиштириш, кг
Жаҳон бўйича	1987	367
Хитой	361	375

АҚШ	323	1283
Россия	117	790
Франция	60	1050
Канада	57	2125
Украина	52	980
Индонезия	54	240
Бразилия	40	320
Туркия	32	340
Польша	28	730
Қозғоғистон	27	1650
ГФР	29	480
Австралия	26	1320
Тайланд	24	240
Мексика	29	275
Буюк Британия	25	400
Аргентина	21	640
Покистон	23	200
Вьетнам	20	330
Испания	20	543
Руминия	17	821
Венгрия	17	1557
Япония	19	126

Донли экинлар тизимида ялпи ҳосили ва экин майдони бўйича ҳам буғдой, шоли, маккажўхори етакчилик қилади. Уларнинг маҳсулотлари аҳолининг озиқ-овқат расионининг 95%ни ташкил этади (4-расм). Жумладан, бу расионнинг 21% шоли, 20% буғдой. Маккажўхори иқтисодий ривожланган мамлакатларда асосан чорва моларига омихта ем сифатида бериш учун етиштирилади.

Ғалла ялпи ҳосили бўйича дунё мамлакатлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Енг кўп дон етиштирувчилар (Хитой, АҚШ, Ҳиндистон ва Россия);
2. Жуда кўп дон етиштирувчилар (Франция, Канада, Украина, Индонезия, Бразилия);
3. Қолган мамлакатлар—кўп дон етиштирувчилар.

Биринчи гуруҳ мамлакатлари дунёда етиштирилган доннинг ярмини беради.

Аҳоли жон бошига дон етиштириш бўйича мамлакатлар бир-бирларидан кескин фаркланадилар. Дунё бўйича бу борадаги ўртача кўрсаткич (350 кг) жуда паст. Бунга асосан Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Бразилия ва бошқа ривожланаётган мамлакатлар таъсир қилади. Нисбатан юқори бўлмаган кўрсаткичларга эга мамлакатлар қаторига Италия, Буюк Британия, ГФР ва айниқса, Япония киради. Аҳолининг ўсиши жон бошига дон етиштириш кўрсаткичларининг пасайишига олиб келади. Дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан анча кўп дон етиштирувчи мамлакатларга Россия, Руминия, Польша киради. Венгрия, Қозғоғистон, Австралия, Канада, АҚШ ва Францияда бу борадаги кўрсаткич жуда юқори (1000 кг дан ортиқ).

Умуман, дунёда донли экинлар 55 фоизи аҳоли учун озиқ-овқат, 45 фоизи эса чорва озуқаси сифатида ишлатилади. Жаҳон бозорига ҳар йили тахминан 200 млн.т. дон, жумладан, 90-100 млн.т. буғдой ва 60-70 млн.т. маккажўхори чиқарилади.

Шоли охириги йилларда дунё бўйича 10-15 млн.т. атрофида сотилаёпти. Уни асосий экспорт қилувчилар Тайланд, АҚШ ҳисобланади.

Дон импорт қилувчи мамлакатларнинг ярмига яқини ривожланаётган мамлакатлардир. Улар озиқ-овқат учун донли маҳсулотларни асосан четдан оладилар. Миср (10 млн.т.), Бразилия (5 млн.т.) ҳам шундай мамлакатлар сирасига киради. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар орасида Япония (30 млн.т.га яқин) йирик импортёр ҳисобланади.

Бошқа турдаги озиқа экинлари. Бу турдаги экинларга мойли, илдиз-мевалилар, қандли, хушбўй сабзавот ва боғдорчилик ўсимликлари киради.

Дунё бўйича мойли уруғлар ишлаб чиқариш 1990 йилда 220млн.т.га етди. Жумладан, соя-100 млн.т., пахта чигити-35 млн.т., рапс-25млн.т., кунгабоқар-20 млн.т., ер ёнғоқ-20 млн.т. етиштирилди.

Мойли экинлар дунё бўйича турларига қараб ўзига хос тарзда жойлаштирилган. Соянинг ватани Шарқий Осиё (Хитой, Корея) бўлсада, ҳозирги кунда асосан: АҚШ (55млн.т.), Бразилия (20 млн.т.) ва Аргентинада (10 млн.т.) етиштирилади. Хитойда соя (йилига 10-15 млн.т.) етиштирилади, ҳам озуқа, ҳам озиқ-овқат (соя ёғи) мақсадида ишлатилади.

Кунгабоқарнинг ватани Шимолий Американинг жанубий қисми бўлиб, у Европага ХВИ асрда олиб келинди. Кунгабоқар асосан - Россия, Украина, Жанубий Европа, АҚШ, Аргентина, Хитойда, ғўза уруғи (чигит), асосан Ҳиндистон, Покистон, Хитой, АҚШ, Ўзбекистонда олинади. Рапс Европа, Хитой, Канадада кўп тарқалган.

Ер ёнғоқнинг ватани Бразилиядир. У ердан дастлаб Ҳиндистон, Хитой, Филлипинга, кейинроқ Европага тарқалиб, -Хитой ёнғоғи- номини олган. Африкага у ХВ асрда Европадан келтирилган. Ҳозирги вақтда ер ёнғоқ тропик ва субтропик минтақаларда (Жанубий ва Шарқий Осиё, Ғарбий Африка, АҚШ, Бразилия, Аргентина) катта майдонларни эгаллаган.

Зиғир асосан мўътадил иқлим минтақаларида кўп экилади.

Зайтун дарахти Ўрта ер денгизи атрофи, палма эса ғарбий Африка ва Малайзияда кўп тарқалган. Корпу (кокос ёнғоғининг кўритилгани) асосан Жанубий, Жануби-Шарқий Осиё ва Океанияда етиштирилади.

Картошка—озиқ-овқат, озуқа ва техник жиҳатдан қайта ишланиб турли мақсадларда фойдаланилади. Ватани - Жанубий Америка-Перу-Эквадор,Боливия. Европага 1536 йилда дастлаб Испания ва Португалияга олиб келинган. У ердан Италия, Голландия, Ирландия, Англия ва бошқа мамлакатларга тарқалган. Италияда “тартуфол” номини олди ва кейин “картофел”га айланди. ХВИИИ асрда Петр И Россияга 1 қопини Голландиядан олиб келиб, мамлакатнинг турли вилоятларига тарқатган. Ҳозирги вақтда картошка дунёда 18 млн.га ерга экилмоқда. 2000 йилда дунё бўйича картошкадан 280 млн.т.дан ортиқ ҳосил олинди.Картошка Европадан ташқари Хитой ва Шимолий Америкада кўп тарқалган. Жон бошига картошка етиштиришда Белорусия ва Полша олдинда. Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда ширин картошка (батат) етиштирилади.

14-жадвал

Дунёнинг айрим мамлакатларида картошка етиштириш

Дунё ва айрим мамлакатлар	Ялпи ҳосил, млн.т.	Аҳоли жон бошига, кг	Ҳосилдорлик с/га
Дунёда	280	55	150
Полша	36	910	200
Россия	35	230	100
Хитой	27	25	100
Украина	12	330	120
ГФР	17	230	300
АҚШ	17	65	320

Ҳиндистон	15	18	160
Белорусия	9	870	135
Нидерландия	7	470	435
Буюк Британия	6,5	110	350
Франция	4,7	110	280
Испания	4,5	115	200
Туркия	4,1	70	220
Япония	3,1	30	300
Руминия	3,4	140	120
Канада	2,8	100	245
Италия	2,5	40	200

Шакарқамиш - қадимий қандли экинлардан бири. Ватани - Бенгалия. Ўрта денгиз мамлакатларига уни ВИИИ-ИХ асрларда араблар келтирган. Буюк географик кашфиётлардан сўнг у Янги дунёга тарқалиб, “иккинчи ватани”га эга бўлди. Аммо, ХВИИИ асрнинг охирларидагина қанд лавлаги қанд хом ашёсига айланди. Лавлагидан шакар олувчи дастлабки завод Германияда бунёд этилган. Шу вақтдан бошлаб бу икки қандли экин муайян маънода ўзаро рақобатлаша бошладилар. XX аср бошларида лавлаги қанди халқаро талабнинг $\frac{2}{3}$ қисмини қондирди, лекин унинг салмоғи пасайиб борди. Бугунги кунда ҳам мазкур экинлар ўртасидаги мутаносиблик 40:60 бўлиб, бунда шакарқамиш устувор аҳамиятга эга.

Шакарқамиш–иссиқсавар, кўп йиллик экин бўлиб, 7-8 ой давомида ўртача ҳарорат 150С дан пасаймайдиган, вегетасия давридаги йиллик ижобий ҳарорат йиғиндиси 5000-60000Сга тенг келувчи шароитда ўсади. Айни пайтда у сезиларли намликни ҳам талаб этади. Шу туфайли ҳам шакарқамиш фақатгина тропик, субтропик ҳамда муссон иқлимли мамлакатларда иқлимлаштирилади. Унинг деярли барча ҳосили (1 млрд.т. атрофида) ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Қанд лавлаги–типик бир йиллик мўътадил минтақа ўсимлиги, шу билан бир қаторда агроиқлим шароитларига юқори даражада талабчан қўювчи экиндир. У асосан аҳоли зич жойлашган интенсив қишлоқ хўжалигига эга бўлган раёнларда экилади. Унинг ялпи ҳосили дунё бўйича 300 млн.т.ни ташкил этиб, асосан иқтисодий ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу икки экин тури фақатгина АҚШ ҳамда Хитойда сезиларли миқдорда етиштирилади.

Жаҳонда қанд ишлаб чиқариш йилига ўртача 110 млн.т.га етди. Жаҳон бозорига ҳар йили тахминан 30 млн.т. қанд етказиб берилади. Бу асосан шакарқамиш қанди бўлиб, Бразилия, Куба, Австралия, Маврикия каби давлатлардан хорижий Европага, АҚШ, МДХ давлатларига, Хитойга, Японияга, Осиёнинг “янги индустриал” мамлакатларига, яъни унинг қадоқланишини амалга оширувчи мамлакатларга жўнатилади. Лавлаги қанди халқаро савдода жуда оз миқдорда иштирок этади.

15-жадвал

Жаҳонда ва «биринчи ўнлик» мамлакатларида қанд ишлаб чиқариш

Шакарқамиш қанди		Қанд лавлаги	
бутун жаҳон ва мамлакатлар	млн. т.	бутун жаҳон ва мамлакатлар	млн.т.
бутун жаҳон	70,0	Бутун жаҳон	40,0
Ҳиндистон	9,9	Украина	7,0
Куба	7,6	Франция	4,1

Бразилия	7,3	Россия	4,0
Таиланд	4,3	АҚШ	3,6
Хитой	3,7	ГФР	3,1
Мексика	3,6	Полша	1,8
Австралия	3,5	Туркия	1,8
Индонезия	2,3	Италия	1,7
АҚШ	2,2	Буюк Британия	1,3
ЖАР	2,2	Нидерландия	1,1

Қувват берувчи экинларга чой, кофе ҳамда какао киради. Чойнинг ватани – Хитой. Бу мамлакатдачой ВИИ-Х асрлардаёқ кенг тарқалган эди. Тахминан шу даврларда чой Хитойдан Японияга ўтди. Европада, аввало, Англияда чой асосан Осиё мамлакатлари, лекин Ост-Ҳинд савдо алоқалари компанияси бошланганидан сўнг ХВИИ асрдагина маълум бўлди. Россияда ҳам чой ХВИИ асрда истеъмол қилина бошланди. Узоқ вақт уни “мустамлака маҳсулоти” деб аталди. Европада келибоқ мазкур ичимлик оммавийлашиб кетди, бу эса XIX асрда чой плантасияларининг, аввало, Ҳиндистонда, сўнггра Сейлонда (Шри-Ланка) ҳамда Кенияда пайдо бўлишига олиб келди.

Кофенинг ватани Эфиопия тоғликлари бўлиб, бу ерларда мазкур экин тури тахминан минг йиллар илгари етиштири бошланган. Унинг номланиши ҳам Эфиопия провинцияси ҳисобланган **Каффа** номидан олинган. XI асрда кофе Яманга келтирилиб, ундан Моха порти орқали Европада олиб кетилган. Ўрта аср охирларига келиб кофени Италияда, Францияда, Англия Нидерландиясида, шунингдек, Европанинг бошқа мамлакатларида истеъмол қила бошлаганлар. Ўсиб бораётган талабни қондириш мақсадида уни махсус плантасияларда етиштири бошладилар. Шундай плантасиялардан дастлабкисига Ява оролида ХВИИ асрда голландияликлар томонидан асос солинган. ХВИИ аср бошларида бир қанча кофе дони Франсуз Гвианасига ва у ердан Бразилияга келтирилди. Бу ерда мазкур экин тури иккинчи ватанини топади.

Н. И. Вавилов какао ватани деб Мексика тоғларини ҳисоблайди. XIX аср бошларида ушбу экин ва ундан олинадиган шоколад, аввало, Испанияда, сўнггра эса Европанинг бошқа мамлакатларида маълум бўлди. Какао плантасиялари Гвинея бўғозининг қирғоқларида ташкил этилди.

Жаҳонда кофе ҳозирги даврда йилига ишлаб чиқарилади. Чой ҳамда какао ишлаб чиқариш ҳажми эса 2,5 млн.т.ни ташкил этади. Шуниси қизиқки, ўнта ўта «чойли» мамлакатнинг саккизтаси Осиёда, ўнта ўта «кофели» мамлакатнинг бештаси Америкада, учтаси Африкада ва иккитаси Осиёда, ўнта асосий какао ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг тўрттаси Африкада, тўртаси Америкада ва иккитаси Осиёда жойлашган. Харитада қувват берувчи экинларнинг асосий халқаро юк оқимлари кўрсатилган. Айни пайтда чойни энг кўп Ҳиндистон, кофени Бразилия, какао Кот-д Ивуар экспорт қилади. Лекин уларнинг асосий истеъмолчилари АҚШ, Европа мамлакатлари ва Япония ҳисобланади. АҚШ кофе ва какао импорти бўйича биринчиси ўриндатуради, МДХ мамлакатлари ҳам ўзининг кофе ва какаога бўлган эҳтиёжини ривожланаётган мамлакатлар импорти ҳисобига, чойга бўлган эҳтиёжининг $\frac{2}{3}$ қисмини Грузия ва $\frac{1}{3}$ қисмини ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига қондиради.

3. Техника экинлари

Техника экинларига пахта, табиий каучук ҳамда тамаки киради. Пахта майдонлари 35 млн.га ни ташкил этади. Улар асосан шимолий ярим шарнинг 20о ва 40о шимолий кенгликлари оралиғида мужассамлашган. Пахта толаси ишлаб чиқариш жаҳонда аста-

секин ўсиб бориб, 18млн. т.га етди. Ўз навбатда халқаро пахтачиликни раёнлаштириш куйидаги ўта йирик раёни ажратиш имкониятини берди:

Биринчидан, Шарқий, Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиё бўлиб, бунда Хитой (4,5млн.т.) Ҳиндистон ҳамда Покистон (1,5млн.т.дан), Таиланд асосий ишлаб чиқарувчилар сифатида намоён бўлади. **Иккинчидан**, МДҲ доирасида Ўрта Осиё ва Кавказ орти мамлакатлари. Бу ерда йирик ишлаб чиқарувчи-Ўзбекистон (1,5млн.т.) ҳисобланади. **Учинчидан**, Жануби-Ғарбий Осиё, бунда Туркия (0,7млн.т.), Эрон, Ироқ, Сурия, Афғонистон алоҳида ўрин тутди. **Тўртинчидан**, бу Шимолий ва Шарқий Африка, Миср, Сурия, Эфиопия, Уганда, Танзания. **Бешинчидан**, Ғарбий ва Марказий Африка-Нигерия, Камерун, Заир. **Олтинчидан**, Жанубий Африка, Мазамбик, Мадагаскар. **Еттинчидан**, Шимолий ва Марказий Америка, аввало АҚШ (3,4млн.т.) ҳамда Мексика. **Саккизинчидан**, Жанубий Америка-Бразилия (0,7млн.т.), Аргентина, Венесуела, Перу. **Тўққизинчидан**, Австралия.

Жаҳон савдо бозорига ҳар йили 5-6 млн.т., асосан ўрта толали пахта толаси чиқарилади. Асосий экспортчилар-АҚШ (1,7млн.т.), сўнгра Ўзбекистон, Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Африка мамлакатлари, Парагвай, Австралия. Импорт географиясини асосан икки регион белгилаб беради:

1. Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё (Япония, Тайван, Корея республикаси, Гонгконг, Таиланд, Индонезия).

2. Европа (Италия, ФРГ, Франция, Полша, Чехия, Словакия ва бошқалар).

1991 йилда жаҳонда табиий каучук етиштириш 5,5 млн.т.га етган бўлса, унинг 90 фоизи Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари: Малайзия (1,3млн), Индонезия ва Таиланд (1,2 млн.т.дан), шунингдек, Ҳиндистон, Шри-Ланка, Филиппин ҳиссасига тўғри келади. Гевеянинг йирик плантасиялари, шунингдек, Либерияда ҳам мавжуд. Мазкур мамлакатлар айна пайтда каучук экспорт қилувчи асосий мамлакатлар ҳам ҳисобланади. Тамаки етиштириш билан дунёда 30-35 млн. киши шуғулланади. Уни тарқатишдан келадиган даромаддан эса 100 млн киши тирикчилик қилади. Жаҳонда тамаки етиштириш йилига 7 млн.т.га етди. Уни энг кўп етиштирувчи мамлакатларга Хитой (2,7млн.т.), АҚШ, Ҳиндистон, Бразилия ва МДҲ мамлакатлари киради. Италия, Греция, Болгария, Туркия, Индонезия, Япония ва Кубада тамаки оз миқдорда етиштирилади. Сигарета ишлаб чиқариш бўйича дунёда АҚШ биринчи (700 млрд.дона), МДҲ мамлакатлари иккинчи ўринда туради. АҚШ тамаки саноати асосан ўз хом ашёси ҳисобига, Европа тамаки саноати эса Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, шунингдек, ривожланаётган бошқа мамлакатларда келтириладиган хом ашё ҳисобига фаолият кўрсатади. Тамаки маҳсулоти ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш каби чекишга қарши оммавий ҳаракат кенгайиб бораётган Европа ва Шимолий Америка мамлакатларга нисбатан ривожланаётган давлатларда тезроқ ўсмоқда. Кейинги даврларда наркотик моддалар ишлаб чиқариш сезиларли даражада ортди. Уларни ишлаб чиқарувчи мамлакатлар таркибида “олтин ярим ой” (Покистон, Афғонистон, Эрон) ҳамда “олтин учбурчак” (Таиланд, Лаос, Мянма) мамлакатлари, шунингдек, Лотин Америкасининг айрим давлатлари, асосан Колумбия алоҳида ўрин тутди.

4. Жаҳон чорвачилиги географияси

Жаҳондаги сут йўналишидаги йирик шохли қорамолчилик кўпинча аҳоли зич жойлашган Европа, Шимолий Америка раёнлари учун хосдир. Гўшт-сут йўналишидаги қорамолчилик интенсив қишлоқ хўжалигига эга бўлган мўътадил минтақа раёнларида, шунингдек, кўрғокчил ва меҳнат ресурслари билан ёмон таъминланган раёнларда тарқалган. Гўшт чорвачилиги экстенсив (Аргентина, Австралиянинг катта қисми) ва интенсив (АҚШ) бўлиши мумкин. Аммо айна пайтда у ҳолатда ҳам, бу ҳолатда ҳам юқори даражада товар хусусиятига эга бўлинади.

Чўчкачилик билан турли табиий шароитлардаги интенсив ва экстенсив қишлоқ хўжалигига эга бўлган мамлакатлар шуғулланади. Одатда, бу тармоқ аҳоли зич жойлашган картошка, лавлаги етиштириладиган раёнларда кенг ривожланади. Қўйчилик кенг яйлов майдонларига эга бўлган мамлакат ва раёнларда устунлик қилади. Айни пайтда майин жунли қўйчилик қуруқ иқлимли раёнларда кўпроқ тарқалган бўлиб, дашт ҳамда дала чўл яйловлари шароитида олиб борилади. Сернам ва юмшоқ иқлимли ҳудудларда ярим майин жунли, гўшт-жун йўналишидаги қўйчилик ривожланади.

16-жадвал

**Дунё ва унинг алоҳида минтақаларида чорва моллари сони
(млн. бош ҳисобида)**

Қорамол тури	Жаҳон даги сони	Шу жумладан						
		МДХ	Европа	Хорижи й Осиё	Африк а	Шимоли й Америка	Лотин Америка си	Австралия ва Океания
Йирик шоҳли қорамол	1300		150	400		115	290	35
Чўчқалар	850		200	400		65	90	5
Қўйлар	1200		140	380		10	125	105
Йилқилар	65		5	17		14	18	1

М.Б.Волф ва Ю.Д.Дмитриевскийлар **тўрт турдаги чорвачилик раёнларини** ажратганлар. Улар интенсивлик даражасига кўра, қуйидагича тақсимланиши мумкин:

Биринчи турга аҳолиси жуда зич жойлашган ва қорамол юқори даражада зич бўлган (100 га қишлоқ хўжалиги майдонига 100-200 бош ва ундан кўп) раёнлар киради. Бу турга мансуб раёнларда мазкур тармоқ юқори маҳсудорликка эга бўлиб, интенсив сут чорвачилиги, чўчкачилик, паррандачиликка ихтисослашгандир. Европада биринчи турдаги раён Дания, Нидерландия, Буюк Британия, Швейсария каби мамлакатларни, Шимолий Америкада – АҚШнинг шимоли-шарқини камраб олади. Бу мамлакатлардаги чорвачилик ялпи қишлоқ хўжалик товар маҳсулотининг 60-80%ини етказиб беради.

Иккинчи турга интенсивлик ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулдорлиги ўртача даражада бўлган раёнлар мансубдир. Унга чорванинг ўртача зичлиги ҳам (30-60 бош) тааллуқли. Бу турга мисол тариқасида Жанубий ва Шарқий Европа, АҚШнинг жанубий ва марказий штатлари, Лотин Америкасининг айрим раёнлари киради.

Учинчи турга аҳоли зичлиги ҳамда чорва боши зичлиги (5-10 бош) паст бўлган, кам интенсивлашган чорвачилик тармоқлари ва йўналишлари, кенг табиий яйловларда қорамоллар экстенсив ҳолатда сақланувчи ва маҳсулдорлиги нисбатан паст бўлган раёнлар киради. Бундай раёнларга мисол тариқасида Австралиянинг катта қисмини, Аргентинадаги Патагонияни, Ангола, Ғарбий ва Шимолий Африканинг айрим мамлакатларини (Мавритания, Чад, Алжир) келтириш мумкин. Одатда, мазкур мамлакатларда чорвачилик деҳқончиликдан устун бўлиб, хўжаликнинг асосий тармоғи ҳисобланади.

Тўртинчи турга аҳолиси жуда зич жойлашган, чорва моллари зич (60-200 бош), аммо маҳсулдорлиги паст ва кам интенсив тармоққа эга ҳамда муайян йўналишлар устун бўлган раёнлар киради. Чорвачилик ёрдамчи аҳамият касб этувчи бундай раёнлар оз миқдорда товар маҳсулоти етказиб беради. Бундай раёнларга мисол тариқасида

Ҳиндистон, Шри-Ланка, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларини кўрсатиш мумкин. Ривожланаётган мамлакатларда кам маҳсулдор чорвачилик марказлари аксарият ҳолларда истеъмол ва товар деҳқончилигидан ҳудудий жиҳатдан ажралган ҳолда олиб борилади.

17-жадвал

**Дунё мамлакатларида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш
(бир йилда ўртача)**

Бутун жаҳон, алоҳида мамлакатлар	Гўшт етиштириш				
	Жами, млн.т.	Аҳоли жон бошига, кг	Бутун жаҳон, алоҳида мамлакатлар	Жами, млн.т.	Аҳоли жон бошига, кг
Бутунжаҳон	170	35	Буюк Британия	3,8	65
АҚШ	31	125	Япония	3,8	30
Хитой	28	25	Италия	3,7	65
Россия	10	60	Австралия	3,6	180
ГФР	8	110	Мексика	3,5	30
Франция	6	110	Испания	3,4	70
Бразилия	6	45	Польша	3,1	80
Аргентина	4	125	Нидерландия	3,0	200
Украина	4	75			

18-жадвал

**Дунё мамлакатларида сут етиштириш
(бир йилда ўртача)**

Бутун дунё, алоҳида давлатлар	Жами, млн.т.	Аҳоли жон бошига, кг	Бутун дунё, алоҳида давлатлар	Жами, млн.т.	Аҳоли жон бошига, кг
Бутун ДУНЁ	550	110	Буюк Британия	15	265
АҚШ	67	270	Нидерландия	13	900
Ҳиндистон	55	65	Бразилия	13	90
Россия	52	350	Италия	11	195
ГФР	32	45	Канада	8	315

		0			
Франция	28	49 0	Янги Зеландия	8	2400
Украина	24	46 0	Япония	8	65
Польша	16	43 0	Беларус	7	700
Аргентина	6	20 0	Мексика		70
Австралия	6	37 0			

Осиё, Африка, Лотин Америкаси давлатларида чорвачилик маҳсулдорлиги пастлиги туфайли жаҳонда етиштирилган гўштнинг 25, сутнинг 14 фоизи тайёрланади.

Аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулотлари иқтисодий ривожланган мамлакатларда юқори. Бу борада айниқса, чорвачилик интенсив ривожланган Янги Зеландия, Нидерландияга ўхшаш мамлакатлар устунлик қилади.

Гўшт ишлаб чиқариш тизимида мол ва бузоқ гўшти етиштириш салмоғи 32%, чўчка гўшти етиштириш-39, парранда гўшти-20%, от ва қўй гўшти салмоғи 9%га тўғри келади.

Жаҳон бўйича унинг сони 10 млрддан ошиб кетди. айниқса, қизиқарли ҳар бир бош сигирдан сут соғиб олиш, иқтисодий ривожланган давлатларда Фарба 3-5 минг кг, бироқ Дания, Нидерландия 5,8 минг кг, Швесияда 6минг кг, АҚШда 6,5 минг кг.

Охирги йилларда бройлер хўжалигининг Шимолий Америка, Европада интенсив ривожланиши парранда гўшти етиштириш кўпайишига олиб келди.

Халқаро чорвачилик маҳсулотлари билан савдо қилишда етакчи ўринни иқтисодий ривожланган давлатлар эгаллаб турибди. Булар гўшт маҳсулотлари ва жун экспорт ҳамда импортида етакчи. Фақатгина тирик моллар савдосида ривожланаётган давлатлар юқори ўринни эгаллайди.

19-жадвал

Чорвачилик маҳсулотлари ва тирик мол экспорт қилувчи асосий давлатлар

Чорвачилик маҳсулотлари ва тирик мол	Экспорт қилувчи етакчи давлатлар
Мол ва бузоқ	Австралия, ГФР, Франция, Янги Зеландия, Ирландия, Нидерландия, АҚШ, Венгрия
Чўчка, қўй ва қўзи, парранда гўшти, жун	Нидерландия, Белгия, Дания, Канада, Венгрия, Янги Зеландия, Австралия, Буюк Британия, Франция, АҚШ, Бразилия, Австралия, Аргентина, Уругвай, ЮАР
Йирик шохли қорамол, чўчкалар, қўй ва эчкилар	Бразилия, Аргентина, Мексика, Эфиопия, Хитой, Нидерландия, Канада, Австралия, Туркия, Сомали, Эфиопия

5. Дунёда балиқ овлаш ва балиқчилик

Бу тармоқнинг аҳамияти шу билан белгиланадики, балиқ ва унинг маҳсулотлари қимматли оқсил манбаи, тўлақонли овқатланишнинг энг муҳим элементи. Шу сабабдан дунёда овладиган балиқнинг 75-80 фоизи одамлар овқатланиши учун

сарфланади, қолган 20-25 фоизи эса қайта ишланиб, балиқ уни, қўшимча озуқага, балиқ мойига айлантирилади ва чорва озуқаси ёки фармасевтика саноатида ишлатилади. Ҳозир йиллик овланадиган балиқ 100 млн т га етади. Дунёда аҳоли жон бошига 17-18 кг балиқ тўғри келади. Японияда бу кўрсаткич 60-70 кг, Россия ва АҚШ да 17-18 кг, Непалда 0,2 кг.

Денгиздан овланган маҳсулотнинг 87-88 фоизи балиқ; 7-8 фоизи моллюска, 4-5 фоизи раксимонлар, 0,5 фоизи бошқа турлар. Овланган балиқ структурасида сўнгги ўн йилликларда илгари кўп овланган селд ва треска, ангоус балиқлари салмоғи пасайди, камрок, қимматга эга бўлган мойва, минтай, хек кабиларнинг салмоғи ошди. Бундай ҳол қимматли балиқларни кўп овлаш оқибатида содир бўлди. Уларга боғлиқ ҳолда денгиз балиқларини овлаш географиясида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди.

Чунончи 1) континентал шелеф ва Дунё океани чуқур сувли раёнларида балиқ овлаш нисбатлари ўзгарди. Сўнгги раёнларнинг салмоғи ошди, лекин улар унчалик катта салмоққа эга эмас (10%). Континентал шелфда 90% балиқ ва денгиз маҳсулотлари овланади;

2) доимий равишда Дунё океанининг учта асосий зонаси - шимолий (30° ш.к. дан шимолда), тропик ва жанубий минтақалар (30° ж.к. дан жанубда) ўртасидаги нисбат ўзгариб турибди. 1948 йилда уларнинг биринчиси 85%, иккинчиси - 13%, учинчиси - 2% овланган балиқни берган бўлса, ҳозирча улар ўртасидаги нисбат 52:30:18 га тенг. Демак, балиқ овлаш шимол-жануб йўналишида ўзгарган;

3) океанлар ўртасидаги нисбат ҳам ўзгаришга учрамоқда. 1950 йилда Атлантика океани ҳиссасига 54%, Тинч океанига 40%, Хинд океанига 6% овланган балиқ - денгиз маҳсулотлари тўғри келган бўлса, 1990 йилда бу кўрсаткичлар 27:67:6 нисбатда бўлган. Атлантика океани кўп асрлар мобайнида дунё денгиз балиқчилигининг асосий акваторияси бўлган эди. У ҳозир иккинчи ўринга тушиб, Тинч океани бирипчи ўринга кўтарилди;

4) океанларнинг асосий балиқ овланадиган раёнлари ўртасидаги нисбат ҳам ўзгаришга учрамоқда. Атлантика океанида иккита ана шундай раён - Европа қирғоқларидаги Шимоли-Шарқий ва Америка қирғоқларидаги Шимоли-Ғарбий раён қадимдан машхур. Биринчиси ўтган асрнинг 50-йилларида овланадиган балиқнинг ярмини берар эди. Лекин кейинчалик кўп овлаш, нефт саноати «рақобати» туфайли овлаш кескин қисқарди. Масалан, илгари балиққа бой шимолий денгиз эндиликда дунёнинг атиги 2,5% балиғини беради.

Шимоли-Ғарбда (Канада ва АҚШ) ҳам балиқ овлаш сезиларли камайди. Тинч океанида учта асосий овлаш раёни бор: а) Осиё қирғоқларидаги Шимоли-Ғарбий раён. Бу ерда Россия, Япония, Хитой, Корея Республикаси балиқ овлайди. У балиқ ва бошқа денгиз маҳсулотларини овлаш бўйича дунёда биринчи ўринда; б) Шимолий-Америка қирғоқларидаги Шимоли-Шарқий раён. У иккинчи ўринда; в) Перу ва Чили қирғоқларидаги Тинч океанининг Жануби-Шарқий қисми раёни. Бу ерда асосан Перу анчоус балиғи овланади. Бу бешта дунёнинг асосий балиқ овлаш раёнларида кўп овлаш таъсирида балиқ заҳиралари камайиб бораётганлиги сабабли уларни тиклаш бўйича катта тадбирлар ўтказилмоқда (АҚШ, Япония, Россия, Норвегия в.б.);

5) Сўнгги йилларда овлашда «биринчи ўнликка» кирувчи мамлакатлар таркибида ўзгаришлар юз берди. Ўтган асрнинг 50-йилларда «ўнликка» Япония, АҚШ, СССР, Хитой, Норвегия, Буюк Британия., Ҳиндистон, Канада, ГФР кирган бўлса, ҳозирги пайтда унинг таркибига «янги» аъзолар - Чили, Перу, Корея Республикаси, Таиланд қўшилди, ундан Буюк Британия, Канада, ГФР, Дания чиқиб кетди. «Биринчи ўнлик»дан кейинги ўринларда ривожланаётган мамлакатлар - Филиппин, Мексика, Бразилия туради. Хитойда ҳам балиқ овлаш тез ривожланмоқда. Шу билан бир қаторда анъанавий балиқ оловчи мамлакатлар - Норвегия, Дания, Исландия ҳозирга қадар Европанинг кўп мамлакатларига балиқ ва балиқ маҳсулотлари етказиб берувчи асосий мамлакат бўлиб қолаётир.

Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлар кўрсаткичлари 20-жадвалда берилган.

**Дунё ва айрим мамлакатларда балиқ овлаш, ва денгиз маҳсулотларини
(90-йиллар бошида)**

Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлари	Овлаш, млн т.	Дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлари	Овлаш, млн т.
Дунё бўйича	100,0	Россия	4,2
Япония	11,9	Ҳиндистон	3,0
Хитой	11,3	Корея Республикаси	2,5
АҚШ	6,0	Норвегия	2,5
Чили	5,5	Таиланд	2,5
Перу	5,5		2,0

Кейинги йилларда сув организмларини табиий қайта тиклаш жараёнларини тартибга солишда кўзда тутилган тадбирлар тизими - аква кўлтура (лотинча аква -сув, култура - етиштириш) балиқ овлаш ва балиқчиликда тобора катта рол уйнамоқда. У сув ҳавзаларида балиқ, маллюскалар, қисқичбакасимонлар ва сув ўтлари етиштириш, балиқларни акклиматизациялаш, сувости «фермаларини» ташкил этиш ва бошқа тадбирлар ўтказишни ўз ичига олади.

Денгиз муҳиtida тирик организмларни кўпайтириш марикултура деб аталади. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида дунёда аквакултура маҳсулоти 15 млн. т. га етди. Унинг 85%ини Осиё мамлакатлари - Хитой (5,5 млн т), Япония, Корея Республикаси, Ҳиндистон, Филиппин, Индонезия, Вьетнам берган. Бу ерда чучук сувли ҳавзаларда асосан карп балиғи, денгиз «фермалари» ва «плантасияларида» эса балиқ, моллюска, креветка, қисқичбака, мидий, сув ўтлари етиштирилади. Аквакултура Европа ва Шимолий-Америкада камроқ ривожланган. Денгиз «фермалари» Италия, Франция, Испания, Португалия, Нидерландия, Дания, Буюк Британия, АКШда бор. Дунё марикултура маҳсулоти 9 млн. тоннага етиб қолди. Башоратларга кўра, у анча кўпаяди, аквакултуранинг умумий маҳсулоти ҳажми 20 млн тоннадан ошиб кетди.

Кит овлашнинг ривожланиш тарихи Дунё океани биологик ресурсларига нисбатан эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарурлигини исботлайди.

Кит овлаш Норвегияда 1868 йилда вужудга келди, Шимолий Атлантикада бошланган. Бу раён XX асрнинг бошларигача ягона кит овлаш раёни бўлган, сўнгра у Антарктида атрофидаги сувларига кўчган ва тез орада Антарктида атрофи кўп мамлакатлар кит овлаш флотилиясининг асосий раёнига айланди. Кейинчалик Тинч океаннинг шимолий қисмида, Жанубий Америка, Африка, Австралия қирғоғларида кит овлана бошланган. Оқибатда XX асрнинг 60-йилида дунё кит овлаш касб-кори доимий равишда ривожланиб, ўсиб борди. Масалан, кит овлаш 1920 йилда 11 минг бош, 1939 йилда - 46 минг, 1962 йилда рекорд даража - 66 минг бошга етган. Лекин кейинчалик кит овлаш суръатлари тез камайди, 1975 йилга келиб 27 минг бошни ташкил этди. 1903 йилдан 70-йилларгача фақат Дунё океанининг жанубий қисмида 1,5 млн бош кит овланган. Оқибатда баъзи кит турларининг 90 фоизи, энг йирик китлар эса деярли бутунлай қириб юборилди. Шў сабабдан кит овлашни тартибга солувчи халқаро ташкилот - Халқаро Кит Овлаш Комиссияси (ХКОК) тузилди (1946 й). У дастлаб Антарктидада катгий кит овлаш квотасини белгилади, сўнгра бу тадбир Тинч ва Атлантика океанида ҳам қўлланилди. 1982 йилда ХКОК қарорига асосан 10 йиллик мараторий эълон қилинди, кит овлашга лисензия бериш қатъий тартибга солинди. 80-йилларда китлар фақат илмий мақсадлар учун овланди (тахминан йилига 1,5 минг бош).

Ҳозирги пайтда китлар сони кўпаймоқда, лекин бу жараён секин бормоқда ва китлар сони йилига бир неча фоизгагина ўсмоқда. 1993 йилда ХКОК мараторийни давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилди. 1994 йилда Дунё океанининг жанубий қисмида узок муддатли китлар кўрикхонаси (40° ж.к. дан жанубда) ташкил этилди.

10- Мавзу: Жаҳон транспорти

1. Транспортнинг хўжалик тизимидаги ўрни.
2. Ишлаб чиқаришни жойлаштиришда транспортнинг роли.
3. Транспорт тармоқларининг жойланиш омиллари.
4. Ўзбекистон транспорти,

Транспорт саноат ва қишлоқ хўжалиги билан бирга ишлаб чиқариш ва уни ҳудудий ташкил қилишнинг асоси ҳисобланади. У хўжалик тизимининг **«қон томири»**, ҳаракатлантирувчи кучи сифатида мамлакат ва районлар иқтисодий алоқаларини амалга оширади, уларнинг геоиқтисодий яхлитлигини таъминлайди. Транспорсиз иқтисодий географиянинг негизи бўлган ҳудудий меҳнат тақсимооти, маҳсулотни ишлаб чиқарган район билан уни истеъмол қиладиган жой орасида алоқа бўлмайди, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ҳам шаклланмайди. Умуман олганда, услубий тизим (система) ва мажмуа(комплекс)ни транспорт алоқаларисиз тасаввур қилиш кийин.

Юқоридаги макроиқтисодиётнинг уч асосий тармоғини ҳудудий ташкил қилиш шакли ўзига хос «географик геометрия»га эга, Иқтисодий маконда саноат алоҳида нуқтасимон, қишлоқ хўжалиги майдон (ареал) кўринишига эга бўлса, транспорт ҳудудни кесиб ўтувчи ва нуқталарни бирлаштирувчи кесим, чизиқ, «ўк» вазифасини ўтайди. Ана шу уч хил шаклларнинг бирлиги геоиқтисодий макон, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг ташқи кўриниши, минтақавий иқтисодиёт тасвирини акс эттиради.

Транспортга турли маънода қараш мумкин. Масалан, у хўжаликнинг алоҳида тармоғи, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркибига кирувчи тўрт элементлардан бири. Шу маънода транспорт нафақат восита, балки муҳим макроиқтисодиёт тармоғи ҳисобланади. Айни вақтда транспорт ишлаб чиқариш инфраструктурасининг асоси ҳамдир. Бу маънода транспорт ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва ҳудудий ташкил қилишнинг омили эканлиги кўриниб турибди. Демак, транспортни тармоқ ҳамда восита-омил кўринишида ўрганиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, айрим ҳолларда транспортнинг ана шу икки функцияси чалкаштирилиб юборилади, унинг макроиқтисодиёт тармоғи ва инфраструктура вазифасини бажариши орасидаги фарқ сезилмай қолади. Ваҳоланки, иккинчиси биринчиси учун хизмат қилади, шароит яратади.

Транспортнинг ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги аҳамияти ғоят катта. Бу омилга биринчи бўлиб немис олими А.Вебер ўзининг «саноат штандорти» назариясида катта ўрин берган. Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришни жойлаштиришда «қулай» ёки «ноқулай» деган тушунчаларнинг ўзи аксарият ҳолларда транспорт омили орқали ифодаланади; қулайлик - арзон демакдир, арзон эса транспорт жиҳатидан қулайликни, йўл сарф - чиқимининг камлигини англатади.

Тўғри, фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришда хом-ашё ва ёқилғи сарфининг камайиши, темир йўлларнинг электрлашуви, турли хил қувур транспорти, юқори қувватли электр узаташ тармоқлари, денгиз транспортини контейнерлаштириш ва хоказолар транспортнинг ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги ролини бироз бўлсада

сусайтиради. Аммо, шунга қарамасдан, транспортнинг маҳсулот қиймати шаклланишида, таннархида ҳиссаси катта. Хусусан, бозор иқтисодиёти шароитида, талабнинг индивидуаллашуви, маҳсулот турларининг кўпайиши ва уларни ўз вақтида этказиб бериш транспорт аҳамиятини янада оширади. Транспорт билан аҳоли жойлашуви, шаҳарлар ривожланиши ўртасида катта алоқадорлик мавжуд; бири иккинчисини тақозо қилади, бири иккинчисисиз бўлмайди. Одатда, йўллар шаҳарларга олиб боради, шаҳарлардан ташқарига йўллар панжасимон таралади, тарқалади; шаҳарлар транспорт тугунларига айланади. Н.Н.Баранский йўллар ва шаҳарлар ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркиби ва тизими, район ва мамлакатлар хўжалигининг «қовурғаси», ўзаги сифатида таърифлаганда ҳеч қандай муболаға йўқ. Чиндан ҳам ҳудуднинг ички тузилиши «рентген нури» асосида кузатилганда бизнинг кўз ўнгимизда айнан ана шу йўллар ва шаҳарлар орқали гавдаланади.

Транспортнинг шаҳарлар агломерацияси, шаҳар атрофи хўжалигида ҳам аҳамияти бекиёс. Америкаликларни ҳозирги кунда шаҳар атрофи, шаҳар яқинида яшовчи халқ, деб таърифлашади. Сабаби, бу ерда урбанизациянинг юқори босқичи - субурбанизация тез ривожланмоқда.

Йўллар янги ўзлаштириладиган ҳудудларга биринчи бўлиб кириб келадиган инфрақурултура элементиدير. Йўллар қазилма бойлик конларига боради, уларни ишлаб чиқариш марказлари билан улайди, боғлайди; саноат паркларини шакллантиради. Хуллас, транспорт ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизим ёки мажмуа вужудга келмайди.

Транспорт турининг жойланиши, зичлиги ва шакли ҳудуд ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасининг муҳим кўрсаткичидир. Масалан, радиал-айлана, тўрсимон шакл, одатда, ривожланган районларда кузатилади. Агар ҳудуднинг фақат чекка қисмлари транспорт билан таъминланган бўлса, демак, ҳудуднинг ички қисми табиий шароити ўзлаштириш учун ноқулай (Сибир, Узоқ Шарқ, - қозоғистон, Туркменистон ва ҳ.к.). Кўпинча йўлнинг, транспортнинг турларини, жойланишига қараб ҳудуднинг хўжалик таркиби, мужассамлашуви ва ихтисослашувини аниқлаш мумкин. Баъзан темир ва автомат йўллар, қувур транспорти, электр узатувчи тармоқ ва каналлар бир - бирига паралелл ҳолда жойлашади, икки йирик марказ орасида серкатнов «коридор» вужудга келади. Йўл бўйидаги аҳоли манзилгоҳларининг кичрайиб бориши марказдан узоқлашишни, йириклашуви -бошқа марказга яқинлашувдан дарак беради.

Мамлакат ва районлар, шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрни, салоҳият ва имкониятларини амалга оширувчи ҳам транспортдир. У ҳудудларни бир-бири билан боғлайди, минтақа, миллий ва жаҳон хўжалигини мукаммал система тарзида шакллантиради. Бир вақтлар Н.Н.Баранский: «Волга Россияни Осиё мамлакатига, Днепр Ўрта Денгиз мамлакатига айлантиради», деб айтган эди. Агар бизнинг Амударё ва Сирдарё ҳам Жаҳон океанига бевосита чиққанда эди, эҳтимол ўлкамизнинг геосиёсий мавқеи, хўжалиги ва маданияти янада бошқача бўлар эди.

Транспорт айниқса ташқи савдо билан алоқадор. Бинобарин, мамлакатнинг савдо алоқалари, халқаро иқтисодий муносабатлар негизида транспорт тизими ётади. Худди шу ўринда миллий иқтисодиётини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган эркин иқтисодий минтақаларни (ЕИМ), технополисларни вужудга келтиришда транспорт родини таъкидлаш жоиз.

Шундай қилиб, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг бирор қисми йўқки, у транспорт билан боғлиқ бўлмаса, Саноат, кишлок хўжалиги, аҳоли жойлашуви, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳудудий ташкил этилиши транспорт омилига асосланади.

қадимда транспорт, хусусан денгиз ва дарё транспорти кўп жиҳатдан табиий шароитга боғлиқ бўлган. Ҳозир ҳам қитъа ва мамлакатларнинг қирғоқ чизиғи, шакли табиий ҳолда портларни (бандаргоҳларни) қуриш нуқтаи назаридан қулай ва ноқулай бўлиши мумкин, .

Темир йўл транспортининг табиий омилларга боғлиқлиги бошқаларга қараганда анча кам. Дунёнинг айрим мамлакатларида (Боливия, Перу) темир йўллар 4700 - 4800 м денгиз сатҳидан баландликда жойлашган тоғ минтақаларида темир йўллар одатда дарё, бўйлаб, баъзи жойларда тунеллар орқали ўтади, мураккаб шароитда тор изли йўллар курилади.

Темир ва автомобил йўллар курилишида кўприклар ҳам катта аҳамиятга эга. Кўприкларни куриш эса тоғ ёки текислик дарёларда ўзига хос хусусиятга эга. Тоғ дарёларида кўприклар унча узун эмас, текисликда эса улар узун бўлиб, бунинг учун унинг таянчи қирғоқнинг каттиқ жинсларидан иборат қисмига қўйилади. Умуман, темир йўлларни куриш катта вақт ва маблағни талаб қилади, аммо улар шунга мувофиқ узок муддат хизмат қилади.

Табиий шароит, жумладан шамол, ёғин - сочин, булут, туман автомобил, ҳаво ва денгиз транспортига анча таъсир кўрсатади. Тупроқ ва, унинг физик хусусиятлари, гидрогеологик шароит айниқса, каттиқ қатламли автомобил йўлларида куришда эътиборга олинади.

Хўжалик ва аҳоли жойлашуви ҳам транспорт тури ва таркибига таъсир этади. Жумладан, тоғ-кон, оғир саноат районларида темир йўл, қишлоқ хўжалиги районларида автомобил транспорти, ўрмон хўжалигида дарё транспорти катта аҳамиятга эга бўлади. Саноат ва қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган, аҳоли, зич жойлашган воҳа ва водийларда, шаҳар атрофида, рекреация районларида транспорт тизими шунга мос равишда мукамал ҳолда шаклланади.

Транспортнинг жойлашувига сиёсий географик омил ҳам таъсир қилади. Масалан, собиқ СССРнинг тарқалиши ва янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши натижасида ички чегаралар ташқи давлат чегарасига айланди, мамлакат ички қисмларини боғловчи транспорт тизимини шакллантириш зарурияти туғилди. Чунончи, Ўзбекистонда йўл мустақиллигига еришиш мақсадида Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон, Учқудук-Жанубий Қорақалпоғистон темир йўллари курилмоқда, Париж-Шанхай ёки Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш учун Ангрен-Поп автомобил йўли кенгайтирилмоқда, республика пойтахтидаги йўллар магистраллаштирилмоқда.

Транспорт тўрининг жойлашишида мамлакат ҳудудининг катта-кичиклиги, ташқи қиёфаси (конфигурацияси) катта мазмунга эга. Агар мамлакат ёки район ўзидан каттароқ ҳудуднинг марказида жойлашган бўлса, у ҳолда унинг марказийлиги транспорт алоқаларда ўз ифодасини топади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини олайлик: у шимоли -ғарбдан жануби-шарққа узок масофада чўзилган, Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган. Демак, Ўзбекистон қўшни давлатлар билан алоқа қилишда қулай имкониятларга эга. Айни вақтда ҳудуднинг кесувчанлиги, ўтувчанлиги (транзитлиги) ҳам унинг географик ўрнига боғлиқ

Агар мамлакат денгиз ёки океан бўйида жойлашган бўлса, унда сув ва қуруқлик транспортининг уйғунлашуви талаб қилинади; денгиз транспорти ташқи алоқаларни, дарё ёки қуруқлик транспорта ташқи алоқаларни ички транспорт тизими билан туташтиради.

Ўз навбатида қуруқлик транспорти ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишда турли хил геометрик шаклларни вужудга келтиради. Масалан, Ўзбекистон харитасида Тошкент-Жиззах-Бекобод, Самарқанд-Бухоро-Қарши учбурчаги, Фарғона ҳалқаси яққол кўзга ташланади. Айнан ана шу шакллар мамлакат миллий ва минтақавий иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Транспорт турлари, хусусан автомобил транспортини жойлаштиришга экологик омил ҳам катта таъсир қилади. Маълумки, ҳозирги кунда, айниқса шаҳар экологик муҳитининг ифлосланишида автомобиллар қатновининг ўрни юқори. Автомобил ва самолёт қатновлари муҳитни шовқин жиҳатидан ҳам «ифлослантиради». Бу ҳолат айниқса йирик аэропорт ўрнашган жойларда жуда сезиларли.

Шаҳар ташқарисидаги магистрал автомобил йўллар ёқасида ҳам бу муҳит яхши бўлмайди. Шу боис, баъзи бир маълумотларга қараганда, катта йўлларнинг икки тарафида 50 м. масофада қишлоқ хўжалик экинлари экиш мақсадга мувофиқ эмас.

Сўнгги йилларда транспорт турлари кўпайиб ва ривожланиб бормоқда, уларнинг жойланиши ҳам ўзгармоқда, Аънавий темир ва автомобил, сув (дарё, денгиз ва океан), ҳаво транспорти билан бир каторда қувур транспорти ҳам ривожланиб бормоқда. У кўпинча нефт-газ саноати мавжуд бўлган ҳудудлардан турли истеъмол районларига тарқалган. Тараққий этган мамлакатларда эса қувурларда ҳатто қаттиқ жинслар - темир рудаси, кўмир кабилар ҳам юборилади («пульпопровод»).

Барча транспорт турларининг икки асосий вазифаси бор: юк ва пассажирлар ташиш. Юк ташишда транспорт тизимида ташиладиган маҳсулот ёки хом-ашёнинг транспорттабеллиги, масофаси ва таркиби, қиймати ҳисобга олинади. энг арзон, одатда, денгиз (океан) транспорти ҳисобланади. Ундан кейинги ўринда йирик дарёлардаги транспорт туради, Темир йўл транспорти ҳам бу борада анча арзон ҳисобланади.

Транспортнинг ўзининг ҳам ҳудудий мажмуалари мавжуд. Бунга транспорт тугунлари мисол бўла олади. Йирик транспорт маркази ва тугунларида ўзига хос объектлар (таъмирлаш заводлари, омборхоналар, бевосита транспорт билан боғлиқ қурилиш материаллари ва бошқа саноат корхоналари) жойлашади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Транспортнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Транспортнинг бошқа хўжалик тармоқлари билан алоқасини тушунтириб беринг.
3. Табиий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-географик омиллар транспорт тури ва тизимининг жойлашувига қандай таъсир кўрсатади?
4. Ўзингиз яшаётган жойда транспортнинг қайси турлари яхши ривожланган?

Мавзу .ИНСОНИЯТНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

1.Глобал экологик муаммолар

2.Йирик экологик муаммолар ечими

3.Ҳудудий экологик муаммолар

1. Инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида дунёда йирик экологик муаммолар келиб чиқмоқда. Улар қуйидагилар: “иссиқхона самараси”, озон “тўйнуғи”, чўълашиш.

“Иссиқхона самараси”. Дунё бўйича XX- асрнинг 50- йилларидан бошлаб, энергия ишлаб чиқаришнинг кескин ортиши муносабати билан атмосферага катта миқдорда чиқиндилар чиқарила бошланди. Атмосферага чиқариладиган чиқиндилар миқдори йилига 5 миллиард тоннани ташкил қилди. Бу миқдор йил сайин орта бошлади. Бу эса Ёердаги ўртача ҳарорат 1890 –йилдаги 14,5 градус К га, яъни 0,7 даражага ортишига олиб келди. Мазкур кўрсаткич йил сайин ортиб бориш хусусиятига эга. Бу эса “иссиқхона самараси” нинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Олимларнинг фикрича “иссиқхона самараси”ни вужудга келтирувчи газларнинг ҳозирги ортиш суръати сақланиб қолса, ҳар 10 йилда ҳарорат 0,2-05 даражага ортиб боради. Бу эса турли экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин. Дунё бўйича ҳаво ҳароратининг 1-2 даражага кўтарилиши натижасида Йевросиёда тундра, ўрмон-тундра, тайга, аралаш ва кенг баргли ўрмонлар, ўрмон дашт ва дашт табиат зоналарининг шимолга силжиши кутилмоқда. Бундан ташқари, Йеуропа ва Африкада дарёларнинг сув оқими ортади.

Дунё бўйича ҳаво ҳароратининг ортиши музликларнинг эриши ва океан сувларининг иссиқлик таъсири натижасида кенгайишига олиб келади. XX-аср давомида олимларнинг ҳисоби бўйича океан сатҳи 17,5 см га кўтарилган. Америка олимларининг башоратига кўра 2100 йилга келиб дунё океани сатҳи 1,4- 2,2 м га

кўтарилиши мумкин. Бу океан соҳилларида жойлашган кўпчилик давлатларнинг сув остида қолиб кетишига сабаб бўлади.

“ Озон туйнуғи”. XX- асрнинг 50 -йилларидан бошлаб, ҳавода фреон газларининг (хлор, фтор, углерод) миқдори кўпайганлиги кузила бошланди. Бу газлар 25 км баландликда жойлашган озон қатламини емира бошлади. Маълумки, озон қатлами куёшдан келаётган зарарли ултрабинафша нурларини тутиб қолади. Озон қатламининг емирилиши натижасида озон “туйнуғи” ҳосил бўлди. Мазкур туйнукдан Йер юзасига ултрабинафша нурларининг кириб келиши донли экинлар ҳосилини кескин камайтириб юбориши, одамаларнинг тери раки касалига чалинисаҳига сабаб бўлиши аниқланган.

1989 –йил 81 мамлакат олимлари, мутахассислари ҳамда давлат арбоблари қабул қилинган “ озон қатламини муҳофаза қилиш Хелсинки Декларацияси ” да 2000 йилга қадар фреон газларидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларини камайтириб бориш тадбирлари белгилаб берилди. Натижада сўнгги йилларда озон “туйнуғи” нинг майдони қисқариб бормоқда.

Чўллашиш. Ҳозирги пайтда чўллашиш жараёни, яъни ҳосилдор ерларнинг, яйловларнинг чўлга айланиши таббӣй ва суъний омиллар таъсирида содир бўлмоқда. Табӣй омилларга асосан қурғоқчилик киради. Масалан, 1968- 1974 йилларда Саҳрои Кабирнинг соҳил минтақасида фалокатли қурғоқчилик киради. Чад кўли майдонинг 60 % дан ортғи, Нигер, Сенегал дарёлари қуриб қолди, намлик етишмаслиги натижасида яйловларнинг маҳсулдорлиги кескин камайди, чўл 100- 150 км га саваннага бостириб керди.

Инсоннинг ердан нотўғри фойдаланиши натижасида катта-катта майдонларда ҳосилдор ерлар чўлга айланмоқда.

Ҳозирги пайтда инсон фаолияти таъсирида 9 млн кв. Км майдонда чўл ҳосил бўлган. Ҳар йили тахминан 21 млн га ер тўлиқ бузилиб, чўлга айланмоқда. Ҳар йили суғорилаётган ерларнинг 6 млн га майдони чўлга айланади.

Ҳозирги пайтда чўллашишга қарши курашни мувофиқлаштирувчи ташкилот фаолият кўрсатиб турибди.

3. Худудий экологик муаммолар ва уларнинг ечими.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги юқори даражада ривожланган ҳудудларда табиат ва жамият ўртасида ўзаро таъсирнинг кескинлашуви оқибатида минтақавий экологик муаммолар келиб чиқмоқда. Бу экологик муаммолар табиӣй муҳитни кескин ўзгартириб, аҳоли саломатлигига таъсир этмоқда.

Ҳозирги пайтда ҳудудий экологик муаммолар Ўрта, Қора, Азов, Болтик, Шимолий, Кариб денгизлари ҳавзаси, Форс қўлтиғи, Каспий, ва Орол денгизлари, Байкал, Балхаш, Ладога, Чад, Буюк кўллар, ва бошқа ҳудудларда мавжуд.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда вужудга келган ҳудудий экологик муаммо-бу, Орол денгизи муаммосидир. 1911- 1960 –йиллар давомида Орол денгизида ҳар йили ўртача 52 куб км сув қуйилиб келган ва унинг сатҳи мунтазам равишда 53 метр мутлақ баландликда акваторияси 66 минг кв. км, сувнинг ўртача шўрланганлик даражаси 9,5 -10 % (9,5- 10 г/л) бўлиб, ўртача чуқурлиги 16 метрни ташкил қилган.

Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистонда қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, қатор йирик сув омборларининг бунёд этилиши, каналлар, коллектор-зовурлар тизимларини қуриб, ишга туширилиши натижасида 1961 –йилдан бошлаб Амударё ва Сирдаёдан Орол денгизига тушадиган сувлар миқдори камая бошлади. Бунинг оқибатида Ўрол денгизининг сатҳи пасайиб, майдони қисқара бошлади, сувнинг шўрланганлик даражаси эса орта бошлади.

Орол денгизи сатҳи 1960 -1970 йиллар 21 см, 1971 1980 –йилларда 68 см, 1981-1985-йилларда 80 см ни ташкил қилди.

Орол денгизига Амударё ва Сирдаёдан 1941-1960 –йиллар 55, 2 куб км; 1961-1970-йиллар 41,5; 1971-1985-йиллар 15,0; 1986-1996-йиллари 12,6 куб км сув келган.

Ҳозирги пайтда Орол денгизининг қуриб қолган қисми майдони 3 млн га ни ташкил қилади. Денгизнинг қуриган қисми яланг текисликдан иборат бўлганлиги учун уер ости сувларининг горизонтал ҳаракати қийин, шунинг учун уларнинг асосий қисми бугланиб, тупроққа туз микдорининг ортиб кетишига олиб келди.

Амударё ва Сирдаё қуйи қисмига оқиб келаётган сувнинг камайиши оқибатида бу ерлардаги ботқоқ ва тўқайлар майдони қискариб, чўллашиш жараёни ривожланди.

Ҳозирги вақтда Орол денгизи муаммоси ечими ики нарсага – денгиз сатҳини маълум даражада ушлаб туришга ва Оролбўйи экологик шароитини яхшилшга қаратилган.

Орол денгизи сатҳини маълум бир баландликда ушлаб туриш учун Оролга ҳар йили Амударё ва Сирдаёдан 20 куб км сув тушиб туриши лозим.

Оролбўйи ҳудудида экологик шароитни яхшилашнинг асосий йўли аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қуриб қолган ўзанлар, қўлларга мунтазам равишда сув юбориш, денгизнинг қуриган қисмига шамол ҳаркати тўсиш учун қумларни ўсимликлар билан мустаҳкамлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, яйловлар, пичанзорлар майдонини кенгайтиришдан иборат.

Худудий экологик муаммолар ва уларнинг ечими.

Саноат ва қишлоқ ҳўжалиги юқори даражада ривожланган ҳудудларда табиат ва жамият ўртасида ўзаро таъсирнинг кескинлашуви оқибатида минтақавий экологик муаммолар келиб чиқмоқда. Бу экологик муаммолар табиий муҳитни кескин ўзгартириб, аҳоли саломатлигига таъсир этмоқда.

Ҳозирги пайтда ҳудудий экологик муаммолар Ўрта, Қора, Азов, Болтиқ, Шимолий, Кариб денгизлари ҳавзаси, Форс қўлтиғи, Каспий, ва Орол денгизлари, Байкал, Балхаш, Ладога, Чад, Буюк қўллар, ва бошқа ҳудудларда мавжуд.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда вужудга келган ҳудудий экологик муаммо-бу, Орол денгизи муаммосидир. 1911- 1960 –йиллар давомида Орол денгизига ҳар йили ўртача 52 куб км сув қуйилиб келган ва унинг сатҳи мунтазам равишда 53 метр мутлақ баландликда акваторияси 66 минг кв. км, сувнинг ўртача шўрланганлик даражаси 9,5 -10 % (9,5- 10 г/л) бўлиб, ўртача чуқурлиги 16 метрни ташкил қилган.

Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистонда қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, қатор йирик сув омборларининг бунёд этилиши, каналлар, коллектор-зовурлар тизимларини қуриб, ишга туширилиши натижасида 1961 –йилдан бошлаб Амударё ва Сирдаёдан Орол денгизига тушадиган сувлар микдори камая бошлади. Бунинг оқибатида Ўрол денгизининг сатҳи пасайиб, майдони қисқара бошлади, сувнинг шўрланганлик даражаси эса орта бошлади.

Орол денгизи сатҳи 1960 -1970 йиллар 21 см, 1971 1980 –йилларда 68 см, 1981-1985-йилларда 80 см ни ташкил қилди.

Орол денгизига Амударё ва Сирдаёдан 1941-1960 –йиллар 55, 2 куб км; 1961-1970-йиллар 41,5; 1971-1985-йиллар 15,0; 1986-1996-йиллари 12,6 куб км сув келган.

Ҳозирги пайтда Орол денгизининг қуриб қолган қисми майдони 3 млн га ни ташкил қилади. Денгизнинг қуриган қисми яланг текисликдан иборат бўлганлиги учун уер ости сувларининг горизонтал ҳаракати қийин, шунинг учун уларнинг асосий қисми бугланиб, тупроққа туз микдорининг ортиб кетишига олиб келди.

Амударё ва Сирдаё қуйи қисмига оқиб келаётган сувнинг камайиши оқибатида бу ерлардаги ботқоқ ва тўқайлар майдони қискариб, чўллашиш жараёни ривожланди.

Ҳозирги вақтда Орол денгизи муаммоси ечими ики нарсага – денгиз сатҳини маълум даражада ушлаб туришга ва Оролбўйи экологик шароитини яхшилшга қаратилган.

Орол денгизи сатҳини маълум бир баландликда ушлаб туриш учун Оролга ҳар йили Амударё ва Сирдаёдан 20 куб км сув тушиб туриши лозим.

Оролбўйи ҳудудида экологик шароитни яхшилашнинг асосий йўли аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қуриб қолган ўзанлар, қўлларга мунтазам равишда сув юбориш, денгизнинг қуриган қисмига шамол ҳаркати тўсиш учун қумларни ўсимликлар билан мустаҳкамлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, яйловлар, пичанзорлар майдонини кенгайтиришдан иборат.

1. Инсоннинг ҳўжалик фаолияти натижасида дунёда йирик экологик муаммолар келиб чиқмоқда. Улар қуйидагилар: “иссиқхона самараси”, озон “туйнуги”, чўълашиш.

МАВЗУ ЖАХОН МОЛИЯВИЙ ИҚТИСОДИЙ ИНКИРОЗИ

8-Мавзу. Европа мамлакатларига умумий иқтисодий географик тавсиф

Режа:

1. Худудий чегаралари, географик ўрни.
2. Табиий шароити ва ресурслари.
3. Аҳолиси.
4. Ҳўжалигининг умумий таърифи.

1. Худудий чегаралари, географик ўрни

Европа 5,1 млн.кв.км худудни эгаллайди. Аҳолиси 500 млн киши. Бу ерда тарихий тақдири умумий, сиёси, иқтисодий ва маданий муносабатлари чамбарчас боғлиқ бўлган 40 га яқин мустақил давлатлар жойлашган. Хорижий Европа - жаҳон маданиятининг ўчоқларидан бири, буюк географик кашфиётлар, саноат тўнтаришлари, Шаҳар агломерациялари, ҳалқаро иқтисодий интеграция рўй берган қитоа. Эндиликда гарчи “Европосентризм” ортида қолган бўлсада, бу регион бугунги кунда ҳам жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида жуда муҳим ўрин тутди.

Европанинг худуди Шимолдан жанубга 5 минг км га, ғарбдан Шарққа 3 минг км дан ортиқча чўзилган. Европа мамлакатлари орасида катталари ҳам, кичиклари ҳам бор. Бирок уларнинг кўпчилиги нисбатан кичик мамлакатлардир.

Хорижий Европа мамлакатларининг иқтисодий географик ўрни икки асосий хусусиятлари билан белгиланади. Биринчидан, бу мамлакатларнинг бир-бирига нисбатан яқин қўшни эканлиги ўзига хос хусусиятдир. Худуднинг кичиклиги, чегараларининг яқинлиги, транспортнинг тучун йўлга қўйилганлиги туфайли бу мамлакатлар ё бевосита Чегараланади, ёки кичик масофа ўзаро ажратиб туради. Бунинг устига бу Чегаралар шундай жойлардан ўтадики, улар транспорт алоқалари учун унШа тўсиқ бўла олмайди.

Иккинчидан, аксарият мамлакатлар денгиз бўйида жойлашган бўлиб, уларнинг кўпи энг гавжум денгиз йўллари яқинидадир. Регионнинг ғарбий қисмида денгиздан 480 кмдан узоқда жойлашган. Шарқий қисмида эса 600 кмдан узо масофада бўлган бирорта ҳам жониворлар йўқ. Буюк Британия, Нидерландия, Дания, Норвегия, исландия, Португалия, Испания, Италия, Грециянинг бутун ҳаёти қадим замонлардан бошлаб денгиз билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг ҳар бирини иборали қилиб “денгиз қизи” деб атаса бўлади.

Регионнинг сиёсий ҳаритаси XX аср давомида 3 марта, яъни биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши ҳамда сўнгги йилларда катта ўзгаришларни бошидан кечирди. Сўнгги йиллардаги ўзгаришлар Германиянинг бирлашганлиги, Литва, Латвия ва Эстониянинг мустақилликка эришганлиги ва Шарқий Европа мамлакатларидаги ижтимоий тузумнинг ўзгарганлигидан иборатдир. Хорижий Европада далаат тузумига кўра Республикалар ҳам, монархиялар ҳам бор. Монархиялар орасида унитар далаатлар ҳам, федератив далаатлар ҳам мавжуд.

2. Табиий шароити ва ресурслари

Европада саноатнинг ривожланишига имкон берувчи табиий шароит ва ресурслар кўп жихатдан бу ердаги фойдали қазилмалар билан боғлиқ бўлиб қолган.

Тошқўмир ҳавзалари орасида ГФРда Рур, Полшада юқори силезия ҳавзаси, нефт газ ҳавзалари орасида Шимолий денгиз ҳавзаси, темир ҳавзалари орасида эса Франциядаги Лотарингия қва Швециядаги Кируна ҳавзалари алоҳида ажралиб туради.

Хорижий Европанинг гидроенергетика ресурслари анча катта, улар асосан Алп тоғлари, Скандинавия тоғлари ва Динара тоғлари жойлашган ҳудудларга тўғри келади.

Регионнинг табиий Шароити қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун нисбатан қулай бўлиб, бу қулайликдан кўп асрлардан буён фойдаланиб келинади.

Регионнинг агроиклимий ресурслари унинг мўтадил минтақада жанубий қисмида эса субтропик минтақада жойлашганлиги билан боғлиқ. Ўрта денгиз бўйида деҳқончилик қилиш ерларни суғоришни тақозо этади. Суғориладиган ерлар Италия ва Испанияда жуда кўпдир.

3. Аҳолиси.

Кейинги вақтда хорижий Европа аҳолиси жуда секин ўса бошлади. Бунинг сабаби Шуки, аҳолининг кўпайиши учун региондаги демографик вазият мураккабдир. Айрим мамлакатларда ҳатто аҳолининг сони туғилишнинг камлиги кузатишмоқда. Айни вақтда аҳолининг ёш таркиби ҳам ўзгармоқда. Аҳоли таркибида кексаларнинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

Хорижий Европанинг аҳолиси миллий таркибга кўра нисбатан бир хилдир. Региондаги 62 миллатнинг аксарият қисми ҳинд Европа тил оиласига киралди. Шуниси ҳам борки, славян, роман, герман тил гуруҳларининг анчагина ўзаро ўхшаш томонлари бор. Улар оиласига мансуб тил гуруҳлари Шундай хусусиятга эга. Шунга қарамай регионнинг минг илар давомида Шаклланган этник ҳаритаси у қадар оддий эмас. Бу ерда бир миллатли давлатлар миллий таркибий мураккаб ҳам анчагина бўлиб уларда сўнгги вақтларда миллатлараро муносабатларнинг ўтқарлашуви кузатишмоқда. Бунг Югославиядаги давлатнинг паршаланичига олиб келган миллий тўқнашувлар миколдир.

Хорижий Европа дунёнинг аҳоли энг зиш жойлашган регионларидан биридир. Бунда аҳолининг жойлашиши аввало Шахарлар географиясига боғлиқ. Бу ерда урбанизация даражаси энг каттадир. Шахарларда ўрта ҳисобда жами аҳолининг 70 % дан ортиғи, айрим мамлакатларда эса 80 % ва 90 % дан ортиғи яшайди. Шахарларнинг умумий сони миглаб ҳисобланади. Улар ҳудуд бўйлаб зиш жойлашган. Минг йиллар давомида ғарбий Европа Шахар типи вужудга келди. Унинг илдизлари рим империяси даври ва ўрта асрларга бориб тақалади.

4. Хўжалигининг умумий таърифи

Европа бир бутун регион сифатида саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ҳажми, товар ва хизмат кўрсатиш экспорти, олтин ва валюта захиралари, халқаро туризмнинг ривожланиши жихатдан биринчи ўринда туради. Хорижий Европанинг бошқа мамлакатларидан Испания, Нидерландия, Швеция, Белгия ва Швеция энг катта мавқега эга.

Юқоридаги 4 етакчи мамлакатлардан фарқли ўлароқ Европа ёки бутун дунёда айрим тармоқларга ихтисослашган. Кичик ва ўрта мамлакатлари жаҳон иқтисоди алоқаларида айниқса кенг иштирок этади.

Иқтисодиётнинг жаҳон мамлакатларига ошқилиги жихатдан Белгия ва Нидерландия етди. Регионнинг иқтисодий ҳаритасида Шарқий Европа мамлакатлари алоҳида ўрин тутади. Шарқий Европада 80-йиллар охирида бошлаб иқтисодиётни марказий режалаштирилган собиқ социалистик тизим иқтисодиёти тамойилларига асосланган тизимга ўтмоқда.

Германиянинг иқтисодий-географик тавсифи

1. Иқтисодий-географик ўрни ва жаҳонда тутган ўрни

Германия Федератив Республикаси (ГФР), пойтахти - Берлин шаҳри.

Аҳолиси - 82,0 млн. нафар, майдони - 356 минг кв.км.

Германия Европанинг марказида жойлашган, уни шарқ томондан Полша ва Чехия, жанубдан Швейсария ва Австрия, жанубий- ғарбдан Франция, ғарбдан Белгия ва Голландия, шимолда эса Дания давлатлари, Шимолий-шарқда Болтиқ денгизи ва шимолий-ғарбда Шимолий денгиз ўраб туради.

Германия - НАТО, Ғарбий Европа иттифоқи ва умумий бозорнинг аъзосидир. НАТОнинг Марказий Европа қуруқлигидаги бирлашган қуролли кучларининг 45%ини Германия қўшинлари ташкил қилади. Германия ва Полша Болтиқ денгизидаги портлардан ва кема қатнайдиغان Оздер дарёсидан биргаликда фойдаланади. Германия учун бевосита Шимолий денгизга чиқиш алоҳида рол ўйнайди.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланган ҳудудларидан оқиб ўтувчи Рейн дарёси ва унинг Рур ҳамда бошқа ирмоқлари жуда кўп юкларни денгизга ва денгиздан мамлакат ичкарисига ташишга имкон яратади. Германиянинг сиёсий-географик мавқеи ўтган асрнинг 60-йилари

охиригача кўп жиҳатдан ҳукмрон доиралар мамлакатларига боғлиқ эди. Муайян кучлар бу сиёсатни ҳозир ҳам қўллаб-қувватлашмоқда. Шу сабабли Германиянинг шарқий қўшнилари Полша, Чехия ва Россия билан иқтисодий ва бошқа алоқалари унча катта бўлмади.

Германия ҳукумати кейинги даврда бирмунча реалистик ташқи сиёсат юритмоқда, Россия, Полша, Чехия билан тузган шартномаларида мавжуд чегаралар бузилмас чегара экани қайд қилинди. Бу шартномалар Европада аҳвол кескинлашувига сабаб бўлади. Бироқ, Германиянинг реалистик кучлари бунга қарши чиқмоқдалар. Германияда АҚШнинг ракета ва ядро қуролилари жойлашган. Германия аҳолиси сони жиҳатдан ғарбий Европада энг йирик давлат. Иккинчи жаҳон уруши вақтида анча талофат кўрганлигига ва табиий ўсиши пастлигига қарамасдан, Ғарбий Германия аҳолиси сони тезда урушдан аввалигидан ошиб кетди. Шарқий Европа мамлакатларидан бу ерга 7,5 миллион киши кўчиб келди. Катта вайроналик ва иқтисодий қийинчиликларга қарамай, ҳамма кўчиб келганлар уй-жой ва иш билан таъминланди, деҳқонларга ер берилди. Урушда Германия айниқса, Шарқий Германия жуда кўп одам йўқотганлиги, уруш оқибатлари Германия аҳолиси таркиби ва кўпайиш динамикасига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

2. Германиянинг табиий шароити ва табиий ресурслари

Германиянинг катта қисмида табиий шароит қишлоқ хўжалиги учун қулай. Мамлакат ҳудудининг 33 фоизига яқини Шимолий Германия пастлигида, деярли ярми ер юзаси текис бўлган ўрта Германия паст тоғларидадир. Тупроқлари асосан ўртача унумдор. Аммо ишланадиган ерларининг тупроқлари доим ўғитланганидан табиий тупроқларга қараганда анча унумли.

Саноатининг ривожланишига имкон берувчи табиий шароит ва ресурслар кўп жиҳатдан мамлакатдаги фойдали қазилмалар билан бевосита боғлиқ. Болтиқ қолқони билан боғлиқ рудали фойдали қазилмалар, герсин бурмаланиши билан боғлиқ ёқилғили фойдали қазилмалар бор. Германия тошқўмир казиб чиқаришда Европада олдинги ўринларда, қўмир захиралари бўйича жаҳонда 5чи, қўмир ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш бўйича эса 4-ўринда.

3. Аҳолисининг жойлашуви, меҳнатда бандлиги

Германия аҳолисининг жойлашуви, меҳнатда бандлик структураси ва синфий таркиби жиҳатдан Европада, ҳатто, дунёда олдинги ўринлардан биринчи эгаллайди.

Рур қўмири хавзасида эса аҳоли зичлиги 1 км² га 1000-3000 нафар тўғри келади. Урбанизация жиҳатидан Германия дунёда биринчи ўринда. Мамлакат аҳолисининг 90 %га яқини шаҳарларда яшайди. Аҳолиси ўртача зичлиги юқорилиги ҳамда иқтисодиёти юқори даражада ривожланлиги, қишлоқ хўжалиги қулай табиий шароитга эга бўлган жанубий округларда минерал хомашёлари анча зичлиги учун ривожланишдан бирмунча орқада. Шимолий округларда эса аҳоли сийрақроқ жойлашган. Аҳолининг табиий ўсиши катта эмас, ўртача зичлиги 1 км²га 300 нафарни ташкил қилади. 28-жадвалда Германиянинг асосий йирик шаҳарлари аҳолиси сони кўрсатилган.

28-жадвал

Германияда энг йирик шаҳарлари аҳолиси

Берлин (пойтахт)	3438000
Гамбург	1661000
Мюнхен	1237000
Кёльн	1004000
Франкфурт Майн	647000
Ессен	626000
Дортмунд	600000
Штутгарт	584000
Дюсселдорф	577000
Бремен	552000
Дуйсбург	537000
Ганновер	514000
Лейпциг	508000
Нюрнберг	495000
Дрезден	488000

Кўриниб турибдики, мамлакат аҳолисининг катта қисми пойтахтда - Берлинда яшайди. Аҳоли зичлиги бўйича Гамбург ва Мюнхен шаҳарлари туради. Берлин, Гамбург ва Мюнхен шаҳарларида аҳолининг жуда йирик қисми 46% яшайди. Германияда меҳнатда банд аҳолининг таркиби қуйидагича: иқтисодий фаол аҳолининг ярми ёки қишлоқ хўжалигидагига қараганда ўн хисса кўп қисми саноатда, хунармандчилик ва қурилишда бандлиги ҳосдир.

4. Хўжалигининг умумий таърифи

Германия Республикаси юқори даражада ривожланган индустриал давлат. Саноат ишлаб чиқариш даражаси жиҳатдан Германия АҚШ дан анча орқада, аммо Япония билан деярли бир қаторда, бошқа ривожланган мамлакатлардан олдинда туради. Япония, Буюк Британия, Италия, Белгия ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг умумий миқдоридан кўп маҳсулот ишлаб чиқаради.

Саноат - Германия иқтисодиёти қудратининг асоси. Саноатда энг йирик монополиялар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Урушдан кейин Германия саноати юқори суръат билан ривожланиши натижасида жаҳон хўжалигида тез орада жуда муҳим мавқени эгаллаб олди. Бунинг сабаблари кўп.

жадвал

Германиянинг жаҳонда тутган ўрни

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Егаллаган ўрни
ЯММ	Млрд.доллр.	2252.33	3
ЯММ аҳоли жон бошига	Минг доллар	27,5	6
Електр энергия	Млрд. кВтГъс	483,3	6
Кўмир	Млн .тонна	261,5	5
Мисс	Млн. Тонна	0,59	4
Рух	Млн. Тонна	0,36	4
Пластмасса	Млн. Тонна	16,5	3
Ўсимлик ёғъи	Млн. Тонна	2,42	8
Маргарин	Млн. Тонна	0,65	4
Сарёгъ	Млн. Тонна	0,45	4
Пишлоқ	Млн. Тонна	1,37	3
Вино	Млн. Гкл	11,3	6
Пиво	Млн. Гкл	113,4	3
Сигарет	Млрд. Дона	222,8	4
Бугъдой	Млн. Тонна	16,7	8
Пўлат	Млн. Тонна	42,0	5
Ёгъоч материаллари	Млн. М	13,5	8
Гъишт	Млрд. Дона		

Германия иқтисодиётида саноат етакчи рол ўйнайди. Саноат маҳсулоти қиймати жиҳатидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотидан 6 баробар ортиқ. Шу билан бирга Германия қишлоқ хўжалиги юқори даражада интенсивлиги билан ажралиб туради ва бу жиҳатдан Европада олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, электрлаштириш жиҳатидан, у энг юқори даражададир. Германия энг мурракаб маҳсулотлар - машинасозлик ва сертармоқ кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Кўпгина ривожланган мамлакатлар импорт қилинадиган машиналарнинг 33 % га яқин қисмини Германия республикасида олади. Қишлоқ хўжалиги ўз маҳсулотларининг қиймати жиҳатидан саноатдан 15 марта паст кўрсаткичга эга.

Қишлоқ хўжалиги тобора саноат билан бирлашиб кетмоқда, умуман олганда, у юқори даражада ривожланган, аммо «умумий бозор»да ўзининг баъзи бир рақибларидан орқада қолмоқда ва зарар кўрмоқда. Германия ташқи савдо обороти ва олтин захираси жиҳатидан фақат АҚШ дан

кейин, яъни иккинчи ўринда туради. Германия монополиялари капиталистик интеграциядан, масалан, «умумий бозор»га қатнашишидан ҳам фойда оладилар. Монополиялар ФТИ ютуқларидан кенг фойдаланадилар. Шунинг учун Германия саноати структурасида энг яхши тармоқлар кўпайиб бормоқда. Асосан жанубий Европа мамлакатларидан келиб турадиган 2-3 миллион киши анча арзон ишчи кучи заҳирасини ташкил этади. Бироқ Германия иқтисодийнинг тез ривожланишига қулайлик туғдирган бир қанча омиллар ҳозир бутунлай йўқолди. Саноатнинг баъзи тармоқлари (айниқса, тош-кўмир саноати) кризисни бошидан кечирмоқда, бошқалари (қора металлургия, енгил саноат) ўсишдан тўхтаб қолди.

5. Саноати ва унинг жойлашиши

Германиянинг табиий ресурслари (биринчи галда тошкўмир, калий тўзи ва тош туз конлари, озроқ темир рудаси заҳиралари), оғир саноат негизи бўлган энергетика, кимё, металлургия саноати баъзасида эса машинасозликнинг ривожланишига имкон беради. Германия энергетикаси ўтган асрнинг 60-йиллар ўртасида асосан тошкўмирга таяниб келган. Қўнғир кўмир бошқа ҳеч бир мамлакатга Германиядаги каби катта рол ўйнамайди. Қора металлургия учун зарур бўлган темир рудасининг 90 фоизи қисми марганес ва кремний четдан келтирилади. Рангли металлургия заводларида мис, кўрғошин, рух, алюминий эритилади. Германия саноатида ишловчилар сони, маҳсулотнинг қиймати ва экспортга ҳиссаси жиҳатдан машинасозлик биринчи ўринда туради. Германия машинасозлик саноати ривожланган мамлакатлар қаторига кириди. Германия чет мамлакатлар орасида машиналар ишлаб чиқариш жиҳатдан фақат АҚШ дан кейинги ўринда, экспорт қилишда эса дунёда биринчи ўринда туради.

6. Транспорти

Германияда зич алоқа йўллари мавжуд. Германия темир йўлларида юк ташиш ҳажми жиҳатидан Франциядан кейин туради, бироқ Буюк Британиядан уч баробар, Италиядан тўрт баробар олдинда. Автомобил транспорти ҳозир юк ва йўловчиларни темир йўлга қараганда кўпроқ ташимокда. Дарё транспорти хорижий Европада Голландиядан бошқа бирорта мамлакатда Германиядек катта аҳамият касб этмайди. Мамлакат ичкарасидаги юкнинг 20 фоизи дарё ва каналлар тизими орқали ташилади. Қурулликдаги йўллар кесишган жойларда энг муҳим транспорт тугунлари Гамбург, Мюнхен, Лейпсиг ва бошқа шаҳарларда қад кўтарган. Германиянинг ташқи алоқаларида иккинчи жаҳон урушидан кейин янгидан қурилган денгиз флоти катта рол ўйнайди. Бундан ташқари жаҳонга донғи кетган бир қанча автомобил маркалари ишлаб чиқарилмоқда. Масалан: **вмв, мерседес-венс, орел, вв, ауди** шулар жумласидандир.

7. Ташқи иқтисодий алоқалар

Германия жаҳоннинг жуда кўп мамлакатлари билан савдо қилади. Уч йирик ривожланган давлат билан молларни сотишда бозор ҳамда хом ашё бўйича ривожланган ва айниқса, ривожланаётган мамлакатларда қаттиқ рақобат кураши олиб боради. Германия монополиялари бу мамлакатларга йирик капитал қўйган. Энг катта ташқи савдо обороти "умумий бозор"га аъзо мамлакатларга, сўнгра АҚШ ва Канадага тўғри келади. Унинг ривожланаётган давлатлар билан олиб бораётган хилма-хил ташқи иқтисодий алоқалари тобора кучайиб бормоқда. Шу жумладан, республикамиз билан бир қанча шартномалар тузилиб, иқтисодий алоқалар олиб борилмоқда.

Буюк Британияга иқтисодий географик тафсиф

1. Географик ўрни ва жойлашуви
2. Табиий шороити ва ресурслари
3. Аҳолиси ва тарихи
4. Саноат тармоқларининг таркибий тузилиши ва иқтисодий тавсиф
5. Қишлоқ хўжалиги
6. Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалари

Шимоли-Ғарбий Европадаги давлат энг ривожланган давлатлардан бири Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги (Униред Кингдом оф Греат Бритаин). Буюк Британия конституцион монархия. Давлат бошлиги қирол (қиролича). Мамлакатнинг конституцияси йук. 1215 йилга Улуг Эркинлик хартияси, 1679 йилга Хабеас корпус акти, 1931 йилги Вестминстер статут, 1969 йилги Халк вакиллиги тугрисидаги акт ва бошка энг мухим парламент хужжатлари хисобланади. Конун чикарувчи хокимиятни қирол (қиролича) ва парламент (у икки палатадан иборат: Лордлар палатаси ва Жамоалар палатаси), ижрочи хокимиятни бош вазир бошчилигидаги хукумат (вазирлар махкамаси) амалга оширади. Бош вазирни қирол (қиролича) тайинлайди. Буюк Британия таркибидаги Англия, Уэльс ва Шотландия узининг суд тизимига, махаллий бошқарув органларига эга. Шимолий Ирландия маъмурий мухторият хукукига эга булиб, уни қирол (қиролича) тайинлаган губернатор бошқаради.

Ахолининг уртача зичлиги жуда юкори 1 км² га 230 киши. Аммо у шахсан Англиянинг узиди 330 кишини ташкил килса, Шотландияда эса 1 км² га 70 киши атрофида.

Саноат ялпи миллий махсулотнинг чамаси 50 % ини экпортнинг эса деярли 90% ни беради. Англия саноатининг асосий кисми импортдан олинади. Бу эса кўпрок мамлакат саноатини экспортини мулжаллашга олиб келди, авваламбор кайта ишлаш, мамлакатнинг катта кудратига эга бўлган етакчи тармоклари бўлган машинасозлик, электротехника ва электрон саноати, химия саноати шулар жумласидандир.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоги- чорвачилик. Буюк Британияда 12 миллион корамол, 7,5 миллион чўчка, 41,5 миллион қўй, 131 миллион парранда бор. Дехкончиликда асосий экин – ғалла. Шимолий денгиз ва Атлантика океанида балик овланади. 1993-йилда Буюк Британия ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабат ўрнатилди.

Давлатнинг тўлиқ номи: Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллиги
Майдони - 244,7 минг кв.км.

Ахолиси -60 млн.киши

Пойтахти - Лондон

Давлат тузуми-конституцион монархия.

Давлат бошлиги--қирол.

Дини: протестантлар 90%.

Давлат тили: инглиз тили. Бутун дунеда 500 млн.киши шу тилда сузлашади.

ЯММ 19102 АКШ доллари,

ЯИМ 20103 АКШ долларига тенг.

Буюк Британия БМТ, ЕИХ, НАТО каби унлаб ташкилотларга аъзо.

1.1 Географик ўрни ва жойлашуви

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги (Униред Кингдом оф Греат Бритаин) – Шимоли-Ғарбий Европадаги давлат. Буюк Британия ороли (мамлакат худудининг 90%и шу оролда) ва Ирландия оролининг шимоли-шарқий кисмида ҳамда уларга ёндош майда ороллар (Англия, Уайт, Норманд, Оркней, Гебрид, Шетленд ва бошкалар) да жойлашган. Ғарбдан Атлантика океани, шарқдан Шимолий денгиз ураб туради. Буюк Британия мамлакат асосий кисмининг номи билан кўпинча Англия деб аталади. Майдони 244,1 минг кв.км. Ахолиси 58,5 млндан зиёд киши(1990 йиллар охирлари). Пойтахти – Лондон шахри. Тарихан таркиб топган ва миллий жихатдан хар хил бўлган 4 маъмурий сиёсий кисм – Англия, Уэльс ва Шотландия ва унга ёндош ороллар, Шимолий Ирландиядан иборат. Мэн ва Норманд ороллари мустакил маъмурий худуд хисобланади.

Шимолий Ғарбий Европадаги давлат хисобланади. Буюк Британия ороли ва Ирландия оролининг шимолий шарқий кисмида ҳамда уларга ёндош майда оролларда жойлашган. Ғарбдан Атлантика океани, шимолдан шимолий денгиз ураб туради. Евросие материгидан Ла-Манш бугози оркали ажралиб туради.

Буюк Британиянинг ер юзаси асосан пасттекисликлардан иборат. Англиянинг шимоли Ғарбда тогликдан, маркази ва жануби шарқи текислик ва сертепа текисликлардан,

Шотландиянинг киргоки эгри бугри, шимолий кисми тор ва чукур Глен мор депрессияси 2 кисмга булиб турган Шимолий Шотландия тоғлигидан иборат. Бу иккала кисмнинг жанубида Гранпиан тоғлари мамлакатнинг энг баланд чуққиси Бен Невис (1343 метр) кутарилиб туради.

1.2 Табiiй шароити ва ресурслари

Буюк Британиянинг ер юзаси асосан пасттекисликдан иборат. Англиянинг шимоли-Ғарби тоғлиқдан, маркази ва жануби – шарқи текислик ва сертепа пасттекисликлардан, Шотландиянинг киргоки эгри-бугри, шимолий кисми тор ва чукур Глен-Мор депрессияси 2 кисмга булиб турган Шимолий Шотландия тоғлигидан иборат. Бу иккала кисмнинг жанубида (Грампиан тоғлари) мамлакатнинг энг баланд чуққиси – Бен-Невис (1343 м) кутарилиб туради. Грампиан тоғларидан жанубида Шотландия пасттекислиги, ундан жануброкда Жанубий Шотландия кири (баландлиги 842 метрғача) жойлашган. Улардан Ғарбда Камберленд тоғлари (Скофелл тоғи, 978м) кад кутарган. Жанубга томон орл кенгайиб боради: бу ерда Уэльс ярим оролининг Ғарбида Кембрий тоғлари (Сноудон тоғи, 1085 м) бор. Англиянинг Ғарбий киргокида кенг култиқлар (Ливерпуль, Кардиган, Бристоль) , марказий ва жанубий кисмларида пасттекислиқлар (Шимоли-Шмркий Фени, Лондон хавзаси, Мидленд, Хемпшир), катор ассимметрик тепалар (баландлиги 200-300м) бор. Шимолий Ирландия айрим кичик-кичик кирлардан (Антрим, Сперриин, Морн ва бошқалар) иборат.

Буюк Британияда фойдали казилмалар кам. Асосан темир рудаси ва юкори сифатли тошқумир, тош туз , каолин, озрок микдорда ёнувчи сланец казиб олинади. Нефть ва рангли металл конлари мавжуд. Шимолий денгизнинг Буюк Британия киргоки якинида табииий газ конлар бор.

Буюк Британияда муътадил денгиз иклими хукмрон; у Серегин , ўзгарувчан, тез-тез шамол булиб туради. Жануби-Ғарбида январнинг уртача температураси 7 °, шарқда 3,5° гача. Шимоли-Ғарбида ёз салкин, сернам, жануби – шарқиди илик ва курук. Шимолда июннинг уртача температураси 13°, жануби-шарқда 16,5 °. Лондон ва унинг атрофида температура юз кун давомида 0° дан паст, мамлакат шарқиди баъзан -18° гача тушади. Ёгин йил давомида деярли бир меъерда (куз ва кишда бироз кўпрок) тушади, жануби-шарқиди ёз ва кузда кўпрок ёғади. Шотландия, Шимолий Ирландия , Англия билан Уэльснинг тоғли жойларида ёгин энг кўп (1000-1500 мм гача, айрим жойларда 3000 мм гача) ёғади. Жануби-шарқда 600-750 мм дан ошмайди. Булутли кунлар кўп, кишда тез-тез туман (Лондонда кишда бир ойда 7-10 кун) тушади. Дарёлар кўп, серсув, лекин киска. Асосий дарёлари - Северн, Темза, Трент , Мерси , Клайд. Дарёлар асосан ёмгир сувларидан туйинади; куз ва кишда тулиб окади, яхламайди, кўпчилиги кема катнайдиған каналлар билан бирлаштирилған. Тоғларида қўллар кўп. Уларнинг аксарияти музлик ва тектоник харакат натижасида пайдо бўлған. Ёнг йирик қўллари: Лох-Ней, Лох –Ломонд, Лох –Несс. Шотландия шимоли Ғарбида тоғ- подзол тупрок тоғ тепалприда тоғ-тундра тупрок, пасттекислиқларда, шимоли- Ғарбда ва шимолда чимли подзол тупрок, шарқий сохилда ва жанубда кунгир урмон, айрим ерларда чимли-крабонатлои ва унумдор аллювиал тупроклар таркалған. Шимолда тайга ва аралаш урмонлар (карагай, дуб , ок кайин) , жанубда кенг баргли урмонлар (дуб, граб , шумтол) усади. Урмонлар Буюк Британия майдонинг 9 фоизиди колған. Утлоқлар хамма жойда учрайди. Тоғларнинг юкори минтакаларида тоғ утлоқлари ва торфзорлар бор. Урмонларда хайвонлар жуда кам. Очик жойларда тулки, куён, олмахон, типратикон, ер казувчи хар хил скут эмизувчилар учрайди. Кушлардан ёввойи каптар, шотланд каклиги, урдак, кизилиштон, каркур ва бошқалар бор. Миллий боглар , урмон куриқхоналари мавжуд.

Буюк Британия фойдали казилмаларга камбағал. Асосан темир рудаси ва юкори сифатли тошқумир, тош туз, каолин, озрок микдорда ёнувчи сланец казиб олинади. Нефть ва рангли металл конлари мавжуд. Шимолий денгизнинг Буюк Британия киргокида якинида табий газ конлари бор.

Буюк Британия иклими муътадил денгиз иқлим булиб, уртача хаво харорати +11 С, уртача егин микдори 800 мм атрофида. Иклимида океан окимлари таъсири жуда кучли. Асосий кисми текислиқлардан иборат, шимолда паст тоғлар бор. Ёнг баланд жойи Скейфел-Пайк тоғи (978 м). Асосий дарелари: Темза, Северн, Тайн. Урмонлар мамлакат майдонининг 4% кисмини эгаллайди. Унда эман, коракайин, карагай, шумтол, кора карагай дарахтлари усади. Хайвонлардан тулки,

куен, олмахон, типратикан, бугу, сувсарлар кўп учрайди. Кушлардан каклик, урдak, карга, еввойи кабутар, каркурлар кенг таркалган

1.3 Аҳолиси ва меҳнат ресурслари

Буюк Британиядаги демаграфик вазият бошқа ривожланган капиталистик мамлакатлардаги ҳолатларга ухшаш. Ҳозирги пайтда мамлакат аҳоли сони динамикаси унинг табиий ҳаракатига бутунлай сабаб бўлди. Иккинчи жаҳон урушдан кейин дарров аҳолининг табиий ўсиши 1000 кишига 4,5 кишини ташкил этди. 1965 йилга келиб 6,8 кишига кўпайди. Кейинги йилларда кескин камайди. 90-йилларнинг бошлариг келиб эса табиий ўсиш 1000 кишига 1 кишини ташкил килди, тугилиш ва улим деярли тенглашди. (11,12 киши), аҳолининг умумий сони эса кейинги йиллар давомида сезиларли ўзгаришингиз сакланмокда. Аҳолининг бундай табиий ҳаракати меҳнат ресурсларининг кискаришга хавф солади.

Ваҳоланки, аҳолининг ўсиши таркибида $\frac{1}{5}$ қисм-шахслар нафақа ёшдагилар ва озгина-шахс меҳнатга яроқсиз кишилар бор.

Британия империяси тугатилгандан кейин тадбиркорлар аввалги калониялардан арзон ишчи кучи топишга ҳаракат килдилар.

Иммигрантларнинг биринчи тулкини 600 мингдан зиёд вест-индиялик негрлар ташкил килди, иккинчи эса-Хиндистон, Покистон, Бангладешдан чиккан кишилар ташкил килди. Бирок 1971 йилда «Хамдустлик иммигрантлари» ҳақида конун қабул килинди. Бу конунда Буюк Британияга кириш йилига 5000 кишидан ошмаслиги белгилаб берилган эди. Ишсизларнинг кескин ортиб кетиши /60 йилларда уртача 430 мингдан 1980 йилда 1795 минггача, ёки умумий ишчи кучининг 7,4 % и ишчиларини массасини бекарор жойлашиши миллий кулолини кучайиб кетишидан иммиграция жуда ёкимсиз, ноўрин туюлди.

Аҳолининг уртача зичлиги жуда юкори 1 км² га 230 киши. Аммо у шахсан Англиянинг ўзида 330 кишини ташкил килса, Шотландияда эса 1 км² га 70 киши атрофида.

Урбанизация даражаси юкори шахарларда аҳолининг 76% яшайди.шунинг кейинги йилларда катта шахарларда аҳолининг микдори кискарди ва кичик ва урта шахарланики ортиди. Бу аввола йирик шахарларга таъсир килган, бир қатор қорхоналарни кичик ва урта аҳоли утиши, янги районларига кучиб утиши, янги районларда қорхоналарни қурдирган, табиий ўсишини пасайиши тучунтирилди.

Аҳолининг саноат ва қурилишда бандлиги 50% (энг кўп), энг кам –қишлоқ хўжалигида (4%), ттранспортда-7%, қолган киши-хизмат қурсатиш сферасининг турли соҳаларида банд. Ёлланиб ишлайдиганларнинг солиштирма оғирлиги фаол аҳолининг 90% ни ташкил килади, аммо улар йирик буржуазия, молия капиталининг эгалари тахминан 1 % умумий аҳолининг қисмини ташкил килади, лекин Буюк Британия миллий бойлигининг 60% ини берадилар. Аҳолиси деярли бир жинсли :85 % ни инглизлар ташил килади. Баъзи вилоятларда тарихий жойлашган миллий озчиликни ташкил килади-ган шотландлар ирландлар, уэльсликлар яшайди.

1.4. Давлат тузуми ва тарихи

Давлат тузуми. Буюк Британия конституцион монархия. Давлат бошлиги қирол (қиролича). Мамлакатнинг конституцияси йук. 1215 йилга Улуг Эркинлик хартияси, 1679 йилга Хабеас корпус акти, 1931 йилги Вестминстер статuti, 1969 йилги Халқ вакиллиги тугрисидаги акт ва бошқа энг муҳим парламент ҳужжатлари ҳисобланади. Конун чиқарувчи ҳокимиятни қирол (қиролича) ва парламент (у икки палатадан иборат: Лордлар палатаси ва Жамоалар палатаси), ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат (вазирлар маҳкамаси) амалга оширади. Бош вазирни қирол (қиролича) тайинлайди. Ҳукумат аъзолари парламент аъзоларидан булиши керак. Буюк Британия таркибидаги Англия, Уэльс ва Шотландия узининг суд тизимида, маҳаллий бошқарув органларига эга.Шимолий Ирландия маъмурий мухторият ҳуқукига эга булиб, уни қирол (қиролича) тайинлаган губернатор бошқаради. Буюк Британия утмишда Британия империяси таркибида бўлган мамлакат ва ҳудудларни бирлаштирувчи Хамдустликка бошчилик килади.

Асосий сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Лейбористлар партияси 1900 йил тузилган. Консерваторлар партияси 1867 йил ташкил топган. Либерал демократлар партияси 1988 йилда асос солинган. Уэльс миллатчи партияси 1925 йилда тузилган. Шотландия миллий партияси 1928 йилда ташкил этилган. Британия Коммунистик партияси- 1988 йилда Буюк Британия Коммунистик партиясининг собик аъзолари томонидан тузилган. Сул демократлар партияси 1920 йил ташкил этилган.

Энг йирик касаба уюшма бирлашмаси – Британия тред-юнионлар конгресси 1868 йил тузилган. Шотландия тред-юнионлар конгресси 1897 йил тузилган. Тред-юнионлар умумий федерацияси 1899 йил тузилган. Уэльс тред-юнионлар конгресси 1973 йил ташкил этилган.

Тарихи. Хозирги Буюк Британия худудида милoddан авввалги 1 минг йилликда кельт кабилалари – бриттлар яшаган. Милoddнинг биринчи асрида Британия ороллариининг катта қисмини римликлар босиб олди. 5-асрнинг иккинчи ярмида англо-сакслар мамлакатнинг талай қисмини босиб олиб, илк феодал қиролликлар – Кент, Уэссекс, Суссекс, Шарқий Англия, Нортумбрия, Мерсияларни тузишган. 9-аср бошларида англо-сакс давлатлари бирлаштирилиб, « Англия » деб атала бошлади. Англия 1016-1042 йилларида норманнлар (данияликлар) ҳукмронлигида бўлган.

1066 йил англияни Нормандия герцоги Вильгельм I истило қилганидан сунг мамлакатда феодал ер эгалиги пайдо бўлиб, дехконларни тутқинликка олиш авж олди. 10-11 асрларда хунармандчилик ва савдо-сотиқ маркази тусини олган шаҳарлар пайдо бўлла бошлади. 12-13 асрларда марказлашган молия ва суд муассасалари юзага келди. 1265 йил пайдо бўлган Парламент божларни тасдиқлаш ва қонунлар жорий этиш ҳуқуқини олди; ҳокими мутлақлик тизими (монархия) барпо бўлди. Англия билан Франция уртасида бўлиб утган Юз йиллик уруш (1337-1453) оқибатида солиқларнинг кўпайиши ва 1348-49 йиллардаги вабодан сунг аҳоли аҳолининг оғирлашиши Уот Тайлер (1381) бошчилигидаги дехконлар қўзғолониға сабаб бўлди.

XV-асрда товар-пул муносабатлари ривожланди. Капиталистик муносабатлар ривожланиётган пайтда тюдорлар сулоласининг чекланмаган ҳокимияти (1485-1603) қарор топди. 16-асрнинг 30-йилларида бошланган реформация ҳаракати натижасида папа ҳукмронлигига чек қўйилиб, черковға қарашли ерлар буржуалашган янги дворянларға бўлиб берилди. 16-аср иккинчи ярми-17 аср бошларида Англия ҳуқуқати мустанлақчилик сиёсатини юрита бошлади. 17-асрда инглиз буржуа инқилоби бўлди. 17-асрнинг охирида Буюк Британияда ер ва молия аристократиясининг сиёсий иттифоқи пайдо бўлди.

17-18 асрларда Буюк Британия Хиндистон, Шимолий Америкада янги ерлар забт этди. Франциядан Канадани тортиб олди. 1775-83 йиллардаги уруш натижасида Шимолий Америкадаги мустанлақлари мустанкил АКШни ташкил этди. 19-аср 30-йилларида Янги Зеландия, Бирма, Жанубий америкадаги поёнсиз ерларни босиб олди.

20-аср бошларига келиб давлат АКШ ва Германиядан орқада қолади. 2- жаҳон урушидан сунг эса Британия мустанлақчилик империяси тушқунликка юз тутди. Ҳуқуқатни навбатма-навбат лейбористлар ва консерваторлар партияси бошқаради. Давлат 1945 йилданг БМТ аъзоси, Ўзбекистон билан дипломатик муносабатларни 1992 йил 18 феврал урнатган. Миллий байрам-қиролича тугилган қуни.

Саноат тармоқларининг таркибий тузилиши ва иқтисодий тавсиф

Буюк Британия-саноати юкори ривожланган мамлакат. Саноат яппи миллий маҳсулотнинг қамаси 50 % ини экспортнинг эса деярли 90% ни беради. Англия саноатининг асосий қисми импортдан олинади. Бу эса кўпроқ мамлакат саноатини экспортини мулжаллашға олиб келди, авваламбор қайта ишлаш, мамлакатнинг катта қудратига эға бўлган етакчи тармоқлари бўлган машинасозлик, электротехника ва электрон саноати, химия саноати шулар жумласидандир.

Тошқумир, нефть, табиий газни ёкиб фойдаланиладиган ёкилги-энергетика саноати, Буюк Британияда ривожланишининг юкори даражаси билан ажралиб туради. Энергиянинг тартибида кейинги йилларда сезиларли ўзгаришлар руй берди: тошқумирнинг умумий ҳажми бирданиға ошиб кетди, авваллари эса буларни Буюк Британия тулиқлигича импорт қилар эди. 70-йилларнинг бошларидан бошлаб мамлакатда Шимолий денгиз англия секторларининг континентал шельфларида нефть ва газ қонларини ушлаштириш бошланди ва аллақачон 1990 йилда 80 млн. тонна нефть ва 38 млрд м³ газ қазиб олинган эди. Бу қурсаткич нефть қазиб олишда 100-120 млн. тоннани ташкил этган булиши ҳам мумкин. Лекин қурсаткичларнинг бу ҳажми Буюк Британияни аввало Жанубий-Ғарбий Осиё, Венесуэла, Индонезия давлатларидан сезиларли миқдорда 70-80 млн тонна (йилиға) энергия ресурсларини импорт қилишдан озод қила олмайди. Дунёвий энергия

крезиси кумирга муносабати кайта куриб чикишга мажбур килди ва бу курсаткич 1976 йилдаги 120 млн. тоннадан 1980 йилда 130 млн. тонна усиб утди. Узок муддатли “2000 йил режаси” программаси кумир саноати реконструкция учун 10 млрд фунт стерлинг микдорда инвестиция жалб килишни кузлайди. Мамлакат ёкилги-энергетика балансида (тошкумир хисобга) кумирга 36% нефтга – 40, газга 18% ва 6% энергиянинг бошка манбаларига шунингдек, умумий массаси етарлича тезланиш усиб бораётган атом ёкилгисига хам. 1980 йил энергия талаби таркибида, ТЭС ларда ишлатилиши ортиши муносабати билан нефтдан кумирга баъзи бир кайта режалаштиришлар булиб утди.

Кумир курсаткичи буйича Йорк ширбассейни биринчи ўринда туради. Унга бутун курсаткичнинг ярми тугри келади. Кусаткич буйича иккинчи ўринни, Нортумберленд коксланувчи (ярми тугри келади) кумирларига эга бўлган, шимолий токумир бассейни эгаллайди. Учинчи ўринни бутун курсаткични 10% ни берувчи Жанубий Уэльс эгаллайди. (Бристам курфазидagi Кардифф порти районида жойлашган). Авваллари бу ердан кардифф кумирининг бир қисми экспорт килинади, энди эса бунинг хаммаси ички эҳтиёткорларга кетади. Шимолий денгиз зонасида казиб олинган нефть ва газ Лондон, Бристанъ, Нью насл, Шеффилд ва Мидленд районларига кувурлар оркали етказиб берилади. 1978 йилда Шимолий денгиздаги “Фриг” сув ости кемаси ини мамлакатни саноат районларини туташтирувчи газопровод системаси билан боғловчи магистрал газопроводнинг учинчи бугинининг куриш ишалир тугалланди.

Энергетика асосий энергетика бойлиги кумир хисобланади, аммо нефтьни казиб чикариш хисобига кумирга бўлган талаб пасаймоқда. 1980 йилда мамлакат энергияси бўлган талабни 50,8 % кумирдан олинган. 42, 6% нефьдан олган атом ва гидро энергиядан 4% табиий газдан 2,5% электр энергияси ишлаб чикариш ТЭС (86%) 30 йиллардан ягона электр системаси ГРИД ишга туширилди ва бундан ташкари «Супер ГРИД»иншоати курилиши бошланди. Электр энергияси сарфлашга хар бир шахс учун 136 минг кв.сат. Бу борада Б.Брит олдинги ўринларда туради. АКШ дан ташкари ИИ ўринни эгаллайди. Электр энергия ишлаб чикаришда Буюк Британия капиталистик дунёда бешинчи ўринда туради. 1980 йилда барча электронстанциялар 289 млрд кВт-соат электроенергия ишлаб чикарди. Йоркишер тошкумир бассейни яқинидан ва катта Лондон районида йирик ТЭС лар мавжуд. Гидростанциялар Шотландия ва Уэльснинг тоғ дарёлари зонасида курилган. Атом электростанциялари турлари кенгаймоқда. 1980 йил бошигача 30 блок АЭСлар 81 млн.кВт тула кувват билан ишлаб турганди. Улар тонна ишлаб чикарувчиси ва экспортёри. Деярли 3400 минг тонна ислотаси, 576 минг тонна химиявий тола ишлаб чикарилади. Азотли, фосфори ва калийли бирикмалар ишлаб чикариш тараккий этган. Химия саноати корхоналари Жанубий Англияда-Темза буйларида, Ланкаширда Англиянинг шимолий шарқида жойлашган.

Буюк Британиянинг энг кекса тармоқларидан бири бу тукимачилик саноати. Бунда импорт хом ашё асосида ип-галама ва жун иплари ишлаб чикарилади. Иккинчи жахон урушидан кейин сунъий толадан иплар, толалар ишлаб чикариш кенг тус олди. Ип-газлама саноатининг муҳим районлари Ланнашир, жун саноатининг эса-Йоркишер саналади.

Озиқ-овқат саноати ривожланган, кўп сонли корхоналар ривожланган мамлакатнинг хамма ерида таркалган ва ички бозорда ишлайди. Умумий ишлатиладиган энергетика 12% ни беришади. Буюк Британия атом электростанциялари электр энергия ишлаб чикариши буйича учинчи ўринни эгаллайди. Йирик АЭС лар Шотландияда кад кутарган. Йирик АЭС лар Бристаль районида, Лондонда, шунингдек Улифда, Барроу районида бор.

Кора металлургия Буюк Британия саноатининг кекса тармоги хисобланади. У англия ишлаб чикариши кокс билан тулик таъминлайди ва қисман факат ва тан рудаси билан тамиинлайди. Кора металллар ишлаб чикариш тухтовсиз камаймоқда, масалан, чуян эритиш, 17,5 млн тоннада 1970 йилдан 1980 йилда 7 млн тоннагача камайди. Бу бирмунча камрок, Италия ва Францияга караганда. Металл эритишнинг хажмининг тушиб кетиши билан бир вақтда, ишлаб чикарувчиси “Давлат монополияси хисобланган” «Бритиш стил коппорейлин» бўлган пулатнинг кимматрок сортларини чикаришни переориентацияси булиб утди.

Пулат (хамма эритманинг 2/3 қисми ва чуян (жами эритманинг ¼ қисми) ишлаб чикаришнинг асосий районлари-Жанубий Уэльс-Суанш, Кордифф, кейинги ўринларда эса Англиянинг шимоли-шарқи-Ньюкасл, Мидисбро, бу ерларда жами чуян ва пулатнинг 1/5 қисми эритилади. Металлургия корхоналари шунингдек Фарбий Мидлендда-Бирмингелда ва Шарқий-Лестерда, Корби, шунингдек Марказий Шотландияда-Корбридж ва Глазгода жойлашган.

Металлургия корхоналари катори юкори сифатли пулат эритиш буйича махсулаштирилади. Шеффилдда электромет пулат ишлаб чиқаришнинг тахминан ярми. Мис, кургошин, калай алюминий эритиш хиссасига караганда, рангдор металлургия ахамиятли ўрин тутди. Машинасозлик турли хил машина ва асбоб-ускуна ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, экспорт ахамиятга кура маҳсулот киймати жихатидан биринчи ўринни эгаллайди. Машинасозликнинг эски тармоги-станоксозлик. У замонавий станоклар ва темирчилик – преаслаш қурилмаларни етказиб беради, лекин асосан озчилик станокларгина бошқариладиган ва автоматлаштирилган бўлади. Уларни ишлаб чиқариш асосан, металлургия саноатининг марказларида Ньюкасл, Шеффилд, Геазгода йулга қуйилган.

Машинасозликнинг янги тармоклари орасида электротехника ва электрон саноати, автомобилсозлик, самолётсозлик катта ахамиятга эга. Автомобил ва самолётсозлик баъзан битта корхонада мужассамлашган. Буюк Британия автомобил саноатининг деярли 50% каапитали америка компанияларидан келади. Автомобиль, самолётсозлик электротехника заводлари асосан Катта Лондон, Оксфорд, Дерби, Мидленд Ланнаширларда жойлашган.

Химия саноатида нефть химиясини қудрати ошган ва асосан паливинилхлорид, бензол ишлаб чиқарилади. Буюк Британия – палтмасса ва синтетик смоланинг-2304 минг. Кайта ишловчи саноат асосан кора металлургия бўлиб-кокс ва пулат сифатни йулга қуйилган. Бутун кора металлургия базасини 14 йирик корхоналарбошқариб туради. Машинасозлик саноати. Машинасозлик Британия саноатининг илгор тармоқлардан хисобланади. Мамлакатни ҳамма регионларида таркалган. Машинасозлик саноатида энг яхши, янги ва эски ишлаб чиқариши. Фехет автомобил йиғиш заводлари катта Лондон Фарбий мидленд, оксфордда жойлашган бўлиб деталлар ишлаб чиқариш бошка Оксфорд жойлашганда жойлашган бўлиб деталлар ишлаб чиқариш бошка корхоналарда жойлашган. Авиасозлик саноати: Самолёт ишлаб чиқариш буйича дунёда 2 ўринда туради. Турли типлардаги самолётлар, Турби Винт ва шунингдек двигателли верталётлар снарядлар ва авиа ракеталар ишлаб чиқаради. Бундан ташқари қўпчилик кичик самолёт кичик қисмларини ишлаб чиқаради. Авиасозлик саноати ярмида ортик миклори экспортга сарфланади. Кемасозлик : 60-йилларга қадар Б.Британияда илгор хисобланар эди. Бу саноатнинг катта қисми Лондонда жойлашган.

Химия саноати: Асосан нефтни қайта ишлаш саноати билан узвий боглик. Урушдан сунг йирик нефтни қайта ишлаш саноати тузилган. 22та нефтни қайта ишлаш заводлари ишга тушди. КУВВАТИ-115 млн тоннани ташкил этади. Химия саноатида синтетик тола, пластмасса ва бўёқларни ишлаб чиқаришга эътибор берилган. Асосан олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарилади. Химиявий саноат; Лангашер, Фоли;

Тукимачилик саноати: Эски тармоқлардан хисобланади лекин тукимачилик кейинги пайтларда уз салохиятни йукатмокда. Айниқса коғоз ишлаб чиқариш саноати ярмига қисқарди. Шунинг билан бирга 1972 йилдан уни қайта ташкиллаштиришга киришилди. Теричилик саноатида АКШ билан Япония даги кейинги ўринни эгаллайди. Қишлоқ хўжалиги: Аҳолини хом ашё ва саноат жихозлари билан таъминлаш мақсадида Британия ҳукумати қишлоқ хўжалиги маҳсулотига стандарт баҳо белгилади. Ернинг асосий қисми йирик ер эгаликлариға Лентларларға қарайди. Улар ерларни ижараға беришади. Қишлоқ хўжалиги ерларнинг қўпчилиги фермерлар қулида бўлиб 60 га ерга эга. Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоги хисобланиб қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 70% етиштириб берган.

Баликчилик асосан-шимолий денгиз хавзасидаги Холле, Гред пресс, Апгардин каби портларда жойлашган.

Қишлоқ хўжалиги

Қишлоқ хўжалиги да мамлакатдаги меҳнатга қобилиятли аҳолининг 2 фоизигина банд. Буюк Британия қишлоқ хўжалиги интенсивлик, маҳсулдорлик ва механизациялашувнинг юксак даражаси билан ажралиб туради. У мамлакатнинг озиқ-овқатға бўлган эҳтиёжининг 75 фоизини таъминлайди. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоги- чорвачилик. Буюк Британияда 12 миллион қорамол, 7,5 миллион чучка, 41,5 миллион қуй, 131 миллион парранда бор. Дехқончиликда асосий

экин – галла. Канд лавлаги, картошка ҳам экилади. Шимолий денгиз ва Атлантика океанида балик овланади.

Бирлашган қироллик қишлоқ хўжалигида юкори даражадаги фан-техника ютукларига амал килади. Бу тармок катта даромад беради. Озиқ-овқатга бўлган талабнинг 80 фоизи уз маҳсулотлари эвазига кондирилади. Англия қишлоқ хўжалиги узига хос иқтисодий йуналишларга эга. Мамлакатнинг табиий-иқлим шароити бир катор экинлардан юкори хосил олиш учун кулайдир. Мамлакатдаги аҳолининг факатгина 2 фоизи қишлоқ хўжалиги билан шугулланувчи фермерлардир. Фермерлик бу ерда ута сердаромад соха хисобланади. Хар бир фермернинг 60 гектар ери бор. Англия фермери бир йилда оддий ишчининг 15 йиллик даромадига тенг микдорда фойда олади. Оддий ишчининг бир йиллик даромади эса 1700 фунт стерлинг (1 фунт стерлинг 1,85 АКШ долларига тенг). Англия қишлоқ хўжалигида дехкончилик ва чорвачилик кенг микёсда ривожланган. Англия фермерларининг хаёти, шу юритиш тарзи Япония, Корея каби мамлакатлардаги иш тартибларидан фарк килади. Англия Европа ҳам жамиятига аъзо мамлакатлардан бири бўлган туфайли иш тизими йуналиши мутлако бошкача. Англия фермери Европа ҳамжамияти режаларига асосан уз ишлаб чиқаришни ташкил килади. Бу ерда қишлоқ хўжалиги дейилганда факат дала ёки чорва ишлари эмас, балки озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва кайта ишлаш, тайёр маҳсулотни сотиш, уларни белгиланган курсаткичлар асосида бозорга етказиш ва сотишни ташкил этиш ҳам тучунилади. Англия бешта компания етиштирилган хосилнинг 70 фоизи сотиб олади ва бозорни таъминлайди. 1920-1946 йилларда Англия қишлоқ хўжалигида катта ўзгаришлар руй берди. Бу давр ўтиш йиллари хисобланади.

1950 йиллардан сунг Англия қишлоқ хўжалигида хар томнлама ўзгаришлар юзага келди. 1971 йилда фермерларга бепул хизмат курсатилган. 1973 йилда Англия Европа ҳамжамияти Иттифокига аъзо булгач, қишлоқ хўжалигига янги технология кириб келди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг нархи ва сифат курсаткичлари ўзгарди, экинларнинг хосилдорлиги олиб борди. Мамлакат кофе, какао, ерёнгок, сабзавот каби маҳсулотларни четдан сотиб олади. 1947 йилгача мамлакат қишлоқ хўжалигида давлат буюртмалари бўлган. Европа фермерларини узларини дехкон ёки чорвадор деб эмас, балки бизнесмен деб атайдилар. Улар ута билимдан булиб, конунларни яхши биладилар, компьютер оркали жохон бозоридаги нарх навони билиб берадилар. Англияда 200000 га якин фермер мавжуд. Уларнинг кўпчилигини ашёвий хўжаликлар ташкил этади. Фермерлар айни замонда бошка сохалар билан ҳам шугулланадилар. 40% фермернинг ери 20 гектардан кам. Шунга карамай, мамлакатда етиштириладиган 80% қишлоқ хўжалик маҳсулотини ана шу хўжаликлар етказиб беради. Фермерлар ишчи кучини жуда тежаб ишлатадилар. Масалан 120 бош сигири бўлган уртача сут товар фермасида бо йуги 2 та одам ишлайди. Қишлоқ хўжалик вазирлиги мамлакатда етиштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар микдорини “квота” тарзида белгилайди. Хар ким уз еридан оладиган хосил ёки етиштириладиган чорва маҳсулоти микдорига караб “квота” олади. Галлакор гекторидан 100-105 центнер бугдой етиштириш ёки чорвадор хар бир бош сигирдан 10-12 минг метр сут соғиб олиш имконига эга дейлик. Аммо ундан кўп, яъни “квота” дан ортикча маҳсулот етиштира, унга бир фунт ҳам хак туланмайди. Аксинча, ортикча етиштирилган маҳсулотлар йук килиб ташланади. Шунинг учун дехкон (фермер) кам ердан юкори хосил етиштиришни, чорвадор кўп маҳсулот олишни афзал куради. Ёки у берган бир фермердан маълум маҳсулот “квота” сини сотиб олиш мумкин. Баъзи фермерлар 100 гектар ернинг 70 гектарига бугдой экса, 30 гектарини яйлов сифатида фойдаланиш учун ижарага беради ва бкоилган хар бир бош каромал ёки куй учун хак олади. Мамлакатда чорвачилик жуда яхши ривожланган. Корамоллар ва октусли куйлар фермерлар учун катта даромад манбаидир. Англиянинг ок тусли куйлари бизнинг хисори ёки коракул куйларимиздан турдан фарк килади. Улар куйларнинг асосан гушт учун бокишади. Бир куйнинг уртача 80-75 кг келади. 6 ойлик кузиларнинг огирлиги 35-40 кг ташкил килади. Улар асосан гуштга топширилади. Ермерлар 100 бош куйдан уртача 170-180 бош кузи оладилар. Аммо улар СЖК ёки бошка суъний кочирувчи моддаларни куллайдилар. Куйларнинг ёилнинг 6-9 ой давомида яйловларда хайдаб бокилади. Яйловлар серут ут серсув булиб куйлар учун кун буйи овкатланади (тухтовсиз) овкатланади, киш пайтлари ёпик куйхоналарида сакланади. Англияда фермер хўжаликлари кўпинча эр-хотин йки ота-боболардан ташкил топган. Масалан Уэльс графлигида эр-хотин фермернинг 700 бош куйи, 120 гектар яйлови бор. Фермерлар ишчи кучини тежаб ишлатилади: 120 бош сигири бўлган уртача сут товар фермасида бор йуги 2 та киши ишлайди. Бутун хўжаликни узлари юритишади. Факатгина куйлари кузилайдиган ойлардаёрдамчи олишади. Хар бир фермернинг уйи яйлов атрофида жойлашган. Яйловдан булакларга булиб фойдаланади.

Яйловларда райрос ва себарга экилади, бахорда минерал угитлар берилди. Хозир яйловлар меваги буталар ёрдамида булакларга ажратилган. Фермер утларнинг устига караб, қайси булакдан аввал фойдаланишни ўзи белгилайди. Мамлакатда қорамоллар зотли маҳсулдор. 100 бош сизгидан ўртача 98-99 бош бузук олинади. Бузукнинг нобуд бўлишига йўл қўйилмайди. Бузуклар 2-3 кунлигида оналаридан ажратилади, аммо уларга қунига 4 литр сўт берилди. Бузукларнинг ҳар бири алоҳида ёғоч ўйларида боқилади, бошига 20-25 см қалинликда поҳал солинади. Ўй деразасидан пақирчаларда сўт ёки сўв ҳолида бошқ озуқлар тушириб қўйилади. Бузукча тўйғунича озуқа истеъмол қилинади. Ўйчалар тепасига бузукнинг насли ва қелажда қанча миқдорда сўт бериш, тўгилган вақти ёзиб қўйилади

Озуқалар маҳсул цехда компьютер топшириги асосида тайёрлана. Англияда экиладиган ўсимликларнинг тури қўп эмас. Асосан, қизғи ва баҳорги бугдой, арпа, сўли, сизир, картошка, лавлаги, селдер ҳамда турли қуқатлар етиштирилади. Иқлимнинг ўта мўтадиллиги тўфайли иссиқсевар ўсимликларнинг бу ерда ҳосил бермайди. Қизғи бугдойдан 75-78 ц, баҳорги бугдойдан 65-68 центнер ҳосил олинади. Ҳавонинг салқинлигига қарамасдан айрим тажрибали фермерлар қизғи бугдойнинг сара навларидан гектарига 125-127 центнердан олинади. Аммо бугдой донидаги оксил миқдори 11-12 фоиздан ошмайди. Бўнга сабаб иқлимнинг мўтадиллигидир. Шунинг учун улар АҚШ, Канада ва бошқа мамлакатлардан бугдой харид қилишади. Қишлоқ хўжалиги ер майдонларини қўпайтириш эмас, балки ҳосилдорликни ошириш ҳисобида ривожлантирилади. Раҳ ва сизир ҳам қатта майдонларга экилади. Мамлакатда, асосан ўсимлик майи истеъмол қилинади. Аҳолининг эҳтиёжи ўсимлик майини қўплаб етиштиришни тақоза этади. Релс ўсимлиги асосан қизда экилади ва гектаридан 50-55 ц ўруғ йиғиб олинади. Сизир баҳорда экилади, биздагига қараганда қаланд бўйли, ҳосилдор, ўруғлари ҳаи йирик ҳосилдорлиги гектарига 25-22 центнерни ташкил қилади. Галлақор 1 гектар ердан 100-105 центнер бугдой етиштиради. Қорвадорнинг ҳар бир соғин сизгири 10-12 минг литр сўт беради. Арпа, сўли, асосан қизда экилади. Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Соҳа эҳтиёжини қондириш учун угит, техника қайта ишлаш ўқуналари ва ҳосилдор навлар етиштириш уларнинг агротехикасини ишлаб чиқиш учун қарғи шарт-шароитлар мўҳайё. Қишлоқ хўжалиги аҳоли ва саноат талабига мос равишда илмий салоҳиятлар мажмуаси асосида ривожланмоқда. Шартномаларни қизда тўтилган қандлар сўзсиз қажарилади. Англия аҳолиси қаровон турмуш қечиради. Қан ва олий ўқув ўртларида ҳодимларга қизда қатта иш ҳақи белгиланган. Масалан, профессор йилига 40-45 минг фунтстерлинг маош олишади. Олий ўқув ўртларида иш қилан шўғулланувчиларга қарғи қушимча иш ҳақи белгиланади. Қолледж ва институтларда бир ҳафтадан бир йиллиқага бўлган турли қил қўрлар мавжуд. Ёши ва лавозимига мўтлақо эътибор берилмайди, ў пул тўласа қас.

Англияда инсон эҳтиёжи учун қарур ҳамма нарса қратилган. Шунинг учун эндиқда табиатни, ҳайвонот дўнесини саклаш, атроф мўҳитнинг тўзалиги учун қон қўйдириш асосий вазифага айланган. Ҳар бир бола эсини таниганидан бошлаб тўғри сўзликка, мекнатга ва атроф-мўҳитни ҳимоя қилишга ўргатилади. Озодлик, юқори маданият ҳар бир инглиз фўқорасининг қон танига сингиб қетган. Ўқув ўртларида асосий ўқув тизими атроф-мўҳитни мўҳофаза қилишга қаратилган. Лондон Университетининг ВАИ қолледжиди талабаларнинг 30% қишлоқ хўжалиги соҳасида қилим олишга, 70% атроф-мўҳитни мўҳофаза қилишга доир қилимларни ўрганадилар. Табиатни асраш Бўюк Британияликлар учун энг асосий ва мўҳим вазифаги айлиниб қолган.

Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалари

Транспорт йўллари ўзунлиги 32000 қм. Асосий транспорт йўллари ўзели – Лондон; ундан 11 томонга транспорт йўллари қетган. Транспорт йўлларнинг зичлиги қихатидан Европада Бельгиядан қейин 2-ўринда. Ички юқларни ташишда автомобиль транспорти 1-ўринда. 368,38 минг қм автомобиль йўли бор (1990 йиллар охиқлари). Ўйловчиларни ташишда ҳаво транспортининг мавқеи қатта. Денгиз савдо флотининг тоннажи 4,3 миллион тонна дедейт. Ёнг йирик денгиз портлари: Лондон, Саутгемптон, Милфорд-Ҳейвен, Қалл, Имменгем, Ливерпул, Манчестер ва бошқалар.

Ўмумий юқ ташиш фўизининг 22% темир йўл 60% автомобиль 0,12 сўв, қаботаж 16%, 1,4 қувур транспорти ташкил қилади. Айниқса Денгиз транспорти мўҳим аҳамиятга эга бўлиб малақавий ичкарисиди савдо сотикни бирлаштириб туради. Фрахт учун қулай. Порт бирининг. Лондон порти Нью-Йорк ва Реттердаждаги қейинги ўринни эгаллаган. Магестр, Ньюқосл, Глазго, ва ҳақозалар. Темир йўл: Ўзунлиги 21,2 минг қм уларнинг 10,5% электрлашган йўллар

хисобланади. Асосий темир йул тармоги Лондон тармоги хисобланади. Автомобил йуллар узунлиги 325,2 минг км. Автопаркларда 14,5 глн машина жойлашган булиб, 12,8 глн енгил машина.

Уруш даврида ва урушдан кейин 60 йилларнинг хиригача халкора ихтиАнглиянинг товар ишлаб чикариш ва алмашиш тармокларора йуналишга тушиб олди. Экспорт ва импорт таркибида катта фарклар пайдо бўлди: экспортда кайта ишлаш саноати маҳсулотлари етакчилик килди, Импортда – хам-ошё ва озиқ-овқат. Бу хусусиятни бошқача намоён булиши мамлакатнинг халкора меҳнат таксимоотида катнашишида аграр давлатнинг экспортдаги ва импортдаги хиссаси катта бўлди, 60-йилларнинг охири 70-йилларнинг бошидан тармок ичидаги айирбошлаш ривожланмокда. Машина асбоб-ускуналар ва химиявий товарлар солиштирма огирлигини тенглаштириш тенденцияси кучаймокда. Агарда 1965 йилда тайёр маҳсулот ва ярим фабрикаларнинг экспортдаги хиссаси уларнинг импортдан 3,4 марта кўп бўлган булса, 1989 йилга келиб эса бу фарк 1,2 мартага кискарди. Худди шу даврда химиявий товарлар кийматидаги фарк 2,7 дан 1,6 мартага кискарди. Жахон савдоси Англия иштирокининг эгалик килиш шакли, худди бошқа капиталистик мамлакатлар каби, ташки бозорда сотувчи булиш ва нисбатан янги, кайта ишлаш саноати маҳсулотларини импорт килиш. Бу тармок маҳсулотлари мамлакат экспортида, худди бошқа асосий ракобатчиларники каби ўринни эгаллайди. 60-70 йилларда Англия экспорт тизимини машинасозлик ва химиявий товарлари ва бошқа Ғарбий-европа мамлакатлари экспорти таркибига якинлашди. Юкори сураътлар билан химиявий, полиграфия, электрон саноати курилмалари, органик синтез маҳсулотлари, химиявий тола ва бошқалари. Хажми буйича капиталистик дунёда АКШ ва Франциядан кейинги учинчи ўринни эгаллайдиган курулганиш экспорти тезланиш ўсди. 1976 йилдан 1988 йилгача харбий техник, асосан авиация соҳасида, шунингдек кемалар, кема куруллари ва курилмалари, танк экспорти киймати деярли 8 марта ўсди. Машинасозлик тармоги буйича экспорт ўсди, бошқа баъзи йилларда эса миллий тармокларнинг маҳсулот чикариши эса кискарди-озиқ-овқат саноати учун курилмалар, кемалар, темир йул тизими, ип-газлама, жунлар ва бошқалар, экспортда хом ашё хиссаис тушиб кетди. Узлаштириш меъёри (Шимолий денгиз нефть конларининг) натижасида табиий ёкилги солиштирма огирлиги ўсди. Озиқ-овқат товарларининг экспортдаги хиссаси стабиллашди. Товар импорти структурасида сезиларли ўзгаришлар булиб утди. 70 йиллар бошида кишлок хўжалиги самарадорлиги ошиши натижасида ва бу маҳсулотларга бўлган талабни озгина эластиклиги натижасида озиқ-овқат товарларини хиссаси 2 марта кискарди. Химикатларни, айникса пластмасса дори препоратлари, ювиш воситалари ва синтетик тола олиб кириш кучайди. Асбоб-ускуналар ва автомобиллар олиб кириш динамик ўсди.

Буюк Британия - Ўзбекистон муносабатлари

1993-йилда Буюк Британия ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабат ўрнатилди. 1993 - йилнинг 17 -19-июн кунлари Буюк Британия кироличасининг кизи малика Анна Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф давомида мамлакатимиз билан, халқимиз турмуш тарзи билан танишди. Самарқанд шаҳрининг тарихий ёдгорликларини зиёрат килди.

Шу йилнинг 15-октябрида эса Буюк Британия ташқи ва ҳамдўстлик ишлари бўйича дайлат язири Д. Хог расмий ташриф билан юртимизга келди. Музокаралардан сўнг икки дайлат ўртасида маданият ва таълим соҳасида ҳамкорлик битими имзоланди. Шунингдек, икки ёклама солиқ олмаслик тўғрисида ҳам келишувга эришилди.

22-25-ноябр кунлари Ўзбекистон Президенти И. Каримов Буюк Британияга расмий амалий ташриф билан борди. Мамлакат кироличаси Йелизаета ИИ, шунингдек, бош вазир Ж. Мейжор билан учрашди. Сафар чоғида ўзаро иқтисодий алоқалар тўғрисида шартнома, ўзаро рағбатлантириш уа ҳимоялаш тўғрисида ҳамда икки дайлат ўртасида хаё йўли очиш ҳақида битимлар имзоланди. Йевропа тикланиш ва тараққиёт банки мамлакатимизда олтин қазиб олиш корхоналарини куриш учун 150 млн. доллар ажратишга қарор килди. Машхур «Лонро» компанияси билан битим тузилди.

Булардан ташқари, икки мамлакат худудида фукароламинг эркин юриши ҳақида ҳам хужжат имзоланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 50 дан ортиқ Буюк Британия уа Ўзбекистон кўшма корхонаси фаолият кўрсатмокда. 1997-йилдан Ўзбекистон Буюк Британиянинг РЖ-85 самолётларини сотиб ола бошлади.

«Бритиш Эйрвеиз» компанияси билан тузилган шартномага биноан 1992 йил 31 декабрдан бошлаб «Ўзбекистон хаво йуллари» миллий авиация компаниясининг самолиётлари хафтасига 4 марта Лондонга катнаб турибди. Ўзбекистон республикасида Буюк британия

сармояси иштирокидаги 115 та корхона мавжуд, шундан 34 тасида инглиз капитали 100% ни ташкил этади.

РОССИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

XX-XXI асрлар бўсағасида жаҳон хўжалиги структураси ва субъектлари таҳлили асосида Россия Федерациясининг жаҳон хўжалигида тутган ўрни ва ривожланиш истикболини билиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда хўжалиги интенсив ривожланиб бораётганлигини, «кучларни қайта гуруҳларга бўлиши»ни ҳисоба олиб, жаҳон иқтисодиётида аънанавий бўлиб келган марказлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўзгариб бораётганлиги, янги мамлакатлар ва минтақавий гуруҳлар «қоронғиликдан» озодлик сари ажралиб чиқаётганлигини кўришимиз мумкин. Бундай давлатлар ниҳоятда муҳим. Россиянинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнини аниқлашимиз мумкин. Улар ўртасидаги муносабатларни, уларнинг, шунингдек, Россия ва жаҳон иқтисодиётининг аҳволи иқтисодий хавфсизлик томонларига ҳам эътиборни қаратишимиз зарур.

Маълумки, 1995 йил бошларида Россия Федерацияси хавфсизлик комитети томонидан қабул қилинган «Россия Федерациясининг хавфсизлик стратегиясининг асосий низоми тўғрисида»ги қонунда унинг ташқи иқтисодий стратегияси асосий йўналишлари мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва ташқи бозорларида иқтисодий потенциалини сақлаш, иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича чет мамлакатларга ёки уларнинг уюшмаларига қарам бўлиб қолмаслик, техник-иқтисодий мустақилликни таъминлашдир, деб кўрсатиб ўтилган эди. Ҳозирги кун нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, Россиянинг жаҳон иқтисодиётидаги аҳволи мутлақо қарама-қаршиликлардан иборат. Россия мавжуд бўлган халқаро социалистик хўжалик тизими тугатилгандан сўнг (ўтган асрнинг 90-йиллари бошида) ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгаши (СЕВ) давлатлари ва айниқса, иттифок ҳукуматининг жаҳон хўжалиги ҳаётида кескин ўзгаришлар рўй бера бошлади. Ҳозирги шароитда у полисентрик мазмунга эга бўлиб, хўжаликнинг кўпгина соҳаларида АҚШнинг ҳукумронлиги сақланиб қолишига қарамасдан, бозор тизими (турли мамлакатларда бозор иқтисодиёти муносабатларининг ривожланиш даражаси ва хусусиятини ҳисобга олган ҳолда) бир томондан, «бой шимол» гуруҳига кирувчи етакчи саноати ривожланган давлатлар қаторига, иккинчи томондан эса, «камбағал жануб» гуруҳига кирувчи, эндиgina ривожланиб бораётган давлатлар гуруҳига ўхшаб кетади. Айни пайтда Россия ана шундай ораликда турибди.

СССРнинг тугатилиши, Россия Федерацияси учун жуда катта сиёсий ҳукмронликни йўқотиш бўлди ва унинг хўжалигида ўзаро алоқаларнинг кескин пасайишига олиб келди. Россия Шимоли-Шарқ томонга, яъни Евроосиё материгининг анча ички қисмларига суриб ташланди. Жаҳонда тўртта океандан учтаси (Атлантика, Шимолий муз ва Тинч океанлари)нинг океан сувлари ўраб туришига қарамасдан, Россия иқтисодий ривожланиш жиҳатидан қуруқлик мамлакати бўлиб қолаверган эди. Шимолий муз океани сувлари ўзига хос совуқ табиий иқлимга эга бўлганлиги унда савдо кемаларининг доимий равишда қатновини қийинлаштиради. Россия Федерациясининг Сибир ва Узоқ Шарқ ҳудудларида эса транспорт инфратузилмаси ривожланмаган, Тинч океани қирғоқларидан унумли фойдаланиш имкониятини бермас эди. Болтиқ ва Қора денгиз портларига чиқиш йўли қисқариши, шунингдек, ёпиқ Каспий денгизи Россия учун анча қийинчиликлар туғдирмоқда. Россия айнан шу сабабли 50%дан ортиқроқ денгиз портларидан, айниқса, музламайдиган портларидан ажралиши, унинг иқтисодиётини анча қийин аҳвога солиб қўйганди. Айниқса, Ғарбий ва Жанубий юксалишидаги темир ва автомагистрал йўллари, шунингдек, қувур ва ҳаво транспорти асосан чет эл давлатлари ҳудудлари бўйлаб ўтиши (ҳозирги Белоруссия ва шунингдек, Болтиқ бўйи давлатлари) мамлакатнинг иқтисодий аҳволи кескин пасайишига, иқтисодиёти ёмонлашиб боришига сабаб бўлмоқда (шубҳасиз бу соҳада 1996 йилнинг май ойида Россия ва Белоруссия давлатларининг ҳукумат бошлиқлари томонидан чегарадаги божхона тўсиқларини олиб ташлаш тўғрисидаги ўзаро шартномани имзоланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди).

Россия Федерациясининг иқтисодий ва географик жиҳати шундаки, ҳудудининг 2/3 қисми чекка Шимол раёнлари ва иқлими совуқ бўлган оғир шароитли зоналарга тўғри келади. Шунинг учун ҳам Россия қишлоқ хўжалигининг фақат 35%ида ғалла ва бошқа маданий экинларидан ҳосил олинади, ҳолос. Россиянинг шимолий текисликларида аҳоли яшаши учун жуда катта энергетика харажати талаб қилинади. Россия жуда бой табиий ресурсларга эга бўлишига қарамасдан ҳозирги

кунда нодир қимматбаҳо рангли ер ости металлари, кўплаб маданий техник экинлар хом ашёси ва тайёр маҳсулотлари билан, истеъмол товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли равишда таъминланмайди.

Маълумки, Россия Федерацияси собиқ СССРнинг 60%га яқин иқтисодий потенциалига меросхўр бўлиб қолган эди. Бирок, кейинги йилларда мамлакат иқтисодиёти муҳим қисмларининг асосий ишлаб чиқариш фондлари (машиналар, станокларни) молиявий жиҳатдан яхши таъминланмаганлиги, замонавий асбоб-ускуналар билан етарли жиҳозланганлиги оқибатида тушкунликка тушиб бормоқда. 1994 йилдаёқ асосий фондларнинг 63 фоизи 21 йил ёки ундан ортиқроқ хизмат қилинганлиги сабабли амалда ишга яроқсиз бўлиб қолганлиги туфайли тезда қайта жиҳозлашни талаб қиларди. Шунинг учун ҳам Россия саноати ва транспортининг кўпгина соҳаларида турли кўринишдаги технологик ҳалокатлар келиб чиқа бошлади.

Россия Федерацияси тахминан СССР ташқи иқтисодий алоқаларининг тахминан 70 фоизи меросхўри бўлиб қолганди. Лекин, шуни қайд қилмоқ керакки, Россия Федерацияси СССР таркибида бўлган 1986-1991 йиллардаёқ унинг ташқи савдо обороти деярли икки баробарга қисқарган, бундай тенденция кейинги йилларда ҳам сақланиб қолган эди. Узоқ хориж мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқа 1993 йилдагина нисбатан ўзгарди. Чунончи, бу жараёндаги кўрсаткич 1993 йили 71,1, 1994 йили 76,2 млрд. долларликни ташкил этди. Мамлакатнинг узоқ хориж мамлакатларига экспортида ҳамон хом ашё асосий ўринни эгаллаб қолмоқда. Бу соҳада, ўзи қиймати билан айниқса, ёқилғи-энергетика товарларнинг аҳамияти ортмоқда.

Россиянинг узоқ хориж мамлакатлари билан олиб бораётган умумий экспорт товарлар ҳажми 1994 йили 46,0% ни ташкил этди. (бу кўрсаткич 1992 йили 54,3, 1993 йили эса 45,0 эди.) 1994 йили четга чиқарилган қора ва рангли металллар, қимматбаҳо тошлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар ҳиссаси 29,9%га етди (1992 йили 16,3, 1993 йили эса 23,2). Ҳозирги кунда Россиянинг узоқ хориж мамлакатларига экспортида станоклар ва транспорт маҳсулотлари ҳиссаси камайиб бормоқда. Чунончи, бу борадаги кўрсаткич 1992 йили 9,3, 1993 йили 6,6 ва 1994 йили эса 5,1 эди.

Кейинги йилларда Россиянинг муҳим халқаро минтақавий бозорлар ва товарлар бозорларидаги иштироки кескин қисқармоқда, шунингдек, собиқ УИЁК (СЕВ) ва МДХда, шунингдек, ривожланаётган барча мамлакатларнинг бозорларида таъсирини тобора йўқотмоқда. Товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи чет эллик рақобатчиларини ўз ички бозорларидан сиқиб чиқармоқдалар.

Россия курул-яроғ бозорларидан ҳам сиқиб чиқарилмоқда. Ўтган асрнинг 80-йиллари СССР бу йўналишдаги бозорларнинг 38 фоизини, АҚШ эса 20 фоизини эгаллаган эди. Эндиликда бунинг акси: АҚШ салмоғи ортиб бормоқда.

Қирқ йил давомида, яъни «совуқ уруш» даврида олиб борилган ҳарбий стратегия соҳадаги биринчилик учун олиб борилган АҚШ билан собиқ СССР ўртасидаги кураш (бу даврда АҚШ иқтисодиёти мутлақ кўрсаткичлар бўйича собиқ СССР иқтисодиётига нисбатан 2-3 баробар устун эди) аслида ишлаб чиқаришнинг самарали ўсишига халақит қилган, иқтисодиётининг барча тизимида салбий таъсир кўрсатган, аҳоли истеъмол фондларининг қисқаришига сабаб бўлган эди. жадвал

Россия Федерациясининг 1992-1994 йилларда жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар.		
Кўрсаткичлар	Миқдор, (% ,доллар)	Жаҳон мамлакатлари орасида Россиянинг тутган ўрни
Дунё бўйича ЯИМ даги ҳиссаси	2,5% (725 млрд.доллр)	10
Дунё бўйича умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси	4% (310 млрд.доллар)	5
Йиллик ЯИМ бўйича, аҳоли жон бошига	4850 доллар	59
Йиллик аҳоли жон бошига саноат	2050 доллар	53

махсулотларининг тўғри келиш		
Иш билан банд бўлган бир киши ҳисобига соф йиллик шартли ишлаб чиқариш (мекнат унумдорлиги)	10 000 доллар	70

Россия кучли илмий-техник потенциалга, жуда катта, аммо ҳали ҳам фойдаланилмаётган интеллектуал ресурсларга бой. Мамлакат аҳолисининг асосий қисми маълумотли ва юқори маданий даражали. Шунга қарамасдан, Россиянинг хўжалик механизмини бутунлай бозор иқтисодиёт асосида қайта кўриш зарурдир. Бунинг учун эса бозорга ўтишнинг муҳим омилларини аниқлаб олиш ва янги шароитга мослаштириш мақсадга мувофиқдир. Россияда бозор инфратузилмасининг такомиллашган томонлари - банк тизими, фонд бозорлари, суғурта институтлари ва бошқалар ташкил топмоқда. Аммо Россиянинг иқтисодий ҳаётида, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш соҳаларида ниҳоятда мураккаб муаммолар ҳалигача ҳал қилинмаяпти.

Осиё мамлакатлари: умумий тавсифи ва табиий ресурслари

Жаҳоннинг энг йирик қитъасининг Осиё деб аталиши унинг жойлашган географик ўрни билан боғланган. Қадимий ассирияликлар (Месопотамия пасттекислигининг шимолий қисми) тилида у „шарқ“ маъносини беради. Табиийки, бу қадимий давлатдан шарқда жойлашган кенг ҳудудлар „**Осиё**“ деб ном олган.

Осиёнинг умумий майдони 44 млн. км² (Россиянинг Осиё қисмидаги ҳудудини ҳисобламаганда 31 млн. км²)ни ташкил қилади, аҳолиси эса 31 млрд. киши. Ҳозирги вақтда унинг сиёсий харитасида 50 дан ортиқ мустақил давлат ва мамлакатлар бор. Уларнинг кўпчилиги жаҳоннинг энг кўҳна ва энг йирик давлатлари ҳисобланади. Инсониятнинг тараққиётида Осиёнинг ўрни бекиёсдир. Унинг чексиз кенгликларида бир қатор қадимий юксак модд;й ва маънавий цивилизация ўчоқлари юзага келган. Биргина ер юзининг 4 та буюк „дарё- бўйи“ маданиятларидан учтасининг (Хитой, Ҳиндистон ва Ироқдаги дарё водийлари) жойлашганлиги унинг улуғворлигини тасдиқлайди.

Осиё жаҳоннинг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутати. Гарчи унда, асосан, ривожланаётган давлатлар кўпчиликини ташкил қилса-да, яқин келгусида уларнинг жаҳон ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнининг кучайиши кутилади. Осиёда 5 та субрегион яққол ажралиб туради. Булар Ўрта, Жануби-ғарбий, Жанубий, Жануби-шарқий Осиёдир.

Иқтисодий-географик ўрнининг икки муҳим томони яққол кўзга ташланади. **Биринчиси**, аксарият мамлакатларнинг бевосита денгиз бўйларида жойлашганлиги. Бу ҳолат уларнинг денгиз савдо йўлларига тўғридан тўғри чиқишига имкон беради. Осиё давлатларининг бир қисми серкатнов денгиз йўллари, бўғозлар устида (Туркия, Мала^и^ Сингапур, Жанубий Корея кабилар) жойлашгани уларнинг иқтисодий тараққиётида жуда катта омил бўлиб хизмат қилади.

Иккинчиси, қитъа мамлакатларидан Ж^таси куруқлик ичкарасида жойлашганлиги ва денгиз савдо йўлларига бевосита чиқиш имкониятидан маҳрумлиги.

Осиёнинг **табиий ресурслари** ҳам анча бой ва хилма-хил. У минерал табиий бойликлар билан, айниқса яхши таъминланган. Жаҳон нефт захираларининг Ж70 фоизи, газининг ^ОЖоиздан кўпи, кўмирининг 54 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Нефт ва табиий газга Форе_қўлтиқбўйи мамлакатлари, Россиянинг Сибир ҳудудлари, Ўрта Осиёнинг ғарбий текисликлари, Ҳинди-Хитой ярим оролининг денгиз саёзликлари анча бой. Хитой, Ҳиндистон платформалари, Қозоғистоннинг қадимий тоғли ўлкалари бўйлаб асосий тошкўмир, марганес, қора ва рангдор металл конлари, Тинч океанбўйи ҳудудлари (Хитой, Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари) бўйлаб машҳур „қалайи белбоғи“ жойлашган. Жаҳоннинг энг йирик қалайи конлари Осиёнинг ана шу ҳудудларида учрайди. Осиёда

Осиё мамлакатлари хўжалиги. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммолар

Гарчи Осиёнинг жаҳон хўжалигидаги мавқеи сўнгги даврларда тинимсиз ўсиб бораётган бўлса-да, кўпчилик давлатларнинг иқтисоди қолоқ ҳолдадир. Осиё давлатлари саноатининг ривожланганлиги ҳолатига кўра олти гуруҳга бўлинадилар.

Биринчиси Япония боииб, типик Осиё давлатларидан бири бўлишига қарамай, сўнгги ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажмига кўра жаҳоннинг иккинчи давлати ҳисобланади. Шу билан бирга у

минтақадаги „Катта еттилик“га кирувчи ягона давлат, ижтимоий тараққиёт борасида кўплаб ривожланаётган давлатлар учун намуна ҳамдир.

Иккинчиси Хитой ва Ҳиндистондир. Улар олдинги қоқоқ, мустанлака давлатдан сўнги йилТарда лқтисодиёти тез ривожланаётган давлатларга айландилар. Ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ҳажмига кўра улар жаҳоннинг энг йирик биринчи ўнлик давлатлари қаторида турадилар. Аммо аҳолиси жон бошига маҳсулотларнинг тўғри келиш кўрсаткичлари эса ҳали анча пастлигича қолмоқда.

Учинчиси Осиёнинг янги индустриал давлатларидир. Улар Жанубий Корея, Тайван, Сингапур, Хитойнинг Сянгани бўлиб, сўнги ўн-ўн беш йил ичида омилқорлик билан амалга оширилган иқтисодий ислохотлар туфайли тараққиётда кескин юксалишларга эришдилар. Шу туфайли улар Ғарбда „Осиё йўлбарслари“ ёки „Осиё аждарҳолари“ деб ҳам ном олдилар. XX аср охириларига келиб бу тоифа давлатларга Малайзия ва Таиланд ҳам қўшилди.

Осиёнинг илғор давлатларидан Исроил, Кипр ва Туркия ўз тараққиёт йўлини белгилашда Ғарб мамлакатлари тажрибасини дастур қилиб олган бўлса, Шарқидажойлашган янги индустриал давлатлар эса Япония ривожланиш моделини намуна қилиб олганлиги билан ажралиб туради.

Жумладан, 60- йилларгача қоқоқ бўлган Корея Республикаси 90ж йиллар бошларига келиб жаҳонда АЭС ларда ишлаб чиқарилаётган электр энергия ҳажмига кўра 9- ўринга, пўлат эритиш бўйича 8- ўринга, денгиз кемалари ишлаб чиқаришда ўринга, кимёвий толалар исРлаб чиқаришда 5- ўринга, электрон саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 6- ўринга чиқиб олди. Шунга ўхшаш кескин иқтисодий ўсишлар Сингапур, Сянган ва бошқаларда ҳам юз берди.

Тўртинчиси, Форс қўИтиқбўйидаги нефт қазиб чиқарувчи мамлакатлардир. Бу мамлакатларнинг кўпчилиги ҳозирги вақтда аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш даражасига кўра салкам жаҳондаги етук ривожланган давлатлар қаторида туради. Бунинг асосий сабаби нефтни кўплаб қазиб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳисобига тушадиган катта миқдордаги „**нефть-доллар**“дир. Саудия Арабистони, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликларида мамлакат экспортининг 95 % ини нефт ташкил қилади. Натижада Форс қўлтиқбўйи мамлакатларида нефт ва табиий газ чиқариш, нефт кимёси, қайта эритувчи металлургия каби саноат тармоқлари юзага келди.

Бешинчиси, саноати бир томонлама, суст ривожланаётган мамлакатлардир. Булар Мўғулистон, Покистон, Ветнам, Бангладеш, Иордания, Шри-Ланка

каби мамлакатлар бўлиб, асосан, тоғ-қон ёки енгил озик-овқат саноатлари- гина маълум даражада ривожланишга эришган.

Олтинчиси — иқтисодиёти энг қоқоқ мамлакатлар. Улар Афғонистон, Непал, Яман, Лаос, Бутан каби мамлакатлардир. Уларда саноатнинг бирон тармоғи етарли ривожланмаган, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги жуда паст даражададир.

Давлатлар орасида қишлоқ хўжалиги ихтисослашувида ҳам муҳим фарқлар мавжуд. Шу сабабли, Осиёда турли қишлоқ хўжалиги раёнлари шаклланган. Буларнинг асосийлари: **биринчиси, шолиқор раён.** Бунга Жанубий, Жануби- шарқий ва Шарқий Осиёнинг муссон иқлимли ҳудудлари қиради. Шимолда Япония, Кореядан тортиб жанубда Ява, Шри-Ланка ороллариғача экин майдонларининг мутлақ катта қисмида ҳар йили қайта-қайта шоли экиб ҳосил олинади. Ганг, Брахмапутра, Иравади, Менам, Меконг, Хонха (қизил), Янсзи, Сисзян каби дарёларнинг унумдор қайир ва делталарида, океан ва денгизбўйи пасттекисликлари ҳамда сон-саноқсиз ороллар экинзорларидан олинадиган мўл шоли ҳосили юз миллионлаб аҳолининг асосий тирикчилик воситаси бўлиб келмоқда.

Шолиқор майдонлардан бирмунча баландроқ қир, адирлар, тоғ ён бағирларида, айниқса, Ҳиндистон, Хитой, Шри-Ланка, Индонезия давлатларида ўзига хос мафтункор чой ландшафтлари ўзини кўз-кўз қилади. Улар орасида эса субтропик ва тропик мевазор боғлар, хушбўй доривор деҳқончилик майдонлари ястаниб ётади.

Иккинчиси, субтропик деҳқончилик раёни. У Ўрта денгизбўйи ҳудудларида таркиб топган. Унда субтропик деҳқончилик (ситрус боғдорчилиги ва узумчилик) маҳсулдор дончилик ва айрим чорвачилик соҳалари ривожланган.

Учинчиси, Жануби-ғарбий Осиёнинг чўл қисми қишлоқ хўжалиги. Унда исосан суғориш асосида таркиб топган воҳа ва водий деҳқончилиги (дончилик, хихтачилик, финик хурмочилиги) ва чўл чорвачилиги (қўйчилик, туячилик) армоқлари аҳамиятлидир.

Тўртинчиси, Осиёнинг ўрта кенгликлари қишлоқ хўжалиги. Унга Марказий Дсиё субрегионидан то Шимоли-шарқий Хитойнинг Тинч океан бўйигача)ўлган кенгликлари қиради. Унда, асосан, табиий нам базасида таркиб топган лончилик, суғоришга асосланган пахтачилик ва

бошқа техник экинлари леҳқончилиги яйлов чорвачилиги (қорамолчилик, қўйчилик, йилкичилик) >илан „омухта“ ҳолда ривожланган. Шунингдек, Осиёнинг шимолий ўрмон ва тундра минтақаларида ҳақланган **бугучилик, овчилик** билан баланд тоғ минтақаларида шугуланиладиган **тоғ яйлов чорвачилиги** (ечкичилик, қўтосчилик), **овчилик** ламда онда-сонда таркиб топган **деҳқончиликдан** иборат кишлоқ хўжалиги лудудлари ҳам мавжуд.

ЯПОНИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

Ривожланиш хусусиятлари

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр Осиё-Тинч океани худудидаги мамлакатлар иқтисодиёти учун ўзига хос «сакраш» йиллари бўлди. Кўп йиллар ўртача ва қолоқ бўлиб келган давлатлар тарихан қисқа вақт ичида улкан ютуқларга эришди. Иккинчи жаҳон урушида қаттиқ сиёсий ва иқтисодий талофот кўрган, ҳатто таслим бўлишдек оғир мусибатни бошидан кечирган бу давлат бир авлод умри давомида саноат ҳамда илмий-техника ривожига дунёда энг тараққий этган мамлакат даражасига кўтарила олдики, «Япония мўъжизаси» жаҳондаги барча олимлар, иқтисодчилар, социологларни ҳайратга солди. Япониянинг ривожланиш «сир»лари ҳаммани, шу жумладан, бизни ҳам қизиқтириши табиий. Айниқса, саноатнинг ва хизмат, яъни сервис соҳаларининг ниҳоятда тез ўсиш суръатлари, жаҳонда бўлаётган ўзгаришларга тезлик билан мослашувчанлик, ҳориждаги илғор тажрибаларни ниҳоятда усталик билан ижодий қабул қилиш ва янада ривожлантириш борасидаги нодир қобилият японияликларга хос хусусиятдир. Айнан шу боис у қисқа вақт ичида жаҳондаги (АҚШдан кейин) иккинчи давлатга айланди. Шу ўринда савол туғилиши табиий.

Япониядаги иқтисодий мўъжиза тасодифийми ёки уни юзага чиқарган омиллар мавжудми? Агар шундай бўлса бу омиллар нимадан иборат?

Ушбу мамлакат иқтисодий тадқиқотлар институти ходимларининг маълумотларига кўра, эришилган барча ютуқлар ҳукумат томонидан олиб борилган туғри иқтисодий сиёсат натижасидир.

Япония иқтисодиёти қуйидаги босқичма-босқич усуллар асосида ривожланди:

1946-1949 йиллар мамлакатда аграр ислоҳот ўтказилиб, кишлоқ хўжалигидаги эски феодал қолдиқларнинг барчаси тугатилди, бозор муносабатлари тўла ўрнатилди.

Иқтисодиётни қайта қуришни кўп йиллар мобайнида давлат ўз назоратига олди, унинг илҳомчиси ва бошқарувчиси бўлди, натижада иқтисодиётда демилитаризация (ҳарбий йўлдан тинчлик йўлига ўтиш) йўлига ўтиш турли йўллар билан ишлаб чиқариш кучларини жонлантириш, ташқи савдони либерализация (еркин) қилишга кенг имкон берилди.

Тушқинликдаги (гиперинфляция, ишлаб чиқаришнинг пастлиги) иқтисодиётни аввало, барқарорлик ҳолатига ўтказиш, иккинчидан, либераллаш, учинчидан, структуравий қайта қуриш, тўртинчидан, реал тараққиётга эришишдек муҳим вазифалар бош масала қилиб қўйилди.

Хўш, бу вазифалар амалда қандай рўёбга чиқарилди? Урушдан кейин бутунлай издан чиққан иқтисодиётни турли йўллар билан тўғри изга солиш учун, юқорида айтганимиздек, давлат назорати сақланди. 1946 йилнинг февралида карточкалар тизими жорий этилди. Шу йили илгариги ниҳоятда йирик консернлар - дзайбасу (оила асосига қурилган корхоналар) ўрнига янги типдаги корхоналар («Мисубиси», «Мисуй», «Сумимото» ва бошқалар) юзага келди. Саноатни дисцентрализациялаш учун антимонопол қонунлар чиқарилди. Шу тариқа Японияда ўзига хос уч ислоҳот амалга оширилди: трестлар тарқатилди, аграр ўзгаришлар рўй берди ва ишчи кучини ёллашнинг янги (бутун умрга ёллаш) усули жорий этилди. Шу даврда (1947 йил 3 майда) амалдаги Конституция қабул қилинди. 1949 йилдан бошлаб ишлаб чиқаришни ривожлантириш бош вазифа қилиб қўйилди, баҳолар эркинлиги жорий этилиб, давлатнинг бутун иқтисодиётдаги назорати анча сусайди. Иқтисодиётда устивор йўналиш тоғ-кон саноатига берилди. Орадан бир йил ўтгач, Японияда урушдан аввалги кўрсаткичнинг 70 фоизи миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди.

Айни чоғда иқтисодиётни рационализациялаш ва модернизациялашга ўтилди. Саноат корхоналари учун 5 йил муддатга имтиёзлар (кредит, солиқ сиёсати, инвестиция бўйича) берилди. Шу даврда анъанавий саноат тармоқлари билан бирга янги корхоналар юзага келди: соҳада структуравий ўзгаришлар рўй берди (синтетика ва электроника), айрим тармоқлар (кемасозлик) ривожига пасайди.

1960 йилдан эътиборан халқаро савдода эркинликка қараб йўл олинди, (ваҳоланки мамлакатда ташқи савдо вазирлиги 1949 йилнинг майида тузилганди). Япония шу даврда жаҳондаги барча иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлди. 1967 йилдан эса мамлакатда товар ва капиталнинг эркин ҳолати бошланди. Натижада 1952-1990 йиллар давомида Япония иқтисодиёти ҳажми 65 марта ўсди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, тўла бозорга аввалдан белгиланган режа ва муддатларда ўтилди. Бу жараёнда шошма-шошарликка йўл қўйилмади. 1949 йилдан бошлаб иш ҳақи устидан давлат назорати ўрнатилди. Бозор иқтисодиётига ўтишда илғор давлат - АҚШ тажрибаси қўлланди, лекин бошқа давлатлар тажрибаси ҳам инкор этилмади.

И. А. Каримов «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номи китобида: «Америкача андозада» эркин бозор муносабатлари айниқса, кучли рол ўйнайди, «Япон» ва «Франсуз» андозаларида эса ҳўжалик фаолиятини ташкил қилишда давлатнинг иштироки анчагина каттадир - дея бежиз таъкидлагани йўқийлган. Айнан шу туфайли Япониянинг ялпи миллий маҳсулоти 4.4 триллиондан ортиқ бўлиб, бу борадаги йиллик ўртача ўсиши 1,4% га етади. Япония саноат ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар бўйича фақат АҚШ дан ортда ҳолос. Бу давлат ўтган асрнинг 80-йиллари ўртасида капиталистик мамлакатларда ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотнинг 15%и ни етказиб берди. Жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича эса АҚШдан ўзиб кетди ва жаҳонда (Швейсариядан кейин) иккинчи ўринга чиқиб олди. Қиёс учун, бу кўрсаткич Буюк Британияда - 11.6 минг доллар, АҚШда - 18.2, ГФРда - 18.3 бўлса, Японияда - 19.5 минг долларни ташкил этади.

Япония ишлаб чиқариши экспортга ҳам йўналтирилган. Бу ердан четга тайёр, рақобатлаша оладиган, нисбатан арзон ва сифати юқори кўп турдаги маҳсулотлар чиқарилса, хориждан (импорт) энергиянинг 81%и, нефт 99,7%, темир рудаси, боксит, никел рангли металлларнинг ҳаммаси олиб келинади. Озиқ-овқат билан ички таъминот 75% га тенг. Мамлакат ички имкониятлари ҳисобига фақат гуруч билан тўла таъминланади, уни қисман экспорт қилади. Демак бу давлат бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликка «махкум этилган»

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қулай (экспорт) ва четдан керакли ва арзон хом ашёларни (импорт) олиб келиш туфайли тараққиёт бор фойда фаол савдо баланси ҳисобига юзага келди.

Японияда илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларига эътибор тобора ортиб бормоқда, фан-техника ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлиқ, бу соҳага капитал сарфлаш (ЯМФ - 4%), энг самарали ҳисобланган экспортда технология кашфиётлари ҳиссаси тобора ўсиб бормоқда. Шу сабабли бу ерда олимлар алоҳида эътиборда.

1. Географик жойлашиши, табиий шароити ва бойликлари

Япония (японча Ниппон Нихон) Тинч океанидаги оролларда Шарқий Осиё соҳили яқинида жойлашган давлат. Худудида 4 мингга яқин оролни қамраб олган, шимоли-шарқдан жануби-ғарбга қарийб 3 минг км га чўзилган; яенг йирик ороллари: Хоккайдо, Хонсю, Сикоку, Кюсю. Мамлакатнинг асосий ороллари улкан муҳандислик иншоотлари (сув ости тунеллари, кўприклар) орқали ўзаро боғланган. Майдони - 370 минг км. Аҳолиси - 123 млн. нафар. Пойтахти - Токио. Япония маъмурий жиҳатдан 46 префектура ва Хоккайдо губернаторлигига бўлинган.

Япония мўътадил субтропик ва тропик иқлим минтақаларида жойлашган. Қирғоқ чизигининг умумий узунлиги 30 минг км, чамасида. Хонсю оролининг жанубий соҳили, Сикаку ва Кюсю оролларининг қирғоқларида қўлтиқ кўп; бу ерда мураккаб қирғоқ чизигига эга бўлган Ички Япон денгизи жойлашган. Рюкюнинг жанубий ороллари маржон рифлари билан ўралган.

Релефи. Япония ҳудудининг 3/4 қисми қир ва тоғлардан иборат: паст текисликлар соҳил бўйлаб айрим-айрим жойлашган. Хоккайдо оролидаги тизмаларнинг баъзи чўққилари баландлиги 2000 метрдан ошади. (Асахи чўққиси - 2290 метр). Хонсю оролининг шимолий қисмида 3 та бўйлама тоғ тизмалари бўлиб, улар водий ва сойликлар билан бўлинган: оролнинг ўрта қисмидан ўтган Фосса-Магна синиқлар зонаси (узунлиги 250 км.) бўйлаб қатор вулканлар, жумладан, Япониядаги энг катта вулкан - Фудзияма (баландлиги 3776 метр) қад кўтарган. Хонсю ороли марказий қисмидаги тизмаларнинг чўққилари алп релефи ва йилнинг кўп қисмида қор билан қопланиб туради. Японияда баландлиги 3000 метрдан юқори 16 та чўққи бор.

Сикоку оролининг энг баланд жойи 1981 метр(Исидзути чўққиси), Кюсю оролиники-1788 метр (Кудзю вулкани).

Геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари: Япон ороллари ёйи ғарбий Тинч океан геосинклинал минтақаси таркибига киради. Фосса-Магна кундаланг синиклар зонаси Япония ҳудудини тузилиши жиҳатидан ўзаро фарқ қилувчи икки бўлакка бўлиб туради. Хоккайдо ороли ва Хонсю оролининг шимолий қисми палеозой-мезозой қатламларидан тузилган.

Япония ҳудуди кучли сейсмик зонада жойлашган (1855, 1891, 1897 ва 1923 йилларда фалокатли zilзилалар бўлган). Япониядаги 150 та вулкандан 40 тачаси сўнмаган. Вулканли раёнларда минерал ва термал булоқлар кўп. Фойдали қазилмалардан кўмир, темир рудаси, олтингургурт, марганес, қўрғошин, рух, мис рудалари, нефт, хромит, олтин, кумуш ва симоб конлари бор.

Иклими муссонли, шимолида мўътадил, жанубида субтропик, РЮКЮ оролларида асосан тропик. Хоккайдо оролида, Саппорода январнинг ўртача ҳарорати - 50С, июлники 220С, Окинавада январнинг ўртача ҳарорати 160С, июлники 280С. Материкдан эсан қишки муссон Япония ҳудудига совуқ ҳаво ва кўп ёғин келтиради. Йилига 30 мартагача тайфун бўлади. Бу вақтда кучли шамол эсиб, жала ёғади. Ўртача йиллик ёғин 1800 мм. Хоккайдо оролининг шарқида йиллик ёғин 800-1200 мм, Сикоку ва Кюсю оролларида 3000 мм.гача.

Ички сувлари. Дарёлари қисқа, аммо серсув. Мамлакат гидроэнергия ресурслари 52,7 млн. квт. Шундан 21,8 млн. квт ўзлаштирилган (1975). Тайфун вақтида дарёлар тошади. Кўпгина дарёларнинг суви суғоришга сарфланади. Майда кўллар кўп. Япониядаги энг катта кўл Бива (майдони 716 км²).

Тупроқлари. Шимолида ўтлоқи-ботқоқ, жанубда қўнғир, ўрмон субтропик ва тропикларда сарик ва қизил, текисликларда аллювиал тупроқлар тарқалган.

Ўсимликлари. Япония ҳудудининг 2/3 қисми ўрмон ва бутазорлардан иборат: ўрмонларнинг 1/3 қисми экиб ўстириш орқали яратилган. Ёғоч захираси 1,9 млрд метр (1974). Японияда жами 700 тур дарахт, бута ҳамда 3000 тур ўт ўсимлиги ўсади. Япония флорасида эндемик турлар кўп. Ўрмонлар асосан игна баргли ва кенг баргли дарахтлардан иборат.

Ҳайвонот дунёси. Японияда сут эмизувчиларнинг 270, қушларнинг тахминан 800, судралиб юрувчиларнинг 110 тури мавжуд. Япония қирғоқларига туташ денгиз сувларида балиқларнинг 600 дан зиёд, моллюскаларнинг 1000 дан ортиқ тури яшайди. Фаунасида эндемик ва реликт турлари кўп.

Японияда 10 млн. гектар ерда (мамлакат ҳудудининг 1/4 қисми) табиат кўриқланади. Шунинг ярмини 23 та миллий боғ ва давлатга қарашли кўриқхоналар ташкил этган (1977 й.). 1970 йилдан денгиз сув ости миллий боғлари (1976 йилда 40 та) мавжуд бўлган. Япония қуйидаги табиий раёнларга бўлинган: Шимолий, Шимолий-шарқий, Марказий, Жанубий-ғарбий.

10.3. Аҳолиси ва унинг жойлашиши

Япония - бир миллатли мамлакат. Аҳолисининг 90%дан ортиғи японлардир.

Яқин вақтгача Япония учун туғилишнинг кўплиги ва аҳоли табиий ўсишининг катталиги хос эди. Эндиликда туғилиш кескин камайди ва Япония аҳолисининг кўпайиш типини жиҳатидан бошқа ривожланган мамлакатларга яқинлашди. Бунга урбанизация суръатининг тезлашуви ва давлатнинг туғилишни назорат қилиш сиёсати сабаб бўлди.

Япония - аҳоли зич жойлашган мамлакат. Аҳолисининг Ўртача зичлиги 1 км га 300 нафардан ортади.

Урбанизациянинг юқори даражадалиги фақат шаҳарликлар сони кўплигида эмас, балки уларнинг асосий қисмини кенг шаҳар агломерацияларида тўпланганлигида ҳам акс этади. Токиодан Осака шаҳригача бўлган шаҳарлар минтақаси худди АҚШдаги АТЛАНТИКА бўйи мегалаполисига ўхшаган япон мегалаполисига айланган. Аҳоли жойлашишининг шаҳар типини шаҳар таърифини ўзгартиришга сабаб бўлди: Японияда яқин вақтларгача аҳолиси 30 минг кишидан кам бўлмаган аҳоли пунктлари шаҳарлар қаторига киритилар эди, эндиликда эса аҳолиси 50 минг кишидан ортиқ бўлган аҳоли зич яшайдиган ҳамда одамларнинг кўпчилиги шаҳарларга хос меҳнатда банд бўлган аҳоли раёнлари шаҳарлар деб аталадиган бўлди. Япониянинг чекка тоғли раёнларида кичик-кичик тарқоқ шаҳарлар кўпчилигини ташкил этади. Қишлоқ аҳолиси кўпинча кичик посёлкаларда яшайди. Аҳолининг ихтисослашиш таркиби кейинги вақтларда жуда ўзгарди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида иқтисодий фаол аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ва балиқ овлаш билан банд бўлган, эндиликда эса саноатда қишлоқ хўжалиги билан балиқ овлашдагига қараганда икки баробар кўп киши ишламоқда. Моддий бойлик ишлаб

чиқармайдиган соҳаларда ишловчи ходимлар, хизматчилар, илмий ходимлар, меҳмонхона хизматчилари ва бошқаларнинг сони тез кўпайиб бормоқда.

Аҳолининг синфий таркибида майда ва ўрта буржуазиянинг салмоғи АҚШ дагига қараганда бир оз катта, ишчи ва хизматчиларнинг салмоғи эса кичикроқдир. Бироқ, Япония хўжалигида монополистик буржуазиянинг роли АҚШ дагидан кам эмас.

Хоккайдо оролида мамлакатнинг энг қадимги аҳолиси - айнлар (20 минг нафар чамасида) сақланиб қолган. Шунингдек, корейс (700 минг нафардан зиёд) ва хитойлар ҳам бор. Расмий тил - япон тили. Асосий динлари - синтоизм (1945 йилгача давлат дини бўлган) ва буддизм.

Япония аҳолисининг сони жиҳатидан дунёда 6-ўринда туради. Жами иқтисодий фаол иш билан банд аҳоли (52,2 млн. нафар) нинг 27 фоизи саноатда, 22 фоизи савдода, 12,6 фоизи қишлоқ хўжалигида ишлайди (1975й.). Аҳолисининг ўрта зичлиги 1 км.га 298 нафар. (1975й.) тўғри келади. Жами аҳолисининг 75%и шаҳарларда яшайди. Энг йирик шаҳарлари: Токио, Иокоҳама, Осака, Нагоя.

10.4. Давлат тизими

Япония - конституцион монархия давлатдир. Амалдаги конституцияси 1947 йил 3 майда кучга кирган. Япониянинг меросий императори конституцияга кўра «Давлат ва халқ бирлиги рамзи» ҳисобланади. У парламент тавсиясига кўра, Бош вазирни ҳукумат тавсиясига кўра, Олий суд раиси ва аъзоларини тайинлайди, шунингдек, ҳукумат аъзоларини вазифаларига тайинлайди, истеъфоларини қабул қилади, парламентни чиқаради ва ҳоказо. Конституцияга кўра, императорнинг давлат ишларига алоқадор бўлган ҳар қандай фаолияти ҳукуматнинг маслаҳати ва маъқуллаши билан амалга ошуви лозим, чунки ҳукумат императорнинг фаолияти учун маъсул ҳисобланади.

Олий ҳокимият органи 2 палатали парламент (Вакиллар палатаси 4 йилга, Маслаҳатчилар палатаси 6 йилга сайланади), 20 ёшга етганларга сайлов ҳукуки берилган. Конституцияга кўра, парламент ҳукумат фаолиятини назорат қилиб туради, халқаро шартномаларни тасдиқлайди. Олий ижроия ҳокимият органи - ҳукумат (Айзорлар маҳкамаси).

Префектураларда маҳаллий бошқарувни сайлаб қўйиладиган префектура мажлиси амалга оширади. Шаҳарлар посёлка ва қишлоқларда ҳам сайлаб қўйиладиган мажлислар бор. Маҳаллий бошқарув органларидаги бош мансабдорлар (префектураларда губернаторлар, шаҳарларда - мерлар, посёлка ва қишлоқларда - оксоқоллар) аҳоли томонидан 4 йилга сайланади.

Суд тизимини бош судя ва 14 судядан иборат бўлган Олий суд бошқаради. Олий суд конституцион суд вазифасини ҳам бажаради. Апелляцион судлар, маҳаллий судлар, оила судлари, интизом (бошланғич) судлари бор. Судяларни Олий суд тавсияси билан Вазирлар маҳкамаси тайинлайди.

Конституциянинг махсус моддасида Япония урушдан абадий воз кечди ва армия тутмайди деб ёзиб қўйилган. Бироқ, ҳукумат реакцион кучлар тазйиқи остида «Ўзини мудофаа қилиш кучини» кўпайтириб, ҳарбий саноатнинг ривожланишини рағбатлантирмоқда.

10.5. Хўжалигининг умумий таърифи

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейин Америка оккупацияси Япония хўжалигига оғир зарар етказди. Бироқ, ўтган асрнинг 50-йилларида мамлакат иқтисодиёти тезлик билан ривожлана бошлади ва Япония ўз саноатининг юксалиш суръатлари жиҳатидан барча капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетди. Мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан бундай тез ўсиши кўп омилларга боғлиқ. **Биринчидан**, уруш йилларида эскирган ва ишдан чиққан завод жиҳозлари бутунлай янгиланди, улар фан-техника инқилобининг энг янги ютуқлари асосида ишланган жиҳозлар билан алмаштирилди. Япон монополиялари чет эл патентларини сотиб олиб, саноатга жаҳон ихтироларини тадбиқ этдилар, уларни муттасил такомиллаштириб бордилар. Шундай қилиб, ҳозир Япония саноати жиҳозларининг 2/3 қисми энг янги техникага тўғри келади.

Кейинги йилларда мамлакат фан-техника йўналишидаги тадқиқотларни кенгайтирмоқда. Япон ишчилари ўта саводли бўлганликлари туфайли ҳозирги замон ишлаб чиқариш техникасини тез ўзлаштирилди. **Учинчидан**, давлат-монополистик капитализми Япония саноатини қайта қуришга ҳар томонлама ёрдам берди: давлат корхоналарини реконструкция қилиш ва янги қурилишлар учун сарфланадиган маблағнинг анчагина қисмини ўз зиммасига олди монополияларга солиқ тўлаш юзасидан енгилликлар ва катта қарз берди. **Тўртинчидан**, яқин

вақтларгача мамлакатнинг ҳарбий харажатлари кўп бўлмади, бу ҳол хўжалик учун ажратиладиган давлат маблағини кўпайтиришга имкон берди.

Ҳозирги вақтда Япония саноатининг ривожланиш даражаси жиҳатидан жаҳон капиталистик мамлакатлари ўртасида иккинчи ўринда, баъзи ишлаб чиқариш соҳалари (кемасозлик, транзисторли радиоприёмниклар, целлюлоза толаси, автомобиллар ишлаб чиқариш) да эса биринчи ўринни эгаллайди.

Иқтисодиётининг структураси жиҳатидан Япония АҚШ дан бирмунча фарқ қилади: Японияда саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасида узилиш камроқ. Бу тармоқлар билан бир қаторда транспорт, савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам кенг ривожланган, «Фанга талабчан тармоқлар» тобора ривожланмоқда.

Япония саноатида ишлаб чиқаришнинг марказлашуви юқори даражага етди, бироқ, бошқа кўпчилик ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, бу ерда анчагина майда, кўпгина ярим кустар корхоналар сақланиб қолган. Улар монополияларга қарашли йирик корхоналар билан шартнома асосида ишлайдилар. Масалан, автомобиллар учун керакли деталлар ва эҳтиёт қисмларнинг кўпини кичик корхоналар ишлаб беради, кузов, моторлар ва машинани йиғиш ишларини йирик заводлар бажаради.

Ўтган асрнинг 50-йиллари бошигача енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари етакчи ўринда турар эди, энди эса оғир индустрия маҳсулоти жами саноат маҳсулоти қийматининг 3/4 қисмини ташкил этмоқда. Ундирувчи саноатнинг ҳиссаси тобора камайиб бормоқда. Мамлакат хом ашё бўйича ҳам, тайёр молларни сотиш жиҳатидан ҳам жаҳон бозорига тобора кўпроқ боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Иқтисодиётнинг яқин ўтмишдаги тезлик билан ривожланиши хўжаликнинг нотекис жойлашганлик муаммосини кескинлаштириб юборди. Шарқий денгиз бўйи раёнларида аҳоли ва саноат тобора кўпроқ тўпланиб бормоқда, айни вақтда бир қанча ҳудудлар (Хонсю оролининг шимолий қисми. Хоккайдонинг чекка раёнлари) сустривожли сустривожига қолмоқда.

Саноати. Япониянинг ёкилги хом ашё базаси жуда чекланган. Кўмир ресурси мамлакат эҳтиёжининг ярмига яқинини таъминлайди, коксланувчи яхши кўмир жуда оз. Япония бир йилда казиб оладиган нефт АҚШда ярим кунда казиб чиқарилади, темир ва марганес рудалари кам, боксит ва кўпгина бошқа минерал хом ашёлар бутунлай йўқ.

Энергиянинг 4/5 қисми четдан келтириладиган хом ашёдан ишлаб чиқарилишига қарамай, мамлакатда юқори даражада ривожланган энергетика хўжалиги бор. Четдан келтириладиган нефт асосида нефтни қайта ишловчи ва нефт-кимёси саноати ўсиб чиқди. Бу саноат корхоналари Хонсю ва Кюсю ороллариининг урбанизациялашган полосасидаги шаҳарларда жойлашган. Электр энергияси ишлаб чиқариш тез ўсмоқда. Яқин вақтларгача электр энергиясининг асосий қисмини Хонсю оролидаги тоғ дарёларига қурилган кўпдан-кўп ГЭСлар беради. Кейинги вақтларда шарқий соҳилдаги шаҳарларда четдан келтириладиган ёкилги билан ишлайдиган қудратли ИЭСлар қурилди. Ҳозир ҳам бу станциялар Японияда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг деярли 4/5 қисмини бermoқда. АЭСлари тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Кейинги вақтларда металлургияда катта ўзгаришлар юз берди, у тўла реконструкция қилинди. Эскирган кўпдан-кўп заводлар ўрнига энг янги техника билан жиҳозланган жуда катта комбинатлар қурилди. Японияда дунёдаги энг катта домна печлари ишлаб турибди, пўлатнинг 3/4 қисмидан кўпроғи конвертерларда кислород ёрдамида эритилади. Қора металлургия йўналишида ишлаб чиқаришнинг йириклашуви ва техникавий жиҳозланганлик даражаси жиҳатидан Япония барча ривожланган мамлакатлардан ўзиб кетди. Бу тармоқнинг географияси ҳам ўзгарди. Иккинчи жаҳон урушига қадар энг катта корхоналар кўмир казиб олинадиган раёнда, Кюсю оролининг шимолида эди. Янги комбинатлар Марказий Хонсюнинг четдан темир рудаси, темир-терсақлар ва коксланувчи кўмир келтириладиган порт шаҳарларида қурилди. Четдан келтириладиган боксит ва бошқа хом ашёларга мулжалланган рангдор металлургия корхоналари ҳам шу ерда бунёд этилди.

Япония оғир саноатининг етакчи тармоғи машинасозлик. Транспорт машинасозлиги, станоксозлик, электротехника буюмлари, электрон машиналар, тиббиёт аппаратуралари ҳамда тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатлари учун жиҳозлар ишлаб чиқариш, айниқса, кенг ривожланган. Япония кемасозлиги жуда хилма-хил: Иокогама, Осака, Кобе, Нагасаки ва бошқа кўп марказларининг кемасозлик корхоналарида дунёда энг йирик супертанкерлар, кит овлайдиган ҳар хил кемалар, юк ташиш учун белгиланган кичик кемалар ишлаб чиқарилади. Иккинчи жаҳон урушига қадар мамлакатда автомобилсозлик бўлмаган, эндиликда Токио, Осака Нагоя, Кавасаки ва соҳил бўйидаги бошқа шаҳарларнинг заводлари туфайли Япония (АҚШ билан бир қаторда) автомобил ишлаб чиқаришда биринчи ўринга чиқиб олди. Саноатнинг энг янги тармоғи бўлган

электрон саноати ҳам тез ривожланди. Япониянинг транзисторли радиоприёмниклари, кинокамералари, фотоаппаратлари, телевизорлари жаҳон бозорида кенг танилган. Турли ихтисосдаги машинасозлик корхоналари Хонсю ва Шимолий Кюсю оролларидаги аҳоли зич яшайдиган полоса шаҳарларида тўпланган.

Тез ривожланиб бораётган кимё саноати ҳам турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Соҳа саноати қисман ўз хом ашёси - ёғоч, кокс чиқиндиси ва бошқаларга нисбатан четдан келтириладиган нефт ва суюлтирилган газдан кўпроқ фойдаланади. Органик синтез кимёсининг кенг қўламда ривожланганлиги Японияга саноатни хом ашё билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда ёрдам бермоқда. Металл деталлар аста-секин пластмасса деталлар билан алмаштирилмоқда, синтетик тола ҳозирги вақтда мамлакатда ишлаб чиқариладиган тўқимачилик толасининг 9/10 қисмини ташкил этмоқда. Кимё заводлари ҳам машинасозлик корхоналари каби Хонсю оролининг шарқий соҳилидаги ва Шимолий Кюсюдаги порт шаҳарларда ва нефтни қайта ишлаш ҳамда металлургия марказлари яқинида жойлашган.

Енгил саноатнинг асосий тармоқлари бўлган ип-газлама саноати ва ипак газлама саноати ўсмаяпти, маҳсулот ишлаб чиқаришда улар ҳамон урушдан аввалги даражага етгани йўқ. Поябзал саноати жадал ривожланмоқда. Бунга японлар ҳаёт тарзининг европалашуви сабаб бўлмоқда. Шаҳарликлар оёғида эскидан расм бўлиб келаётган гета (ёғоч ковуш) тобора камайиб, чарм поябзал эса кўпайиб бормоқда.

Шимолий Хонсю ва Хоккайдо оролларидаги анчагина ўрмон массивлари Япониянинг ёғочсозлик саноатини хом ашё билан қисман таъминлайди, ўрмон хом ашёсининг кўп қисми четдан келтирилади.

Қишлоқ хўжалиги. Япониянинг табиий шароити қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун умуман қулай. Ўртача баландликдаги тоғларнинг ён бағирлари яхши ривожланган подзол тупроқлар ва ўрмон қўнғир тупроқлари билан қопланган. Етарли даражада ўғитланса, бу тупроқлар юқори ҳосил беради. Соҳиллардаги аллювиал тупроқли текисликларни деҳқонлар азалдан ўзлаштирганлар. Қўриқ ерлар фақат Хоккайдо оролида сақланиб қолган: бошқа оролларда японлар ботқоқларнинг қирғоққа яқин соҳиллари ва дарё дельталарини қуритиб, қўрғазлар ҳамда денгизнинг саёз жойларини тупроқ билан тўлдириб, шулар ҳисобига шаҳарларни ва шаҳар атрофи хўжаликларини кенгайтirmoқдалар. Ороллар меридиан бўйлаб чўзилиб кетганлигидан уларнинг иқлим шароити турлича. Хоккайдо оролида ва Хонсюнинг шимолида вегетасия даври 120-140 кун давом этади: деҳқончиликда баъзи бир экинларнинг махсус яратилган навлари (масалан, совуққа чидамли шоли) етиштирилади. Хонсюнинг марказий қисмида қишнинг илиқ келиши кузги экинлар экишга имкон беради, узоқ давом этадиган ёз шоли етиштириш учун жуда қулай. Хонсюнинг жанубида ва Кюсю ҳамда Сикоку оролларида хилма-хил иссиқсевар ўсимликлар, шу жумладан, ситрус ўсимликларини етиштириш мумкин.

Ҳозирги Япониянинг аграр тизими иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўтказилган ислохот билан белгиланади. Ислохот йирик мулкдорларнинг ҳайдаладиган ерларини камайтирди: давлат помещиклардан ортиқча ерларни сотиб олиб, деҳқонларга сотди. Ўрмон ва ўтлоқлар илгариги хусусий мулкдорлар қўлида қолди. Ерни ижарага олувчилар сони камайди, хусусий ер эгаларининг сони кўпайди. Бироқ ер эгаларининг деярли 2/3 қисмига чек ери 1 гектардан кам. Шунга қарамай, ислохот помещик ер эгаларини тугатди. Япония қишлоқ хўжалиги типик капиталистик хўжаликка айланди.

Қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви жиҳатидан Япония бошқа ривожланган капиталистик мамлакатлардан анча фарқ қилади. Бу мамлакат деҳқончилик мамлакати: деҳқончилик маҳсулотининг қиймати чорвачилик маҳсулотининг қийматидан икки баробар ортиқ. Бироқ чорвачилик (айниқса, шаҳар атрофида сут чорвачилиги тез ривожланмоқда).

Интенсив деҳқончилик юқори ҳосил беради. Ҳар йили олинадиган ҳосил гарчи экин майдони ўзгармаган бўлсада, кейинги йилларда анча ошди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши юқори даражада механизациялашган. Шу билан бирга Япония саноати табиий шароитнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, махсус кичик ҳажмли машиналар («Кичик механизация») ишлаб чиқармоқда.

Япониянинг асосий экини - шоли. Шоли барча экин майдонининг ярмидан ортигини банд қилган. Шоли ҳамма ерда асосан сугориладиган ерларда, бироқ товар маҳсулотининг катта қисми Хонсю оролининг марказий ҳамда жанубий раёнларида етиштирилади. Хонсюнинг шимолида ва Хоккайдода бўғдой, жавдар ва арпа экилади, бироқ етиштириладиган дон мамлакат эҳтиёжини қондира олмайди. Шаҳарлар атрофида сабзавот ва мевалар етиштирилади. Техника экинлари - қанд лавлаги, соя, тамаки, чой ҳам катта аҳамиятга эга.

Японлар азалдан гулчилик билан шуғулланиб келадилар. Кўп гуларнинг япон диний (синтоизм) маросимларида аҳамияти катта. Японларда гулдаста яшаш, гулларни ва дарахт новдаларини вазаларга чиройли (икебана) қилиб солиб қўйиш анъанавий санъат ҳисобланади. Иккинчи жаҳон урушига қадар Япония ўз ипакчилиги билан донг чиқарган эди. Эндиликда ипакчилик тушқунликка юз тутди, ипак курти боқиш билан кўпинча деҳқонликда қўшимча тармок сифатида шуғулланилади.

Балиқ овлаш - Япония хўжалигининг муҳим тармоғи. Балиқ соҳил бўйидаги сувларда ҳам, узоқ денгизларда ҳам тутилади. Қирғоқ яқинида балиқ овлаш билан соҳилдаги қишлоқ аҳолиси, узоқ денгизларда (асосан Тинч океанининг ғарбий қисмида) эса, техника жиҳатидан мукамал балиқ овлайдиган флоти бўлган йирик монополиялар шуғулланади. Ички денгиз соҳилларида балиқчилик хўжаликлари жойлашган. Балиқ овлаш жиҳатидан Япония дунёда биринчи ўринда туради. Японлар овқатида балиқ, бошқа денгиз ҳайвонлари маҳсулотлари катта ўрин тутди.

Транспорти. Японияда куруқликдаги транспорт ҳам, денгиз транспорти ҳам бирдай ривожланган. Мамлакат ичкарасидаги юклар автомобилларда, темир йўл транспорти ва каботаж кемаларда ташилади. Темир йўлларининг катта қисми давлатга қарайди. Бу йўлларнинг ярми электрлаштирилган. Энг муҳим темир йўллар соҳилдаги паст текисликлардан ўтади. Тинч океани қирғоғи бўйлаб кетган йўл Хонсю оролидан Кюсю оролига Симоносёки қўлтиғи тағидаги туннел орқали ўтади. Сугару бугози остида дунёдаги энг узун (54 км) туннел қуриляпти. У Хоккайдо оролини Хонсю ороли билан боғлайди.

Денгиз флоти тоннажининг катталигига қарамай тез ўсиб бораётган ташқи савдо юklarини ташиб беришга улгура олмайди ва мамлакатга чет эл кемаларини кира қилишига тўғри келади. Бўш рейс бўлмаслиги учун Японияда турли юкларни ташишга мослаштирилган кемалар қурилган: уларнинг махсус жиҳозланган палубаларида Япониянинг четга чиқариладиган саноат моллари (масалан, автомобиллар), орқага қайтишда эса, трюмга кўмир, темир рудаси ёки бошқа моллар ортилади. Каботаж флотида ҳозирги замон кемалари билан бир каторда елканли кемалар ҳам сақланиб қолган. Улар ички денгизда ташиладиган юкларнинг анчагина қисмини ташийди.

Иқтисодий-географик тафавутлари

Аҳолисининг зичлиги ва хўжалигининг ривожланиш даражаси жиҳатидан Япониянинг бошқа қисмлари орасида Хонсю оролининг марказий қисми алоҳида ажралиб туради. Япониядаги энг баланд (шу жумладан, японлар ифтихори - баландлиги 3776 м бўлган Фудзияма вулкани) ва мамлакатдаги энг йирик пасттекисликлар ҳам шу ердадир. Хонсю соҳилидаги пасттекисликлар бир замонларда Япония деҳқончилик маданиятининг қадимги маркази бўлган, кейинчалик бу ерда дастлабки шаҳарлар пайдо бўлган.

Урбанизациялашган соҳил бўйлари (Япония мегалаполиси) Япониянинг саноати энг ривожланган қисмидир. Шу билан бирга Марказий Хонсюда интенсив ва хилма-хил қишлоқ хўжалиги кенг ривожланган. Бу ерда шоли, тоғ ён бағирларида чой, тамаки етиштирилади. Шаҳар атрофи хўжалиги яхши ривожланган. Қорамоллар ва чўчқаларнинг кўпчилиги ҳам шу ерда тўпланган.

Япония пойтахти - Токио дунёдаги энг йирик шаҳарлардан бири, энг муҳим саноат, транспорт, савдо ва маданият марказидир. Унинг саноат корхоналари орасида ҳар хил машинасозлик заводлари (айниқса, автомобиллар, саноат асбоб-ускуналари, электрон машиналар ва аппаратлар ишлаб чиқарадиган заводлар), нефт кимёси комбинатлари, шунингдек, полиграфия, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари кўп. Токиода кўпгина йирик илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, музейлар ва театрлар бор. Шаҳарнинг ташқи қиёфасида Европа ва Япония архитектурасининг қўшилиб кетган шакли акс этади. Марказий раёнлари Европадаги йирик марказларни эслатади, ишчи кварталлари қишлоқларга ўхшайди.

Токиодан Токио қўлтиғи соҳили бўйлаб шаҳарлар бир-бирига тутшиб кетган. Уларда металлургия, машинасозлик ва нефт кимёси корхоналари бор. Қўлтиқдан чиқаверишда бу саноатлашган ҳудуднинг иккинчи энг йирик маркази миллионер шаҳар Токионинг аванпорти - Иокогама жойлашган бўлиб, у денгиз канали орқали пойтахт билан қўшилган. Бу шаҳарда мамлакатнинг энг йирик кемасозлик корхоналаридан бири, кўплаб пўлат эритадиган ва нефт кимёси комбинатлари, кўп металл ишлатадиган машинасозлик заводлари бор. Уруш йилларида шаҳар Америка авиациясининг ҳужумидан катта зарар кўрди, кейинчалик бутун-бутун кварталлар янгидан қурилди ва европача тус олди.

Токио агломерасиясидан ғарбда Исе кўлтиғи соҳилида кўпдан-кўп йўлдош шаҳарлар ва кенг шаҳар атрофи билан бирга Нагоя шаҳри жойлашган. Бу йирик металлургия-машинасозлик ва кимё комплексида ҳар қайси йўлдош шаҳар ўзининг тор ихтисосига эга: баъзилари автомобиллар, бошқалари кимёвий толалар, айримилари мураккаб станоклар ишлаб чиқаради ва хоказо. Агломерасиянинг маркази - Нагояда турли-туман саноат тармоқларига қарашли корхоналар бор.

Япония мегалополисининг жанубий-ғарбий чеккасида учта марказ: Осака, Кобе ва Япониянинг илгариги пойтахти Киото атрофида таркиб топган полисентрик шаҳар агломерасияси жойлашган. Осака мамлакатнинг энг катта шаҳарларидан бири бўлиб, ўзининг ип-газламалар ва тўқимачилик машиналари ишлаб чиқаришдан иборат эски ихтисосини қисман сақлаб қолмоқда. Бироқ бу шаҳарда турли хил машинасозликнинг энг янги тармоқлари, хусусан электрон ва йирик кимё корхоналари катта аҳамият касб этади. Кобе - қора металлургия ва кемасозлик шаҳри. Унинг машинасозлик заводлари кемалар учун зарур бўлган ҳамма жиҳозларни ишлаб чиқаради. Киотода машинасозлик билан бир қаторда миллий ярим кустар корхоналари - чинни идишлар, уйинчоқлар ва ёғоч буюмлар ясайдиган корхоналар сақланиб қолган. Жанубий Хонсю билан Шимолий Кюсю хўжалигининг типи ва саноатнинг жойлашуви жиҳатидан Марказий Хонсюга ўхшайди, бироқ иқтисодий тараққиёти даражаси пастроқ. Раёндаги энг йирик шаҳар агломерасияси Кюсю оролининг шимолида миллионер шаҳар Китакусю (Шимолий Кюсю) атрофида жойлашган. Бу саноат узелидаги қора металлургия ва кўп металл ишлатадиган оғир машинасозлик етакчи ўрин тутди.

Жанубий Кюсю ва Сикоку ороллари Шимолий Хонсю билан Хоккайдо каби кам ривожланган ҳудудлардир. Уларда кишлоқ хўжалиги устун туради, саноат корхоналари айрим шаҳарлардагина бор. Ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, Хоккайдо оролида маҳаллий кўмир ва руда ресурслари ҳамда четдан келтириладиган хом ашё асосида янги саноат раёни барпо этилади. Хоккадоте(Хоккайдо ороли) ва Нагасаки (Кюсю ороли) мамлакатнинг энг йирик балиқ саноати марказларидир.

Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши

Муносабатлар узок йиллик тарихий илдизларга эга. Улар энг асосий карвон йўли Марказий Осиё давлатлари орқали узок Шарқдан Европага ўтган «Буюк ипак йўли» даврига бориб тақалади.

Бугунги кунда Япония иқтисодий тараққиёти жиҳатидан жаҳонда иккинчи ўринда турадиган мамлакатдир. Жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 14%и унинг ҳиссасига тўғри келади. Ўтган асрнинг 80-йиллар ўрталаридан бошлаб бу мамлакат жаҳонда қарз берадиган энг йирик давлатга айланди.

Ислом Каримовнинг 1994 йил май ойида Японияга ташрифи амалий ҳамкорлик алоқалари тараққиётига янги туртки бўлди.

Ўтган бир йил ичида мамлакатларимиз ўртасида товар айрибошлаш ҳажми сезиларли даражада ўсиб, қиймати қарийиб 29 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шуниси диққатга сазоворки Ўзбекистон Японияга экспорт қилаётган маҳсулотлар ҳажми 1994 йилдагига қараганда 2 баробар ўсди.

Айни пайтда икки мамлакат мутахассислари савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги, шунингдек, икки ёклама солиқ олмаслик тўғрисидаги битимларнинг лойиҳаларини тайёрламоқдалар.

Бу ҳужжатлар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши учун кенг истиқболлар очади.

Республикамиз мустақил бўлгач, Ўзбекистонга Япония ҳукумати ва ишбилармон доиралари вакилларида иборат кўплаб делегасиялар ташриф буюрди. Уларнинг асосий мақсади мамлакатимиздаги сармоявий иқлим ва юртимизнинг иқтисодий имкониятлари билан танишишдан иборат эди.

Ўзбекистон - Япония иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси ва Япония - Ўзбекистон иқтисодий қўмитаси ўзаро ҳамкорлик тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Япония - Ўзбекистон иқтисодий қўмитасига -Мисуи ва Ко ЛТД- компанияси президенти жаноб Н. Кумагаи раҳбарлик қилмоқда. Икки томонлама иқтисодий алоқалар тараққиётини мувофиқлаштиришга у катта аҳамият бераётир.

Япония ҳукумати мамлакат экспорт-банки орқали Кўкдумалок нефт-газ конденсати конини ўзлаштириш учун 10,5 миллиард иен (қарийиб 85 миллион доллар) ҳажмда маблағ ажратишга

қарор қилди. Бу лойиҳа Япониянинг «М. Ю. Келлог» фирмаси томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари Япония билан Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи таъмирлаш борасида ҳамкорлик қилиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Ўзаро ҳамкорлик соҳасида Япониянинг - Тараққиётга расмий ёрдам- (ТРЁ) дастури муҳим ўрин тутди. Ана шу дастур асосида Япония ва Ўзбекистон мутахассислари Орол ҳудудидаги шаҳарларни ичимлик суви билан таъминлаш ва Шарқий Буканов (Қизилқум) волфрам конини қазил лойиҳалари учун техник-иқтисодий асосларни тайёрлаш устида ишламоқдалар. Айни пайтда Япония ҳукумати томонидан телеалоқа тармоқларини таъмирлаш лойиҳасини амалга ошириш учун 12,7 миллиард иен (140 миллион доллардан зиёд) ҳажмда имтиёзли кредит ажратиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Бундан ташқари Тошкентда вагонларни таъмирлайдиган завод қурилиши учун имтиёзли кредит ажратиш учун тадқиқотлар ўтказилмоқда. Япония Ўзбекистонга беғараз ёрдам сифатида Тошкент тиббиёт-педиатрия институти ва Тошкент илмий-тадқиқот педиатрия институти клиникаларини тиббий ускуналар билан жиҳозлаш мақсадлари учун 650 миллион иен, шунингдек, хориждан келтириладиган маҳсулотларни сотиб олиш учун 900 миллион иен миқдорда маблағ ажратди.

1994 йилнинг декабр ойида Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги билан мамлакатимиздаги Япония элчихонаси ўртасидаги Алишер Навоий номидаги театрни зарур ускуналар билан жиҳозлаш учун 500 минг АҚШ доллари миқдорида беғараз ёрдам ажратиш хусусида алмашув ҳужжатларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳалари учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Ўтган муддат ичида рееспубликамизнинг 40 нафардан зиёд вакили Японияда малака ошириб ва япон мутахассисларининг энг сўнгги ютуқлари билан танишиб қайтди.

«Тараққиётга расмий ёрдам» дастуридан ташқари Япония ҳукумати Ўзбекистонга 5 миллион АҚШ доллари миқдорида инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга қарор қилди.

Япониянинг йирик компаниялари билан ҳамкорликда тўқимачилик, тоғ-кон саноати ва бошқа соҳалар бўйича кўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Республикаимизда дунёнинг йирик фирмаларига айланган «Мисуи ва Ко ЛТД», «Мисубиси корпорейшн», «Марубени корпорейшн», «Суммимото корпорейшн», «Томен корпорейшн», «Тоёта суи корпорейшн», «Чори» ва «Ай-ти эс жапан ЛТД» каби компанияларнинг доимий ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон ташқи алоқалар вазирлиги билан «Мисуи ва ко ЛТД», «Мисубиси Корпорейшн», «Марубени Корпорейшн», «Ниссе Иваи Корпорейшн» ва «Суммимото Корпорейшн» компаниялари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар имзоланган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жаҳонга машхур «Банк оф Токио» ва «Сакура Банк» билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистоннинг талай шаҳарларида "Сони" "Хитаичи", "Паносоник" ва бошқа япон фирмаларини савдо дўконлари очилган.

"Мисубиси Корпорейшн" компанияси директорлари кенгашининг раиси С.Морохасининг, Ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси (ҳукумат агентлиги) Президенти А. Нишигакиннинг "Мисуи ва ко ЛТД" компанияси президенти Наохико Кумагаи бошчилигидаги Япония-Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси делегациясининг Ўзбекистонга бўлажак ташрифлари Япониянинг Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга интиладиганидан далолат беради.

Япония ҳам, Ўзбекистон ҳам Шарқ мамлакатларидир: Ўзбекистоннинг Япония ва бошқа Осиё мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин олишига шубҳа юк. Шарқ дарахтининг бир шохи бўлган Ўзбекистон танасида янги, жўшқин, келажакка ишонч уйғотувчи ҳаётбахш шарбат оқмоқда.

Қисқача хулосалар

Япония жаҳондаги энг ривожланган давлатлардан бири бўлиб, жуда кўп ороларда жойлашган. Энг йирик оролари: Хоккайдо, Хонсю, Сикоку, Кюсю.

Япониянинг географик жойлашиши жуда қулай, аммо табиий ресурсларга жуда камбағал. Хом ашёнинг асосий қисмини, айниқса, нефть, газ ва темир рудаларини четдан олиб келади.

Япония маориф ва фанни ривожлантириш туфайли иқтисодини юксак даражага кўтарди. Япония жуда кўп соҳлар, айниқса, автомобилсозлик, кемасозлик, электроника саноати бўйича жаҳонда етакчи ҳисобланади.

Япония - бир миллатли давлат. Аҳолиснинг 98% ини японлар ташкил этади.

Хитой Халқ Республикаси: табиий-демографик салоҳияти

Жаҳоннинг энг қадимий ва йирик давлатларидан ҳисобланадиган ҳозирги Хитой 1949- йил 1- октябрда ташкил топган. Унинг ҳудуди 9,6 млн. км² га тенг. Майдонининг катталигига кўра жаҳонда учинчи ўринни эгаллайди. Бу мамлакат ҳудуди ғарбдан шарққа 5 минг км. га, шимолдан жанубга эса 3 минг км. гача чўзилади.

Хитой — хилма-хил табиий **ресурсларга** жуда бой. У тошкўмир, темир ва марганес рудалари, боксит ва полиметаллар, сурма, волфрам, молибден, қалайи каби минерал хомашёлар билан жаҳонда энг яхши таъминланган мамлакатлар қаторига киради. Дарёлар гидроэнергетика ресурсларига ниҳоятда бой, бундай қуватлар ҳажмига кўра у дунёда биринчи ўринда туради. Мамлакатнинг шимоли-шарқий ва жануби-шарқий ҳудудлари эса ўрмонга бой. Жами ҳудудининг 8 фоизи ўрмонлардан иборат.

Шундай қилиб, Хитойда дунёдаги энг баланд, совуқ ва қурғоқчил тоғлиқлар билан илиқ ва мўтадил иқлимли нам субтропик ва тропик табиатли ҳудудлар ёнма-ён жойлашган.

АҲОЛИСИ

Хитой — аҳолисининг сонига кўра жаҳонда энг йирик мамлакат. Ҳозирги вақтда Хитойда жаҳон аҳолисининг 20 фоизидан кўпроғи яшамокда, яъни жаҳон аҳолисининг ҳар 5 дан бири хитойлик демакдир.

Хитойликлар барча шарқлиқлар қатори типик „болажон“ халқлардандир. Шу сабабли мамлакат аҳолиси табиий ўсиш ҳисобига тез кўпайиб келган. Бу ҳолат 50- йиллар ўрталаридан бошлаб Хитойда аҳоли кўпайишини камай- тиришга олиб келадиган ўзига хос демографик сиёсат юргизишга сабаб бўлди. Мамлакат Конституциясида қонунлаштирилган бу демографик сиёсатга кўра „бир оилага бир бола“ тавсия қилинади. (Аҳолисининг табиий кўпайишини Хитойда бу даражада чеклашга нима сабабдан зўр берилаётганлигини ўйлаб қўринг.)

Сўнгги ярим аср мобайнида олиб борилган ўзига хос қатъий демографик сиёсат туфайли аҳолининг табиий кўрсаткичлари ҳар 1000 киши ҳисобига 1955- йилдаги 20,3 дан 1999- йилда 12,0 гача камайди. Мамлакат аҳолисининг умумий сони 1955 - 2001- йил орасида 615 млн. дан 1285 млн. гача , яъни икки бараварга кўпайди. Хитой аҳолиси ана шундай қатъий чек- лашларга қарамадан, сўнгги вақтда йилига 1 0 — 1 5 млн. кишигача кўпаймоқда.

Хитой жаҳоннинг энг йирик меҳнат ресурсларига эга бўлган мамлакати ҳамдир. Унда 700 млн.дан зиёдроқ меҳнатга лаёқатли аҳоли мавжуд. Албатта, бунчалик кўп сонли меҳнат ёшидаги аҳолини иш билан таъмин- лаш ва уларнинг меҳнатини самарали ташкил этиш маълум мураккаблиқларни келтириб чиқармоқда.

Аҳолисининг миллий-етник таркибига кўра Хитойни бир вақтнинг ўзида ҳам кўп миллатли, ҳам бир миллатли мамлакатлар қаторига киритиш мумкин. Хитойда 60 дан ортиқ турли миллат ва элатлар яшайдилар. Булар уйғурлар, мўғуллар, тибетликлар, чжуанлар, хуэйлар, манжурлар ва бошқалардир. Шу сабабли Хитой кўп миллатли мамлакатлар қаторида туради.

Хитой бир миллатли мамлакат ҳамдир. Чунки Хитой аҳолисининг 90 фоиздан кўпроғини хитойликлар — ханлар ташкил қилади. Мамлакат аҳолиси ҳудудий жиҳатдан нотекис тақсимланган. Аҳолининг ўртача зичлиги ҳар 1 м² майдонга 135 кишини ташкил қилгани ҳолда бу кўрсаткич Буюк Хитой пасттекислиги қисмида 400 — 500 кишини , Хуанхе ва Янсзи дарёлари оралиқ текисликларида 600 — 800 кишини ташкил қилади. Мамлакатнинг чўл ва баланд Тибет ясси тоғлиги ҳудудларида эса бу кўрсаткич ҳар 1 м² майдонга 1 — 2 кишидан ошмайди. Умуман, аҳолисинининг деярли 90 фоизи мамлакат ҳудудининг 1/3 қисмидагина тўпланган. Хитой жаҳоннинг ўртача даражада урбанизациялашган мамлакатлари қаторига киради. Сўнгги вақтларда аҳолининг 24 фоиздан кўпроғи шаҳарларда яшамокда. У ҳозирги вақтда жаҳон мамлакатлари орасида йирик шаҳарлар (450), миллионер шаҳарлар (34) нинг умумий сонига ҳамд^шаҳар аҳолисининг мутлақ миқдорига кўра биринчи ўринда туради. Фақат миллионер шаҳарлардагина жами шаҳар аҳолисининг 1/2 га яқин қисми яшамокда. Шанхай (15,1 млн.киши),

Пекин (12,4 млн.киши), Тяньцзинь (10,7 млн. киши) дунёнинг энг йирик шаҳарлари қаторига киради. Хитой аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда яшайди. Унда 700 мингга яқин қишлоқлар ҳисобга олинган. Қишлоқ ва қишлоқ аҳолисининг сонига кўра ҳам бу мамлакат жаҳонда биринчи ўринда туради.

Хўжалиги

Хитой йиллик ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажмига кўра жаҳонда учинчи ўринда туради. Аммо ишлаб чиқарилаётган маҳсу- лотларнинг аҳоли жон бошига тўғри келиш кўрсаткичларига кўра, у оддий ривожланаётган давлатлар даражасидадир. Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда Хитой иқтисодиёти анча тез ўсмокда.

Хитой ҳозирги вақтда темир рудаси ва кўмир қазиб чиқариш, семент, тўқимачилик маҳсулотлари, велосипедлар, телевизорлар, тикув, кир ювиш машиналари каби кўплаб турдаги маиший хизмат техникаси, дон, пахта, тамаки, сабзавот маҳсулотларининг умумий ҳажмига, шуниндек, чўч- қа, йилки, паррандаларнинг умумий сонига кўра жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди.

Саноати ҳозирги тармоқларининг деярли барча турларига эга. Ҳозирги индустриясининг асосини нефт ва нефт кимёси, атом энергетикаси, самолёт- созлик, электротехника, металлургия каби энг илғор саноат тармоқлари ташкил қилади.

Саноат географиясида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Агар Хитойда саноат корхоналарининг 2/3 қисмидан кўпроғи денгизбўйи ҳудудларида жойлашган бўлса, ҳозир индустриал қурилишларнинг асосий қисми мамла- катнинг кам ўзлаштирилган ички раёнларида олиб борилмокда.

Ҳозирги вақтда Хитойда 750 мингдан зиёд саноат корхоналарининг мавжудлиги ва уларда 64 млн. дан ортиқ ишчи-хизматчиларнинг иш билан бандлиги кўрсаткичларининг ўзи ҳам мамлакатда саноат ривожланиши дара- жасининг тобора ўсиб бораётганлигини исботлайди.

Саноатнинг таянч тармоқларидан ҳисобланадиган **ёқилғи-энергетика** мажмуининг Хитойга хос муҳим хусусиятларидан бири унда кўмир саноати мавқеининг ниҳоятда юқори эканлигидир. Мамлакат кўмирга жуда бой ва унда 300 дан ортиқ кўмир конлари (100 дан ортиғи ҳозирги вақтда фой- даланилмокда) бўлгани сабабли охириги йилларда Хитойда йилига 1,1 млрд. т. дан ортиқ кўмир қазиб чиқарилмокда. Унинг асосий конлари Шимоли-шарқий ва Шарқий Хитойда жойлашгандир.

Хитойда дастлабки нефт конлари Шинжон-Уйғур раёнида 1953- йилда аниқланган эди. 1993- йилда унда 145 млн. т. нефт қазиб чиқарилди. Нефт мамлакатнинг 100 дан ортиқ конларидан (уларнинг асосий қисми Шимоли- шарқий ва Шарқий Хитой ҳамда Сарик денгиз шелфларида жойлашган) қазиб олинмокда. Газ саноати имкониятлари бошқа ёқилғи тармоқларига нисбатан анча чекланган.

Хитойнинг **электр энергетика саноати** ишлаб чиқарадиган энергия қувватлари ҳажмига кўра жаҳонда АҚШ, Россия ва Япониядан кейин

тўртинчи ўринни эгаллайди. Унда электр энергетика саноатининг барча тармоқлари мавжуд. Аммо тармокда турли ёқилғилар асосида ишлайдиган ИЭС лари салмоғи энг юқоридир. Унинг ҳиссасига ишлаб чиқарилаётган жами электр энергиясининг 4/5 қисми тўғри келади. ИЭС ларда ёқиладиган ёқил- ғиларнинг эса 3/4 қисми кўмирдан иборатдир.

Хитойда **металлургия мажмуининг** деярли барча тармоқларини ривож- лантириш имконияти бор. Ундаги қора ва рангдор металл конлари бирламчи энергия манбаларига нисбатан жуда қулай жойлашгандир.

Қора металлургия саноати тармоқлар орасида етакчилик қилади.

Металл маҳсулотларининг асосий қисмини эса Аншан, Баотоу, Бенси, Баошан, Пекин, Ухан, Шанхай каби бир қатор тўла сиклли металлургия комбинатлари ишлаб беради. Умуман, Хитой ҳозирги вақтда 90 млн.т. атропоид металл ишлаб чиқармокда. Бу кўрсаткичга кўра у жаҳонда Япониядан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Рангдор металлургиянинг асосини алюминий, мис, кўрғошин, рух каби саноат тармоқлари ташкил қилади. Хитой рангдор металлургиясининг маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий корхоналар Хитойнинг шарқий ва шимоли-шарқий раёнларида жойлашган.

Машинасозлик саноати Хитойда, айниқса, тез ривожланмокда. Хитойда телевизорлар, маиший хизмат техникасидан тортиб автомобиллар, ЭҲМ лар, турли ўлчов ва электр техника маҳсулотларигача ишлаб чиқарилмокда. Аммо мамлакат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган

бундай маҳ- сулотларнинг асосий қисми ҳозирги вақтда, асосан, ички бозорни таъмин- лашга хизмат қилмоқда. Машинасозлик саноати корхоналари ҳудудий жихатдан, асосан, йирик шаҳарлар, денгиз портлари, металлургия марказлари уларнинг атроф ҳудудларида кўпроқ жойлашган. Булар Шанхай, Шенян, Тяньзин, Пекин, Чанчун, Харбин ва бошқалардир.

Кимё ва қурилиш материаллари саноати мамлакатни минерал ўғитлар, маиший-рўзгор маҳсулотлари, семент каби маҳсулотлар билан таъмин- лашда катта ютуқларга эга.

Йенгил ва озиқ-овқат саноати Хитойда ҳамيشа етакчи саноат тармоқларидан бўлиб келган. Улар ҳозирги вақтда мамлакат аҳолисининг кундалик истеъмол молларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга эришибгина қолмай, уларни жаҳон бозорига кўплаб чиқармоқда ҳам. Айниқса, тўқимачилик саноати бу борада катта кўрсаткичларга эга. Жумладан, ип- газлама саноати (бу тармоқ тўқимачилик маҳсулотларининг 90 фоизини етказиб бермоқда) ишлаб чиқаришда Хитой жаҳонда энг йирик давлатдир.

Қишлоқ хўжалиги. Ҳозиргача қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисо- диётининг энг муҳим соҳаси бўлиб келмоқда. Унда 400 млн. дан ортиқ меҳнат ёшидаги аҳоли иш билан банд. Бу тармоқ ҳозирги вақтда мамлакат аҳолисини кундалик озуқа маҳсулотлари ва саноатни зарурий хомашё билан асосан таъминлаб келмоқда. Хитой қишлоқ хўжалигининг асосий қисми деҳқончиликдир. Унда эса дончилик тармоғининг салмоғи энг катта. Жами экин майдонларининг 80 фоизи турли донли экинлар билан банд. 90- йиллар ўрталарида мамлакат бўйича 450 млн. т. дан ортиқ дон маҳсулотлари ҳосили

олинди. Яқин йиллар орасида бу миқдорни 500 млн. т. гача етказиш кўзда тутилади. Бундай катта ҳосилни жаҳон мамлакатларининг бирортаси ҳам ололган эмас. Хитой чорва молларининг умумий сонига кўра энг йирик давлатлардан ҳисобланади. Унда жаҳон бўйича ҳисоблаганда чўчқаларнинг 40 фоизи, турли иш ҳайвонлари (от, хўкиз, туя ва бошқалар) нинг 20 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 16 фоизи Хитойга тўғри келади. Мамлакат иқтисодиётида паррандачилик, пиллачиликнинг аҳамияти анча катта.

Транспорти, ички тафавутлари ва иқтисодий минтақалари

Транспорти. Улкан ҳудудга эга бўлган Хитойнинг ички раёнларини бир- бирлари билан боғлашда, айниқса, қуруқликда ҳаракат қиладиган транспорт тармоқларининг аҳамияти катта. Буни мамлакатнинг **темирўйИ транспорти** мисолида кўришимиз мумкин. Ҳозирги вақтда 55 минг км. га чўзилган мамлакат темирўйлларида йил давомида ташилаётган турли хўжалик юклари ва йўловчиларнинг тенг ярми ана шу тармоқ ҳиссасига тўғри келмоқда. У, айниқса, Хитойнинг марказий раёнларидан то энг чекка ғарбий қисм- ларигача ёйилган ҳудудларини бирлаштиради. Унинг темирўйллари Ўзбе- кистон орқали ўтадиган қадимий Буюк ипак йўли мамлакатларини бир-бирлари билан боғлашда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Аммо темирўйлларнинг ҳудудга нисбатан зичлик кўрсаткичлари у қадар юқори эмас. Бу кўрсаткич Шимолий, Шимоли-шарқий ва айниқса, Ғарбий Хитой раёнларида жуда паст. Тоғли Тибет раёни ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади.

Автомобил транспорти Хитойнинг ички раёнларини бир-бирлари билан боғлашда иккинчи транспорт тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқнинг аҳамияти, айниқса, рельеф шароити жуда оғир бўлган баланд тоғ ёки қурғоқ чўл раёнларигача кириб борганлигида кўзга ташланади. Мамлакатнинг денгиз қирғоқбўйи раёнларини боғлашда ва ташқи иқтисодий алоқаларини олиб боришда **денгиз транспорти** асосий ўрин тутди. Шу билан бирга Хитойда ҳозирги замон транспортининг бошқа анъанавий (дарё, қувур, ҳаво, электрон) ҳамда ноанъанавий (от-улов, арава, велосипед каби) тармоқларидан ҳам кенг фойдаланилади. Хитойнинг ижтимоий ҳаётида тутган ўрнига кўра энг катта шаҳри **Шанхайдир**. У денгиз бўйидан Янсзи дарёсининг эстуарийси бўйлаб 50 км гача бўлган масофага чўзилган. У жаҳондаги энг йирик портлардан ҳисобланади. Шаҳар ва унинг атрофида энг муҳим саноат корхоналари тўпланган. Улар орасида Хитойдаги энг сифатли пўлат ва прокат ишлаб чиқарувчи йирик металлургия комбинати, мамлакатдаги биринчи АЭС, бир қатор машинасозлик, кимё саноати корхоналари жойлашган. Илгари аҳолиси зич, сершовқин, бир қаватли Шанхай сўнгги вақтларда тубдан янгидан қурилмоқда. У, айниқса, „очиқ шаҳар“ мақомини олгандан кейин тез ривожланмоқда. Атрофида эса бир қатор йўлдош саноат шаҳарлари барпо қилинган. Аҳолисининг сонига кўра мамлакатнинг 2- шаҳри **Пекиндир**. У энг қадимдан бошлаб турли даврларда Хитойнинг пойтахти — бош шаҳри сифатида танилган, маълум даврларда у Бейсзин, яъни (Шимолий пойтахт) Бепин деб аталган. Шарқ мамлакатлари орасида, хусусан, Қадимги Ўрта Осиёда бу шаҳар Хонбалиқ номида танилган. У Буюк Хитой

текислигидаги денгиздан 170 км. узоқда жойлашган. Пекин мамлакатнинг сиёсий ва ҳудудий маркази бўлиши билан бирга, йирик иқтисодий ва илмий-маърифий маркази ҳамдир.

Марказий иқтисодий минтақа Хитойнинг шимолдан жанубгача чўзилган марказий ҳудудларини ўз ичига олади. Бу минтақа мамлакатнинг иқтисодий минтақалари орасида ривожланиш даражасига кўра ўртача мавқега эгадир. Минтақа ҳудудининг ўрта ва жанубий тоғолди қирлари ва тоғ оралиғи водийлари нисбатан яхши ўзлаштирилган. Аҳолининг ўртача зичлиги ҳар 1 км² да, шарқий минтақага нисбатан ўн мартача сийракрокдир. Мин- тақанинг бой табиий бойликларини ўзлаштириш, асосан, сўнгги йилларда тезлашмоқда. Шу сабаб ҳудудда ёқилғи-энергетика, металлургия, кимё, аҳоли истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқ- ларининг ривожланиши кучайди.

Ғарбий иқтисодий минтақа мамлакатнинг майдонига кўра, энг йирик, аҳолисининг сонига ва иқтисодиётида тутган ўрнига кўра кичик минтақасидир. Минтақа ҳудудининг ноқулай географик ўрни, мураккаб табиий (релефи ва иқлими) шароитига кўра ҳозиргача аҳолиси энг сийрак жойлашган ва иқтисодий жиҳатдан энг суст ўзлаштирилган. Бу ҳолат, айниқса, Тибет ясси тоғлигида яққол кўзга ташланади.

Шимолий ва Марказий Америка давлатлари

Шимолий ва Марказий Америка мамлакатлари қаторига Америка Қўшма Штатлари, Канада, Коста-Рика, Салвадор, Гватемала, Гондурас, Мексика, Никарагуа, Панама **ва Белиз** киради.

Умумий майдони 22156 минг кв. км., аҳолисининг сони (2001- й.) 454,6 млн. киши, шундан 317,1 млн. киши АҚШ ва Канада мамлакатларига тўғри келади.

Мамлакатларнинг аксарият қисми республикалар (Коста-Рика, Гватемала, Гондурас, Никарагуа, Панама, Салвадор) дан иборат. Федератив республи- каларга АҚШ ва Мексика киради. Канада Федератив мустанлака, Белиз эса конституцион монархия мавжуд мустанлакадир.

Мамлакатларнинг географик ўрни жуда қулай, уларнинг баъзилари (АҚШ, Канада, Мексика, Гватемала, Гондурас, Никарагуа, Коста-Рика, Панама) икки, ҳатто уч океан акваториясига чиқиш йўлига эга.

Табиий ресурсларга жуда бой. Бу ўринда, айниқса, АҚШ, Канада ва Мексика кескин ажралиб туради.

АҚШ ва Канада табиий ресурсларнинг хилма-хил турлари ва улкан захираларига эга. Мексика ҳам нефт, полиметалл рудалари ва кимёвий хомашё ресурсларига бой. Нефт Мексика қўлтигидан қазиб олинади.

Марказий Америка мамлакатларининг асосий табиий бойлиги — бу ўрмон- лардир. Ўрмонларда қимматбаҳо дарахтлар ўсади.

Аҳолисининг асосий қисми АҚШ, Мексика ва Канадага тўғри келади. Қолган мамлакатларда 0,2 млн. кишидан (Белиз) 11,7 млн. кишигача (Гватемала) аҳоли яшайди. Аҳоли, асосан, табиий қўпайиш ва қисман миграция (АҚШ, Канада) ҳисобига ўсмоқда. Аҳоли сонининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари АҚШ ва Канадада 0,6—0,7 фоиздан Гватемала, Гондурас ва Никарагуада 2,5—3,0 фоизгача етади.

Аҳоли нотекис жойлашган. Унинг асосий қисми материкнинг ғарбий ва шарқий соҳилларида, деҳқончилик учун қулай бўлган текислик ва тоғолди минтақаларида истикомат қилади. АҚШ ва Канаданинг Буюк кўлларга туташ ҳудудларида, Атлантика ва Тинч океани соҳилларида аҳоли, айниқса, зич жойлашган.

Аҳоли инглиз-америкаликлар, инглиз-канадаликлар, франсуз-канадаликлар, мексикаликлар ва бошқа, асосан, испан тилида сўзлашувчи халқлардан иборат. Шаҳар аҳолисининг улуши АҚШ ва Канадада 80 фоизгача боради, қолган мамлакатларда у анча паст даражага эга.

Хўжаликнинг негизини АҚШ ва Канадада саноат, Мексикада саноат билан деҳқончилик, Панамада денгиз транспорти, қолган мамлакатларда деҳқончилик, асосан, банан, кофе, шакарқамиш, жўхори етиштириш ривож- ланган.

Марказий Америка мамлакатлари саноатида тоғ-кон ва озиқ-овқат саноати тармоқлари етакчи ўринларни эгаллайди.

Халқаро иқтисодий алоқаларни амалга оширишда, яъни экспорт-импорт операцияларида денгиз транспорти, ички алоқаларда темирйўл ва автомобил транспорти муҳим рол ўйнайди.

Кувур транспорти АҚШ, Канада ва Мексикада юқори даражада ривожланган.

Канаданинг иқтисодий-географик тавсифи

Канада шимолий Америкада жойлашган, жаҳонда иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган мамлакатлардан бири, „еттилик“ давлатлари қаторига киради.

Канада ҳудуди Шимолий Америка материгининг шимолий қисми ва унга ёндош оролларда жойлашган.

Майдони 9976,1 минг кв. км., аҳолисининг сони 31 млн. киши (2001-й.)

Канада — парламентар монархия, у Буюк Британиянинг доминиони, лекин 1931- йилда унга тўла мустақиллик берилган.

Канада табиий ресурсларга жуда бой мамлакатдир. Унинг ҳудудида уран, темир рудаси, никел, мис, қўрғошин ва рух, олтин ва кумуш, нефт ва табиий газнинг йирик конлари мавжуд. Уран, никел, олтин, кумуш ва бошқа қатор рудали ва норуда қазилма бойликларни қазиб олиш бўйича Канада дунё мамлакатлари ичида етакчилик қилади.

Мамлакат ер ва айниқса, **сув** ҳамда **ўрмон** ресурсларига жуда бойдир. Шимолий минтақасидаги ўрмонларнинг деярли 1/3 қисми ушбу мамлакатга тўғри келади.

Аҳолисининг қарийб 40 фоизи инглиз-канадаликлар, 30 фоизи франсуз-канадаликлардан иборат. Қолган қисми немислар, италянлар, украинлар, голландлар, руслар ва бошқа миллат вакилларида ташкил топган. Мамлакат шимолида ҳамда **овчилик** ва **балиқчилик** ривожланган марказий ва ғарбий ҳудудларида маҳаллий ҳиндулар, эскимослар, атапаскалар ва бошқалар тарқок ҳолда яшайди.

Аҳоли сони табиий ўсиш ва миграция салдоси ҳисобига кўпаймоқда. Ўртача йиллик ўсиш суръати кейинги ўн йилликларда 1 фоиздан ошмаяпти. Шаҳарларда жами аҳолининг деярли 80 фоизи истиқомат қилади. Йирик шаҳарлари қаторига Монреал, Торонто, Ванкувер, Квебек ва бошқалар киради.

Канада **иқтисодиёти** юксак тараққий этган мамлакатдир. Канада дунё мамлакатлари ичида никел, рух, кумуш рудалари, калий тузлари, асбест қазиб олиш ҳамда қоғоз ишлаб чиқаришда биринчи; олтин, платина, молибден рудаси, олтингугурт, уран қазиб олиш ва целлюлоза ишлаб чиқаришда иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллайди.

Канада саноатида тоғ-кон тармоғи билан бир қаторда **электр энергетика, ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз, транспорт ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, қора ва рангли металлургия, кимё ва нефт-кимё, озиқ-овқат** (ун тортиш, гўшт, балиқ-консерва ва б.) ва **енгил** (тўқимачилик; кўн поябзал ва тикувчилик) саноат тармоқлари юқори даражада ривожланган. Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик юқори даражада механизациялашган ва ихтисослашган. Мамлакатда транспортнинг барча турлари яхши ривожланган.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

1. Географик жойланиши

Америка Қўшма Штатлари Шимолий Америка қитъасида жойлашган бўлиб, майдонининг катталиги бўйича дунёда Россия, Канада ва Хитойдан кейин тўртинчи ўринни эгаллайди. Унинг майдони 9,4 млн. км² га яқин бўлиб, ҳудудий жиҳатдан 3 қисмдан иборат:

1. Асосий қисм. Бутун ҳудуднинг 84%ини эгаллайди. Шарқдан Ғарбга 4,5 минг, шимолдан жанубга салкам 3 минг км. га чўзилган. Шимолдан Канада, жанубдан Мексика, шарқдан Атлантика ва Ғарбдан Тинч океани билан ўралган.
2. Аляска ҳамда Алеут ороллари (1,5 млн. км²). Мамлакат ҳудудининг 16%ини ташкил этади. Аляска Канаданинг шимоли-ғарбий қисми билан чегарадош.

3. Гавайи ороллари (16,7 минг км²). У Тинч океанида, қирғоқдан 3200 км узокликда жойлашган 24 оролдан иборат архепелаг бўлиб, мамлакат ҳудудининг 0,2% ини ташкил этади.

АҚШ ҳудуди беш соат минтақасида жойлашган бўлиб, улар Ғарбдан шарққа Тинч океани, Марказий, Шарқий ва Атлантика номлари билан аталувчи соат минтақаларига ажратилади. Самолётнинг бутун мамлакат ҳудуди бўйлаб Ғарб-шарқ йўналишида Тинч океанидан Атлантика океанигача учиб ўтиши учун 5-5,5 соат вақт кетади.

АҚШнинг географик ўрни тарихнинг барча босқичларида мамлакатнинг ривожланишига қулайлик яратган. Бу, аввало, денгиз чегараларида (12 минг км) ажойиб табиий бандаргоҳларнинг мавжудлиги, айниқса мамлакат ҳудудининг Атлантика ва Тинч океанлари орасида жойлашганлиги билан боғлиқ. Канада билан қуруқлик чегаралари ҳам табиий чегаралар, яъни дарё ва қўллар орқали ўтади ва савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига қулайликлар туғдиради.

2. Давлат тузуми

Давлат тузумига кўра, АҚШ 50 штат ҳамда алоҳида федерал округдан иборат федератив республикадир. Ҳар бир штат ўз конституциясига, қонун чиқарувчи ва ижрочи ҳокимият органларига, сайлаб қўйиладиган губернаторига, шунингдек, ўз рамзий белгисига эга. Колумбия федерал округи ҳудудида мамлакат пойтахти - Вашингтон шаҳри жойлашган бўлиб, унда 600 минг аҳоли яшайди.

АҚШ Конституцияси бундан 2 аср олдин қабул қилинган. Ўтган давр мобайнидан унга атиги 26 қўшимча киритилган, ҳолос.

Федерал ҳукумат 3 соҳага бўлинади:

1. Президент бошқаруви остидаги ижроя ҳокимияти. У 3 млн.дан ортиқ федерал хизматчиларга раҳбарлик қилади. Президент халқ томонидан 4 йилга сайланади ва икки муддат билан чекланади. Мамлакатда қонун чиқарувчи ҳокимият гарчи парламент (конгресс) ихтиёрида бўлсада, у қабул қилган барча қонунларни Президент тасдиқлайди ва вазирларни тайинлайди. У қуролли қучларнинг бош қўмондони ҳисобланади. Давлатнинг расмий тили - инглиз тили.
2. қонун чиқарувчи орган - Конгресс икки палатадан иборат. Улардан биринчиси Сенат (сенаторлар 6 йиллик ваколатга эга) бўлиб, иккинчиси - Вакиллар палатаси (конгрессменлар 2 йиллик ваколатга эга).
3. Олий суд бошчилигида адлия соҳаси. Олий суд Конституцияга ҳилоф деб топилган федерал ва штат ҳокимиятлари томонидан чиқарилган қонунларни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

АҚШ Конституцияси ҳукумат ваколатини атайин чеклаб, ҳеч бир соҳанинг устун қучайиб кетишига йўл қўймайди. Масалан, фақат Вакиллар палатаси солиқлар борасида таклифлар киритиш ҳуқуқига эга. Олий суд аъзоллигига Президент таклиф этган номзодларни эса Сенат тасдиқлаши шарт. Президент эса Конгресс чиқарган қонунларни маълум даражада таъқиқлаш ҳуқуқига эга.

АҚШда икки асосий партия - Республика ва Демократик партиялар билан бир қаторда яна бир неча иккинчи даражали партиялар ҳам фаолият юритади.

АҚШ аҳолисининг сонига кўра (**280 миллион киши**) дунёда Хитой ва Ҳиндистондан кейин учинчи ўринни эгаллайди. У аҳолисининг сони жиҳатидан ГФР, Франция, Буюк Британия ва Италия аҳолисини қўшиб ҳисоблаганда ҳам улардан олдиндадир.

Мамлакатда аҳоли сони узоқ вақт давомида кўпроқ иммигрантлар ҳисобига ўсди. 1821-1921 йиллар давомида АҚШга 35 млн. иммигрант кучиб келди. Ўтган асрнинг 70-йилларигача кўчиб келганлар орасида инглизлар, шотландияликлар ва ирландияликлар кўпчиликти ташкил этган. Шу сабабли АҚШ давлат тили - инглиз тилидир. Кейинчалик Европанинг бошқа мамлакатларидан кўчиб келувчилар сони орта борди. ИИ жаҳон урушидан сўнг эса Лотин Америкаси мамлакатларидан (айниқса, мексикаликлар ва пуэрториколар) кўплаб кўчиб келди. ХВЙИИ аср давомида ва XIX аср бошларида жанубий штатларга Африкадан негр қуллар келтирилди.

Умуман, АҚШ аҳолиси сонининг ўсишида иммиграциянинг роли доимо катта бўлиб келган. Бир қатор қаттиқ чеклашларга қарамай, ҳозирги пайтда ҳам йилига 1 млн.дан ортиқ киши шу мамлакатга кўчиб келмоқда.

АҚШда юздан ортиқ этник гуруҳлар яшасада, этнограф олимлар уларни уч асосий гуруҳга ажратадилар: 1) АҚШ америкаликлари, улар турли миллатларга мансуб, турли даврларда кўчиб келган кишиларнинг авлодлари бўлиб, инглиз тилини ўз она тиллари деб биладилар; 2) оралик иммигрант гуруҳлар, бу гуруҳ АҚШга нисбатан яқинда кўчиб келган кишилардан иборат; 3) туб жой халқлари (хиндулар, эскимослар ва б.). Улар мамлакат аҳолисининг 1%дан ҳам камроғини ташкил этади.

Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²да - 30 киши. Лекин ҳудуд бўйлаб зичлик ниҳоятда нотекис. Аҳолининг деярли 70%и ҳудуднинг 12% қисмини эгаллаган шимоли-шарқий штатларида яшайди. Агар Гавайи оролларида ўртача зичлик 1 км²да 46 кишини ташкил этса, Аляскада 1 кишига 5 км² тўғри келади.

АҚШ аҳолисининг жойлашуви аввало шаҳарлар географияси билан боғлиқ. Мамлакатда 9000 дан ортиқ шаҳарлар мавжуд. Аҳолининг 77 %и шаҳарларда яшайди.

Қишлоқ аҳолиси кўпинча алоҳида жойлашган фермаларда яшайди. Бироқ турмуш тарзига кўра, қишлоқ аҳли шаҳарликлардан унча фарқ қилмайди. Бинобарин, бутун мамлакат бўйлаб бир хил шаҳар турмуш тарзи ҳукмрондир.

3. Хўжалигининг умумий тавсифи

Хўжалигининг умумий тавсифи. Америка Қушма Штатлари XIX асрнинг охиридаёқ саноат маҳсулотлари ҳажми бўйича Буюк Британиядан ўтиб, дунёда 1-ўринни эгаллади. Ҳозирги пайтда, Ғарбий дунё мамлакатлари авиаракета-космос техникасининг 34 қисми, ЭҶМнинг 23 қисми, кўмир қазиб чиқариш ҳажмининг ва АЭСлар қувватининг ярмидан ортиғи, ғалла экинлари ялпи ҳосилининг 13 қисми АҚШ ҳиссасига тўғри келади. Мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми 8,8 трил. ташкил этиб, унинг йиллик ўсиши 4.1 % дан ортиқ.

27-жадвал

АҚШнинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Соғли қўрсаткичлар	Йиллар	Дунёда тутган ўрни
Ҳудуди	минг км ²	9364	1995	4
Аҳолиси	млн. Киши	260	1995	3
ЯММ	млрд. \$	7100,7	1995	1
ЯММ жон бошига	минг, \$	27	1995	
Ташқи иқтисодий алоқалари				
Экспорт	млрд. \$	583,9	1995	1
Импорт	млрд. \$	771,8	1995	1
Туристлар сони	млн. Киши	43,7	1994	4
Халқаро молия				
Олтин заҳираси	Млн. Унсия	261,7	1995	1
Ялпи валюта заҳираси	млрд. \$	163,6	1994	1

Озиқ-овқат саноати				
Ўсимлик ёғғи	млн. тонна	8,61	1994	1
Маргарин	млн. тонна	3,88	1994	1
Сариёғ	млн. тонна	0,6	1994	3
Пишлоқ	млн. тонна	3,38	1994	1
Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Соғли қўрсаткичлар	Йиллар	
Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари				
Вино	млн. Гкл	16,6	1994	4
Пиво	млн. Гкл	2380	1994	1
Сигарета	млрд. дона	687,2	1994	2
Енгил ва оғъир саноати				
Ип-газлама	млн. п.м.	2	1994	2
Енгил автомашина	млн. дона	6,6	1994	2
Олтин	Тонна	238,7	1994	2
Ёқилги-энергетика саноати				
Газ	млрд. м ³	5398	1995	2

Кўмир	млн. тонна	937,6	1994	2
Уран	млн. тонна	1,29	1994	9
Нефт	млн. тонна	389,2	1995	2
Електр энергия	кВт соат	3348,6	1994	1
Қурилиш материаллари				
Пўлат	млн. тонна	95,5	1995	2
Ёғоч материали	млн. м ³	95,4	1994	1
Тсемент	млн. тонна	77,1	1994	3
Гўшт	млрд. Дона	7,1	1995	4

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари				
Бугъдой	Млн. тонна	63,1	1995	2
Шоли	Млн. тонна	9	1995	3
Маккажўхори	Млн. тонна	256,6	1995	1
Арпа	Млн. тонна	8,2	1995	5
Сабзавот ва полиз маҳсулотлари				
Умумий ҳисобда	Млн. тонна	36,4	1995	3
Карам	Млн. тонна	1,65	1995	7
Помидор	Млн. тонна	12,08	1995	1
Бодринг	Млн. тонна	0,98	1995	4
Богдорчилик				
Мева	Млн. тонна	28,8	1994	4
Узум	Млн. тонна	5,4	1994	3
Тарвуз	Млн. тонна	1,8	1994	4
Чорвачилик ва паррандачилик				
Йирик шохли қорамол	Млн. бош	101	1994	3
Паррандалар	Млн. бош	15,8	1994	2
Отлар	Млн. бош	3,9	1994	4
Чорвачилик маҳсулотлари				
Гўшт	млн. тонна	32,6	1995	2
Сут	млн. тонна	69,7	1995	1
Тухум	млн. тонна	4,37	1995	2
Овланган балиқ	млн. тонна	6,0	1995	4

Саноати. Ишлаб чиқариш АҚШ хўжалигида энг катта сектор ҳисобланиб, у ялпи ички маҳсулотнинг чорак қисми, миллий фойданинг чорак қисмини ва ишчи кучининг бирдан беш қисмини эгаллайди. АҚШнинг ишлаб чиқариш саноати дунёда энг катта бўлиб, у иккинчи ўринда турган Япониядан 3 марта йирик.

АҚШнинг ишлаб чиқариш саноати экспорти дунё бўйича шу соҳадаги экспортнинг бирдан беш қисмини эгаллайди.

Қўшма Штатлар саноати юксак даражаси, ишлаб чиқариш ва ҳудудий концентрасияси билан ажралиб туради. У ҳам оммавий, серияли, ҳам ўрта мураккаб, уникал маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Мамлакат саноатида ҳозирги пайтда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларнинг барча тармоқлари, тармоқчалари ва турлари мавжуд. Шу билан бирга, шундай тармоқлар ҳам борки, улар мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги мавқеини белгилайди. Булар жумласига автомобилсозлик, авиаракета-космик саноати, электроника, нефт кимёси саноати қиради. Бу тармоқлар нафақат мамлакат иқтисодий қудратини белгилайди, шу билан бирга, унинг ҳарбий ва сиёсий ҳаётида ҳам етакчи рол ўйнайди.

АҚШда саноат корхоналари нотекис жойлашган. Саноатнинг энг ривожланган региони Марказий Шимол (айниқса Иллинойс, Огаё, Мичиган) бўлиб, у умумий ишлаб чиқаришнинг 25%ини беради. Ўрта Атлантика региони (Нью-Йорк, Пенсилвания, Нью-Джерси) иккинчи ўринни эгаллаб, мамлакат ишлаб чиқаришининг 20% фоизини ташкил этади. Бир регион асосан кимё ва машинасозликка ихтисослашган. Тинч океани соҳил бўйи региони (Калифорния) умумий саноатнинг 15%ини ташкил этиб, 3-ўринда туради. Бу регион транспорт жиҳозлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, электрик ва электроник жиҳозларга кўпроқ ихтисослашган. Жанубий Атлантика региони тўқимачилик, кимё ва тамаки маҳсулотларига ихтисослашган-умумий ишлаб чиқаришнинг 10%ини ташкил этиб, ишлаб чиқаришга 4-ўринни эгаллайди. Ғарбий-Жанубий-Марказий ва Шарқий-Жанубий-Марказий регионлар биргаликда бундай маҳсулотларнинг 15%ни етказиб беради ва буларга Техас ва Тенесси (асосан) штатлари қиради. Қолган 15%ни ғарбий-Шимолий-Марказий регион, Нью-Ингланд ва тоғли штатлар чиқаради.

Қишлоқ хўжалиги. Қишлоқ хўжалиги миллий фойданинг 2%ини бериб, унда ишчи кучининг 3%и банд бўлса ҳам мамлакатда муҳим тармоқлардан ҳисобланади. АҚШ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчилар орасида дунёда 1-ўринни эгаллайди. Бунинг сабаби, фермер иш кучининг жуда юқори маҳсулдорлигидадир. АҚШдаги қишлоқ хўжалиги ишчилари дунё қишлоқ хўжалиги ишчиларининг 0,5%ини ташкил этсада сут, гўшт, пахта, соя, тамаки ишлаб чиқаришда 1,2-ўринларни эгаллайди.

Агробизнес шароитида боскичма-боскич ихтисослашув юксак ривожланган. Бундай ихтисослашувга биноан бир бутун ишлаб чиқариш жараёни боскичларга бўлиб амалга оширилади. Масалан, помидор кучатларини жануби-шарқий штатлар фермерлари етиштирадilar. Сўнгра бу кўчатлар Калифорнияга келтирилиб, улардан серхосил маҳсулот олинади. Техас штатида эса бу помидордан шарбат тайёрланади. Фермерларнинг бундай ихтисослашуви табиий шароитдан энг самарали фойдаланишга, маҳсулот сифатини оширишга ва унинг таннархини арзонлашувига имкон яратади. Текисликдаги штатлар бугдой; Ўрта-Ғарбдагилар дон ва соя; Канзас, Техас, Небраска ва Миссури сорга; Миннесота, Дакота, Аёва ва Висконсин сули экишга ихтисослашган. Техас, Калифорния, Миссисипи ва Аризона пахтага; Джорджия, Техас, Алабама ва Шимолий Каролина ер ёнғоққа; Шимолий Каролина ва Кентукки тамакига; Калифорния, Миннесота, Шимолий Дакота ва Айдахо қанд лавлагига; Арканзас, Техас, Калифорния ва Луизиана шолига кўпроқ ихтисослашган. Калифорния мева ва сабзавотлар ва Флорида ситрус мевалари; Вашингтон ва Нью-Йорк олма етиштиришга ихтисослашган. Йиллик балиқ овлаш миқдори бўйича АҚШ дунёда 5-ўринни эгаллайди.

Транспорт. АҚШ барча транспорт турларининг ривожланганлик даражаси бўйича ҳам дунёнинг исталган мамлакатидан устун туради. Автомобил транспорти мамлакатда алоҳида мавқега эга. Ўтган асрнинг 90-йиллар бошига келиб, АҚШ автомобил парки эга бўлган машинадан 200 млн.дан ошди.

АҚШ транспорт тармоқларининг асосини кенглик ва меридионал йўналишдаги трансконтинентал магистраллар ташкил этади. Улар фонида меридионал йўналишда ўтган «Америка-Волгаси» ҳисобланмиш Миссисипи сув йўли катта аҳамиятга эга.

АҚШдаги энг йирик транспорт тугуни - Чикаго. Бу ерда ўнлаб темир ва автомобил йўллари ўзаро туташган бўлиб, турли хил юклар бир йўлдан иккинчисига олиб ортилади. Чикагода дунёда энг катта О-Хейр аэропорти бор. Мамлакатда юзга яқин порт мавжуд. Порт саноат мажмуаларининг энг йириклари Атлантика бўйининг шимолий қисмида ва Мексика қўлтиғи соҳилида жойлашган.

Қўшма Штатларда номоддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси жуда тараккий этган бўлиб, эндиликда ўзида банд аҳолининг 23 қисмини тўплаган. Ҳозирга қадар АҚШ хўжалигининг ҳудудий структурасига табиий шароит ва ресурслар, транспорт, меҳнат ресурслари, консентрасия каби омиллар катта таъсир кўрсатиб келди. Фан-техника инқилоби даврида фанталаб тармоқлар, иқтисодий-географик ўрин ва экологик омиллар катта аҳамият касб эта бошлади.

Хорижий Европадан фарқли уларок, АҚШ хўжалигининг ҳозирги «қиёфаси» учун иқтисодий ҳаётнинг чекка океанбўйи ва кўлбўйи раёнларида тўпланганлиги ходир. Бу хусусият шаҳар аҳолисининг ғуж тўпланганлиги билан бевосита боғлиқ. Учта мегаполисда мамлакат жами саноат маҳсулотининг 35 қисми ишлаб чиқарилади.

АҚШда ҳам иқтисодий тараққий этган бошқа мамлакатлардаги каби кескин ҳудудий номутаносибликлар мавжуд. Кўпинча юксак ривожланган ҳудудлар билан қоқ раёнлар ёнма-ён жойлашган. Бундай номутаносибликларни юмшатиш мақсадида олиб борилаётган минтақавий сиёсат муайян натижалар бермоқда. Чунончи, ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш кучларини шимолий штатлардан жанубий ва ғарбий штатларга силжиш жараёни аниқ намоён бўлмоқда.

4. АҚШнинг ички тафавутлари

Яқин-яқинларгача АҚШни 3 асосий иқтисодий раёнга бўлишар эди. Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўра у бир-биридан фарқ қилувчи қуйидаги 4 микрорайонга - Шимолий-Шарқ, Ўрта-Ғарб, Жануб ва Ғарбга ажратилади.

Шимоли-Шарқ миллатнинг устахонаси. Шимоли-Шарқ майдонига кўра, энг кичик микрораён бўлиб, АҚШнинг саноат ҳудуди минтақаси шу ерда вужудга келди. У миллатнинг устахонасига айланди. Бу ердаги Шимолий-Шарқий мегаполисни мамлакатнинг «бош кўчаси»

(Маин Стреет) деб атайдилар. Унда мамлакатнинг иқтисодий пойтахти Нью-Йорк ва сиёсий пойтахти Вашингтон жойлашган.

Ўрта-Ғарб йирик саноат ва қишлоқ хўжалиги раёни. Ўрта-Ғарб минтақаси, худуди тобора Ғарбга сурилиб, баъзан «Америка Ўрта денгиз бўйи»си деб аталадиган Кўл бўйини қамраб олди. Бу ерда ёқилғи ва хом ашёнинг катта ресурслари ва раённинг қулай ИГУ базасида Чикаго, Детройт, Кливленд каби йирик саноат марказлари шаклланди, Кўл бўйи мегаполиси ташкил топди.

Чикагони Ўрта-Ғарбнинг пойтахти дейишади. У АҚШ даги энг катта транспорт тугунидир. Чикаго субурбанизацияга яққол мисолдир. Унинг агломерацияларига ўнлаб йўлдаги шаҳарлар, «туташ» шаҳарлар киради. У мамлакатнинг озиқ-овқат (ғалла) маконига айланган. У АҚШ ҳудудининг 0,2 қисмини эгаллагани ҳолда мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулоларининг ярим қисмига яқинини беради. Бу микрораён сут, маккажухори минтақасида жойлашган.

Жануб катта ўғаришлар микрораёни. Жануб узок вақт суи ривожланди. Бунга асосий сабаб қулдорликка асосланган плантасия хўжалигининг кенг тарқалганлиги эди. Раён нефт, табиий газ, кўмир, фосфоритлар қазиб олиш, электростансиялари ва нефт заводларининг қуввати жиҳатидан мамлакатда биринчи ўринни эгаллайди. Бу ерда газмол ва тамаки маҳсулотларининг 9/10 қисми тўплаган, пахта минтақасининг майдони қисқарган. Жануб микрораёнида дунёга машхур Маями (Флорида штати) жойлашган, унга йилига 50 млн. турист келади.

Ғарб АҚШнинг энг ёш ва ўсаётган макрораёни. Ғарб буюк текисликлардаги прерияларни кенг яйловлари, йирик қорамол ва қўйлар ўлкаси, ранчо, ковбойлар, мис, молибден, уран, олтин ва кўмир конлари, обикор деҳқончилик, миллий парклар ўлкасидир. Ғарб таркибига шунингдек, АҚШ даги янги ўзлаштирилаётган бош ресурс раёни Аляска билан ананаслар ва туризм ороли- Гавайи ороллари ҳам киради.

5. Ташқи иқтисодий алоқалари

АҚШ иқтисодиётида ташқи иқтисодий алоқалар катта рол ўйнайди. Ишлаб чиқариш соҳаси кўпроқ чет эл билан товар ва катта капитал алмашувига қаратилган, чет эл билан ишлаб чиқариш борасида кооперация ривожланган. Ташқи савдо оборотининг 60 фоизи ривожланган мамлакатларга, 39 фоизи ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида АҚШ билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш ва тобора чуқурлаштириш алоҳида ўрин тутди. 1992 йил 15-16 феврал кунлари АҚШ давлат котиби Джеймс Бейкер Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди ва икки давлат Ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. Тошкентда биринчи бор АҚШ элчихонаси очилди. Ўзбекистон президенти И.А.Каримов бошлиқ давлат делегациясининг 1996 йил 23-28 июн кунларида АҚШда бўлиши Ўзбекистон ва Америка муносабатларини янги поғонага кўтарди. И.А.Каримов АҚШ президенти Билл Клинтон билан учрашди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар, иқтисодий хавфсизлик масалалари соҳасида ҳамкорлик ривожлантирилмоқда.

Қисқача хулосалар

АҚШ - иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган давлат. Унинг худуди уч қисмдан иборат: материк, ярим орол, ва орол.

АҚШнинг географик жойланиши (уч океан сувлари билан ювилиб туриши, табиий шароити ва табиий бойликлари) унинг ривожланиши учун жуда қулай имконият яратган. АҚШ саноати юксак даражада ривожланган. Саноатнинг энг янги тармоқлари тез суръатлар билан ривожланган ва ривожланмоқда. АҚШ қишлоқ хўжалиги ҳам юқори даражада ривожланган. АҚШ аҳолисининг 3-5%и қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти бўйича жаҳонда етакчи ҳисобланади.

Назорат ва мулоҳақама учун саволлар

1. АҚШ географик ўрнининг қулайлиги нимадан иборат?
2. АҚШ қандай табиий ресурсларга бой?
3. АҚШда давлат тузуми қандай?
4. АҚШ аҳолиси ўсиш ва жойлашишининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
5. АҚШ саноатининг етакчи тармоқлари нималардан иборат?
6. АҚШ асосий қишлоқ хўжалиги тармоқлари географияси-чи?

7. АҚШ транспорт тармоқлари ривожланиш ва жойлашишига кўра қандай хусусиятларга эга?
8. АҚШ ташқи иқтисодий алоқалари ривожланиши бўйича қайси хусусиятлари билан ажралиб туради?

Бразилиянинг умумий иқтисодий-географик тавсифи

Бразилия — Жанубий Американинг энг йирик мамлакатидир. У майдонининг катталиги ва аҳолисининг сонига кўра жаҳонда 5- ўринни эгаллайди. Умуман, майдони 8512 минг кв. км., аҳолиси эса 172,6 млн. киши (2001- й.). Давлат тузуми — Федератив Республика. Таркибида 23 штат мавжуд. Шунингдек, алоҳида яна 3 федератив ҳудуд ва пойтахт атрофи ҳудудларини бирлаштирувчи 1 федератив округ давлатнинг ҳудудий-маъмурий таркибини ташкил қилади. Ҳудуди минерал табиий бойликларга бой. Унда 50 га яқин минерал хомашё ресурслари, айниқса, қора ва рангдор металлларнинг бой конлари топилган. Жаҳондаги энг йирик ва таркиби энг бой темир руда конларидан ҳисобланадиган Минас-Жерайс ва Каражас мамлакат иқтисодий ҳаётида катта аҳамиятга эга. Шунингдек, Бразилия дунё аҳамиятига эга бўлган йирик марганес, боксит, полиметалл конларига ҳам эга. Унинг ҳудудида турли асл ва нодир металл конлари кўп. Аммо у ёқилғи ресурсларининг бирон хилига ҳам бой эмас.

Бразилиянинг қулай табиий шароити туфайли ҳудудининг 2/3 қисми нам экваториал ўрмон (селва)лар ва тропик чангалзорлар билан қопланган. Шу сабабли Бразилия жаҳонда ўрмонга энг бой мамлакатлардан биридир.

Мамлакатнинг муҳим табиий ресурслари қаторига сув ва гидроэнергетика бойликлари ҳам қиради. Жаҳондаги энг серсув Амазонка дарёси ва ирмоқлари, шунингдек, Токантинс, Сан-Франсиско, Парана каби дарёлари ниҳоятда улкан энергетика қуватларини яшириб ётади.

Бразилия ер ресурсларига ҳам жуда бой. Аҳоли жон бошига тўғри келади- ган фойдали ер майдони кўрсаткичига кўра у жаҳонда Австралия ва Рос- сиядангина кейинда туради. У агроиклим ресурсларига ҳам ниҳоятда бой. Буларнинг ҳаммаси Бразилиянинг ўта улкан иқтисодий салоҳиятга эга эканлигини кўрсатади.

Аҳолиси табиий кўпайиш ҳисобига йилига 1,7 фоизга ўсяпти. Аҳолисининг этник таркибида 80 дан ортиқ миллат ва этник гуруҳ қатнашади. Булар орасида келиб чиқиши европаликлар — „креоллар" салмоғи, расмий маълумотларга кўра, жами аҳолининг 2/3 қисмини ташкил қилади. Кейинги катта этник гуруҳ метислар ва мулатлардир. Ҳиндулар, асосан, Амазонка ўрмонзорлари ички қисмида, негрлар эса мамлакатнинг шимоли-шарқий раёнларида кўпроқ тарқалган.

Бразилия аҳолиси ҳудудий жиҳатдан анча нотекис жойлашган. Аҳолисининг ўртача зичлиги ҳар 1 кв. км. майдонга 18 кишидан тўғри келгани ҳолда, унинг 90 фоизи жами ҳудудининг 2/5 қисмида жойлашган. Мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи жами ҳудудининг 7 фоизини ташкил қиладиган торгина океан- бўйи ҳудудларида яшайди. Шу билан бирга, Бразилиянинг ярмидан кўпроқ майдонини ташкил қиладиган ғарбий раёнларида жами аҳолисининг атиги 5 фоизигина яшайди.

Бразилия юқори даражада урбанизациялашган давлатлар қаторига қиради — аҳолисининг 80 фоизига яқини шаҳарларда яшайди. Унда 7 та „миллионер" шаҳарлар мавжуд бўлиб, Сан-Паулу ва Рио-де-Жанейро жаҳонда энг йирик шаҳарлар қаторидан ўрин олади.

Ҳўжалиги. Иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган саноат сўнгги йилларда барқарор тадрижий ривожланиш кўрсаткичларига эгаллиги билан ажралиб туради.

Металлургия саноатининг тез ривожланиши, ўз навбатида турли машинасозлик тармоқлари тараккиётини анча тезлаштирди. Ҳозирги вақтда Бразилия ўз автомобилсозлик (йилига 1 млн. дан ортиқ автомобиллар ишлаб чиқаради), самолёцозлик, кемасозлик тармоқларига эга. Унда аниқ ва мураккаб машинасозлик, айниқса, фанталаб микроэлектроника, радиотелемеханика, асбобсозлик каби тармоқлар катта ютуқларга эга. Импорт қилинадиган нефт асосида тобора нефт-кимё саноати ривожланмоқда. Биомассалар, биринчи навбатда, шакарқамиш чиқиндиларини қайта ишлаш асосида жаҳонда биринчи бг^либ_етил спирти (бензин ўрнида мотор ёқилғиси сифатида автомобил транспортида Тойдаланилмоқда) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Дунёдаги энг йирик ГЕС лар қурилиши ҳисобига (Итайпу—қувати 12,6 млн. кВт, Тукуруи — қувати 8 млн. кВт, Ксиндо — қувати 5 млн. кВт ГЕС лари)електр энергетика саноати катта ютуқларга эришди.

Бу шаҳарда ҳозир, 500 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Унда, асосан, давлат бошқарув муассасалари ва хизмат доираси ходимлари, енгил ва озиқ- овқат корхоналари, транспорт-телекоммуникация тармоқларининг ишчи- хизматчилари яшайди.

Бразилия юқори даражада урбанизациялашган давлатлар қаторига киради — аҳолисининг 80 фоизига яқини шаҳарларда яшайди. Унда 7 та „миллионер“ шаҳарлар мавжуд бўлиб, Сан-Паулу ва Рио-де-Жанейро жаҳонда энг йирик шаҳарлар қаторидан ўрин олади.

Хўжалиги. Иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган саноат сўнгги йилларда барқарор тадрижий ривожланиш кўрсаткичларига эгаллиги билан ажралиб туради.

Металлургия саноатининг тез ривожланиши, ўз навбатида турли машинасозлик тармоқлари тараққиётини анча тезлаштирди. Ҳозирги вақтда Бразилия ўз автомобилсозлик (йилига 1 млн. дан ортиқ автомобиллар ишлаб чиқаради), самолётсозлик, кемасозлик тармоқларига эга. Унда аниқ ва мураккаб машинасозлик, айниқса, фанталаб микроэлектроника, радиотелемеханика, асбобсозлик каби тармоқлар катта ютуқларга эга. Импорт қилинадиган нефт асосида тобора нефт-кимё саноати ривожланмоқда. Биомассалар, биринчи навбатда, шакарқамиш чиқиндиларини қайта ишлаш асосида жаҳонда биринчи бўлиб ишлатилган спирти (бензин ўрнида мотор ёқилғиси сифатида автомобил транспортида фойдаланилмоқда) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Дунёдаги энг йирик ГЭС лар қурилиши ҳисобига (Итапу—қувати 12,6 млн. кВт, Тукуруи — қувати 8 млн. кВт, Ксиндо — қувати 5 млн. кВт ГЭС лари) электр энергетика саноати катта ютуқларга эришди.

Мавзу: АФРИКА РЕГИОНИ ВА СУБРЕГИОНЛАРИ

Режа:

1. Африка регионининг умумий географик ҳолати
2. Сиёсий картаси, давлатлари ва уларнинг типлари.
3. Табиий ресурслари ва табиий шароитлари.
4. Африка региони аҳолиси ва урбанизацияси.
5. Африка региони хўжалигини умумий хусусиятлари.
6. Африка регионининг субрегионлари.
 - а) Шимолий Африка
 - б) Ғарбий Африка
 - в) Шарқий Африка
 - г) Марказий Африка
 - д) Жанубий Африка
7. Хулоса

Африка региони материк сафатида Евросиё материгидан кейинги иккинчи ўринда туради. Майдони 29,2 миллион км². Бу ерда қуруқлик юзасининг 5/6 қисми демакдир. Регион шимолдан жанубгача 8000 км бўлса, ғарбдан шарқга 7500 км га чўзилади. 1980 йиллар ўрталаригача 50 дан ортиқ Мамлакатлар ўз мустақиллигига эришдилар. 1906 йилгача Европа Мамлакатлари томонидан, Буюк Британия, Франция томонидан мустамлака қилиб келинди. Иккинчи жаҳон урушигача Эфиопия, Либерия 1947 йилда мустақилликка эришди. Англия томонидан 1922 йилда Египет мустақилликка эришди. қолган давлатлар эса Франция, Бельгия, Португалия, Италия, Испания колонияси ҳисобланиб келинди. Иккинчи жаҳон урушида СССРнинг ғалабаси натижасида Африка Мамлакатларининг мустақиллик кўришига катта тўртки бўлди.

Мустақиллик учун миллий озодлик ҳаракатлари бошланиб кетди. 1950 йилларга келиб Ливия, Египет, Рама, Гвинея, Марокаш, Тунис, Судан 1960 йилга келиб эса 17 та Мамлакат Мадагаскар, Нигерия, Конго, Сенегал, Рабон, Камерун, Сомали, Бенин, Серро-Леоне, Танзания, Уганда, Руанда, Брунда, Кения, Замбия, Малавия, Гамбия, Ботсвана, Лесота, Экваториал Гвинея, Мавритания каби давлатлар 1962 йилдан Алжир, Гвинея, Биссау, Ангола, Мозамбик ва ҳоказолар мустақил бўлди. 1980 йилларда Джибути, Родезия, Сейшел ороллари, Канар ороллари, Зимбебве қабилар мустақилликка эришдилар. Африка, Европа колонизациясини бош регионидир. Шимолий Африка 2000 йил аввал кашф этилган. 15 аср бошларида буюк географик кашфиётлар даврида Африка тропик ҳудудлари кашф этилди. Бу даврда Африка ов қилинадиган қора танлилар тутиладиган

худудлар эди. Бу даврда кул қилиб сотиш натижасида Африка 150 миллион одам йўқотди. Африка Мамлакатлари Европа, Осиё, ҒарбийЕвропа Мамлакатлари билан денгиз транзит йўллари билан боғланган. 14 та Мамлакат денгизга чиқа олмайди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин мустақилликка мустамака тузумининг емирилиб бориши ва миллий озодлик ҳаракатларининг кучайиши натижасида ҳозирги замон Африка сиёсий картаси мутлақо ўзгариб кетган. Аввалги Европа давлатлари мустамлака тузумида бўлган бир қанча давлатлар ўз эркинлигига эришган ва ўнлаб Янги давлатлар ташил топган. Ҳозирги вақтда Африкада 57 та Мамлакат мавжуд бўлиб, 53 таси мустақил ва 3 таси Испания, Франция, Буюк Британия мулки бўлган давлатлар жойлашган. Буни жадвалда кўриш мумкин.

Давлатлар	Майдони (минг км ²)	Аҳолиси (млн киши)	Пойтахти
Ангола	1246,7	12,3	Луанда
Бенин	112,6	6,6	Портоново
Ботсвана	582,5	7,6	Габороне
Буркино-Фасо	274,0	12,3	Уагадугу
Бурунди	27,8	6,2	Бужумбура
Габон	268,7	1,2	Либревил
Гамбия	10,4	1,4	Банжул
Гана	230,5	1,9	Аккра
Гвинея	245,8	7,6	Конакри
Гвинея – Бисау	36,1	1,2	Бисау
Жазоир	2381,0	31,6	Жазоир
ЖАР	1221,0	43,6	Третория
Жибути	23,2	0,6	Жибути
Замбия	752,6	9,4	Лусака
Зимбабве	390,3	11,4	Харера
Кабо-Верде	4,33	0,4	Прая
Камерун	475,0	15,8	Яунде
Кения	569,6	29,8	Найроби
Комор ороллари	2,2	0,6	Мороно
Конго	341,0	3,1	Браззаул
Конго денгизи респ	2267,4		Киншаса
Кот-Диуар	322,4	16,4	Ямусукро
Лесото	30,3	2,2	Масеру
Либерия	101,3	3,2	Монровия
Ливия	1759,5	5,3	Триполи
Маврикий	2,0	1,2	Порт-Луис
Мавритания	1030,7	2,7	Нуакшот
Мадагаскар	581,0	16,4	Антананариву
Малави	194,0	11,1	Лилонгве
Мали	1220	9,3	Бомako
Марокаш	446,5	29,1	Работ
Марказий Африка	623,0	3,6	Банги
Миср Араб респ	995	69,8	Кохира
Мозамбик	784,0	19,4	Мапуту
Намибия	824,0	1,8	Винджук
Негер	1266,0	10,4	Ниамей
Нигерия	910,8	126,6	Абужа
Руанда	26,4	7,3	Кигали

Сан-Томе ва Принсипи	0,9	0,2	Сан-Томе
Свазиленд	17,4	1,1	Мбабане
Сершель ороллари	0,2	0,1	Виктория
Сенегал	192,2	9,7	Дакарй
Сомали	627,6	7,5	Могадише
Судан	2375,0	31,8	Хартум
Сьерра-Леоне	72,3	5,4	Фритаун
Танзания	886,1	36,2	Доррусалом
Того	54,6	5,2	Ломи
Тунис	155,0	9,7	Тунис
Уганда	199,1	24,0	Кампала
Чад	1259,0	8,7	Нжамена
Экваториал Гвинея	28,0	0,5	Малабо
Эритрея	125,0	4,3	Асмэра
Эфиопия	976,0	65,4	Адис-Абеба
Ғарбий Сахрои Кабир	267,0	0,2	Ал-Айюн
Реюньон (Франция)	2,5	0564	Сен-Дени
Сан Эленао	0,4	0,008	Жеймстаун

Бу Мамлакатларни кўплиги иктисодий қолоқ мамлакалардан иборатдир. Республиканинг сони 50 та, Монархия 3 та. ғабий Сахрои Кабир, Эрирея ҳамда Морис ороли Мамлакатларнинг мақоми маълум.

Регионнинг табиати ўзига хос бўлиб, хилма-хил табиий ресурсларга эга. Регион худудининг деярли ҳаммаси кристалл жинслардан иборат бўлиб, қадимги платформада жойлашган. Шунинг учун ҳам материк магматик ва метаморфик жинсларга жуда бой. Фойдали қазилмалари ва гидроэнергия запаслари, иқлим ва тупроқ тарибига кўра қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, саноатни ривожлантириш имкониятига эга бўлган региондир. Рельефи текислик характерида плато, палахсали тоғлардан иборат. Африка региони ҳали геологик жиҳадан тўла ўрганилмаган. Хром, темир, марганец, уран, мис, қалай, кобальт, олтин, платина, асбест, суладанинг захиралари улкандир. Африканинг асосий минерал бойликлари кембрийдан олдин ва кембрий даврида ҳосил бўлган. Марганец рудалари, боксит, олтин, қалай, ниобий ва асбест конлари кембрийдан олдинги жинсдан таркибида учрайди. Африка боксит ва фосфорларнинг захираси бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Умуман олганда олтин захираси бўйича биринчи ўринни, олмос бўйича иккинчи ўринни (Австралиядан кейин) эгаллайди. Унга дунёда мавжуд хром, марганец, фосфор захираларининг 2ғ3 қисми, мисс, уран, боксит захираларининг 25-35 фоизини, табиий газнинг деярли 1ғ5 қисми ва нефт захирасининг катта қисмига тўғри келади. ЖАР, Свазиленд ва Зимбабведа хризотил-асбест конлари, ЖАР да сурма ва корунд конлари, дунёдаги уран аралаш энг бой олтин конлари, Зимбабведа хромит ва олтин конлари, Гвинеяда боксит конлари, Ганада марганец рудаси, боксит ва олтин конлари, Конгода кумуш, Нигерияда кумуш ва колумбит, Мадагаскар оролида графит бор. Марказий Африканинг мисс минтақасида кембрий даврида ҳосил бўлган жинслар орасида Замбияда кўп учрайди. Бу ерда мисс билан биргаликда кобальт, уран, Рух, Намибияда ванадий, бериллий ва литий конлари, Марокашда кобальт ва полиметалл конлари бор.

Жанубий Африкадаги кумуш, хромит, марганец, темир рудалари, титанмагнетит ва флюорит конлари куйи палеозойда ҳосил бўлган. Жар ва Конго демократик Республикасидаги туб олмос, ЖАР ва Зимбабведаги кўмир конлари, Сахрои Кабирнинг Жазоирга қарашли қисмидаги нефт конлари, Мисрдаги марганец конари мезозой (юра ва бўр даврлари)да ҳосил бўлган. Атлантика соҳилидан Мисргача чўзилган кенг майдонда фосфорит, Марокаш, Жазоир ва Тунисда темир, кўрғошин, руз конлари мавжуд. Ливия, Алжир, Нигерия, Миср, Рабон, Ангола давлатлари нефть ресурсларига бой. Африканинг катта худуди тропик, субтропик иқлимида жойлашган. Иссиқсевар

Ўсимликлар учун етарли агроиклим ресурслари бор. Йиллик актив температура 6000⁰-10000⁰ бўлиб катта қисмида иссиқсевар ўсимликлардан катта ҳосил олиш имкониятини яратади. Регион сув ресурсларига бой. Йиллик умумий сув оқими 5 минг куб км дан ортиқ, шундан 25% и Конго, 10%и Замбези ҳамда 6% и Нигер дарёларига тўғри келади. Нил дарёсининг йиллик сув оқими атиги 85 куб. км га тенг ҳолос.

Ер ости сувлари нотекис тарқалган бўлби, Сахрои Кабир, Намибия чўллари, Атлас тоғларида Эфиопия, Сомали ҳудудларида жуда кам. Ер ресурслари ката 1ғ10 қисм ҳудуди ўрмон билан қопланган.

Табиий яйловлар сифатида ярим даштлар, саванналар зоналари ҳисобланади. 40% ҳудудда чорвачилик имкониятлари бор.

Африка аҳошилига узоқ вақтлар йирик давлатлар мустамлакаси бўлиши таъсир қилиб келди. қул қилиб сотилиши, қаттиқ эксплуатация қилиниши натижалари ҳам таъсир этди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг озаси тез кўпайди. Ер шарининг аҳолисига нисбатан туғилишнинг юқорилиги натижасида 50-йиллардан 80-йилларгача 2-2,5 марта ўсди. Араблар, негрлар, бўшменлар ва ҳоказолар яшайди.

Африка региони этник таркиби:

1. Шимолий ва Шимолий-шарқий қисмида араблар ва бошқа халқлар яшайди. Бунга Алжир, Тунис, Марокко, Ливия ва Миср давлатлари киради.

2. Шарқий, Марказий, ғарбий қисмлари кириб, Хаус, бантоидлар, Атлантика бўйи, Монде-Гвиней халқлари яшайди.

3. Экваториал област - Бантутил оиласи киради.

4. Жанубий област - Коса, Зулу халқлари, Европадан келган инглизлар, голландлар, Французлар ва бошқлар.

5. Мадагаскар, Индонезия тил оилалари киради ва областларга бўлинади.

Аҳолининг табиий ўсиш суръатлари Марказий, Шарқий ва Ғарбий Африка минтақалари ҳамда Мамлакатларида (Нигер, Чад, Уганда, Малави, Гвинея, Ангола, Мали, Кения, МАР ва бошқалар) айниқса юқори кўрсаткичлар билан ифодаланмоқда. Мазкур Мамлакатларда туғулиш коэффиценти 40%дан ҳам юқоридир. Африка ўлим даражасининг юқорилиги ва аҳоли ўртача умр даврининг пастлиги бўйича ҳам ажралиб туради. Умумий ўлим коэффиценти 8-10%ни, болалар ўлими коэффиценти эса 85-90%ни ташкил этмоқда. Аҳолининг ўртача умр кўриш даври 49 ёшдан ошмайди. Зичлиги 1 кв км га 15 киши тўғри келади. Ботсвана, Ливия, мавританияда 1 кв км га 72 киши тўғри келади. 25% аҳоли шаҳарларда яшайди. Айрим Мамлакатларда 50% гача, айримларида 10% ни ташкил этади. Африка аҳолисининг сони 1 млн дан ортиқ бўлган 20 га яқин шаҳарлар мавжуд. Урбанизация паст даражада йирик шаҳарлар кўп. қоҳира, Ёханнесбург, Лагос ва бошқа йирик шаҳарлар атрофида агломерациялар шаклланган.

Феодал муносабатлар сақланиб қолган. Мезнат ресурслари етарли.

Африкада 3та йирик дин алоҳида ўрин эгаллайди. Шулардан маҳаллий анъанавий динлар Ғарбийва Марказий Африкада, ислом дини Шимолий, Ғарбийва Шарқий Африка, христиан дини Жанубий, қисман Ғарбийва Марказий Африкажа ҳамда Эфиопияда тарқалган. Европоид ирқига таълуқли-инглиз, француз, испан, италиан, португал ва бошқа халқлар Африка аҳолисининг 3% ни ташкил қилади. Африкада аҳолининг 42: мусулмон, 22% христиан, 36% маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади.

Регион ҳужалигида миллий озодлик ҳаракатлари натижасида катта муваффақиятларга эришилди. Саноати ўсди. қишлоқ хўжалиги масайди. ёғочни қайта ишлаш тармоқлари ривожланди. Умуман олганда Африка иқтисодиёти қарашли оғир узоқ давомли курашни тақазо этади. Лекин халигача хўжалик тармоқлар таркибининг мустамлака типии ўз мавқини склаб қолган. У қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

1. товар аҳамияти ва маҳсулдорлиги паст бўлган қишлоқ хўжалигининг устунлиги;

2. қайта ишловчи саноатнинг бўш ривожланганлиги;
3. транспорт тизимининг қолақ ҳолатда эканлиги;
4. ноишлаб чиқариш соҳасининг, асосан, савдо в хизмат кўрсатиш билан чегараланганлиги.

Регион саноати бошқа регион Мамлакатлари саноатиан паст ривожланган. Кўпличилиқ Мамлакатларда миллий даромаднинг катта қисми қайта ишлов, қишлоқ хўжалигининг турли маҳсулотларидан қайта ишлов ва минерал хом ашёдан олинади. қайта ишловчи саноат ЖАР, Миср, Жазоир, Нигерия, марокаш, Ливия ҳамда Зимбабве, Тунис, КДР, Кения мамлакатларида яхши ривожланган. Айнан шу Мамлакатлар электр энергия ишлаб чиқариш бўйича ҳам Африкада етакчи. Регион саноатининг 80%и 11 та Мамлакатда Миср, Жазоир, Марокаш, Ливия, Нигерия, Тунис, Кения, Замбия, Заир, Суданда.

Химия саноати: Марокаш Алжир, Кения, Уганда фосфоритлар, кислота ва ўғитлар ишлаб чиқарилади. Нефть қайта ишлаш саноати Жазоир, Ливия, Миср, Нигерия ЖАРда ривожланган. ЖАРда бундан ташқари машинасозлик, тоғ-кон саноати, металлургия, транспорт машинасозлиги ривожланган. Вагонсозлик, кемасозлик Миср, Марокаш, Нигерияда электр асбоблари усқуналари. Алжир, Миср, Заир, Ангола. Зимбабве, Танзанияда ёғочни қайта ишлаш саноати Заир, Замбия, Конго, рама, Нигерия, Зимбабве, ва ЖАРда, озик-овқат ва енгил саноат у ёки бу тармоғи ҳамма Мамлакатларда ривожланган. Масалан: Пальма ёғи-Нигерия, Сьерро-Леоне, Рама, Заир, Камерунда; шакар саноати –Мавритания, Нигерия, Кения, Эфиопия, ЖАРда; виночилик – Жазоир, Тунис, Марокашда ривожланган.

қишлоқ хўжалиги: Африкада йирик экспорт маҳсулотлари етиштирилади. Булар кофе, какао, каучуг, чой, банан ва ҳоказолар.

- Какао - ҒарбийАфрика,
- Кофе – Шарқий Африкада
- Каучуг – Ливия, Заир, Нигерия, Мадагаскарда
- Пахта – Миср, Судан, Уганда ва бошқа
- Тамаки – Жанубий Африка мамлакатларида.
- Бўғдой – Шимолий қисмида
- Маккажўхори – Шимолий-шарқий қисмида.

қишлоқ хўжалиги учун яхши шароитларга эга. Регион мамлакатларининг 70% аҳолиси қишлоқ хўжалиги билан банд бўлиб аграр Мамлакатлар ҳисобланади. қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар ишлаб чиқаришда дун Мамлакатлари ичида минерал ўғитлар кам ишлатиладиган регион ҳисобланади. Чорвачилик регионда 12-13%ни ташкил этади, 160 мингдан ортиқ маҳсулдорлиги анча паст қора моллар уй ҳайвонлари ҳисобланади.

Транспорти:Трансконтиненталь йўллар йўқ. Транспорт тармоғи бўш ривожланган. Ғарбийва шарқий Африка қисмларида ривожланаяпти. Ўрта Ер денгизидан то Гвинея қўлтиғи Атлантикадан то Ҳинд океанигача автомобил йўллари ривожланаяпти.

Денгиз транспорти йирик давлатларда экспортга хизмат қилмоқда.

Ташқи иқтисодий алоқалари. Ташқи савдо регион экспортида катта роль ўйнайди, 90 % маҳсулотлари ҳали ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобланади. Минерал хом-ашё экспортнинг 2/3 қисми какао ва бобовилар, 1/3 қисми пальма, оливанная ва кофе ҳисобланади. 30 дан ортиқ давлатлар бошқа регион давлатлари билан алоқа қилади. Айниқса Жазоир, Ливия, Ангола, Гвинея, Марокаш, Миср, Эфиопия ривожланаётган капиталистик мамлакатлар билан ҳам алоқалар ривожланаяпти.

Африканинг регионнинг субрегионлари. Регион 5 та субрегионларга ажралади.

1. Шимолий Африка субрегиони
2. ҒарбийАфрика субрегиони
3. Марказий Африка субрегиони
4. Шарқий Африка субрегиони
5. Жанубий Африка субрегиони

Улар қуйидаги жадвалда субрегионлар ифода этилган.

	Субрегионлар	Майдони (минг м ²)	%	Аҳолиси (минг киши)
	Шимолий Африка субрегиони	9,6	33,0	180,2
	Ғарбий Африка субрегиони	5,1	17,5	277,2
	Шарқий Африка субрегиони	6,7	23,0	183,5
	Марказий Африка субрегиони	4,5	15,5	133,8
	Жанубий Африка субрегиони	3,2	11	180,2
	Жами	29,1	100,0	2546,4

Назорат саволлари

1. Африка региони тарихи?
2. Африка регионинг дунё сиёсий харитасидаги ўрни?
3. Мамлакатнинг иқтисодий алоқлари?
4. марказий Африка субрегион давлатларининг таркиби?
5. Шимолий Африка субрегиони Мамлакатларининг сиёсий географик ҳолати?
6. Африка региони Мамлакатларининг бир-биридан тафовутлари?
7. Регионнинг табиий ресурсларининг аҳамияти?
8. Жанубий Африка субрегиони саноатининг асосий тармоқлари?
9. Регион аҳолисининг жойлашиши ва урбанизацияси?
10. Африка регионинг ташқи иқтисодий алоқлари?

Мавзу: Австралия ва Океания Региони

Режа:

1. Австралия Иттифоқининг жойлашган ўрни, табиий шароити ва ресурсларига географик нуқтаи назардан баҳо бериш.
2. Давлат тузуми ва тарихи, аҳолиси. Аҳолисининг жойлашиши, урбанизацияси
3. Хўжалигининг умумий таърифи: Қишлоқ хўжалиги, Саноати ва транспорти.
8. Океания давлатлари ва унинг таркиби. ва умумий географияси.

Австралия иттифоқи Жанубий ярим шарида, 10⁰ 41 , ва 39⁰ 11 жанубий кенгликлар оралиғида жойлашган.

Шимолдан Жанубга-3200 км, Ғарбдан Шарққа - 4100 км масофага чўзилган. Майдони 7,7 млн.кв.км. Жанубий тропик чизиғи Австралияни деярли қоқ ўртасидан кесиб ўтган. Материкнинг Ғарб ва Жанубдан Хинд океани, шарқ ва шимолдан Тинч океани қирғоқларини юшиб туради.

Қирғоқлари унчалик эгри-бугри эмас, Шимолдан Карпентария, Жанубда Катта Австралия қўлтиқлари, Кейп-Йорк ва Арнемленд ярим ороллари бор. Тасмания ороли Австралиядан 224 км ли Басс Бўғози орқали ажратиб туради.

Австралиянинг шимолий-шарқий, соҳили бўйлаб 2300 км масофага чўзилган, дунёдаги энг катта маржон оролларларидан - Катта тўсиқридан чўзилиб ётади. Австралия сатҳи асосан текисликлардан иборат, баланд тоғ массивлари йўқ. Ер юзасининг 93% га яқин қисми 400-500 метрдан баланд кўтарилмайди.

Мамлакат шарқида Тасмания оролида давом этган умумий узунлиги 3300 км бўлган Катта Сувайирғич тизмаси жойлашган.

Австралиянинг энг баланд нуқтаси Косцюшко тоғи 2228 метрдир.

Австралиянинг ҳозирги рельефи асосан кеибрийгача бўлган даврда вужудга келган. Ер усти тузилиши Африка рельефига ўхшаш анча оддийроқ. Унинг заминида қадимги кристал жинслардан таркиб топган Австралия платформаси ётади.

Унинг шарқий қисми эса жуда емирилиб кетган. Австралия платформаси олтин ва полиметалларга, темир рудаси ва бокситга бой. Флиндерс тизмасида уран ва радий рудалари учрайди. Энг йирик тош кўмир ҳавзаси Янги Жанубий Уэлсда жойлашган. Сўнгги йилларда Катта Артезан ҳавзасида, Виктория соҳилларида нефт ва газ конлари топилди.

Австралиянинг шимолий қисми экваториал муссон, ўрта катта қисми тропик ва субтропик ва қисман мўътадил минтақаларга киради.

Австралия жанубий ярим шаридаги энг иссиқ қуруқлик, унинг 2/3 қисмини чўл ва чала чўллар ташкил этади.

Материкнинг 60% майдони оқмас ички берк ҳавзага, 7% -Тинч океан ва 33% Хинд океани ҳавзасига қарайди. Қитъанинг ички қисмлари учун вақтли, қуриб қоладиган дарёлар характерли. Улар **крик**лар деб аталади. Бу дарёлар суви ахён-ахёнда ёғадиган ёмғирлардан кейин пайдо бўлади ва тез орада яна қуриб қолади.

Энг йирик дарёси Муррей ирмоғи Дарлинг билан бирга узунлиги 3490 км бўлиб, улар катта Сувайирғич тизмасидан бошланади.

Иқлими ўзига хос хусусиятга эга. Бу қитъада ёз-декабр, январ, феврал ойларига, киш эса-июнь, июль, август ойларига тўғри келади. Йил 2 қисмга бўлинади:

1. Қуруқ-киш ва баҳор: 2. Нам- ёз ва кузга тўғри келади:

Австралия ўзининг такрорланмас органик дунёси билан бошқа қитъалардан ажралиб туради. Бу қитъани “табиат яратган жуда катта қўриқхона” деса ҳам бўлаверади. Австралия ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига унча бой эмас, лекин ўзига ҳослиги, бошқа қитъаларда такрорланмаслиги ҳамда эндемиклиги билан фарқ қилади. Бунда сабаб, Австралия ва унга яқин жойлашган ороллар бошқа қитъалардан энг қадимги пайтда ажралиб қолганлигидадир.

Шунинг учун ўсимликларининг 75 % эндемик ҳисобланади. Чўлларда бўз ва жигарранг бўз тусли тупроқлар, асосан эвкалипт ва акация буталаридан иборат. Материкнинг шимолий-шарқий қисми доимий яшил тропик ўрмонлар билан жануби-шарқий қисми эса эвкалиптили ўрмонлар билан қопланган. Ўрмонлар ҳозирда жуда оз, ҳудуднинг атига 5% ини ташкил этади холос. Материкда мезазой ва учламчи давр ҳайвонот оламининг вакиллари ҳозиргача сақланиб қолган. Масалан; тухум қўювчи эмизувчилардан ехидна ва ўрдак бурун, сут эмизувчилардан кенгуру, айиқлар (халтали). Австралия учун типик қушлар қакаду тўтиси, эму туя қуши, катта оёқли товуслар, жаннат қуши, товус дум ва бошқалар.

Давлат тузилиши - федерал парламентар давлат. Ижро этувчи ҳокимият - Британия монархи, генерал-губернатор, премьер-министр. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали федерал парламент (Сенат, Депутатлар палатаси).

Федерал 6 штатдан иборат. Ж.Австралия, Ғ.Австралия, Янги Жанубий Уэлс, Виктория, Квинсленд, Тасмания ҳамда Шимолий ҳудудлар ва Австралия пойтахти федерал ҳудуди. Сиёсий партиялари – Австралия миллий партияси, Австралия Леберал Партияси, Австралия Лейбористик партияси, Австралия Демократик партияси.

Мамлакатлар тарихи: Австралия аборигенларнинг аجدодлари бу қитъага 40000 йил муқаддам кўчиб келганлар. Австралия ҳудудида европаликлар келгунига қадар чорвачилик, деҳқончилик ва темир нималигини билмаган абориген қабилалари истиқомат қилишарди. Уларнинг асосий машғулоти термачилик ва овдан иборат эди. ХВИИИ аср охирида мамлакат ҳудудида 300000 аборигенлар яшаган.

1606 йили Голландиялик денгизчи В. Янсзон европаликлардан биринчи бўлиб Австралия қирғоқларига етиб келган. 1643 йилда яна бир голланд денгизчиси А.Тасман мамлакатнинг шимолий қирғоқлари ва Тасман оролини ўрганиб чиқди. 1770 йилда инглиз капитани Ж.Кук Австралиянинг шарқий қирғоқларига келиб тушди ва қитъани

Буюк Британия мулки деб эълон қилди. ХВИИИ аср охирида Австралияда 1-инглиз манзилгоҳи - Сидней шаҳрига асос солинди.

1901 йил 1 январида Англиядан доминион қеини олган Австралия Иттифоқи ташкил топди.

1931 йилда Австралия Вест-минстер статутига кўра ташқи ва ички сиёсатда тўла тўсқинликни қўлга киритди. Австралия ИИ жаҳон урушида антигитлерчилар иттифоқи тарафида туриб жанг қилди. 1967 йилда барча аборигенларга фуқаролик ҳуқуқларни берилди. Австралия миллий партияси, Австралия лейбористик партияси, Австралия либерал партияси, Австралия Демократик партияси.

Австралия аҳолиси 19,4 млн. (2001 йил). Кишидан кўпроқ бўлиб, улар жуда нотекис жойлашган. Аҳолини аксарият қисми табиий шароити яшаш учун қулай бўлган шарқий, жанубий-шарқий ва қисман жануби-ғарбий чеккаларда яшайди.

ИИ жаҳон уришдан кейин Британ миллатига мансуб иммигрантларга-Италияликлар, Греklar ва Голландлар умумий аҳоли таркибида сезиларли даражада ўсди. 1980 йилда бу кўрсаткич 1000 - 8 га тўғри келди. Аҳолининг 20% табиий кўпайиш ва 70 % ишчи кучининг ўсиши иммигрантлар ҳисобига тўғри келади.

Аҳолининг зичлиги - 1 кв.км – 6 -7 киши тўғри келади. Ерли ёки аборигенлар атига 250-300 минг кишини ташкил этади. Аҳолининг 4/5 қисми йирик шаҳарлари: Сидней - 3 млн киши, Мелбурн - 3 млн, Канберра - 250 минг аҳоли яшайди. Саноатда аҳолининг 50% банд. Ишсизлар 7% ёки 404 минг ишсиз бор.

Австралия асосий иқтисодий кўрсаткичлари бўйича 10 та йирик давлатлар қаторига қиради. Миллий бойликнинг 50% саноат беради, шундан 10% қишлоқ хўжаликка, 40% савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларига тўғри келади.

Ўнлаб йирик монополиялар фаолияти катта бўлиб, чет эл компаниялар билан доимий алоқада. Бу компаниялар ҳиссаси 1970 - йилдан анча ўсди. *Савдо ҳамкорлари* - Хитой, Япония, Миср, Индонезия, МДХ мамлакатлари.

Австралияда қишлоқ хўжалик ривожланган. 4 давлат экспорт тушумини 40% ини беради. Ишланадиган ерларни 4/5 қисми хусусий фермерлар - скваттерлар қўлида бўлиб, улар 4 дан 4000 гача этади. Бу фермерлар регионларда ўзоро келишган ҳолда бирлашиб, катта катта қишлоқ хўжалик компанияларга бирлашганлар.

Австралия ерлари ўзини характери хусусиятига эга бўлиб, 90 % мол боқиш учун яйловлар ва 10 % қишлоқ хўжалик маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлатилади.

Чорвачилик Австралия қишлоқ хўжалигининг асосини ташкил этиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 65 % ташкил этади. Қўйчилик жун тайёрлаш ва уни экспорт қилиш ва Австралия дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Қишлоқ хўжалигида қорамол муҳим ўрин тутди. Гўшт учун боқиладиган қора моллар худуднинг шимолий ва тропик зоналарида, сут ишлаб чиқариш мўлжалланган қора моллар эса ширқий зоналарида боқилади. Ўрта ҳисобда йилига 25 млн. Қора мол, 2,5 млн чўчка, 140 минг қўй боқилади. Хар йили 2,5 млн. Тонна гўшт, 0,8 млн. Тонна жун, 0,2 млн. Тонна ёғ, 0,15 млн. Тонна пишлок етиштирилади.

Ердан олинадиган даромад қишлоқ хўжалигидан олинадиган жами даромаднинг 1/3 қисмини ташкил этади. жами экиладиган майдонни асосини буғдойзорлар ташкил этади. Улранинг умумий майдони 12 млн гектар га тенг. Демак, экиладиган майдонни 3/4 қисми буғдойга тўғри келади. Буғдойзорлар материкнинг жануби - шарқидан яъни Бресбендан Спенсер қирғоқларигача, ҳамда ўз ичига қамраб олади. Ўрта ҳисобда етиштириладиган буғдойни 60 – 80 % (16,5 млн тонна) экспорт қилинади. Субэкваториал ва тропик минтакаларда ананас, банан, шакарқамиш етиштирилади.

Муррей ва Маррамбижи дарё ўрталарида узум, олма, банан, ананас, манго етиштирилади. Тахминан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кишининг 1/4 қисмини ва қандни кўп қисмини экспорт қилинади.

Австралия дунёда қўрғошин ва оқланган рух металлари ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ хўжалигида қўйчилик бўйича жун қирқиб олиш ва бугдой ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринларни эгаллаб туради.

Майдонда 4 та асосий молиявий гуруҳ мавжуд:

1. *Мельбурн гуруҳи* – барча қора металлургияни ўз таркибида бирлаштирган, шахсий фаолиятига эгв ва шарқий Австралиянинг нефт ва рудаларини ўзлаштираётган “Брокен – Хилл Пропретй” компанияси ҳисобланади.

2. *Сидней гуруҳи* – Австралия, Янги Зеландия ва Фиджи давлатларида қанд ишлаб чиқариш ва савдо бўйича фаолият олиб боровчи “Жанубий Уэлс Янги Банки” ва “Компаниэл Шугар Рифайни Компанй” компаниялари қиради.

3. *Бу гуруҳга* - тоғ металлургия ва рангли металлургиянинг ўз таркибида бирлаштирган “Коллинс Хаус” компанияси ҳисобланади.

4. *Бунга Аделоид гуруҳи* қиради. Бу гуруҳ барча қишлоқ хўжалик монополияларини ўз ичига олади.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Австралия дунёда 8 – 9 ўринни эгаллайди. Саноатининг асосий ва етакчи тармоқлари тоғ – кон, кимё, электротехника, металлургия ва автомобилсозликдир.

Тоғ – кон ишлаб чиқариш саноатида маҳсулотни 1/3 қисмини кўмир қазиб чиқариш эгаллайди. 1990 йилда 130 млн. тонна қазиб олинди. Темир рудалари қазиб олиш ва унинг захиралари бўйича мамлакат олдинги ўринларида туради. Захираси 20 млрд. тоннани ташкил этади. Ҳар йили 7 – 8 млрд. тонна темир қазиб олинади. Австралия ўзининг қора металлургиясига зарур темир рудасидан ортган қисмини яқин 50 %ини экспорт қилади.

Мамлакат боксит захираларига ҳам жуда бой. Унинг захиралари 3 – 5 млрд. тоннани ташкил этади. Бунинг 2 млрд. тоннаси Кейп – Йорк ярим оролларидаги конларга тўғри келади. Шу ўринда ҳар йили Симут – 6.5 млн. тонна, алюминий – 237 млн. тонна, никел – 85 минг тонна қазиб олинади. Рангли металллардан мис, қалай, волфрам, олтин қазиб олинади. Олтинг ҳозирги кунда материкнинг ғарбий қисмидан қазиб олинади. Ўрта ҳисобда йилига 25 – 30 тонна қазиб олинади.

Кейинги вақтларда тез суръатларда ўсиб борётган машинасозлик тармоқлар ичида транспорт ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги алоҳида ажрилиб туради. Қишлоқ хўжалиги машиналари асосан Мельбурн, Сидней, Аделиадада ривожланган. Автомобилсозлик анча ривожланган. Ҳар йили Сиднейда, Жилонг ва Перт шаҳарларида 0.4 млн. дона машиналар ишлаб чиқарилади. Мамлакатнинг порт шаҳарлари – Мелбурн, Брисбен, Ньюкаслда оғир машинасозлик саноатининг саноат асбоблари, станоклари ва локомотивлар ишлаб чиқариш корхоналари жойлашган. Сидней, Брисбен ва Перт порт шаҳарларида юк кемалари ясаладиган йирик заводлар жойлашган.

Химия саноати ҳам анча ривожланган.

Мелбурнда – кислоталар, минерал ўғитлар, гербицидлар, пластмасса, синтетик толалар ишлаб чиқарилса, Сиднейда эса АҚШ компаниялари “Ессон - Стандарт” ва “Мобил - Петрокомикел” компаниялари нефт кимёни бошқарадилар.

Озиқ - Овқат саноати материкни эҳтиёжини қондириб келмокда. Булар – гўшт, сабзавотлар, мева ва консерва, ун ҳамда зираворлардир. Озиқ – Овқат корхоналари – Брисбен, Сидней, Мельбурн, Гладстон ва Гаусвилда жойлашган.

Австралия Иттифоқининг транспорт тизими ўзига ҳос хусусиятларга эга. Йўловчи ташиши ва юк ташиши асосан мамлакат ичкарисида темир йўл ва автомобил транспорти орқали амалга оширилади.

Темир йўлларининг умумий узунлиги 4000 км. Темир йўллари мамлакатнинг жанубий-шарқий, шарқий ва жануби-ғарбий шаҳарларини бир-бири билан боғлаб туради. Аксинча, шимолий ва марказий қисмида темир йўл умуман йўқ. Автомобил йўналишларининг умумий узунлиги 900 минг км. дан узун. Юк ва йўловчиларнинг 75% автомобил

транспортига тўғри келади. Юк ва йўловчи ташишда денгиз транспортининг солмоғи катта. Бу ишларни Америка ва Англия флоти кемалари бажаради. Австралиянинг асисй юк портлари. Ньюкасл, Фримонтл, порт-Кембл, Сидней, Мелбурн, Хобарт.

Австралия Иттифокида давлатлараро алоқалар асосан хаво йўллари транспорти орқали амалга оширилади. Бу ишни Австралиядаги энг йирик “Анкет АустраИиан Аирваис” кампанияси амалга оширади. Бу Билан биргаликда Коунтас, Истуэц, ва Санстейн Аиорваис кампаниялари ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Иқтисодий районлари:

Австралия Иттифоки **6 та** иқтисодий районга ажралади.

1. Жануби-Шарқий – Бу районга Виктория, Ж. Уэлс ва Ж. Австралия киради. Австралияни асосий иқтисодий райони, аҳолининг асосий қисми, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш шу районларга тўғри келади.

Йирик шаҳарлари: Сидней (3 млн. киши)-саноатининг 1- марказий шаҳри Мелбурн (2.6 млн. киши)-2-шаҳри, Аделиали (1 млн киши), мамлакат пойтахти Канберра (8 минг киши)-саноат ва илму –фан, маданият маркази.

2. Шимолий-шарқий район – Квисленд итатида жойлашган. Маркази-Брисбен (1 млн киши). Индустириал аграр район.

3. Тасмания ороли - Тасмания оролида жойлашган. Гидро энергетика, рангли металлургия, ёғочни қайта ишлаш ривожланган. Қишлоқ хўжалиги умуман ривожланмаган.

4. Жануби-Ғарбий район – Ғарбий Австралияда штатида жойлашган. Саноатини қайта ишлаш ва қазиб олиш ривожланган. Маркази Перт (9 минг киши) шаҳри ҳисобланади.

5. Шимолий район - материкнинг шимолида жойлашган. Маркази Дарвен (Ч.Дарвен “Бигль” кемасида келган жой) . аҳоли сийрак, Екстенсив гўшт чорвачилиги ривожланган.

6. Марказий район – материк марказий қисмини эгаллагани учун чўлдан иборат. Бу ерда олтин кон қидирувчилар ва кўчманчи чорва хўжаликлари яшайди.

Австралия йирик ташқи савдога эга. ИИ жаҳон уришидан кейин ташқи алоқалари анча кенгайди.

Экспорти - минерал хом ошё, ёқилғи, ярим фабрикатлар, қишлоқ хўжалиги моллари ва бошқалар.

Импорти - машиналар, асбоб ускуналар, тайёр буюмлар ...

Австралия экспортини ташиш Буюк Британияга тўғри келган бўлса, кейинчалик Япония биринчи ўринни эгаллаб олди. Импортида АҚШ, Англия, Япония ва бошқалар муҳим ўрин тутадилар.

Тинч океанинг марказий ва жануби-ғарбий қисмларидаги ороллар океания деб аталади. Океания таркибига майдони 1.3 млн. кв. км. бўлган 7 мингдан ортиқ ороллар киради. Йирик ороллари Океаниянинг жануби-ғарбий қисмида, майда ороллари эса бутун очик Океан юзида тарқалган.

Океания мамлакатларининг умумий ҳусусиятлари.

№	Ороллар номи	Майдони (км ²)	Аҳолиси (киши)	Мустақил бўлган йили	Пойтахти
1	Янги Зеландия	268680	3900000	1931	Веллингтон
2	Папуа-Янги Гвения	462840	5 млн.	1975	Порт-Морсби
Меланезия					
1	Вануату	14800	200 минг	1980	Порт-Вила
2	Соломон	28370	500 минг	1978	Хониара
3	Тонга	748	100 минг	1970	Нукуалофа
4	Фижи	18333	800 минг	1970	Сува
Микронезия					
1	Кирибати	717	100 минг	1979	Байрики
2	Тувалу	25.9	10 минг	1979	Фунафуту
Полинезия					

Савдо ҳамкорлари: ЕҲ мамлакатлари, Япония, Австралия, АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги - 4716 км, автомобил йўллари-92648 км (49547 км қаттиқ қопламли), ички сув йўллари - 1609 км.

Асосий портлари: Веллингтон, Окленд.

Ғ а р б и й С а м о а -

майдони-2831 км²

аҳолиси-200360 киши

пойтахти - Апия

тили - Самоа ва Инглиз

Самоа архипелагининг ғарбий қисмидаги оролларда жойлашган. Океаниянинг жануби-шарқидаги давлат.

Давлат тузуми - конституцион монархия. Маъмурий жиҳатдан 11 та округга бўлинган. 1962 йил мустақилликка эришган. Давлат бошлиғи 5 йилга парламент премьер-министр бошчилигидаги ҳокимиятга тегишли.

Иқтисодини асосини қишлоқ хўжалиғи ташкил этади.

Саноати кичик корхоналар ва қишлоқ хўжалиқ (қ.х) маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан чекланган. Туризм - мамлакат иқтисодини муҳим тармоғига айланиб бормоқда. Асосан савдо ҳамкорлари: Я.Зеландия, Австралия, Германия.

Темир йўл йўқ. Автомобил йўллари узунлиги-2242 км.

Портлари: Апия, Асоу.

Т о н г а -

майдони - 748 км²

Аҳолиси - 1 млн. киши

Пойтахти - Нукуалофа

Тили - Тонга ва Инглиз

Тинч океанини жануби-ғарбий қисмидаги давлат. 150 дан ортиқ оролларда жойлашган. Соҳилларининг узунлиги -419 км.

Давлат тузуми - конституцион монархия. Мустақилликка 1970 йил 4 июнда эришди. Давлат бошлиғи - Монархия. Ижро этувчи орган - Бош Вазир. Қонун чиқарувчи орган - Қонун чиқарувчи Ассамблея.

Партиялари - Инсон ҳуқуқлари учун ҳаракат, Ҳалқ партияси.

Иқтисодиётни асосий тармоғи – қишлоқ хўлиғи. (ЯММ нинг 50%). Кокос ёнғоғи, банан, ванил доналари умумий экспорт ҳажмини 2/3 қисмини ташкил этади. Балиқчилик ривожланган, озиқ-овқат маҳсулотлари Янги Зеландиядан импорт қилинади. Саноати соҳаси ЯММ нинг 11 % ини ташкил этади.

Асосий савдо шериклари: Я.Зеландия, Австралия, АҚШ, Япония.

Аатомобил йўллариининг умумий узунлиги-198 км.

Асосий порт - Нукуалофа.

Н а у р у -

майдони-21 км²

Аҳолиси- 100000 киши

Пойтахти - Янгор

Тили-Науру, Инглиз

Тинч океанинг жануби-ғарбий қисмидаги Науру оролида жойлашган Океания давлати хисобланади. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги 30 км . Асосий табиий ресурси-фосфорит.

Давлат тузуми- республика. 1968 йил 31 январ мустақилликка эришган. Олдинги номи - Ёқимли орол. Давлат ва ҳукумат бошлиғи президенти.

Мамлакат иқтисодини фосфаритлар қазиб олиш ва уни экспорт қилиш ташкил этади. 1993 йил ЯММ 10 млн. (аҳоли жон бошига)ни ташкил этган. Мамлакат ҳамма озиқ-оақатни чучук сувни ҳам четдан келтиради.

Асосий савдо ҳамкорлари: Австралия, Янги Зеландия, Буюк Британия.

Темир йўл йўқ. Автомобил йўлларининг узунлиги-27 км, Порт-Науру.

Ф и д ж и -

майдони-18333 км²

Аҳолиси-800000 киши

Пойтахти - Сува

Тили- Инглиз

Тинч океанини жанубий қисмида Фиджи оролларида жойлашган. (844 та орол) давлат. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги-1129 км. Табiiй бойликлари-балиқ, олтин, мис. Худуднинг 8% ҳайдаладиган ерлар, 65% ўрмон ва тўқайларни ташкил этади. Оролларга олиб келинган ҳайвонлардан мангусталар кенг тарқалган.

Давлат тузулиши -республика. Мустақиллик 1970 йил 10 октябрда эришди. Ижро этувчи ҳокимят Призидент ва Бош Вазир бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимят 2 палатали парламент томонидан амалга оширилади.

Иқтисодини асосий тарамоғи - қишлоқ хўжалиги (ЯММ нинг 23%).

Экспорти - шакар ва копра(кокос мағзи).

Имporti - ишлаб чиқарадиган-қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа қайта ишлаш.

Савдо ҳамкорлари: Австралия, Я. Зеландия, Япония, ЕҲ давлатлари.

Адабиётлар руйхати

1. Абирқулов Қ. Иқтисодий география. Тошкент, 2004.
2. Ломакин В.К. Мировая экономика. М., ЮНИТИ-ДАНА, 2003.
3. Максаковский В.П. Географическая картина мира. 1.2-часть. М., 2002

4. Солиев А. Иқтисодий ва ижтимоий география асослари. Т., 2005
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари. Т., “Ўзбекистон”. 2009
6. Липец Ю. Г. Пуляркин В. А., Шлихтер С. Б. География мирового хозяйства. Москва. 1999.
7. Социально-экономическая география зарубежного мира. Под ред. В.В.Вольского. Москва 2003.
8. Болтаев М. Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси. Т., 2003.
9. Экономическая и социальная география стран ближнего зарубежья. Под ред. М.Ратановой. – М., 2004.
10. Экономическая, социальная и политическая география: мир, регионы, страны. Под. Ред. И.А.Родионовой. М.:Экон.-Информ., 2008.
11. Жаҳон малакатлари. Қисқача маълумотнома. Ш. Эргашев таҳрири остида. Тошкент-2006.